

84(57)3
0-21

МУҲАММАД РИЗО
ОГАҲИЙ



ИШҚ
АҲЛИНИНГ
ТУМОРИ



FF0000013010

84.(543)
0-21

И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

МУҲАММАД РИЗО ОГАҲИЙ

ИШҚ АҲЛИНИНГ ТУМОРИ


Танланган асарлар

4
Филфак



357

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ МЕРОСИ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1999



Огаҳий М. Р.

Ишқ аҳлининг тумори: Танланган асарлар//
Сўз боши муаллифи ва масъул муҳаррир: А. Аб-
дугафуров/. — Т.: А. Қодирий номидаги халқ ме-
роси нашр., 1999. — 320 б.

Сарл олдида: Ўзбекистон Республикаси ФА
Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт инсти-
тути.

Таҳрир ҳайъати:

А. Абдугафуров, Т. Мирзаев, Б. Назаров, А. Ҳайитметов,
С. Ҳасанов, И. Ҳаққулов.

Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли — Огаҳий XIX аср Хо-
разм адабий муҳитининг йирик сиймоларидан бири бўлиб,
ўзбек адабиётига Навоийдан кейин «кўп ва хўб» ҳисса
қўнган шоир, тарихнавис ва таржимондир. Шоирнинг бар-
ча асарлари аллақачон ўзбек китобхонларининг қалбидан
муносиб ўрин олган. Ушбу китобга шоирнинг «Таъвиз
ул-ошиқин», девонидан танлаб олинган сара ғазаллари,
«Зубдат ул-ҳикоёт», «Шоҳид ул-иқбол» тарихий асарла-
ридап ва Восифийнинг Огаҳий таржимасидаги «Бадоеъ
ул-вақоеъ» асаридап олинган парчалардан тартиб берилган.
Китоб алломанинг 190 йиллик таваллуд санасига бағиш-
ланган бўлиб, ундаги асарлар тарихий меросимизда тутган
ўрни билан қимматлидир.

Китоб кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Ўз1

Сўз боши муаллифи ва масъул муҳаррир — А. Абдугафуров,
филология фанлари доктори, профессор.

Нашрга тайёрловчилар — Ш. Шарафиддинов (Хуршид),
Ф. Ганихўжаев, Ҳ. Мухторова, Қ. Муниров.

И 4702620102—195 — 99
М 361(04)—99

ISBN 5 86484-056 4

© Абдулла Қодирий номидаги
халқ мероси нашриёти, 1999 йил.

ОГАҲЛАР ОГАҲИ

Огаҳий таҳаллуси билан қалам тебратган Муҳаммад Ризо Мироб Эрнийезбек ўғли кўп асрлик адабиётимиз ва бой маданиятимизнинг энг ёрқин намояндаларидан биридир. Чин маънода қомусий билим ва ноёб истеъдод намойиш этган Муҳаммад Ризо улуғ Алишер Навоий анъаналарини давом эттириб, Шарқ шеърятининг амалиётдаги барча шакл-турларида баракали ижод қилган соҳиби девон шоир, Саъдий, Низомий, Ҳилолий, Жомий каби йирик форсийзабон ижодкорларнинг йигирмага яқин насрий ва назмий асарларини она тилимизга маҳорат билан ўгирган буюк таржимон ҳамда «Риёз уд-давла», «Зубдат ут-таворих», «Жомеъ ул-воқеот», «Гулшани давлат» ва «Шоҳид ул-иқбол» номли беш улкан тарихий асар яратган олим сифатида миллий адабиёт ва ижтимоий онг тараққиётида фахрли ўрин эгаллайди. Огаҳий узоқ йиллар давомида Хоразм адабий, маданий ва илмий ҳаётининг марказида бўлди, ўз асарлари ва амалий-ижтимоий фаолияти билан замондош ижодкорлар ва фазлу ҳунар аҳлига катта таъсир кўрсатди.

Муҳаммад Ризо ҳижрий 1224—милодий 1809 йилда Хива яқинидаги Қиёт қишлоғида маърифатли ва бадавлат оилада дунёга келди. Узининг фахр билан гувоҳлик беришича, унинг ота-боболари узоқ йиллар давомида хонликда мироблик мансабини эгаллаб келганлар. Хусусан, Хоразм шароитида мироблик давлат аҳамиятига эга бўлган жуда нуфузли ва айни замонда, масъулиятли вазифа бўлган.

Ўқимишли оила Муҳаммад Ризо тарбиясига жиддий эътибор беради. Унинг ўзида ҳам ўқишга интилиш, илм ва ҳунар эгаллашга рағбат жуда кучли бўлган. Айниқса, адабиёт ва тарихга қизиқиш, шеърят бўйича баҳс-йиғинларга ҳавас ёшлигиданоқ уни олиму шоирлар даврасига тортар эди. Ўз эътирофича:

Қадам айлабон илм йўлида бош,
Хунар касбида айлар эрдим талош.

Не тунлар менга хоби роҳат эди,
Не кунлар замони фароғат эди.

Мақтаб ва мадрасадаги таҳсил йилларида у ўтмиш бой адабиётимиз билан чуқур танишади, шеърятга ихлос қўяди, ўзи ҳам қалам тебрата бошлайди, форс тилни мукамал эгаллаб, форсийзабон ижодкорлар меросларини ҳам мутолаа қилади. Аммо, ёш Муҳаммад Ризонинг отаси вафотидан кейин бўлажак шоир ҳаётида машаққатли кунлар бошланади, тирикчилик ташвишлари, оила тебратиш мажбурияти уни ҳам руҳий, ҳам моддий қийинчиликлар билан юзма-юз туқнаштиради. Огаҳий кейинчалик ўша оғир йилларни эслаб, фиғон-нола уфуриб турган мана бу мисраларни битади:

Кичикликдин тушуб бошимга кулфат,
Замоне бўлмадим берамжу меҳнат.

Қолуб ёлғуз туман андуҳ ичида,
Миҳандин лашкари анбуҳ ичида.

На ишким, бўлса муҳлик тамга боис,
Фалак қилди менинг шаънимда ҳодис.

Кўпгулда юз тутуб юз навъ қайғу,
Бўлуб кўзга ёруғ олам қоронғу.

Туман мипг тамга топдим мубталолиг,
Фароғу айшу роҳатдин жудолиг...

Ана шундай оғир кунларда ёш Муҳаммад Ризога амакисн Шермуҳаммад Мунис ёрдам қўлини чўзади, унга оталик ва устозлик қилади, моддий ва маънавий ёрдамни аямайди. Бу йилларда Шермуҳаммад хонликда шуҳрат қозонган шоир, тан олинган тарихчи олим ва айни замонда, обрўлик давлат арбоби — бош мироб эди. Муҳаммад Ризонинг, хусусан, истеъдодли шоир ва йирик тарихчи олим бўлиб камол топишида Муниснинг хизматлари чиндан ҳам катта бўлди. Мунис ўз хонадониди ва бошқа давраларда замонасининг йирик қа-

лам аҳли ва фозиллари иштирокида мунтазам ўтказиладиган шеърят йиғинларига, илму фан бўйича суҳбат-баҳсларига Муҳаммад Ризони ҳам фаол қатнаштириб, давр адабий ва илмий ҳаётига тортади, ундаги туғма қобилиятнинг тўла намоён бўлишига унумдор шароит яратади.

Туғма қобилият ва ана шундай шароит, тивимсиз мутолаа ва тиришқоқлик, шунингдек, Муниснинг устодлик сабоқ-кўмаклари Муҳаммад Ризонинг тез орада давр қалам аҳли қаторидан кўринарли ўрин олишига, Огаҳий тахаллусида истеъдодли ижодкор сифатида шуҳрати орта боришига олиб келди.

Муҳаммад Ризо Мунис вафотидан кейин унинг ўрнида бош мироблик вазифасида қарийб ўттиз йил ишлайди. Огаҳийнинг саройга тортилиши, давлат ишларига жалб этилиши хонликда жуда муҳим бўлган мироблик мансабига тайинланиши унинг шахсий ҳаётида ҳам, ва таъкидлаш лозимки, ижтимоий-ижодий фаолиятида ҳам муҳим бурилиш бўлди. У қомусий билими, куч-ғайрати, ҳалол меҳнати ва юксак инсоний фазилатлари билан сарой доирасида ҳам катта обрў қозонди, эндиликда у ниҳоятда фаоллашди, шоирлар, уламою фозиллар йиғинларининг нуфузли намояндаларидан бирига айланди.

Огаҳий ўз вазифаси тақозосига кўра бутун хонлиkning иқтисодий-сиёсий ҳолати, жамиятнинг турли табақаси ҳаёти билан яхши таниш бўлган. Айтиш керакки, буларнинг ҳаммаси унинг ижодий фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди, мавзу доирасининг кенгайишига, долзарб масалаларнинг халқчил руҳда талқин этишига қулайлик туғдирди.

Огаҳий ўзи ҳам истеъдодли шоир бўлган, шеърят, санъат, ҳунар аҳлига катта ҳомийлик кўрсатган Муҳаммад Раҳимхон Соний — Феруз билан қарийб ўн йил давомида яқиндан мулоқатда бўлди. Ўзаро ҳурмат ва самимиятга асосланган бу яқинлик ижодий муносабатларда ҳам ўз самарасини берди.

Хизмат билан боғлиқ сафарларнинг бирида Огаҳий отдан йиқилиб, оёғи қаттиқ шикастланади ва эллик ёшга ҳам тўлмай мироблик вазифасини тарк этишга мажбур бўлади. Табиатан тиниб-тинчимас ва ниҳоятда серғайрат бўлган Огаҳий то умрининг сўнгги йилларига қадар ижодий-илмий ишдан тўхтамаган, ўзи учун етакчи бўлган бадий ижод — тарихнавислик ва таржима

соҳаларида жадал ва баракали қалам тебратган. У ҳижрий 1291—милодий 1874 йил декабрида олтмиш беш ёшида вафот этади ва ўзи туғилган Қиёт қишлоғига дафн этилади.

* * *

Муҳаммад Ризонинг шеърят сирларини мукаммал эгаллаб йирик ижодкор сифатида камол топишида, асарларининг бадий етук ва ғоявий халқчил руҳ эгаллашида улуғ Алишер Навоийнинг таъсири, айниқса, самарали бўлди. Бу ҳақиқатни Огаҳийнинг ўзи самият билан, ва айтиш жоизки, адолат юзасидан қуйидаги мардона мисраларда махсус қайд этишни бурч деб билган:

Огаҳий, ким топқай эрди сози назмингдин наво,
Баҳра гар йўқтур Навоийнинг навосидин санга?!

Навоёна мисралар битишга интилиш Огаҳийнинг улуғ шоир шеърятига татаббуъ-назираларида, айниқса, ғазалларига боғланган тахмисларида жуда яққол кўринади. Огаҳий адабиётимиз тарихида Навоий ғазалларига энг кўп (ўттизтадан ортиқ) тахмис боғланган ижодкорлардан биридир. Хуллас, улуғ Навоий ва ўтмиш бой адабиётимизнинг бошқа йирик вакиллари, шунингдек, ота ўрнида тарбия қилган ўша давр ижодкорларининг пешқадами Муниснинг шеърятдан сабоқлари Огаҳий туғма истеъдодининг бутун қирралари билан ёрқин намоён бўлишида муҳим омиллардан бири бўлди — у замонасининг тан олинган энг йирик ва маҳсулдор ижодкори бўлиб етишди.

Огаҳий вафотидан бир-икки йил олдин ўз шеърый асарларини «Таъвиз ул-ошиқин» — «Ошиқлар тумори» деб номланган девонига жамлайди. Шоир девони, алоҳида таъкидлаш лозимки, ўз таркибига кўра адабиётимиз тарихида тартиб берилган девонларнинг энг мукаммалларидан биридир. Унда кўп асрлик миллий шеърятимизда ишланган ғазал, рубой, мухаммас, маснавий, туюқ, қасида, чистон, қитъа каби барча шеърый турларнинг етук намуналарини учратамиз.

Шоир ғазалчиликда, хусусан, улуғ Навоий анъаналарини давом эттириб, ижодий юксакликка кўтарилди: Огаҳий тахаллуси билан муҳрланган бир-бирдан

гўзал, бири-биридан дилбар неча юзлаб ғазаллар шеърятимиз ривожига жиддий улуш бўлиб қўшилди.

Инсоний ишқ-муҳаббат мавзун Огаҳий ғазалиётининг етакчи мундарижасидир. Шу боис шоир томонидан девонида битилган ҳар бир ғазалнинг ишқ чаманзорянинг шўх оҳуларига қиёсланиши бежиз эмас:

Ишқ хуррам мургзорининг ғазоли шўхидур,
Хар ғазалким, Огаҳий, сабт улди девоним аро.

Шоирнинг ғазалларида худди ўтмиш шеърятимизда бўлганидек, инсоний муносабатлар, ишқ-муҳаббат, севги-садоқат, висол лаззатлари ва ҳижрон азоб-уқубатлари каби ҳаётий муаммолар бадий таҳлил этилади. Аммо, таъкидлаш лозимки, ана шу анъанавий мавзу янгича, таъбир жоиз бўлса, огаҳона назар ва ёндашув билан, огаҳона баҳо-мезон билан ранго-ранг жило ва товланишларда қаламга олинади. Анъанавий мавзу бўлган ишқ-муҳаббатнинг барча ошкор-пинҳон қирралари — шукроналик ва надомат, умид ва тушкунлик, рашк ва араз, илинж ва илтижо, ҳаё ва ибо, энтикиш ва талпиниш каби ранг-баранг ички кечинмалар, турли-туман руҳий ҳолатлар, нозик ҳис-туйғулар шеърый мисралар қанотида ўқувчилар қалбига кўчади.

Огаҳий ғазалларининг деярли барчасида ниҳоятда гўзал, ҳусну латофатда баркамол аёл ва унга чин севги изҳор этувчи, ўз муҳаббати йўлида ҳар қандай қийинчиликларга бардошли ошиқ сиймолари туради. Шоир маъшуқанинг мафтункор ташқи қиёфасини, ёқимли нозу истиғносини ва дил ўртовчи ишва-карашмаларини ўта муболаға ҳамда нозик ташбиҳлар қўллаб таъсирчан бўёқларда чизади. Ошиқ эса, севгисига содиқ, ёр лутфу карамидан умид узмайди, у барча говсиновлардан ўтишга тайёр, у тинимсиз маъшуқа васлига талпинади, рашк оташида қоврилади. Шоир талқинида ошиқ ор-номусли, тўғри сўз, гўзалликка шайдо ҳалол шахс тимсоли. Аммо унинг толеи паст, қадрқиммати, ҳис-туйғулари топталган, у тортаётган азоб-уқубатлар ва тўкаётган кўз ёшларининг, чекаётган фиғону ноалаларнинг адоғи йўқ: «Ашкима канора йўқ! Оҳима шумора йўқ! Дарди дилима чора йўқ! Ман каби бахти қора йўқ!» Бундай аянчли аҳволни у тақдир норасолиги ва «бахтининг уйқуда»лиги билан, чархнинг зўравонлиги ва фалакнинг зулмпарварлиги билан изоҳ-

лайди ҳамда замона ва аҳли замон адолатсизлигидан шикоят қилади. Аммо, Огаҳийнинг барча ишқий ғазалларида бевафо маъшуқа ва рад қилинган ошиқ сиймолари тасвирланади, фақат тушкун кайфият ва нола-шикоят устунлик қилади, дейиш тўғри эмас. «Таъвиз ул-ошиқин» девонида шундай намуналар борки, уларда гўзал маъшуқа ҳам, ошиқ ҳам янги бир қиёфада намоён бўлади: маъшуқа меҳрибон, вафодор, ошиқ эса ниҳоятда бахтли, ҳаётдан, тақдирдан рози. Сон жиҳатдан кўп бўлмаган бу тур ғазалларда ҳаётсеварлик, кўтаринки руҳ, шукроналик ҳукмрон ўринга кўтарилади. Висол лавҳасини Огаҳий катта бадий маҳорат билан тасвирлайди — лирик «мен» — ошиқнинг байрамона кайфияти, руҳий қониқиш, нутқидаги қувончоҳанг ғазалхонга ҳам тўла кўчади, уни ҳам завқ-шавққа келтиради, руҳлантиради.

Мужда, эй шайдо кўнгулким, келди жононим бу кун,
Етти мақсуду муродига ҳазин жоним бу кун —

байти билан бошланувчи ғазал худди шундай намуналар жумласига киради.

Ижобийлик тасдиқи, ҳаётсеварлик ғоялари Огаҳий девонидаги баҳор, Наврўз, ийди рамазон ва қурбон ҳайити мавзуларига бағишланган шеърларида ҳам олд ўринга чиқади. Бундай намуналар шоир меросида анча-мунча. Бу гуруҳга ҳаёт, баҳор ва гўзаллик рамзи гул ҳамда булбул таърифидаги ғазал, рубоий ва маснавийларни ҳам киритиш ўринли.

Баҳор, шунингдек, Наврўз шоир талқинида, қаҳрли қиш уйқусида ётган жумла борлиққа қайта жон, янги руҳ бағишлаб «ер юзин жаннат ул-маъво»га айлантирган, бутун табиатга «ўзгача тароват» бахш этган муъжиза. «Маҳзун кўнгулларга фараҳ» етказган, «тонг насимини гулшанда бозигар (раққоса) этган», «юз гулни очиб, минг сарвни хуррам айлаган», «бўстонлар ичра оби ҳайвондек сузук сувларни ҳар тараф равон» жилдирган, «жонфизо ел эсиб борлиққа тоза — янги жон» бағишлаб, «булбулу қумрини волаю шайдо» қилган баҳор ва Наврўз Огаҳийнинг таъсирчан мисралари воситасида ўқувчиларни ўзига ром қилади, кўнглида нозик ҳис-туйғулар уйғотади.

Табиат ва ижтимоий ҳаётда баҳор ва Наврўз эгизак ва қўш-қувонч бўлганидек, Огаҳий ижодида ҳам бу

мавзулар қоришиқ ва шодиёна руҳ-кайфиятда таҳлил этилган. Наврӯз ҳам, худди баҳор фасли каби, Огаҳий талқинида, барча эл учун катта шодлик, хурсандчилик байрами. Бежиз эмаски, унинг ғазалларидан бири:

Бўл шоду хурам, эй кўнгулким, мавсуми наврӯз эрур!—

каби ёрқин байрамона кайфият, шодиёна руҳ балқиб турган мисра хитоб билан бошланади.

Наврӯз — янги йилнинг бошланиши, қутлуғ кун. Наврӯзда эзгу истаклар, яхши тилаклар орзу этиш, бутун йил давомида бахт-саодатнинг ажралмас ҳамроҳ бўлишига сидқидилдан хоҳиш билдириш пок ниятли кишиларнинг инсоний бурчи бўлган. Огаҳий тилидан ўз шаънига шундай истакларни эшитиш, чиндан ҳам, ҳар бир ғазалхоннинг дилини қувончга тўлдиради, ўз Инсоний шарафининг юксак қадрини ҳис этиш бахтини бахш этади:

Илоҳо ҳар купинг Наврӯз бўлсун!
Хамиша толеъинг феруз бўлсун!

Огаҳий меросида Наврӯз ва баҳор таърифлари бири-бирини тўлдиради, бири-бирининг мантиқий давомидек ўқилади.

Маълумки, Наврӯз, баҳор, гул мавсуми фазлу фазилатлари адабиётимизда қадим-қадимдан бадий талқин этилган мавзулар жумласига киради. Огаҳий шу анъанани давом эттириб, ҳар бир мавзунинг янги-янги қирраларини ўзига хос бетакрор бўёқларда очиб, шеърятимиздаги наврӯзнама, баҳория ва гулнома туркумларини бойитган.

«Таъвиз ул-ошиқин» девонидаги:

Келди бу кув, кетиб куҳан айём, тоза йил,
Бўлди жаҳонга ғайзи худойи ом тоза йил —

байти билан бошланувчи ғазални эса Огаҳийнинг ўз ихтиролари жумласига киритиш адолатдан бўлади.

«Тоза» ўтмишда (ва ҳозир ҳам қатор шеваларда) «янги», «навқирон» маъноларида қўлланилган ва демак «тоза йил» — «янги йил» иборасининг худди ўзгинасидир. Янги йилнинг биринчи куни — Наврӯз мавзунинг Огаҳийга қадар бу қиррада бадий ишлан-

гани, хусусан, «тоза йил» бирикмасининг асосий маъно-
ғояни ўзида ташувчи радиф сифатида танланиб ҳар
байтда таъкидланиши шеъриятимизда янгиликдир.

Адабиётимиз тарихида диний мавзуларда катта-ки-
чик кўплаб асарлар яратилган. Аммо, бу хулосани ди-
ний маросимлар, хусусан ийди рамазон ва қурбон ҳа-
йити байрамлари мавзунинг бадий ишланиши бўйи-
ча айта олмаймиз. Шу боисдан Огаҳий ижодий меро-
сидаги рўзага бағишланган бир неча махсус шеърла-
ри қаторида, «Ийд» радифли ҳамда «Бу кеча ийд оқ-
шомидур» сўзлари билан бошланувчи ғазаллари жид-
дий эътиборга лойиқ. «Таъвиз ул-ошиқин» девонидан
ўрин олган:

Кўнгул, огоҳ бўл, бу кеча шои ийди қурбондур! —

мисраси билан бошланувчи қасида ҳамда:

Ийд эрур, кулбамга кел, эй ёр, қурбонинг бўлай!

Ийд субҳи янглиғ оч рухсор, қурбонинг бўлай! —

матлали ғазал, мисрадаги бирикма ва радиф таъки-
дидан маълум бўлганидек, қурбон ҳайити мавзуидадир.

Ўтмишнинг буюк даҳолари қолдирган бадий, ил-
мий, ижтимоий-фалсафий бойликларини қунт билан
мутолаа қилган Огаҳий тўла маънода замонасининг
йирик мутафаккир ижодкори даражасига кўтарилган.
Фалсафийлик, ижтимоийлик, халқчиллик, ҳаётийлик
унинг бутун ижодий-илмий меросининг хос белгилари-
дир. Борлиқ, Ҳаёт, Шахс, Тақдир, Толеъ, Адолат, Бурч,
Одамийлик, Инсоний муносабатлар бўйича теран фал-
сафий-ижтимоий мушоҳадалар Огаҳийнинг ижодкор
сифатидаги бадий асарларида ҳам, тарихнавис олим
сифатидаги илмий фаолиятида ҳам, она тилига таржи-
ма учун асарлар танлаш мезонида ҳам устуворлик қи-
лади. Хусусан, унинг тарихий асарларида, шунингдек,
қасидалари ҳамда тахт соҳибларига қарата маснавий
шаклида битган мурожаатларида ижтимоий-фалсафий
йўналиш равшан намоён бўлади. Бундай намуналарда
мамлакат ва давлатни адолат билан бошқариш элу
юрт осойишталиги йўлида ғамхўрлик қилиш, раият-
парварлик, айниқса, муҳтожларга меҳр-шафқат кўр-
сатиш, қарам-мурувватли бўлиш каби муҳим ижтимоий
масалалар бўйича Огаҳийнинг фалсафий-сиёсий қа-

рашлари ҳаётий асосланган, мантиқий далилланган тарзда бадий ифодасини топган. Айни замонда, бу тур асарларида Огаҳий салтанат равнақи, халқ фаровонлиги ва мамлакат тинчлиги учун ҳукмдорлар қандай фаолиятлардан ўзларини тийишлари лозимлиги, қайси ножўя феъл-атвордан, салбий хислатлардан қўтилишлари, номақбул хатти-ҳаракатлардан сақланишлари зарурлиги тўғрисида ҳам аниқ тавсияларни баён қилади, даъват, хитоб оҳанглирида панд-насиҳатлар билан инсоф-диёнатга чақиради.

Ижтимоийлик, фалсафий йўналиш Огаҳийнинг «Таъвиз ул-ошиқин» девонидан ўрин олган шеъриятида ҳам, айниқса, таржиҳбандлар ва қитъаларда кучли. Девонда фалсафий-ижтимоий мазмун-йўналишдаги ғазаллар ҳам оз эмас. Масалан:

Мулку миллатга амин ўлса агар огоҳлар.

Икки олам обрўйини ҳосил этгай шоҳлар —

мисралари билан бошланувчи ғазал бу гуруҳнинг ёрқин намунасидир. Унда ҳукмрон ва уни қуршаган арбобларнинг қандай фазилатларга эга ва қандай салбий белгилардан холи бўлишлари шартлиги, шунингдек, мамлакат ривожини таъминловчи ёки таназзулига сабаб омиллар лўнда ва қатъий оҳангда бадий ифодаланган.

Девондаги қатор ғазалларда фалакнинг зулмкорлиги, чархнинг жафоси, ҳукмрон зўравонлик, доно, ҳалол, тўғрисиўз кишиларнинг жазру ситам ва тазийи остида қийналишлари ва аксинча, очкўз, молу мулкка ҳирс қўйган, нопок ва жоҳил шахсларни обрў-эътибор топиши, Инсон шарафи, қадри-ғурурининг топталиши каби соф ижтимоий мавзу махсус қаламга олинади. Бу жиҳатдан:

Хароб ўясун, илоҳо, гунбази даввор, чархи дун

Ки, доим даври каждур, таври шуму ҳайъати вожун!

Онинг кажравлиги таъсиридиндур бу жаҳон ичра,

Жафо аҳли ҳамиша хурраму аҳли вафо — маҳзун —

байтлари билан бошланувчи ғазал алоҳида ажралиб туради.

Мавжуд ҳаётдаги ижтимоий адолатсизлик, соф виж-

донли ҳалол кишиларнинг таъқиб-тазйиқ остида хор-зор кун кечирншлари, ва аксинча, ҳийлакор, пасткаш, жоҳилларнинг обрӯ-эътибор топиб қадрланиши, базму маишатда, роҳату фароғатда яшашлари Огаҳийнинг турли шакллардаги бир неча шеърларида кучли норозилик руҳида ёритилган.

Масалан, мана бу мисралар ўша замондаги жорий тартиб-қоидаларни, ҳукмрон ахлоқий мезонларни кескин қораловчи заҳарли кесатиқ ва яширин истехзо билан суғорилган:

Одам улдур бу жаҳон аҳли аро,
Қайси ҳайвоннинг эса сийму зарн.

Кирмагай зарсиз кишилик сонига,
Саъдий бўлсун ғазл аро ё Анварий.

Шарқнинг буюк ижодкорлари Саъдий ва Анварийлар даражасида доно ва покдомон бўлсанг ҳам, бойлигинг («сийму зар») йўқ экан, фиғон чекади шоир, бу замонда заррача ҳам эътибор топа олмайсан. Аммо, ўз қилмиши, феъл-атвори, нодон-жоҳиллигига кўра ҳайвондек тубан кимса, агар мулкдор — бой бўлса, иззат-ҳурматда. Кўринадики, Огаҳий кесатиқ ва киноядан ўз замонасидаги адолатсизликка нисбатан салбий муносабатни ифодалашда моҳирлик билан фойдаланган.

Шоир бу таъсирчан ва самарали бадий воситаларга чистон-топишмоқ турида битилган шеърларида ҳам муваффақиятли мурожаат қилган.

Аммо, ёвузликни бевосита қоралаш, иллатларни тўғридан-тўғри ўз номи билан аташ усули ҳам Огаҳий шеърлятида кўп учрайди. Бундай намуналарда шоирнинг кескин норозилиги, салбий баҳо-муносабати қатъий ҳукм тарзида битилади. Қуйидаги мисралар худди шундай шафқатсиз:

Аҳли дунёким, эрурлар одамийликдин йироқ,
Пешаси — озору миннат, одати — кину ниғоқ!

Шоирнинг:

Эй кўнгул, одам хаёл айлаб дема подонға сўз,
Чулки, у инсон эмас, топсанг дегил инсонға сўз —

байти билан бошланувчи ғазали бошдан-оёқ шу усулда яратилган. Мана унинг якунловчи байти:

Олам ичра барча ишдин қоттиғу душвордур,
Оғаҳий, маъқул қилмоқ беҳаё подонға сўз.

Инсонларнинг яратилишида ҳар жиҳатдан ўзаро тенг эканлиги, фақат жамиятдаги ижтимоий тенгсизликкина уларнинг бирини ҳоким — шоҳ, иккинчисини тобеъ — гадога ажратгани ҳақида жуддий фалсафий хулоса мана бу байтда ҳайёмона мантиқ ва талқин билан ёрқин ифодаланган.

Байтдаги «урён» сўзи «яланғоч»дан ташқари, «молу мулксиз» маъносини ҳам билдиришини, «хилъат» эса фақат уст кийим эмас, балки, умуман бойлик, имконият ва имтиёзга ҳам ишора эканлигини назарга олсак, байтдаги жиддий ижтимоий мазмун янада равшанроқ очилади:

Агар урён эса шоҳу гадо жисми баробардур,
Тафовут бу иқовга айлаган изҳор хилъатдур!

Бошқа ғазал таркибига қистирилган мана бу фалсафий чуқур маъноли байтда ҳам ҳайёмона руҳ, ҳаёт ва ўлим тушунчаларининг ҳайёмона талқини бўртиб туради:

Бу гулшан сайриш этсанг босма густохона туфроқни
Ки, ҳар гом остида бир пайқари озода мадфундур!

«Таъвиз ул-ошиқин» девонидаги қатор ғазал ва рубойларда, айрим мухаммас ва мусаддасларда ижтимоий-фалсафий йўналиш тасаввуфий оҳанг ва ғоялар, тушунча ва талқинлар билан омукта юзага чиқади. Бу гуруҳ асарлар моҳиятида ҳам Комил инсон сиймоси ва соф инсоний хислат-фазилатлар тарғиботи ётади, ҳалол яшаш ва покдомонлик, саховат ва қаноат, меҳр-шафқат ва мурувват, тўғрилиқ ва ҳаё, инсоф ва диёнат улуғланади, риё ва мунофиқлик, ҳирс ва тамаъ, кибр ва такаббурлик қатъий инкор этилади. Бу тур шеърларда «Ишқ», «Висол», «Шайдо», «Ҳажр», «Фано», «Бақо», «Соқий», «Май», «Жом», «Хилват», «Узлат», «Фақр» каби сўзлар тасаввуфий истилоҳлар даража-

сига кўтарилади, чуқур маъноли ва турлича жило билан товланувчи рамз-тимсоллар вазифасини ўтаб кетади.

Бизки, бу кун жаҳон аро кишвари фақр шоҳимиз,
Бошимиз узра оҳимиз шуъласидур кулоҳимиз —

матлали ғазал, шунингдек:

Тобакай даҳр ғами қайдиға побаст бўлай,
Соқияё, бер манга бир жомки, — сармаст бўлай —

байти ҳар бандида такрорланувчи мусаддас Огаҳийнинг тасаввуфий ғояларнинг бадий талқинида катта маҳорат намойиш этганига ишонарли далил бўла олади.

Огаҳий ижодиётининг чуқур ижтимоийлик моҳиятини белгиловчи жиҳатларидан бири унинг илғор дидактик йўналишида, юксак ахлоқий мезонларнинг бадий талқинида юзага чиқади. Чиндан ҳам, Огаҳийнинг бутун меросида Комил Инсон ғоясининг тарғиботи жуда кучли. Бу ғоя олийжаноблик, ҳалоллик, одиллик, одамийлик, покдомонлик, сахийлик, меҳрибонлик, тўғрилиқ каби соф инсоний фазилатларни улуғлаш йўли билан, кишиларни ўзаро ҳурмат-эъзозга, меҳр-шафқатга, карам-мурувватга ундаш орқали, ва айни замонда, тамаъ, очкўзлик, хиёнат, алдов, мунофиқлик, молу дунёга ҳирс қўйиш каби салбий белгиларни, шахс табиати, феъл-атвори ва амалий фаолиятидаги нуқсон ва ярамас одатларни аёвсиз қоралаш воситасида олға сурилади. Шоир таъкидича, ҳилм, ҳаё хушахлоқ ва тавозеъ инсоннинг жамиятдаги ўрнини белгилайди, унинг қадр-қимматини кўтаради.

Тавозеъдур сабаб олиймақом ўлмоққа оламда! —

деб хитоб қилади у. Бошқа бир ғазалида инсоний шарафни сақлаш, одамийлик номусини доимо юқори тутишга даъват этаркан, халқимизда қадим-қадимдан ишлатилиб келган «Хижолат чекиш ўлимдан ёмон» мазмунидаги ҳикматнинг янги таҳририни яратади:

Ёмон юз маргдин оламда чекмак ор бир соат.

Хусусан, молу дунё тўплашга ҳирс қўйиш, тамаъгирлик шоир томонидан қаттиқ қораланади.

«Мард эсанг озод бўл банди тамаъдин!» дея хитоб

қилган шойр ғазалларидан бирини қуйидаги ибратли байт билан яқунлайди:

Тиласанг яхши от, эй Огаҳий, тарк айла тамаъ
Ки, жаҳон ичра қилур кимсани бадном тамаъ!

«Таъвиз ул-ошиқин» девонида бутунисича панд-ўғитдан ташкил топган ғазаллар ҳам оз эмас. «Эй кўнгул» радифли ғазал шу гуруҳнинг ёрқин мисоли бўла олади. Ички мурожаат тарзида битилган ва ўз-ўзига хитоб оҳанги бошқарган бу ижтимоий шеърда ҳаётда саодат топиш учун қаноатли бўлиб ҳалол умр кечиришга, ёмонларга яқинлашмай, бузуқи шахслар билан мулоқотдан сақланишга, хасис ва очкўзлардан ҳазар қилишга даъват этилади.

Ижтимоий-фалсафий йўналиш ҳақида сўз бораркан, шунини таъкидлаш лозимки, қомусий билим соҳиби бўлган Огаҳий меросида илм-маърифатни тарғиби ҳам кўринарли ўрин тутди, фозиллар, уламолар, шунингдек, касб-ҳунар ва санъат аҳлини улуғлаш ва айни замонда, нодонлик ва жаҳолатни қоралаш етакчи ғоялар сафида бадий талқинини топади. «Инсон аро нодонни, билинг, ҳайвондур» деб ёзган мутафаккир шойрининг қатъий таъкидига кўра:

Намол аҳли аро, албатта, топғай рутбаи олий,
Маоний касбида ҳар кимсаким, қилди ҳунар ихлос!

Бадий сўзнинг халқчил руҳ эгаллашида, шеърининг омма ҳаётига, жамият муаммоларига, кундалик турмуш жумбоқларига бевосита яқинлаштиришда Огаҳийнинг хизматлари жуда катта. Унинг бир қатор шеърларида оддий инсоннинг кундалик ҳаётида, тирикчилигида юзланаётган катта-кичик ташвишлар, қийинчиликлар ва улар билан бевосита боғлиқ ички кечинмалар, ҳис-туйғулар қаламга олинади. Бу хусусият, айниқса, Хоразм воҳасининг қаҳратон қиши, юпун баданларни зир-зир қақшатувчи совуқ шиддати ҳақидаги шеърларида кўзга ташланади. Бу мавзуга Огаҳий ўтмиш замондош ижодкорларга қараганда кенг ўрин берган — унинг девонида «Қиш», «Совуқ» радифли бир-неча махсус ғазаллар, шунингдек, рубойлар мавжуд.

Шу нарса алоҳида эътиборга лойиқки, бу тур шеърларда ҳам Огаҳийнинг бутун ижодига хос бўлган инсон-

парварлик, халқчиллик ва ижтимоий оҳанг етакчилик қилади, натижада, айтайлик, қаттиқ қиш қийинчиликлари мавзуи меҳнаткаш халқнинг яшаш даражаси, турмуш шароити, моддий етишмовчиликлари каби ижтимоий муаммолар билан қоришиқ ҳолда таҳлил этилади. Масалан, бу тур ғазалларининг бирида қишнинг ҳам ўзига хос ғўзаллиги, файзу латофати борлигини («Асру хуш айём эрур базм эткали аҳбоб қиш!») сўзлар экан, шоир унинг ҳаммага ҳам завқу шавқ бермаслигини алоҳида таъкидлайди, моддий ожиз оилаларга, оч-юпун кишиларга оғир синов эканлигини куюнч билан сўзлайди, бойлар — «ғанийларни совуқдан ҳар кеча то саҳар афғон чекиб, ашкин тўқуб, йиғлаб кун кечираётган яланглар ҳолига шафқат кўзи билан боқишга» даъват этади.

Мумтоз ғазалчилигимиз учун ноанъанавий бўлган мавзулардаги Огаҳий шеърлари ҳақида сўз борганда «Таъвиз ул-ошиқин» девонидан ўрин олган «Ўлди чой» радифли ғазалини ҳамда ов манзараларига бағишланган шеърларини ҳам эслаш ўринли кўринади.

«Таъвиз ул-ошиқин» девонида шеърӣй ҳикоят тарзида ёзилган воқеабанд ғазаллар ҳам анча-мунча. Қуюқ романтик бўёқларда ҳаётсеварлик ғоялари олға сурилган:

Хуштур баҳор мавсумининг айши чоғида,
Ўз ёри бирла бўлса киши васл боғида

ҳамда:

Келдилар қарам айлаб кулбам ичра жононлар,
Ҳар бириси жонимдин ҳам азиз меҳмонлар —

байтлари билан бошланувчи ғазаллар шу туркум жумласига киради.

Огаҳий бир қатор ғазал ва мухаммасларида айтишув-диалогдан ҳам жуда ўринли фойдаланадики, бу санъат улар бадиийлигини оширади, мисраларга алоҳида суръат ва жўшқинлик, шўх оҳанг ва ўйноқилик бахш этади, янада жонли ва ўқимишли бўлишини таъминлайди. Девонда бошдан-оёқ ошиқ билан маъшуқа ўртасидаги жонли айтишув асосига қурилган бир неча ғазал ҳам учрайди. Уларнинг барчасида биринчи мисра ошиқ тилидан, иккинчи мисра маъшуқа номидан

битилган бўлиб, ишқ-муҳаббат, севги-садоқат мавзуида қизгин суҳбат, баҳс-тортишув ва савол-жавобдан иборат.

Шоир меросида катта бадий маҳорат билан чизилган жонли лавҳалар, ҳаётӣ манзаралар деярли ҳар бир шеърӣ намунада учрайди. Бир-икки мисол билан чекланамиз. Ишқӣ ғазалларнинг бирида айрилиқ азобларидан кўз ёш тукаётган лирик «мен» — ошиқ маъшуқа билан учрашувга умидворлик билдиради ва бу илинжини жуда гўзал ҳаётӣ таққос билан мантиқли далиллайди: қоронғу тунда қолган йўловчи юлдузларга қараб ўз манзилига етиб борганидек, маъшуқа ҳам ошиқ кўз ёшларига боқиб унинг ҳузурига келса ажаб эмас:

Кўзум ёшин кўруб ҳижровда, тоғ йўқ, келса кулбамга
Ки, раҳрав далили кеча маъзил сори анжумдур.

Байтда «кўз ёши» — анжум (юлдузлар) билан тасносубда, «ҳижрон» сўзи эса қоронғу тунни ифодалаб келмоқда.


Оғаҳӣ девонидаги ғазаллардан бири:

Қистирибдурму боши атрофиға жонона гул —

мисраси билан бошланади. Саволдан кўра тасдиқ оҳанги устун бўлган бу мисрани ўқиганимиз ҳамон кўз олдимизга гулдан чамбарак ясаб зеболанган аёлнинг тирик сиймоси гавдаланади ва биз шоир санъати туйғули бу гўзалликдан завқланамиз, баҳраманд бўламиз.

Оғаҳӣ ғазалларининг, умуман, шеърларининг асос кўпчилиги ниҳоятда халқчил ва самимий, жозибали ва дилкаш, содда ва ёқимли. Улар равон ўқилади, эса қоларли даражада мусиқӣ, ўйноқи, шўх. Шоир ғазалларида қуруқ жимжимадорлик, ғашга тегувчи шакл-бозлик, ноўрин ишлатилган иборалар, мавҳумий тушунчалар деярли учрамайди. Бундай етукликни таъминлашда шоир ранг-баранг бадий санъатлардан, услубий воситалардан усталик билан фойдаланади.

Гоя-мазмун йўналиши ва руҳига тўла мувофиқ келадиган қофия ва радифлар вазилаарга мурожаат этиш, икки қофияли битиш, равонли



бор бериш каби шеъриятнинг етакчи воситалари, баркамоллик бахш этувчи талаб-шартлари Огаҳий томонидан қиёмида бажарилган.

Огаҳийнинг кўпгина ғазаллари, шоир ҳали барҳаёт вақтидаёқ, халқ қўшиқлари даражасида кенг тарқалган, бастакорлар томонидан куйларга туширилган, ҳофиз-хонандалар бисотидан салмоқли ўрин олган. Бу бежиз бўлмаган, албатта. Огаҳий шеъриятининг катта шухратини таъминлаган омиллар жумласида ҳаётийлик ва халқчилликни, юсак бадийийлик ва самимийликни, баённинг равонлиги ва ширадорлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шоир Шарқ шеърияти амалиётида бўлган кўпдан-кўп бадийий восита ва сўз ўйинларидан усталик билан фойдаланади, ғоя-мазмунни, ўз ниятини ўқувчи онгига етказишда турли-туман лафзий ва маъновий санъатлар билан безаб, уларнинг ёрқин ва дилкаш, шаклан ҳам гўзал ва завқли бўлишига эришади. Огаҳийнинг бадийий маҳоратига далил сифатида тажнис санъати қўлланган айрим мисраларни келтирамиз:

Арз қил юз дарду ғам юз қўйғонин жоним сари;
Юз лутф ила юз бўса манга бергали юздин;

Деманг ул ой ҳижронида не навъ ўтар ою йилинг;

Навбахор айёми бўлса ҳар ким айшу бөгсиз,
Ким эмасдур доғсиз кўнгли замоне бөгсиз.

Аввалги икки мисрадаги «юз» сўзи адад-сана, чеҳра-афт ва юзланмоқ-келмоқ маъноларида, учинчи мисрадаги «ой» сўзи маъшуқа-гўзал ва йил ойларини ифодалаб, кейинги мисралардаги «бөгсиз» эса «гулшанчамани йўқ» ҳамда тугунсиз (дарду ҳасратсиз) мазмунида қўлланган.

Солди ўт кўнглумга ўғрин боқининг.
Олди жонимни қараб қош қоқишинг —

каби ниҳоятда ўйноқи, шўх байт билан бошланган ғазалда ҳам шоир бу санъатнинг гўзал намунасини яратган. Агар келтирилган биринчи мисрадаги «боқининг» сўзи «боқмоқ», «қарамоқ» феълидан бўлса, мана бу:

Ғам чекарда битмади ёлғуз ишим,
Дўстлар, ушбу ишимга боқининг —

байтида ўша сўз «ёрдамлашинг», «кумаклашинг» маъноларида жуда чиройли ишлатилган.

«Қора» («Қаро») сўзи замиридаги бир-биридан жуда узоқ маъно товланишларини юзага чиқарган мана бу байт ҳам Огаҳийнинг она тили бойликларидан ўринли фойдаланишда юксак санъаткорлик ва билим намойиш этганига гувоҳлик беради. Икки мисра давомида тўрт марта такрорланган бир сўз мазмунни ғализлаштирмайди, аксинча, оҳангдорликни оширади, ғояни таъкидлаб бўрттиради, сўзни жилолантиради:

Ул қаро кўз боқмаса бахтинг қароси бўлмас оқ,
Бу қаро етмиш онинг кўзи қаросидин сента!

Шоирнинг халқона сўзлашув тилидан, муомаладаги тайёр иборалар ва ҳикматли бирикмалардан, мақол ва маталлардан катта маҳорат билан фойдаланиши ҳам мисраларга файз ва латифлик, жарангдорлик ва жозиба бахш этган. Қуйидаги мисоллар бу хулосани тўла-тўқис далиллаб келади:

Хуноб ичар вақтимда келдинг кўнгулким, халқ аро
Йхши масадурким: «Келур яхши киши ош устина!»

Тўртгина мисрадан иборат бўлган ва шаклан муаллифнинг ўзига хитоб тарзида ёзилган мана бу қитъада эса, аслида, ўқувчига йўлланган жиддий панд-ўғит брқини ифодасини топган. Шоирнинг мисралари унда келтирилган халқ мақоли каби ихчам, лўнда ва пурҳикмат:

Эй кўнгул, кимсаким, сани севмас,
Қоч! Анинг теграсига айланма!

Ки, насиҳат қилурда ўтканлар
Дедилар: — «Суймаганга суйканма!»

Қадим-қадимдан бирор юмуш ёки вазифанинг ниҳоятда мушқил, машаққатли экани, узоқ йиллар оғир аҳдат чекишни талаб этиши «игна билан қудуқ қазимоқ» иборасида ифодаланган. Огаҳий ундаги «игна» сўзини «киприк» билан алмаштириб ва «юз тоза» сўллари билан муболағани қиёмига етказиб, маънони кинда чуқурлаштиришга, мушкулотни амалда ҳал қилиб бўлмас даражага кўтаришга эришган.

Даврондин агар,эй дил, етса санга бир роҳат.
Чекмакка муҳайё бул юз кулфату минг меҳнат —

матлаи билан бошланувчи ижтимоий ғазалда мавзу йўналишига тўла мувофиқ қуйидаги байт мавжуд:

**Гар кичрик ила қазсанг юз тоза қудуқ, ондин
Сероби мурод ўлмоқ кўргузмагуси суврат.**

Огаҳий бадий сўз воситасида ҳаётий лавҳалар, онгда муҳрланиб қоладиган манзаралар яратиш устаси. Шоир қаҳратон қиш ҳақида сўз юритар экан, бир ўринда «Баданлар титрабон симоб янглиғ» мисрасини, бошқа бир ғазалда «қалтиротди андоқким қамиш» иборасини битадик. Буларни ўқиган ғазалхон ҳар икки ҳолатда ҳам совуқ шиддатини жуда жонли тасаввур қилади, ҳатто «қалтираб-титраётган баданлар»ни «кўради».

**Икки қоши фироқи аро музтариб кўшгул
Бир қуш дурурки, толпинур икки қанотсиз —**

деб ўқиймиз бошқа бир ғазалда ва шоирнинг моҳир санъаткорлиги туфайли ҳижронда қолган ошиқ кўнглининг изтиробини, кучли ҳаяжон ва таҳликали ҳолатини дилдилимиздан равшан ҳис этамиз, чунки, «икки қанотсиз қушнинг талпиниши»нинг кутилган натижа бермаётгани кўз олдимизда бутун фожеълиги билан жонли намоён бўлади.

Мана бу лавҳа ҳам ниҳоятда чиройли, эса қоларли—бу ҳолатда эса сийпаниб-тойиб эҳтиёткорлик билан юраётган лирик «мен» бутун қиёфаси билан гавдаланади: «Кўзум ёшиға тоя-тоя келдим». Утмиш шеъринят мухлисларини ошиқ кўз ёшининг дарё-дарё оқиши ажаблантирмайди — бу анъанавий ташбиҳ. Огаҳий эса бу ўринда оҳори тўкилмаган, сийқаланмаган ташбиҳ кашф этмоқда: лирик «мен» ўз кўз ёшидан лой бўлган кўчадан «тоя-тоя келмоқда»...

Халқ мақол ва маталларидан, ҳикматли сўз ва қуйма ибораларидан ғоявийликни чуқурлаштириш ҳамда бадийликни ошириш йўлида моҳирлик билан фойдаланишни кўрсатувчи бу каби мисоллар Огаҳий ижодий меросида жуда кўп. «Билмаган ўз қадрини не билур сўз қадрини» каби чуқур маъноли шиорни битган шоир

ҳар бир сўзни ўз ўрнида ва чиройли ишлатишга алоҳида аҳамият берган.

«Таъвиз ул-ошиқин» Шарқ адабиётида девон тартиб беришнинг қатъий анъанага айланган барча шартқоидаларига тўла риюя қилиниб тузилган — у намуна бўларлик даражада мукаммал. Ундан Огаҳийнинг деярлик барча мустақил шеърӣ асарлари ўрин олган. Девоннинг асосий қисмини тўрт юз элликка яқин ғазаллар ташкил этади. Шоирнинг араб алифбосининг барча ўттиз бир ҳарфига қофия ёки радифи тугалланувчи ғазаллар ёзганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундай мукаммаллик шеърӣятимиз тарихида камданкам учрайди. Ғазаллар арузнинг энг кўп қўлланувчи, ҳалқчил вазнларида яратилган. Ғазалларнинг асосий қисми маъновий урғу, таъкид, хитоб ва даъвати и ўзига сиғдирган ҳамда мусиқийлик ва равонлик бахш этувчи радифлар билан зеболанган. Икки-уч сўз-бирикмалардан ташкил топган радифлар ҳам оз эмас. Огаҳий девонида улғу Алишер Навоийнинг:

Ғар аламимга чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?
Ғар ғамима шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?

Ғазали таъсирида ёзган назирасида Огаҳий устози асарининг вазни, қофияси, оҳанг-руҳи ва тўрт сўзли радифини тўла-тўкис қабул қилади:

Ашкима ғар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?
Оҳима ҳам шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?

Мана бу ишқӣй ғазалидаги беш сўзли радиф эса шоирнинг ихтироларидан биридир:

Эй шўҳ, кўзу қошингга олам гадо, мен ҳам гадо.
Лаъли лаби дурпошингга олам гадо, мен ҳам гадо.

«Расмӣй» қофия ва ридифдан ташқари мисралари ички қофия ва радифли қилиб тузилган мана бу ғазал ҳам Огаҳийнинг бу санъатда доимо ижодий изланишда бўлиб, жиддий ютуқларга эришганига ишончли ҳужжат бўла олади:

Бог итрадур гул бир тараф, девона булбул бир тараф,
Илоу тигофул бир тараф, фарёду гулгул бир тараф.

Мухаммаслар «Таъвиз ул-ошиқин» девонида ғазаллардан сўнг сон жиҳатидан иккинчи ўринда туради. Айтиш керакки, шоир меросидаги тўқсонга яқин мухаммаснинг фақат тўрт-бештасигина мустақил мухаммаслардир. Қолганлари эса Алишер Навоий, Фузулий, Амирий, Мунис каби устоз ижодкорлар ҳамда Рожий, Диловар, Феруз каби замондош шоирлар ва ўз ғазалларига боғланган тахмислардир.

Айтилганидек, «Таъвиз ул-ошиқин» Шарқ адабиёти амалиётидаги шеърий шакл-турларни қамраб олиш жиҳатидан ҳам мукаммал девондир. Ундан ўрин олган ишқ-муҳаббат мавзудаги мустазод ва мураббалар, мусаддас ва мусамманлар, фалсафий-тасаввуфий ва ҳаётий-ижтимоий мазмун-руҳдаги таржиъбанд ва қитъалар, шунингдек, панд-ўғит ва таълимий йўналишдаги маснавий ва рубойлар мумтоз шеъриятимиз хазинасига жиддий улуш бўлиб, уни сезиларли бойитган.

Девондаги гўзал туюқлар, чистон, муламмаъ ва муаммо, шунингдек, таърих ва баҳри тавил намуналари Огаҳий шеърий меросининг кенг кўлами ва шакл-тур ранг-баранглигига ишора этади.

Шоир дебочада махсус қайд қилганидек, «Таъвиз ул-ошиқин» девонида «Ашъори форсий» рукни остида форсий тилда ёзилган ғазал ва мухаммаслар, жумладан, Бедил ғазалларига боғланган тахмислар, муножот ва таърихлар ҳам мавжуд. Бу асарлар ўз ғоявий-бадиий қиммагидан ташқари Огаҳийнинг форс тилини энг нозик нуқталаригача мукаммал эгаллаганини, форсий адабиётни кўп мутолаа қилиб, чуқур ўрганганлигини кўрсатади.

* * *

Шарқнинг барча буюк даҳолари каби Муҳаммад Ризо ҳам қомусий билим соҳиби бўлган. Қарийб эллик йил давомида ижодий-илмий фаолият кўрсатган Огаҳий фақат адабиёт-шеъриятдагина эмас, балки, тарихнавислик ва бадий-илмий таржима соҳаларида ҳам қалам тебратиб, ниҳоятда салмоқдор мерос қолдирди. Илмий ва бадий қиммати юксак савияда бўлган бу мерос ҳажм ва қамров жиҳатидан ҳам ҳайрон қоларлик даражада улкандир.

Огаҳийнинг тарихнавислик фаолиятининг бошланида ҳам, худди бадий ижодда бўлганидек, амакиса ва устози Шермуҳаммад Муниснинг таъсири катта бўлган,

дейишга асос бор: У Мунис бошлаб, якунланмай қолган «Фирдавс ул-иқбол» номли катта тарихий асарни давом эттириб, ўттиз ёшида уни 1825 йил — Оллоқулихоннинг Хива тахтига ўтириш йили воқеалари баёни билан якунлайди. Огаҳийнинг тарихнавис сифатидаги чуқур билими, воқеа-ҳодисаларни баён этиш услубининг пишиқ ва равлонлиги тўла намоён бўлган бу асар замона олим-фозилларида катта таассурот қолдиради — у хонликнинг энг йирик тарихчиси сифатида тан олинади. Бежиз эмаски, Огаҳийнинг вафотига қадар Хива тахтига ўтирган барча хонлар ўз ҳукмронлиги даври ва юз берган воқеа-ҳодисаларнинг тарихини битишни унга буюрадилар. Шу тариқа «Фирдавс ул-иқбол»нинг Огаҳий билан қисмларидан ташқари, яна бешта ҳажман катта мустақил тарихий асарлари юзага келади.

«Фирдавс ул-иқбол»нинг Огаҳий қаламига мансуб қисмлари ҳамда «Риёз уд-давлат», «Зубдат ут-таворих», «Жомеъ ул-воқеот», «Гулшани давлат» ва «Шоҳид ул-иқбол» деб номланган асарларида Хоразмнинг 1813 йилдан то 1873 йилгача олтмиш йиллик тарихи, воқеада юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар, уруш ва қўлголлонлар, иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги, шаҳар қурилиши ва суғориш ишлари, касбу ҳунар ҳолати ва бошқа-бошқалар ойма-ой, йилма-йил ва воқеама-воқеа тарзида изчиллик билан баён этилади.

Таъкидлаш лозимки, шу жараёнда меҳнаткаш халқ оммасининг яшаш шароитлари, орзу-ўйлари, касб-кори, урф-одатлари, маросим-маъракалари ҳам, сайл-байрамлари, тўй-томошалари ҳам ишонarli тасвирланди. Огаҳий тарихий асарларининг мундарижаси ниҳоятда кенг. Улар тарихий воқеа-ҳодисаларнинг қуруқ ва беҳис ёндашув билан шунчаки тўпланган мажмуи эмас. Аксинча, Огаҳий ҳар бир воқеа-ҳодисалар моҳиятини бирик бир мутафаккир сифатида халқчил заминдан ҳолис ва одилона таҳлил этишга муваффақ бўлган. Қўлам жиҳатидан қомусий даражага кўтарилган бу асарларда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари, жумладан, халқ ижоди, санъати, мусиқаси ҳақида, хонанда-ҳофизлари, қизиқчилари ва ўйинчиларининг фаолиятлари тўғрисида қизиқarli маълумотлар кўп учрайди. Хусусан, қаламга олинган давр ичида адабий-маданий ҳаёт, олиму фузалолар, ижодкор ва санъаткорлар тўғрисида Огаҳий қолдирган гувоҳликлар даврдаги ижтимоий онг ҳолати бўйича жиддий илмий қимматга эга.

Биз бу асарларда неча ўнлаб шоирлар, тарихнавислар номларини учратамиз, яратган бадий-илмий асарларидан хабардор бўламиз.

Огаҳий тарихий асарлари муаллифнинг «ўзлигини» ҳам чуқурроқ англашда энг ишончли манбадир. Улар саҳифаларида Огаҳийнинг ўзи ҳақида, ҳаёт йўли, ижодий-ижтимоий фаолияти тўғрисида, шунингдек, ижтимоий-фалсафий қарашларига оид муҳим маълумотларни кўплаб учратамиз.

Муаллифнинг илғор дунёқараши, халқпарварлик гоялари, элу юрт равнақи йўлидаги орзу-умидлари, хусусан, тахт эгаларини адолат ва меҳр-шафқатга, сарҳоват ва диёнатга даъват этишида, мамлакатни ақлу идрок билан бошқаришга ундашида, зўравонлик ва жаҳолатни қоралаб, илму маърифатни тарғиб этишида юзага равшан чиқади.

Табиатан йирик шоир қалами билан ёзилган тарихий асарларнинг илмий аҳамиятидан ташқари адабий-бадий қимматини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Уларнинг кўпгина саҳифалари бадий наср даражасида ниҳоятда жозибали ва равон, жонли ва қизиқарли бўлиб, ўқувчини мафтун этувчи бадийят билан битилган.

Огаҳий тарихий асарларининг бадийлиги ва ўқишлилигини таъминлаган муҳим омиллардан бири — уларнинг шоирона нигоҳ билан халқона жонли тилда равон ёзилганлигидир. Бундай муҳим омиллардан яна бири барча асарларда шеърятга ҳам салмоқли ўрин ажратилганида кўринади. Чиндан ҳам, зикр этилган тарихий асарлар таркибида шеърый намуналар, хусусан маснавийда битилган парчаларга тез-тез дуч келамиз. Бундай саҳифаларда тарихчи-олим Огаҳий нозик табиатли улкан шоир Огаҳийга ўрин беради ва бу «ўзгариш» асарларнинг умумий мундарижасига, йўналиши ва яхлитлигига асло зиён келтирмайди, аксинча улар қимматини оширади, бадийлик бахш этади, завқли қилади.

Қисқаси, Огаҳийнинг соф илмий аҳамиятга эга бўлган тарихий асарларини айни замонда, давр адабий-маданий ҳаёти ва унинг йирик намояндалари хусусида ишончли маълумотлар берувчи манба сифатида ҳам, кўп жиҳатдан бадий насрга яқинлиги жиҳатидан ҳам катта қимматга эгадир.

Огаҳий қолдирган улкан ижодий мероснинг салмоқли қисмини у амалга оширган таржималар ташкил

этади. «Таъвиз ул-ошиқин» девони дебوحасида форсӣдан она тилига ўғирилган ўн тўққиз йирик асар, номлари келтирилган. Улар жумласида «Равзат ус-сафо», «Тарихи жаҳонкушойи Нодирӣ», «Мифтоҳут-толибин», «Тазкираи Муқимхонӣ», «Табақоти Акбаршоҳӣ» каби тарихий ва фалсафий-тасаввуфий асарлар қалорида мусулмон Шарқида машҳур бўлган «Қобуснома», «Ахлоқи Муҳсинӣ», «Зубдат ул-ҳикоёт» каби ахлоқий-таълимий асарлар ҳам мавжуд.

Хусусан, Шайх Саъдийнинг адолат ва диёнатни, ҳалоллик ва саховатни, меҳр-шафқат ва карам-муруватни тарғиб этувчи, хасислик, очкўзлик, пасткашлик ва эгриликни қатъий қораловчи «Гулистон» асарининг Огаҳӣй томонидан таржима этилиши адабий-маданий ҳаётимизда, миллий ижтимоӣ онг тараққиётида катта ижобӣй воқеа бўлди. Огаҳӣй Зайниддин Восифӣйнинг XV аср Ҳирот маданий-адабий ҳаётининг кўпдан-кўп намуналарини жонли баён этувчи, ўша асрда яшаб ижод этган Навоӣй, Жомӣй, Ҳусайн Бойқаро каби буюк намоёндалар шахсияти, ҳаёти, хулқ-атвори, ижодий-ижтимоӣй фаолиятлари, яшаш тарзи бўйича муҳим ишончли маълумотларни ўзида жамловчи «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарини ҳам ўз ўқувчиларига она тилида тақдим этади.

Огаҳӣй даврида таржимачилик кучли ривож топган бўлса-да, шеърӣй асарларнинг шеърда таржима қилиш инебатан кам учрайдиган адабий ходиса эди. Шу боисдан ҳам шоирнинг бу соҳадаги хизматлари алоҳида таъсирга лойиқ. Огаҳӣй Бадриддин Ҳилолийнинг «Шоҳу Гадо», Абдурахмон Жомӣйнинг «Юсуф ва Зулайҳож» каби асарларини шеърӣй таржималарини катта бадӣй маҳорат билан амалга оширган.

Огаҳӣйнинг таржима учун танлаган барча асарларининг форсӣй адабиёт, маданият, ижтимоӣй онг тараққиётида муҳим ўрин тутганлигини алоҳида таъкидламоқ лозим. Ана шу улкан бадӣй ва илмӣй хазина Огаҳӣйнинг ижодий изланишлари ва таржимонлик фаолияти туфайли ўқувчиларининг ҳам ўз маънавий бойлигига, қадрли миллий мулкига айланди. Илғор халқчил гояларни юксак бадӣйлик билан тарғиб этувчи шеърӣй ва илмӣй-тарихий меросининг ажралмас бир қисми бўлган таржималар Огаҳӣйнинг ноёб ва серқирра иқтидорини, қомусӣй билимини, ижодий фаолиятининг ниҳоятда кенг кўламини тасдиқловчи ишончли далил ҳамдир.

Огаҳий XIX аср Хоразм адабий ҳаётининг марказида турди. Унинг халқчил шеърляти, тарихий асарлари ҳамда таржималари ўз замондошлари ва кейинги авлод ижодкорларига чин маънода бадиий етуклик ибрати, ижодий камолот намунаси бўлиб хизмат қилди, шоирнинг ўзи тўла самимият билан устоз деб тан олинди. Паҳлавон Ниёз Қомил Хоразмийнинг улуғ шоир шаънида битган мана бу мисралари ана шундай эътирофни равшан ифодалайди:

Улки, огоҳларнинг огаҳидур,
 Фазлу дониш сипеҳрининг маҳидур.
 Сўзи ортиқ дурур гуҳардин ҳам,
 Фазлу донишда олам ичра алам.

Абдурашид АБДУҒАФУРОВ,

*Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
 филология фанлари доктори, профессор,
 Беруний номидаги Республика Давлат
 мукофотининг соҳиби*

«ТАЪВИЗ УЛ-ОШИҚИН»дан

ҒАЗАЛЛАР

Ошиқ ўлдинг, эй кўнгул, жонинг керакмасму санга?
Ўтга кирдинг жисму урёнинг керакмасму санга?

Истабон ул юз тамошасини кўздин дам бадам
Қон тўқарсан, чашми гирёнинг керакмасму санга?

Ҳар дам эткунг орзу кофир кўзи наззорасин,
Қил ҳазарким нақд имонинг керакмасму санга?

Лутфўвг этдинг хаста кўнглумдин дариг, эй шоҳи ҳусн,
Бу гадоий зору ҳайронинг керакмасму санга?

Ўзгаларга илтифотинг айладинг махсус, бу
Мустаҳиқи лутфу аҳсонинг керакмасму санга?

Сели ғамдин хонавайрон ўлдиму ёд этмадинг,
Айтким, бу хошайронинг керакмасму санга?

Огаҳий ҳолин кўруб дойим тағофил қилгасен,
Шеири донойи давронинг керакмасму санга?

* * *

Гар стар юз минг алам жавру жафосидин санга,
Эй кўнгул, бил яхшидур ҳижрон балосидин санга.

Мон қачон топқай ўлук жисминг Масиҳ анфосидин,
Қилмаса гар чора лаъли жонфизасидин санга,

Захминга бутмағ эмас мумкинки, марҳам ўрнига
Ғамза ўқи етмагунча қоши ёсидин санга.

Ул қаро кўз боқмаса бахтинг қароси бўлмас оқ,
Бу қаро етмин онинг кўзи қаросидин санга.

Шоми ҳажрингга саҳар йўқ етмаса то ламъаи,
Орази хуршидининг нуру зиёсидин санга.

Йўқ жунунингга илож аҳли башардинким, бу ҳол
Воқибъ ўлмиш бир пари нозу адосидин санга.

Етса гар жавру жафоси шод ўлуб қилғил қабул,
Гар умид ўлса онинг меҳру вафосидин санга.

Қасди жон ул кўзлар этмиш әмди йўқ чиқмоқ амон,
Бермайин жон ул икки золим аросидин санга.

Қаррилар ҳолиға боқ лутфунг кўзидин, эй йигит
Ким, камоли ҳусн ожизлар дуосидин санга.

Чун қаро ер ости охир бўлғусидир манзилинг,
Бас, не осиг гулшани олам сафосидин санга.

Оғаҳийким, топқай эрди сози назмингдин наво,
Баҳра гар йўқтур Навоийнинг навосидан санга.

* * *

Ул малаксиймоки, борча илм бўлмиш ёд анга,
Рўзу шаб дарсу сабоқ такроридур муътод анга.

Илм таҳсили сулуки ичра солик бўлғоли,
Ақл пирдин дамо-дам еткуси иршод анга.

Сарфу наҳву мантиқ ичра токи саъй этти аён.
Себвайҳ руҳи қилур таҳсину ҳам имдод анга.

Қилғоли илми калому ҳикмат ашқолини ҳал,
Ҳаддин афзунроқ берибдур тангри истеъдод анга.

Насб этарга хаймаи илм андоқ этти жидду жаҳд
Ким, мадад еткурдилар ақтоб ила автод анга.

Гўйё илми ладунвиндин топибдур баҳраким,
Ҳар каломи рамзидин ҳайратдадур устод анга.

Илм ила, ёраб, онинг қил рутбасин андоқ баланд
Ким, бори олимлар ўлсун тобию мунқод анга.

Илм андоқ ганжи нофиъдур бани одамгаким,
Кимда ул бўлса ики олам бўлур обод анга.

Касби илм этмай киши гар қолса маҳзи жаҳл ила.
Икки олам обрӯси бўлгуси барбод анга.

Олим улдурким шариатдин тажовуз қилмаса,
Гар тажовуз қилса, билгил, пешадур алҳод анга.

Илмдин бебаҳра эл ҳолини билмак истасанг,
Огаҳийнинг зор ҳолин билгил истишҳод анга.

* * *

Ваҳки, айлаб лутфу эҳсон ёр мандин ўзгага,
Айламас зулму ситам изҳор мандин ўзгага.

Заҳри ҳажрини берур ҳар дам мангаю, васлининг
Нўшини инъом этар бисёр мандин ўзгага.

Куймасун кўнглум на янглиғким қовуб ман хастани
Сухбатига йўл берур дилдор мандин ўзгага.

Булбулосо полам, эрмас тонгки, хори ҳажр уруб,
Жавр қилмас ул чаман рухсор мандин ўзгага.

Ваҳки, мандин ёрни бегона айлаб, ошно
Айлади чархи ситамкирдор мандин ўзгага.

Олди жонимни гами фурқат карам айлаб бу дам,
Берма, соқий, май бурун зинҳор мандин ўзгага.

Огаҳий, гар йиғласам тун-кун ажаб йўқ, негаким,
Манга жавру лутф айлар ёр мандин ўзгага.

* * *

Эй шўх, кўзу қошинга олам гадо, маи ҳам гадо,
Латли лаби дурпошинга олам гадо, маи ҳам гадо.

Гоҳи қапоғинг жон олур, гоҳи қошинг яғмо солур,
Вўйла қаноғу қошинга олам гадо, маи ҳам гадо.

Қадду лабинг фошу ниҳон, элдин олур тобу тавон,
Ушбу ниҳону фошинга олам гадо, маи ҳам гадо.

Бошдин аёғинг жон эрур, жонлар сана қурбон эрур,
Жоно, аёқу бошинга олам гадо, ман ҳам гадо.

Ҳар неча отсанг ўқу тош, айлаб ғазаб оламга фоп.
Бўлгуси ўқу тошинга олам гадо, ман ҳам гадо.

Жонларда фикри суратинг, кўзларда нақши қоматинг,
Суратгару наққошинга олам гадо, ман ҳам гадо.

Ўн тўртдин ёшинг ўтуб, ҳусинг жаҳонни ёрутуб,
Бу ҳусинг бу ёшинга олам гадо, ман ҳам гадо.

Давлат санга йўлдош эрур, лутфи худо қўлдош эрур,
Йўлдошингу қўлдошинга олам гадо, ман ҳам гадо.

Оҳу ёшинга, Огаҳий, раҳм этти ул хўблар шаҳи,
Таъсири оҳу ёшинга олам гадо, ман ҳам гадо.

* * *

Ҳолима назар ул ой қилдиму экан, оё,
Жонда доғи ҳижроним билдиму экан, оё.

Эшитиб фигонимни ҳажр шомида ногаҳ,
Ҳолима тараҳҳумлар қилдиму экан, оё.

Топди бу кеча кулбам субҳдек мунавварлиғ,
Очибон юзи меҳрин келдиму экан, оё.

Ҳар тарафга оқмоқдин тивди кўз ёшим сели,
Марҳамат қўли бирла силдиму экан, оё.

Васлиға етушкан чоғ бағрим ўлди юз пора,
Они тийғи мужғони тилдиму экан, оё.

Комима етубдурман ишқ аро, мени кўзга,
Ҳусн кишвари шоҳи илдиму экан, оё.

Етди Огаҳий ул гул гулшани висолиға,
Ел киби талаб айлаб елдиму экан, оё.

* * *

Лабинг то қилди бу ҳайрон тамошо,
Булуб жисмига кирди жон тамошо.

Эмас наргиски, ҳар ёп кўз очибдур,
Қилурға гул юзунг бустон тамошо.

Қаромас сарв сори токи қилди,
Қаддингни қумрийи полон тамошо.

Қонунга юз қўлр ҳар кун, қилай деб
Юзунг меҳрин моҳитобон тамошо.

Ҳамолингдин кўтар бурқаъни токим,
Мени зоринг қилай осон тамошо.

Юз очма муддаигаким, эмас хўб
Малакни айламак шайтон тамошо.

Лабинг бир кулса, ман юз жон топармап,
Мани қилғил бўлуб хандон тамошо.

Назар ҳолимға солким, қилса хуштур
Қулининг ҳолини султон тамошо.

Маоний боғини доно қилур сайр,
Қачон қилғай они нодон тамошо.

Тажарруд оламиға кирки, онда
Гадою шаҳгадур яксон тамошо.

Ғамингда Оғаҳий ҳолиға боқғил,
Ғар истарсан неча алвон тамошо.

* * *

Токи бўлдим ул лаби жопбахш дилбардин жудо,
Бўлдилар жону кўнгул мен зору музтардин жудо.

Тушкали ул юздин ойру бўлмушам маҳви адам,
Зарра ул янглиғки бўлғай меҳри анвардин жудо.

Гунгу лол ўлсам, не тонг, ширип каломин тонмайин,
Сўз дегайму тўти ўлган чоғда шаккардин жудо?

Но ажаб сарву суманға боқмасам, эй боғбон
Ким, эрурман бу кун ул сарви суманбардин жудо.

Базми васлидин на ҳосил нуши лаъли етмаса,
Жаҳнат аҳлига на ҳаз гар бўлса кавсардин жудо.

Толпивиб кўнглум ета олмас муроди боғига,
Кўйи бу қуш бўлди ғам чангида шаҳнардin жудо.

Етди жопим оғзима даврон ғамидин, соқие;
Раҳм этиб бир дам лабимни қилма соғардин жудо.

Келди шаҳлар хизмати иксир давлатким, киши
Бўлмасун гар Хизр ҳам бўлса Скандардин жудо:

Огаҳийнинг ашқидур раҳмат саҳоби ёмғури,
Ераб, они қилма бир дам дидаи тардин жудо.

* * *

Олур ҳар лаҳза юз жон чашми фаттонингга салламно,
Тукар ҳар дамда минг қон тиғи мужгонингга салламно.

Жаҳон бозорида синдурди ёқуту гуҳар қадрин,
Дурафшон нуқта бирла лаъли хандонингга салламно,

Асир айлаб камандига наришон кўнглум этди жамъ,
Мусалсал ҳалқаи зулфи паришонингга салламно.

Юзунгдин заррача партав етишкач тийра кулбамга,
Ерутди ҳажр шомин меҳри раҳшонингга салламно.

Сиҳи қадларни қумри янглиғ этди ишқида нолон,
Назокат боғида сарви хиромонингга салламно.

Агар кўрса эди Юсуф малоҳатлиғ жамолингни,
Дер эрди сидқ ила рухсори тобонингга салламно.

Лабинг ширин такаллумдин ўлукни тиргизуб, айлар,
Суҳанвар тўти осо шаққаристонингга салламно.

Чу эҳсон нақдини сочдинг жаҳонга ганжи лутфунгдин,
Бори халқ ўлди банданг нақди эҳсонингга салламно.

Риёю ужб бирла бир сурук жоҳилни, эй зоҳид,
Мутийю мухлис эдинг, макру дастовингга салламно.

Уруб дам гайб сирридин ҳам эткунг даъвойи имон,
Бу янглиғ куфр бирла турган имонингга салламно.

Чекарсан, Огаҳий, тун-кун ул ой жавру жафосини,
Бу қоттиг меҳнат ичра чиқмаган жонингга саллампо.

* * *

Баҳор айёми бўлмиш, ўйлаким, боғи Эрам саҳро,
Еридур сайр учун, эй гулжабин, қўйсанг қадам саҳро.

Эсиб ҳар соридин бўстонлар ичра руҳпарвар ел,
Мисиҳо муъжизидин ҳар нафас урғуси дам саҳро.

Раёҳин узра сувлар оқибон кавсар киби ҳар ён,
Эмас фирдавсдин файзу тароват ичра кам саҳро.

Бутуб бўстонлар ичра гул, наволар соз этиб булбул,
Кўнгулдин қилгуси ҳар важҳ бирла дафъи ғам саҳро.

Бу фасл ичра танаъум аҳлига усру муносибдур,
Мулкона тузуб мажлис ичарга жоми Жам саҳро.

Шукуфа баргидин ярмоқ сочар шохи шажар ҳар ён
Ки, ансабдур дирам базл эткали аҳли карам саҳро.

Берур жонларга роҳатлар, солур тапларга қувватлар,
Маҳалдур айшу ишратлар қилурга, эй санам, саҳро.

Туну кун боғу бўстон ичра туз аҳбоб вла суҳбат
Ки, ишрат аҳлига бир неча кундур мугтанам саҳро.

Фироқ ичра дема сўз Огаҳийга дашту саҳродин
Ки, андуҳу ғамин дафъ айламас ҳам шаҳр, ҳам саҳро.

* * *

Лаъли шириниму ер туткан қаро хол остида,
Ё қўюлмиш нукта айларда рақам «бол» остида.

Туштиму қотил кўзи остига зулфининг хами,
Ё кўринмишдур ҳамул жаллоднинг дол остида.

Гулшан ичра сабзаи мушкин кўкармишму экан,
Ё кўринмишдур ҳамул жаллоднинг дол остида.

Эй кўнгул, қутқор ўзунг эмди тааллуқ чоҳидин
Ким, ётибдурсан онинг неча маҳу сол остида.

Қил таваккул ҳақға, элдин чеғмағил мийнағти, ул
Бир оғир юкдурки улмиш неча ҳаммол остида.

Истасанг олий або тобиълари пайравлигин,
Гўшаи фақр ичра тоат қил куҳан шол остида.

Жилвагар бўлсун десанг ул юз кўпгул кўзгусида,
Қилма они тийра неча навъ тимсол остида.

Лутф этиб олгил хабар, эй шаҳ, раоё ҳолидин.
Қолмасунлар то жафюю жавр уммол остида.

Огаҳийнинг ҳоли, бас, қоттиг эрур ҳижрон аро,
Қўймағил, ё раб, они қуб бу қотиг ҳол остида.

* * *

Чун бу кун етти қўлим ул шўх дилдор илгига,
Гўйёким етти илгим бахти бедор илгига.

Ройигон етти деманг илгимга илги ушбу кун,
Жону кўнглум нақдини бердим неким бор илгига.

Илгига илгим узотсам, дўстлар, беважҳ эмас,
Топшурурман ихтиёрим ул вафодор илгига.

Зулфи савдосидаман, тутса не тонг илгимниким,
Қўл етурмак расмдур бойиҳ харидор илгига.

Тутгамаң илгини илгим бирла гар ўлтурса ҳам,
Токи илги тегмагай ногоҳ ағёр илгига.

Билмадим жонму эди илгики топдим тоза жон,
Даст бергач тутмоқ илгини ушбу бемор илгига.

Панжаи хуршид агар тутса қўлим қилмон қабул
Ким, етибдур илгим ул хуршид рухсор илгига.

Етмаким базми аро мушкул эди, еткурмаса
Гар тутуб ожиз қўлумни қувват осор илгига.

Раҳм этиб ожизлигимга тутди илгим, йўқ эса,
Тутмоқ илгимни менинғ эрди, баса, ор илгига.

Деманг: «Илгидий чёкиб қўл, ўзга шўх илгини тут!»
Қайси оқил ташлабон гулни олур хор илгига?!

Огаҳий, етқай қачон оғзимга лаъли шарбатий,
Ўтди умрим қўл еткурмаклик била ёр илгига.

* * *

Эй сабо, тобсанг маҳал гар ул паризод олида,
Гоҳ-гоҳи айла бу девонани ёд олида.

Гуссадин ўлгум оло олмай нафас ҳижронида,
Тортиб изҳор айла бу ҳолимни фарёд олида.

Ғам тунида мўя айлаб мўй янглиг бўлғоним,
Мў-бамў шарҳ айлаб эткил мўя бунёд олида.

Ман ичиб пошодман ҳар лаҳза ҳасрат жомини,
Ўни этиб ишрат майин, агёрдур шод олида.

Ули Сулаймон сарири ҳусн то қилди сафар,
Борди пайки хотирим ул навъким бод олида.

Ман боқиб кейпича қолдим юз миҳан банди аро,
Ҳамроҳи бўлғонлар ўлди ғамдин озол олида.

Гарчи ман ҳажр аро қолдим, вале, юз шукрим,
Нотавон кўнглум эрур хизматга муътод олида.

Ишқ дарсин Вомиқу Фарҳод мандин ўрганур,
Касби илм этса, не тонг, атфол устод олида.

Бўлмайин то холису комил ул ой ишқи аро,
Огаҳий, йўқтур осиг минг айласанг дод олида.

* * *

Хуштур баҳор мавсумининг айши чоғида,
Ўз ёри бирла бўлса киши васл боғида.

Сайр этса гоҳ дилбарининг илгини тутуб,
Боғи висол гулшанининг сўлу соғида.

Гаҳ шавқ бирла терса кўруб ком гулларин,
Иқбоду бахт гулбунининг ҳар будоғида.

Гаҳ завқ бирла олса узуб айш нахлидин,
Кўргач мурод меваларини сапоғида.

Гоҳи мақом қасри муалло аро қилиб,
Ўлтурса гоҳ ҳавзи мусаффо қироғида.

Дилдори бирла соқийи гулчехра илгидин
Ичса тараб шаробини ишрат аёғида.

Ул навъ бўлса маст иковлонким, қолмаса
Осори ҳуш ҳеч бирининг димоғида.

Беҳудлиг ичра кўргузубон бу ниёзу ажз,
Қўйса бошини йиғлабон онинг оёғида.

Бир бири бирла бўлса ҳамоғуш, ўйлаким,
Бўлса лаби лабида, сақоғи—сақоғида.

Ҳар кун тузуб бу навъ севар ёри бирла базм,
Ёқса мурод ёгини мақсад чароғида.

Ноз уйқусига борса шаби васл, ўйлаким,
Уйғонса ҳашр субҳининг ошуби чоғида.

Сан ким, бу навъ айшу тараб базму боғи ким.
Ўлгунча ўрган, Огаҳий, гам дарду доғида.

* * *

Юз очиб келгил, эй маҳваш, қуёш янглиг хиром айлаб,
Бошимга солди савдо фурқатинг субҳимни шом айлаб.

Чу сансан ҳусн мулки шоҳиким, хоки жанобингга
Қўяр ҳар лаҳза бошин хўблар ўзни ғулом айлаб.

Бу раъно қад била гар боға кирсанг, сарв ила шамшод,
Бўлуб банда турарлар бир аёқда иҳтиром айлаб.

Висолинг истай-истай жонга етдим, раҳм этиб келгил,
Мани, жоно, муродимга етурмак илтизом айлаб.

Не қаҳр эрдикӣ бир боқмассану бир дам ҳам урмассан,
Бош олиғида қўёрман кунда юз йўли салом айлаб.

Жамолинг партавидин ийд субҳидек мунаввар қил,
Қорарғон кулбам ичра меҳри ашвардек мақом айлаб.

Бошимни садқа айлаб, нақди жонимни қилай исор.
Агар базмимда ўлтурсанг замони нуши жом айлаб.

Не журмим борки, тошларсан мани зиндони ҳажрингга,
Висолинг базми ичра муддаини шодком айлаб.

Ўқуғил бу ғазални Огаҳий айтибдур, эй дилбар,
Ўзин зикри, лабинг шаҳди била ширин калом айлаб.

* * *

Ул ой меҳру вафо расмин бу оқшом илтизом айлаб,
Олиб рухсоридин бурқаъ қуёш янглиғ хиром айлаб.

Келиб суръат била лутф айлабон базмим аро кирди,
Табассум кўргузуб расми адаб бирла салом айлаб.

Они кўргач йиқилдим ер уза, ўздин кетиб андоқ
Ки, ҳушим қолмади ердин турарга аҳтиром айлаб.

Мани бу ҳол ила кўргач тараҳҳум айлабон зоҳир,
Келиб ўлтурди олимда Масиҳодек мақом айлаб.

Деди айни карамдин чеҳраи зардим сори боқиб,
Шакардек нуқта бирла лабларин ширин калом айлаб.

Ки, «Эй маҳзун, ўзунгни шод тутғилким, келубдурман
Сенинг бирла сўрарга айш бу тун нуши жом айлаб».

Бу сўзни деб тўла соғар ичиб, тутди менга доғи,
Очиг майни нечукким шарбати юҳйил изом айлаб.

Ман олиб сибқориб они йиқилдим маст андоқким,
Ки, бўлмай то қиёмат турмоқим майли қиём айлаб.

Мунингдак бир кеча, эй Огаҳий, ҳар кимга берса даст,
Нетар то рўзи маҳшар ўзга бир оқшомни ком айлаб?!

* * *

Жоним ўртанди сенинг ўтлуғ жамолингни кўруб,
Кўнглум ичра тушти ўт рухсори олингни кўруб.

Исою Маръям не тонг сандин хижолат чексаким,
Жоғ топар беморлар ширин зулодингни кўруб.

Жилва қилсанг бўстон ичра қўяр олингда бош,
Ажа ила сарви сиҳи наврас ниҳолингни кўруб.

Киргуси ҳуру пари девоналиғ сахросига,
Ишваю нозингнию ғунжу далолингни кўруб.

Шаккаристон сори тўти боқмаса эрмас ажаб,
Шаҳддек лаълинг уза жовбахш болингни кўруб.

Бўлди кўнглумда аён ишқинг ўтидин доғлар,
Лола янглиғ юзда анбарбўй холингни кўруб.

Тоза жон топғумдурур беморлиғ ҳангомида,
Ичсам илгингдин қадаҳ базми висолингни кўруб.

Жамлик этсам дайр кўйида не тонг, эй пири дайр,
Соғинурмен жоми Жам синғон сафолингни кўруб.

Оғаҳий жону жаҳон нақдин нисор айлар санга,
Руҳафзо лаълину зебо жамолингни кўруб.

* * *

Дедим: — лабинг ширинлигин, эй шўх, билдур ўрготиб.
Деди: — била олмас киши то кўрмаса они тотиб.

Дедим: — кўзингнинг захридин ман хаста етдим ўлғали,
Деди: — зулоли лаълима жон шарбатин бергум қотиб.

Дедим: — Масиҳоға лабинг бўлғайму ташбиҳ айламак?
Деди: — Масиҳони қачон бўлғай ўлукка ўхшотиб?!

Дедим: — матоъи ҳуснингга, жоно, харидор ўлмушам,
Деди: — бериб жон нақдини олурмисан они сотиб?!

Дедим: — бўлурман ғам била дойим бузуқ кулбам аро,
Деди: — етушкил базмима ўлтурма кулфатга ботиб.

Дедим: — мани манъ этгуси базмингга кирмакдин рақиб,
Деди: — чиқорғум ташқори они уруб ҳам судротиб.

Дедим: — белинг шавқида йиглардин бир оқшом тинмадим,
Деди кулуб: — қўб йиглама, бу тун белим қучғил ётиб.

Дедим: — белинг қучмоқ била сабр этмаса кўнглум нестай?

Деди: — тилим шаҳдини сўр кўксунгда жисмим оғнотиб.

Дедим: — сени гар ногаҳон уйқуда кўрсам на қилай?

Деди: — юзум оҳиста ўн, тасдиъ барма уйғотиб.

Дедим: — на айлай гар юзунг ёпса муанбар кокулинг?

Деди: — юзум оч кокулим қўл бирла ҳар ён тарқотиб.

Дедим: — бу сўзлар Огаҳий ҳаққида чиндурму экан?

Деди: — қилурман шод они ёлғон сўз ила олдотиб.

* * *

Лутф этиб бир кеча кел базмим аро, эй мутриб,
Дилкушо ун била бўл нағмасаро, эй мутриб.

Хизмати аҳли дуо келди камолнинг сабаби,
Ол дуо, бир кеча хизматга яро, эй мутриб.

Хасби ҳол айт, ғазал сөз этиб, оҳанги нишот,
Ғам аро ҳоли харобимга қаро, эй мутриб.

Марҳами дилкаш унинг бирла егурким, бордур
Ҳажр тиги била кўнглумда яро, эй мутриб.

Соз эгарда юзинг узра солибон зулфингии,
Тароғ айлаб дили решимни таро, эй мутриб.

Юзу зулфинг ғамидин етмишам ул ҳолғаким.
Кўзумга маръи эмас оқу қаро, эй мутриб.

Хоҳ жоп поз ила ол, хоҳ равон соз ила бер,
Ҳар не қилсанг санга йўқ чуну чаро, эй мутриб.

Умарою фўқаро кўнглини ол базм ароким,
Бедилингдур умарою фўқаро, эй мутриб.

Огаҳий, шеъринг ҳар зеру бам ичра ўкуким,
Бандаг ўлсуи ҳама шоҳу вузаро, эй мутриб.

* * *

Базм аро чун очти сўз айтурга жонон икки лаб,
Бердилар бир дамда ўлган жисмима жоп икки лаб.

Равзаи ризвон киби мажлисни гулшан айлади,
Айлабон ул гул нечукким гунча хандон икки лаб.

Оби ҳайвону Масиҳ ўлди ниҳон то ёрга,
Жонфизиолиғ шевасин қилди намоён икки лаб.

Ишқ тиғидин агар юз қатла ўлсам гам эмас
Ким, анга бордур Масиҳу оби ҳайвон икки лаб.

Жон бўлур кўздин ниҳон эрмас ажаб ул шўхға,
Гар латофатдин кўзумга бўлса пинҳон икки лаб.

Ваъда айлаб икки лаб бир бўса, аммо бермади,
Гўйиё ул ваъдадин бўлди пушаймон икки лаб.

То кўзи ўлтурмагунча лаблари тиргузмади,
Ваҳки, комимни эмастур бермак осон икки лаб.

Лабларинг гар бўса қилғоч тоза жон топсам не тонг
Ким, эрурлар хаста жон дардиға дармон икки лаб.

Огаҳий, умри абад топсанг тонг эрмаским, санга
Ул Масиҳ икки лаби ҳар дам берур жон икки лаб.

* * *

Агар боғ ичра ул гул ноз бирла қилса хандон лаб,
Куларга гунча очмоқдин бўлур усру пушаймон лаб.

Назокат махзанида оғзидур дуржу адам, лекин,
Сочарда сўз дурини қилғуси ани намоён лаб.

Ҳаёти тоза тонғум ҳар қачон лаълини зикр этсам,
Масиҳоваш нигоримға магар эрмишдурур жон лаб.

Эмас чарх офтоби ул қуёшга ўхшамоқ мумкин,
Магар бўлса анга сарву сиҳи қад обиҳайвон лаб.

Хиром айлардаю сўаларда чун қадду лабин кўрдим,
Қарорим олди қадду айлади ақлимни ҳайрон лаб.

Керакдур обиҳайвондин оғиз ҳам қилса жондин тин
Эмастур кимсаға очмоқ лаби васфида осон лаб.

Жаҳолат бир давосиз дард эрур жоҳилға, билгилким,
Қулоқ солмас илож дардиға гар очса Луқмон лаб.

Керакдур хизмат аҳлиға замона қилмаса таъхир,
На хизмат амриға тебратса гар ҳаргоҳ султон лаб.

Бўлуб карам тафаккур, Огаҳий, қил пухта сўзниким,
Сўзингга сўз топарға очмасун ҳеч бир сухандон лаб.

* * *

Менга йўл суҳбатига бермади дилдор бир соат,
Висоли бодасидин қилмади саршор бир соат

Туну кун ман чекиб ғамхонаи ҳижрон балосини,
Эмаслар базми васлидин жило агёр бир соат.

Қуёшдек юз очиб ҳар тун ёрутти ўзгалар базми,
Менинг кулбамда лекин очмади рухсор бир соат.

Тўкар қонимни тиғи ишқи ҳар дам, ваҳки, ул золим,
Бу ҳолимға тараҳҳум қилмади изҳор бир соат.

Нечук бўлғай муяссар ишрати васлики ҳажрида,
Чекардин ғусса ҳаргиз бўлмоғум бекар бир соат.

Туганди умр даврони, вале, айланмади ҳаргиз,
Менинг комим била бу гунбази даввор бир соат.

Кўнгул кўзгусиға бердим агарчи юз карат сайқал,
Бўло олмас ва лекин қобили дийдор бир соат.

Агар бўлмоқ тиларсан ҳодисоти даҳрдин фориг,
Бу кўҳна дайр ичида бўлмағил ҳушёр бир соат.

Қилиб жаҳд, Огаҳий, шаҳ хизматида аржуманд ўлким,
Емон юз маргдин оламда чекмак ор бир соат.

* * *

Қидинг осо чу тузлук ичра яктодур санга қомат,
Дутодур бори ишқингдин камоносо манга қомат.

Қиёмат шўриши ушшоқи бедил бошиға тушқай,
Қачонким жилвагар бўлса санга, ай дилрабо, қомат.

Қадинг ҳижровида жопим хароб ўлса тонг эрмаским,
Латофатда санга зебо алифдур жон аро қомат.

Қўринмас кўзума қаддинг қошида, маҳванио, хасча,
Мангаким кўргузулар ҳар нафас юз маҳлиқо қомат.

Ниҳоли сарв тутмас нозпарвар қаддинг ўрнинким,
Гараз лутфу адо кўнгулмгадур йўқ муддао қомат.

Қиёмингдин қиёмат кўпгуси, офат хиромингдин
Ки, сандек ҳеч бир дилбарға бермабдур худо қомат.

Тавозиъга ҳам ўлмоқ сарбаланд ўлмоққа мужибдур,
Фалакка ҳам дурур унибу жиҳатдин борҳо қомат.

Хазон помолидин ҳаргиз эмас эмин бу боғ ичра,
Сарафроз ўлса тортиб ҳар ниҳоли ҳушнамо қомат.

Ибодат гўшасига, Огаҳий, кирким, санга эмди,
Оқорди бошу соргарди юзу бўлди дуто қомат.

* * *

Даврондин агар, эй дил, етса санга бир роҳат,
Чекмакка муҳайё бўл юз кулфату минг меҳнат.

Гаф даҳр элидин олсанг ўлмакка етиб бир пон,
Бир лаҳза қутулмассан ўлгунча чекиб миннат.

Юз ваъда била хизмат ҳар кунда буюрғайлар,
Ер тутмас агар қилсанг ҳар ваъдага юз хизмат.

Бу турфаки юз хизмат буткаргали жон чексанг,
Бир хизмат учун кўргуш ҳар лаҳзада минг туҳмат.

Ҳар лаҳза агар сўздин юз дуру гуҳар сочсанг,
Бир кўҳна хазаф тоимас эл аро қиймат.

Гар кинрик ила қозсанг юз тоза қудуқ, ондин
Сероби мурод ўлмоқ кўргузмагуси сурат.

Гўёки сени тапгри меҳнат учун этмиш халқ,
Йўқса санга ҳам элдек бермасму эди давлат?!

Ғар халқ жафосидин осудалиқ истарсан,
Тут дайрп фано ичра бир гүша аро хилват.

Ё Оғаҳий янглиғ тут шаҳ дарғаҳида маскап,
Даҳр аҳли жафосидин то кўрмагасен офат.

* * *

Лутф айлаб, эй пайки сабо, ҳолими султонимға айт,
Йъниким, жоним дардиши ишқида жононимға айт.

Ҳижрон тунида заррадек бесабру ором ўлгоним,
Авжи латофатда юзи хуршиди тобонимға айт.

Шавқ ўтиға парвонадек куйган кўнгулнинг ҳолини,
Ҳар тун бошига эврулуб шамъи шабистонимға айт.

Оҳу фиғоним булбулу қумрини хомуш этканни,
Ул қомати сарву юзи гул, барги хандонимға айт.

Ман лол ўлуб кўрган чоғи бир сўз худ айта олмоғум,
Бори сан аҳволимни ул ошуби давронимға айт.

Әҳсонни ўзга қул киби нечуи манга вофр эмас,
Ииғлаб бу қулнинг арзини шоҳи қадрдонимға айт.

Зиндонп ғамдин Оғаҳий тоғай қачон озодлиғ,
Лутф айлаб, эй пайки сабо, ҳолими султонимға айт.

* * *

Токи тушти ишқ барқидин дили маҳзунға ўт,
Ҳар нафас оҳим шароридин тушар гардунға ўт.

Кўнглум ўтиға сув урмоқ бирла таскии истаманг
Ким, онинг бир учқуни солғуси юз Жайҳунға ўт.

Ул пари ҳажрида ўртанди фиғонимдин фалак,
Оҳидин тушса тоғ эрмас кулбаи мажнунға ўт.

Телбараб ҳар ёп югурдим тортиб ўтлуғ нолалар,
Лолалар эрмаски тушти тоғ ила ҳомунға ўт.

Шавқ ўти базм аҳли жону кўнглини қилди кабоб,
Бода тоби урди то ул орази гулгунға ўт.

Сўз лабидин ул адо бирла чиқорким, рашкидин
Тушгусидур лаъли серобу дури макнуна ўт.

Ҳажр аро қон йиғламоқ озму эдиким, ҳар нафас
Ҷоқилур гам кожидин ҳам дидаи нурхунга ўт.

Чархи дун ёқти ҳаводис ўтига жону дилим,
Сол мукофоти учун, ёраб, бу чархи дунга ўт.

Шеъринг ўлгай, Оғаҳий, иншқ аҳлига муздин совуқ,
Дард ўтидин бўлмаса махлут агар мазмунга ўт.

* * *

Гар истар эрсанг, эй кўнгул, қилмоқ санг масрур ганж,
Тутгил қоноат кунжиниким ул эрур мофур ганж.

Гар оқил эрсанг сийму зар жамъига гарра бўлмаким,
Гафлат била кўп кимсани қилмишдурур мағрур ганж.

Қилма ҳавас юз ҳирс ила ганж асрамоқ афъи киби,
Коминг тўло заҳр айлабон жисминг қилур ранжур ганж.

Кўр шомити хиссатнию, хосияти ҳимматниким,
Қорунгадур тахтуссаро, Мусоға фавқи тавр ганж.

Бу шукр учун бўл, эй гани, афтодаларга дастгир
Ким, давлатинг бозусини қилмиш қавию зўр ганж.

Вайрон кўнгулларни карам ганжи била обод қил,
Гар истасанг ҳақ лутфидин бўлгай санга маъмур ганж.

Кўнглунг тут оғаҳлиг билан фосид хавотирдин амон
Ким, бўлгуси зойиғ агар гофил эсанг ганжур ганж.

Гар файзи маъни истасанг дарвишлардин истагил
Ким, бўлгуси албатта вайронлар аро махзур ганж.

Фош этма кўнглунг сиррипи эмин истасанг оламдаким,
Қўб фитнага боис бўлур гар бўлмаса мастур ганж.

Ул юз тамошоси била кўзингни равшан айлаким,
Айлар بازار қилгон киши кўзига афзун нур ганж.

Беганж иззат истама оламда маҳзп ғазл ила
Ким, бу замона аҳлиға бұлмишдурур манзур ганж.

Гар ҳушинг ўлса сийму зар жамъ айламақдин қил ҳазар
Ким, тонгла бұлғай сарбасар гурингда мору мўр ганж.

Эмин истар эрсанг, Огаҳий, фақру қаноат пеша қил
Ким, вақд роҳатдин қилур жоҳ аҳлини маҳжур ганж.

* * *

Йўқ манда фақр кўйида гардунга эҳтиёж,
Бўлмас қаноат аҳлида ҳар дунга эҳтиёж.

Ҳар одамеки, давлату ҳимматга топди даст,
Йўқтур анга хазинаи Қорунга эҳтиёж.

Ичканга фақр қулзумидин сув жаҳон аро.
Бўлғай қачон Фурот ила Жайҳунга эҳтиёж.

Мажнун агарчи Лайлиға муҳтождур, вале,
Лайлидин ҳам тошулғуси Мажнунга эҳтиёж.

Васл истар эрсанг эт жигаринг қонки, бўлғуси,
Ишрат қилурда бодаи тулғунга эҳтиёж.

Мўйи сафиддур сабаби тавбаи гуноҳ,
Ким ювса чирк бўлғуси собунга эҳтиёж.

Зоҳирни тузмак истасанг, эт ботинингни туз,
Бўлғай иборат аҳлида мазмунга эҳтиёж.

Моли ғузун агарчи эрур аҳли ҳирсинг,
Афзунроқ ондадур яна афзунга эҳтиёж.

Қониъ гадоға ушбу жаҳон ичра йўқтурур,
Мулки Қубоду жоҳи Фаридунга эҳтиёж.

Бешак муроди ҳосил ўлур сидқи дил била,
Ким, арз қилса қодири бечунга эҳтиёж.

Назминг дурини, Огаҳий, базл айлагил анга,
Ҳар кимда бўлса нуктаи мавзунга эҳтиёж.

* * *

Борди сабрим ул пари базм ичра ором айлагач,
Ақлу хушим кетти майли бодаю жом айлагач.

Жопу кўнглум шавқ ўтиға ўртаниб, бўлди кабоб,
Очиб ўтлуғ юз, ўзини бода опом айлагач.

Зори кўнглум булбулини қилди асиру мубтало,
Юзи гулзорида зулфи суибулини дом айлагач.

Олди жоним сайдидин бисмилдек орому шикиб,
Лаъли узра донаи холи била ром айлагач.

Кўнглума ортиб фараҳ, жоним доғи қувват топар,
Чун шитоб айлаб боқиб юзимга дашном айлагач.

Ваҳ, не ҳол ўлғай экан ман хастагаким, поғаҳон,
Лутф айлаб, лаълидин бир бўса ишъом айлагач.

Хони васли неъматини қилма, кўнгул, куб илтимос
Ким, гадо мардуд ўлур такрор ибром айлагач.

Юз йил этса саъйи етмас Каъбаи мақсудиға,
Етмади ҳар кимки онда қасди ихром айлагач.

Қоридим деб бўлма маънос, Оғаҳий, айлар йигит,
Бир назар ҳолингға ул шўҳи гуландом айлагач.

* * *

То олиб чиқти букун ул шўҳи бепарво қилич,
Қатли ом ишқ аҳлини қўймади асло қилич.

Кирпику қошинг хаёл эттим, узинг мандин умид
Ким, мани ўлтургуси, албатта, ё ўқ, ё қилич.

Қучқонин кўргач қилич боғи онинг нозик белин,
Рашиқдин жоним аро қилди алифдек жо қилич.

Илгин ўпганга чидай олмай қиличнинг қабзаси,
Кўнглума ғамдин етар ҳар дам ажалосо қилич.

Даҳр элчи қатл айлади бир дамда тиги ғамзаси,
Мунча ҳам тез ўлгуси олам аро, оё, қилич.

Ришнйий майдон афо сургач булур олам қатил,
Тортмоқ ҳожат эмас эл қатлиға, аммо, қилич.

Тут фано сарриштасин, ғам тигидин топ эминким,
Айлай олмас қатъ бу запжирни қатъо қилич.

Ериб, андоқ шаҳ қиличи бирла оч оламниким,
Тиниласунлар илгидин Искандару Доро қилич.

Оғаҳий, тил тиги тортиб ол маоний мулкини,
Ўйлаким олғай жаҳон тортиб шаҳи доно қилич.

* * *

Ман лутф кўз тутарман, ул дилрабои кўргач,
Ул кўргузур жафолар, ман мубталони кўргач.

Кўргач кўнгул қилур майл гисуйи тобдорин,
Гарчи булур гуризон эл аждаҳони кўргач.

Тортиб фиғону нола борғумдурур ўзумдин,
Ҳар вақт ул кўзи шўх қоши қарони кўргач.

Ҳар кеча йигларимни ҳар кимки айб қилди,
Бўлди хижил ул ишдин ул маҳлиқони кўргач.

Ул бут жамолидин гар зоҳид қочар тоғ эрмас
Ким, тушмағуси шаблар нуру зиёни кўргач.

Кўйи итини кўргач, юз айлапуб ёлингум,
Ул навъи ким ёлинғой ит ошйони кўргач.

Масрур ўлурман ондин кўрсам жафою бедод,
Оё, не ҳолат ўлғай меҳру вафони кўргач.

Посиҳки манъим айлар майдин бўлуб мукаддар,
Подим булур май ичра мавжу сафони кўргач.

Айб этманг Оғаҳийни ҳам тоғ борғай ўздин,
Ул ҳурваш паридин нозу адони кўргач.

* * *

Қилиб бир жилва ақлим олдинг, эй шўх,
Дилу жонимға яғмо солдинг, эй шўх.

Не тонг султоплиг этсанг хубларга
Ки, яксар хусн мулкин олдинг, эй шух.

Бориб Юсуф жаҳондин, ўрнига сан,
Бу кун кўси хилофат чолдинг, эй шух.

Итик қилдинг чу нозу ғамза тигин,
Халойиқ қонлариға қолдинг, эй шух.

На ўхшолди санга хусн ичра бир ёр,
На сан бир ёрга ўхшолдинг, эй шух.

Юзунгда лутф осори аёндур,
Магар жавр айламакдин толдинг, эй шух.

Аён бир жилва айлаб Огаҳийнинг,
Бошига не балолар солдинг, эй шух.

* * *

Не бало хуштур кишига лутф айлаб ёр субҳ,
Кирса ҳамроҳ бог аро сайр этгали гулзор субҳ.

Гаҳ қилиб гулшанни сайру гаҳ чаманда ўлтуруб,
Гаҳ лабидин буса ипъом айласа дилдор субҳ.

Гоҳ жоми ишратафзо қўлга олиб, қўл солиб,
Бир-бирининг бўйинига май ичсалар бисёр субҳ.

Лаҳза-лаҳза маст ўлуб чирмашсалар бир-бирига,
Гулшан ичра сарв бирла ишқи бежонвор субҳ.

Гоҳ андоқ мастликдин ойилиб, сўнгра яна,
Қилгучи май ичсалар хуршидини изҳор субҳ.

Эйки, роҳат истасанг ёринг била гул вақтида,
Чиқмогил бир лаҳза сахни боғдин зинҳор, субҳ.

Огаҳийни, ваҳки, кулфат шомида қон йиғлатиб,
Қилмади зоҳир анга бу гунбази даввор субҳ.

* * *

Келгил, эй гулчеҳра соқийким, бўлубдур шомн ийд,
Базм аро ман зорға тутгил лаболаб жоми ийд.

Вақт эрур асру муносиб ичгали саҳбои айш,
Ким, баҳор айёми келмишдур даги ҳангом ийд.

Лолалар саҳрода гулгун жомин этмиш жилвагар,
Ичгали элга ишоратдур майи гулфом ийд.

Гунчалар гулшанда ҳар сори табассум айламиш,
Халқга имодур ўлмоқға фараҳ фаржом ийд.

Юз қўюбдур барча эл нуш этгали жоми нишот,
Ҳеч монё йўқтур ўлмоқға қадаҳ ошом ийд.

Ком топмай ийд васлинг жомидин нокомман,
Бир мапи нокомга айлаб тараҳҳум ком ийд.

Балки лаълинг шарбатин лутф эт мани мискингаким,
Қилса лозимдур гадоға шоҳлар инъом ийд.

Ийди дийдорингни кўргуз токи қурбонинг булай,
Тинг гамдин бўлмишам мазбуҳу беором ийд.

Шаҳ дуоси жомидин бўл, Огаҳий, сархуш мудом
Ким, онинг айёмидур олам аро айём ийд.

* * *

Кўйидин ойру кўнгулга боғи ризвондин на суд,
Бўямаса васли муяссар ҳуру филмондин на суд.

Тонмаса лаъли шаробидин агар сероблинг,
Танин жонимга зулоли оби ҳайвондин на суд.

Гар қуён осо юз очиб келмаса ҳижрон аро,
Тибри бўлгон шомима хуршиди тобондин на суд.

Нутқи шаҳидин жудо тўтйи табъим лол эрур,
То онги ул шаҳд етмай шаккаристовдин на суд.

Лаълидин тонмай табассум инбисотин гунчадек,
Тонг бўлгон кўнглума гулбарги хавдондин на суд.

Гар тамонҷ қилмасам кўйида зебо қоматин,
Гулашани жаннат аро сарви хиромондин на суд.

Ёр васли гулшанининг айшидён ком олмагон,
Ошиқи бечорага сайри гулистондин на суд.

Тийра гур ичра бўлур чуи манзил охир тийра хок,
Қасри Баҳромни аро тахти Сулаймондин на суд.

Чуи ўқубон ул пари қилмас амал мазмунига,
Бас санга, эй Огаҳий, тартиби девондин на суд.

* * *

Парда бирла қилмоғил хуршид рухсорингни банд,
Гар десаангим айлайин бу зарраи зорингни банд.

Истабон кўрмак жамолнинг тун-қуп ўлмиш беқарор,
Эй пари, мажнун кўнгулга қилма дийдорингни банд.

Сўз эшитиб лабларингдин тоза-тоза жон тонай,
Қилма, жоно, нуктадин лаъли шакар борингни банд.

Кўзларингим раҳм қилмай дам-бадам қопим ичра,
Айла бир тадбир ила икки хунхорингни банд.

Ишқ кўйига чу кирдинг эмди қилма, эй кўнгул,
Узинга бу кўй аро помус ила орингни банд.

Йўқ вафо бу бог аро бир гулда, қилгил ноладин,
Булбули шайдо онинг шафқида минқорингни банд.

Огаҳий, дилсўз назмингни эшитса аҳли ишқ,
Бўйнига таъвиздек айларлар ашъорингни банд.

* * *

Даҳр қасриким ҳақиқатда кўҳан вайронадур,
Они ҳар ким маскан этмак истади девонадур.

Сақфида ер сарбасар ондин ёғар гарди хатар,
Амниятдин йўқ асар, ваҳ, не ажаб кошонадур.

Фитна афвожи онинг сокинлари қасди учун,
Тортибон онда жафо тигия мудом айлонадур.

Онда ҳар шамъики равшан бўлиб кечалар,
Қоврилиб ўз ёғига бошдин аёғи ёнадур.

Шуълай ҳирмон аро чўркопгусидур оқибат,
Онда роҳат шамъиға ҳар жон қуши парвонадур.

Они гафлатдин қаю қушқим пишимаи айлади;
Ҳасрат ашқидин анга билгилки, обу донадур.

Ким онинг аҳлиға бўлди ошно истаб вафо,
Тортибон турлук жафолар жонидин бегонадур.

Таркини онинг кишиқим билди роҳат мужиби,
Олам аҳли ичра они онглаким фарзонадур,

Кониға еткан киши тонг йўқ жаҳондин топмасанг
Ким, бу олам, Огаҳий, бир кўҳна ҳасратхонадур.

* * *

Ҳаётим боис пири тилидин бир такаллумдур,
Нинотим мужиби рағин лабидин бир табассумдур.

Улумдин мап гадони ишқ дарди ичра қутқоргон,
Ҳамул ҳусн аҳли шоҳи зоҳир эткан бир тараҳқумдур.

Кўзум ёшин кўруб ҳижронда тонг йўқ келса қулбамга
Ки, раҳравнинг далили кеча маъзил сори ашқумдур.

Элар ҳолатда топдим тоза жон мугриб навосидин,
Тилимда бу жиҳатдин шукри ҳақ дойим тараннумдур.

Хату холиниг хаёли кирмаса кўз кўр бўлур бешак.
Ки, кўзиниг эътибори мужиби мужгон мардумдур.

Деса сўз муддаи ҳар бобдин солма қулоқ ҳаргиз
Ки, умрида онинг билган иши макру ташаъумдур.

На сўргунг, зоҳид, аҳволики онинг фикрию зикри,
Такиббурдур, тафаръундур, таҳашшумдур, тааззумдур.

Танаъум аҳли бўлмоқ истасанг қил сидқ ила хизмат,
Оларқим қилди хизмат сидқ ила аҳли танаъумдур.

Улуғга олам ичра ҳосил этмоқ нон эмас осон
Ки, боис чиққоли фирдовсдин одамға гандумдур.

Эр эрсанг тут баробар чархнинг лутфу жафосини,
Йўқ эрса дойимо элга ишинг арзи тазиллудур.

Агарчи хушдил ўлмиш Огаҳий анвои лутфингдин,
Вале, кўнглида онинг макри ҳасиддин тавнаҳҳумдур.

* * *

Даҳр бир майхонадурким, кулфат онинг жомидур,
Кўз ёши бирла кўнгул қони майи гулфомидур.

Ҳар кишиким онда кирди ичмак истаб жоми айми,
Неча турлук ғусса захрининг қадаҳ ошомидур.

Кимса не навъ ичкай онда амвият саҳбосини,
Кўнглида дойим ҳаводис шаҳнаси авҳомидур.

Кимки, роҳат нўшидин бир қатра ичти, то абад,
Жонида юз дарду меҳнат ишининг оломидур.

Фурсати айшига мағрур ўлмаким, андоқки барқ,
Турфат ул-айни онинг огозию анжомидур.

Умрлар гар ҳар ким онда комронлиг айласа,
Оқибат мақсуд васли комининг нокомидур.

Бўлмағил эмин замоми ҳодисоти даҳрдин,
Гар жаҳон Искандари, гар худ фалак Баҳромидур.

Чораси йўқтур ҳаводиснинг магар сабр айламак
Ким, бу иш ул дард доруйи фараҳ фаржомидур.

Огаҳий, тутгил фано кунжинки, даҳр андуҳидин,
Фориғ ул озодаким ул гушада оромидур.

* * *

Юзунг авжи сабоҳатда маҳи анварга ўхшайдур,
Сўзунг хони малоҳатда тузу шаккарга ўхшайдур.

Мусаффо кўйинг ичра жилва қилғоч чехраи олинг,
Эрам боғида очилгон гули аҳмарга ўхшайдур.

Жамолинг боғи рузвон онда лаълинг ичра ширин сўз,
Тула ёқут сбагар шарбати кавсарга ўхшайдур.

Лабингким, жон физолиғда нечукким чапмай ҳайвон,
Хатинг ул чашма узра Хизр пайғамбарға ўхшайдур.

Юзунгда печу хамлиғ кокулингнинг шакли ганж узра,
Саросар ҳалқа ургон тоблиғ аждарға ўхшайдур.

Қошинг узра ики холинг биайниҳ каъба тоқида,
Билол осо биридур ҳам бири қамбарға ўхшайдур.

Мунаввар чеҳранг узра кўзларинг ислом мулкида,
Таваттун айлаган қотил ики кофарға ўхшайдур.

Кўз атрофида мужгонинг улусни қатл қилмоқға,
Ҳамул қотиллар илгида итик ханжарға ўхшайдур.

Тонг эрмас, Огаҳий, аҳли жаҳон шеърингга майл этса,
Нединким, ҳар сўзунг назм ичра бир гавҳарға ўхшайдур.

* * *

Дедим ул шухға: — Ишқингда хаста жони зоримдур,
Деди: — Онинг давоси нуши лаъли шаҳди боримдур.

Дедим: — Тинмай чекар кўнглум дами оҳу ғиғон, эй гул,
Деди: — Ул андалиби зору бесабру қароримдур.

Дедим: — Нури тажалли айлади кўнглум уйин равшан,
Деди: — Фикри шуъби партави меҳри узоримдур.

Дедим: — Жоним уйин қилдинг хароб, эй хўблар шоҳи,
Деди: — Мулкимдур они ҳарна қилсам ихтиёримдур.

Дедим: — Бу кеча тушда қилмишам афлок сайрияи,
Деди: — Таъбири таъфи дарғаҳи рифъат мадоримдур.

Дедим: — Мен бенавони базми васлиягдин даме шод эт,
Деди: — Ҳамсуҳбат ўлмоқ сан киби мискинга оримдур.

Дедим: — Шаҳди лабингдин лутф ила бир бўса қил инъом,
Деди: — Бу қисмати ушшоқи соҳиб эътиборимдур.

Дедим: — Хар дам рақибингдин етар жонимға юз озор,
Деди: — Маи гул эрурман, ул манинг теграмда хоримдур.

Дедим: — Ҳар дам педундур Огаҳийга лутфи ихсонинг,
Деди: — Бори гами ишқим чекарда устиворимдур.

* * *

Кишиким, фақир кўйида талабкори қаноатдур,
Замирига онинг макшуф асрори қаноатдур.

Қудуроти тамаъдин нуқта янглиг тийралик кўрмас,
Бировким, дилнишини хатти паргори қаноатдур.

Мазаллат уқларидин ул диловар булгуен эмин
Ки, олам размгоҳида сардори қаноатдур.

Қуёшдек авжи иззатда қилур ул пок дил маскан
Ки, онинг тийнати миръоти анвори қаноатдур.

Бу маҳфил ичра роҳат нашъасидин ком олур доим,
Кишиким, журъа нўши жоми саршори қаноатдур.

Етушкай тезроқ мақсуд сарҳадига ул солик
Ки, манзилгоҳи онинг авжи кўҳсори қаноатдур.

Кўнгул, ҳар кимсанким, ҳоксори дарбадар кўрсанг,
Яқин билгилким ул, албатта, безори қаноатдур.

Азиз ўлмоқ агар истар эсанг аҳли жаҳон ичра,
Қаноат айлаким, ул рутба осори қаноатдур.

Биҳамдиллаҳ азизу, комёбу комкор ўлмиш,
Ҳам оғуш Огаҳийга токи дилдори қаноатдур.

* * *

Бу оқшом маҳвашим рухсори ой бирла талошибдур,
Эмас анжум, фалак аҳли очиб кўзлар қарошибдур.

Бир учқундур қуёш ул маҳлиқо рухсори ўтидин,
Шафақ эрмас, фалак домониға ул ўт тудошибдур.

Дема тун зулмати хуршид рухсори ниҳон этмиш,
Ул ойнинг ишқи савдоси онинг бошидин ошибдур.

Фалак меҳри булутдин юзга чекмиш пардаи мушкин,
Магар боқиб қуёшим юзига кўзи қамошибдур.

Юзида чинмудур ҳар сори тушган совуқ оҳимдин,
Бу сарсар бирла, йуқ эрса ғазаб дарёси тошибдур.

Сочи савдосида гар етмасам лаълига, тонг эрмас
Ки, бу зулмат ичида неча Искандар адошибдур.

Юзига суртибон ғоза, чекибдур қошига вўсма,
Бу зинатлар онга, ваҳ, не бало асру ярошибдур.

Кўнгул, бул воқиф ул пайваста қошлар ҳайъатидинким,
Иков бир-бирга қатлингда эгиб бошин кенгошибдур.

Неча кўп деса ҳазён, Огаҳий, ҳар кеча тонг йуқким,
Ул ой савдоси фикри бирла онинг ақли чошибдур.

* * *

Бул шоду хуррам, эй кўнгулким, мавсуми наврўз эрур,
Шоҳи кавокиб адлининг айни жаҳонафрўз эрур.

Рўйи замни сарто қадам андоқ тароватлар топиб
Ким, рашк ўти тоби биҳишт аҳлига тоқатсўз эрур.

Ошиқларин сайд эткали юз ишва айлаб шўхлар,
Кирриқларининг ҳар бири бир новаки дилдўз эрур.

Кулфат уқоби даҳрдин гам чуғзи янглиғ рам қилиб,
Ишрат ҳумоси, уйлаким, шаҳбози дастомуз эрур.

Гар гам сипоҳи саф тузуб қилса савош изҳорини,
Бу фасл аро тиги қадаҳ чеккоп киши фёруз эрур.

Е раб, ҳамул шаҳ давлату умрини беандоза қил
Ким, бодаи эҳсонидин олам тараб андуз эрур.

Гам кўҳна шони, Огаҳий, тонг йуқ жаҳондин борсаким,
Султон одил асрининг ҳар бир куни наврўз эрур.

* * *

Кетур, соқий, қадаҳким, базмгоҳ ийди қурбондур,
Кўнгуллар майли айшу ишрат айларга фаровондур.

Хазинларга карам қил, журъаи жоминг дариг этма,
Ки, бу ҳангом хуш фаржом вақти хайри эҳсондур.

Тузуб асноф одам барча ўз аҳли била мажлис,
Биҳишт осо безалган ҳар тараф юз минг шабистондур.

Қилиб ҳар мажлис ичра ҳур янглиг хўблар жишва,
Алар рухсоридин ҳарён ниҳоятсиз чароғондур.

Мугапнийлар тузуб ушшоқ оҳангги била созин,
Саросар дилкаш овозлар бирла ғазалхондур.

Суроҳийлар қўюб бошини мутриблар аёғига,
Тазарруъ кўргузуб қулқул садоси бирла цолондур.

Онингдек бўлди ҳар сори тараб базми муҳайёким,
Анга гардуи нужумидин туман кўз бирла ҳайрондур.

Етиб барча халойиқ шохиди мақсуд висолиға,
Тарабдин топтилар кому муродин улча имкондур,

Тонг эрмас, барча элдин Оғаҳий айши зиёд ўлса
Ки, ул манзур чашми илтифоти ҳазрати хондур.

* * *

Келди юз файзу тароват бирла айёми баҳор,
Айлади рўйи замин жаннат сафосин ошкор.

Эсти офоқ ичра ҳар сори ҳавоин руҳбахш,
Жонфизолигда дами Исони айлаб шармсор.

Даҳридин маҳв айлади гарди кудуратни бўлуб,
Абри найсон дийдан ушшоқ янглиг қатра бор.

Ҳар тараф сувлар равон ўлди азубатлар била,
Дилраболарнинг зилол лаъли янглиг хушқвор.

Юз тароват бирла топти сабзалар нашъу намо,
Чашмалар атрофида адоққи хатти лаъл бор.

Берди гуллар юзига сунбул намойиш ўзгача,
Хўбларга ўйлаким, гису бўлур зеби узор.

Кўз очиб мастона наргислар гулистоп саҳнида,
Шўхлар очгай нечукким, ноз ила чашми хумор.

Жилва бўстонлар аро ҳар сори айлаб сарви гул,
Булбулу қумри алар шавқида бўлди беқарор.

Ҳар сори боқсанг тамошо айлагуниг асбоби айни,
Ҳар тараф қўйсанг қадам ишратга бўлгунгдур дучор.

Бўйла ишратпарвару роҳатафзо айём аро,
Азми саҳро айлали, келгил, иковлон, эй нигор.

Гўшаи боғ ичра базм айлаб, ичиб жоми тараб,
Ўзни сарҳуш айлали, бирнеча кун лайлу наҳор.

Ким, ганиматдур шабобу ҳам баҳор айёмиким,
Турмагай бир ҳол ила албатта даври рўзгор.

Огаҳийдин ижтиноб этма қари деб, эй йигит.
Ким, бўлур афсурда гул, ҳарвақтким айрилса хор.

* * *

Ўйла еткурди жаҳонга зинату оро баҳор
Ким, бори ер юзин этти жаннат ул-маъво баҳор.

Оби ҳайвондек сузук сув ҳар тараф айлаб равон,
Қилди саҳрога тароват ўзгача пайдо баҳор.

Тоза жон еткурди сар-тосар раёҳин жисмиға,
Жонфизио эл эстуруб ҳар ён Масиҳосо баҳор.

Очибон юз гулни, хуррам айлабон минг сарвини,
Булбулу қумрини қилди волаю шайдо баҳор.

Тобратиб ел бирла ҳар сори шажарлар бошини,
Дага имо қилди гулгашт эткали саҳро баҳор.

Дони соқийси қўлига берди рангин жомини,
Авшу ишрат аҳлин этмакка қадаҳдаймо баҳор.

Келгил, эй гулчеҳра, бу фасл ичра саҳро сайрига
Ким, қилибдур дашту саҳрони фараҳосо баҳор.

Гўшаи ичра базм этиб жоми тараб нўш айлали
Ким, ганиматдур неча кун, эй қади раъно, баҳор.

Огаҳийга қилма ҳамсуҳбат бўлурдин орким,
Гул эмас бир лаҳза булбулдин жудо асло, баҳор.

* * *

Келдилар карам айлаб қулбам ичра жононлар,
Ҳар бириси жонимдин ҳам азиз меҳмонлар.

Тийра шони ҳижроним равшан этилар кундек,
Юзларин очиб ҳар ён неча моҳи тобонлар.

Гулшан этилар базмим равзан Эрам янглиғ,
Орази гулидин ул рашки ҳуру филмонлар.

Ултуруб қуруб ҳалқа ичкали майи ишрат,
Бердилар қадаҳларга мажлис ичра давронлар.

Нун этиб неча соғар ҳар бири бўлуб сархуш,
Бода тобидин очти юзлари гулистонлар.

Мастлик била уйнаб, бир-бирига даҳл айлаб,
Қилдилар тақаллумдин лабларин дурафшонлар.

Келтуруб тўла соғар манга ҳам дедилар: «Ич!»
Ман дедим ибo айлабким: «Мани қўюнг жонлар».

Дедилар ибo қилмай: «Бодани сумургилким,
Қулга иш қабул этмак, не буюрса султонлар»,

Ложарам ичиб бода ман оларнинг илгидин,
Кеча тонғача қилдим ишрати фаровонлар.

Улчаким, эди комим айшдин бўлуб ҳосил,
Қолмади яна андак кўнгулум ичра армонлар.

Огаҳий, бу ажзингким, бор санга ҳануз, оқдур
Қилса хўблар шоҳи неча лутфу эҳсонлар.

* * *

Ул ой рухсориким ондин ҳама олам мунаввардур,
Лагофат осмони авжида хуршиди анвардур.

Урилган икки зулфи жону кўнгулум қасдин этмакда,
Саросар жисми печу тоб топқан икки аждардур.

Мусаффо тишлари кулгу чоги лаъли лаби ичра,
Дурахшон ҳуққан ёқут аро покиза гавҳардур.

Юлу зулфиға то қилди назар девоналиғ айлаб,
Гули аҳмар яқо чоку паришон сунбули тардур.

Хиромон қоматиға гулшан ичра кўргузув таъзим,
Дема ел бирла мойил ҳар тараф сарву санавбардур.

Кўлиға ўқу ё олғон ситам қилгучи кофирдур,
Кўликим қасди жон эткуси мужғону қоши бирла,

Мана бемор ўлар ҳолатга етконда ики лаълинг,
Сўруб билдим оларнинг бири шақкар, бири кавсардур.

Агарчи Юсуф аҳли ҳусн султону азизидур,
Нигорим олида лекин гулому хору камтардур.

Ул ой васфида ҳар кун Огаҳий шеъри топар рифъат,
Кўёндек боши ондин чарх авжиға баробардур.

* * *

Эй жони ғамгин муждаким, бу кеча жонининг келур,
Гуича даҳану гулбадан сарви хиромонинг келур.

Меҳру вафо расмин тузуб, жавру жафо таврин бузуб,
Ширин табассум кўргузуб, лаъли дурафшонинг келур.

Хинги саодат маркаби, себи латофат ғабгаби,
Боги малоҳатда лаби гулбарги хандонинг келур.

Оиглаб гамида мотаминг, бўлмоққа бу тун ҳамдамнинг,
Ўрутголи шони ғаминг шамъи шабистонинг келур.

Дарди дилингни сўргали, сориг юзингни кўргали,
Дамсоз ўлуб ўлтургали ёри қадрдонинг келур.

Гар дардидини ўлсанг не ғамким бу кеча айлаб карам,
Ширин лабу жонбахш дам Исои давронинг келур.

Бору йўқингни шоду хуш олдида қилғил пешкаш
Ким, ул Азизи мисрваш иззатли султонинг келур.

Ииллар ўтуб ул сиймбар олмас эди сандин хабар,
Гўё бу тун айлаб асар кўнглига афғонинг келур.

Жисминг қилиб хокираҳи жон ичра ер бер, Огаҳий
Ким, бу кеча хўблар шаҳи бўлмоққа меҳмонинг келур.

* * *

Мулку миллатга амин ўлса агар огоҳлар,
Икки олам обрўйини ҳосил эткай шоҳлар.

Ваҳ, нечук маҳкам бўлур ул шаҳга давлат қасриким,
Бўлмаса аркони онинг кўҳна давлатхоҳлар.

Паст ҳиммат жоҳили навъдавлат ўлмас дастёр,
Шаҳга лозимдур неча донойи олий жоҳлар.

Мулк умурининг низомин билгуси аҳли сипоҳ,
Не билур ассорлар, атторлар, жўлоҳлар.

Истама арзолдин ашрофнинг афъолини
Ким қило олмас ҳузбар эткан ишин рубоҳлар.

Жоҳилу худбин кўра олмас ўзидин ўзгани,
Лойиқи давлат эмастур ҳар назар кўтоҳлар.

Сарф этиб эл молдин ўз нафси учун қилғой мудом,
Зийнати току, турнубу, суффаю, бингоҳлар.

Ўйла давлатхонада турғой нечук номуским,
Бўлса соҳиб ихтиёр онда ғулому доҳлар.

Қолмоғой амният осори агар топса рявож,
Шаҳр аро авбошлар, бебоклар, бериҳлар.

Гофил ўлса шаҳ агар мулку сипоҳ аҳволидин,
Бошга иш тушканда суд эмас фиғону оҳлар.

Огаҳий, қил шоҳи огоҳнинг дуойи давлатин
Ки, онга аркони давлатдур ҳама огоҳлар.

* * *

Кулбама келган карам айлаб букун жонён эрур,
Иўқса жисми потавоним ичра кирган жон эрур.

Юсуфи Мисри апага гар қуллуқ этса тонг эмас
Ким, бори олам аро хуси аҳлига султон эрур.

Беиқоб ул маҳлиқони токи кўрди ҳар кеча,
Ипфиолидин қуёш ер остида пинҳон эрур.

Они кўрганлар пари ё ҳур дерлар ё малак,
Ҳеч ким дей олмагай ҳаргиз онга инсон эрур.

Ер тутуб гулгун узори узра мушкин холлар,
Уйлаким, гул сафҳаси узра абирафшон эрур.

Чун латофатлиг лабин бог ичра кўрди гунчалар,
Ҳар тарафдин оғзини очиб онга ҳайрон эрур.

Лутф этиб бу кун келиб ҳолингни сўрди дилбаринг,
Огаҳий, эмди санга ўлгунча не армон эрур.

* * *

Эй кўнгул, одам хаёл айлаб дема подонга сўз,
Чунки, ул инсон эмас, топсанг дегил инсонга сўз.

Сўздур инсон кўнглида бир гавҳари қийматбаҳо
Они хор этма дебон ҳар ҳуши йўқ ҳайвонга сўз.

Ваҳ, на янглиғ билгуси ҳайвон гуҳарнинг қадрини
Ким, топар ҳаз етса ул кунжораю сомонга сўз.

Сўзни мафҳум айламак нофаҳмга мушкулдурур
Ким, бўлуб сўз аҳли бағри қону ботгой қонга, сўз.

Сангдил жоҳилга, тонг йўқ, сўз агар қилмас асар,
Чунки, таъсир айламак мумкин эмас сандонга сўз.

Ҳар ҳасосат шевага сўзингни зойиъ қилмагил,
Сўз демак истар эсанг де соҳиби эҳсонга сўз.

Вилмаган ўз қадрини не билгуси сўз қадрини,
Ҳайфдур, доно демак подони беирфонга сўз.

Алмақ аҳли билмагай сўз ичра ўз беҳбудини,
Ҳанга қилгай зарар охир чекиб ҳазёнга сўз.

Сўз қабул уммиди бирла демагил ҳосидгаким,
Одами маъқул эта олғай қачон шайтонга сўз.

Раҳм этиб сўз ҳолига жоҳилга они демагил
Ким, бўлуб безор ондин келгуси афғонга сўз.

Олам ичра борча ишдин қоттиғу душвордур,
Огаҳий, маъқул қилмоқ беҳаё подонга сўз.

* * *

Қилиб ойини меҳр оғоз наврўз,
Келиб қин фаслин этти ёз наврўз.

Жаҳон сарто қадам файзу сафода,
Бўлуб жаннатга файз андоз наврўз.

Ҳама эл айш базмиға қилиб майл,
Тараб қонунин этти саз наврўз.

Ўзига ҳар киши борича имкон,
Бериб юз зийпату пардоз наврўз.

Қилиб маъшуқлар ошиқлариға,
Гаҳи юз лутфу гаҳ минг ноз наврўз.

Олиб ушшоқ ҳам маъшуқидин ком,
Бўлуб ҳамсуҳбату ҳамроз наврўз.

Бори эл харж этиб нақдини булди,
Тараб маҳбубиға дамсоз наврўз.

Нишот асбобиға харж айлар элга,
Жаҳон ганжи ҳам ўлса оз наврўз.

Неча итноб қилсанг айш васфин,
Ўлур, эй Огаҳий, эъжоз наврўз.

* * *

Ёрутмас тийра шомим очса юз хуршиди анвар юз,
Ниқоби абридин то очмаса ул моҳ пайкар юз.

Мани кўргач фиғонким парда остиға юзин тортар,
Рақиби олдида лекия очар ҳар дам мукаррар юз.

Юзи ҳижроида гар ўзга юзга боқмасам тоғ йўқ
Ки, таскин изтироби хотиримга бермагай ҳар юз.

Гули рухсори ишқининг гами ичра ажаб эрмас,
Хазон барги киби бўлса мани маҳзунга асфар юз.

Юзи номи фироқим ёрутур, хуршид ёрутмас,
Анго демак галатдур меҳри рахшонга баробар юз.

Юзин бир қўрмак айлаб орзу ўлмакка етмишман,
Тараҳҳум айлабон қўргузмас асло ул ситамгар юз.

Синоҳи ишқ имдоди била бўлгум тараф ёлгуз,
Ғаму андуҳи ҳижрон лашкари гар мишг эрур, гар юз.

Ғапо баҳрига киргач гар тиларсан гавҳари мақсуд
Ки, гаввос ўлмагон одамга очмас ушбу гавҳар юз.

Юзин қўргузмак ул ой Огаҳийга ваъда айлабдур,
Магарким ахтари толиғ анго очмиш мунаввар юз.

* * *

Нозанинлардур санга, эй сарв ноз,
Ишқбозу, ишқбозу, ишқбоз.

Раҳм қил ҳажринг ўти келди, басе,
Жонгудозу, жонгудозу, жонгудоз.

Илтифотинг айлагил аҳволима,
Чорасозу, чорасозу, чорасоз.

Лутф этиб ушшоқ аро қилгил мени,
Сарфарозу, сарфарозу, сарфароз.

Муддаийлар суҳбатидин айлагил,
Иҳтирозу, иҳтирозу, иҳтироз.

Ишқинг ичра йўқтурур ман зордек,
Покбозу, покбозу, покбоз.

Қўб бўлуб жавринг мани дилхастаға,
Лутфинг озу, лутфинг озу, лутфинг озу.

Қилди ишқинг хайли сабрим мулкига,
Тарк тозу, тарк тозу, тарк тоз.

Ҳажр аро субҳимни қилмай шомдин,
Имтиёзу, имтиёзу, имтиёз.

Мутрибо, созингни овозинг била,
Айла созу, айла созу, айла соз.

Кур пиёзин Огаҳийинг, раҳм қил.
Қилма позу, қилма позу, қилма поз.

* * *

Навбаҳор айёми ҳар ким бўлса айшу боғсиз,
Лоладек бир лаҳза ғамдин кўнгли эрмас доғсиз.

Кимса бўлса боғу бўстонсиз агар фасли баҳор,
Уйла нахлидурки бўлғой шохаю яфросиз.

Ҳар кўнгулким боғ аро ишрат майидин шод эмас,
Машғаледурким, ёруғлиқ йўқтур онда ёғсиз.

Ҳар киши кошонасиким бўлмаса боғи онинг,
Ез айёмида бир дўзах дурур учмоғсиз.

Бордурур қишдин совуқроқ суҳбатин гарм айламак,
Ез фасли ёр бирла уйда боғу роғсиз.

Уйла сел оқизди кўздин боғ айши ишрати
Ким, топилмас рубъи маскун ичра ер бутроғсиз.

Гарчи ёрмоқсиз киши эрмас кипилик сонда,
Боғсиз улгондин аммо яхшидур ёрмоғсиз.

Улса хористон, не тонг, бечора булбулға ватав
Ким, жаҳон боғида ер йўқтур ҳужуми зогсиз.

Кулбаи вайронда тонг йўқ, Огаҳий, бўлса малул
Ким, эмастур доғсиз кўнгли замоне боғсиз.

* * *

Нозу қарашма боғининг сарви равони сизмусиз,
Ошиқи хаста жисмининг роҳати жонӣ сизмусиз.

Қуллугингизга фахр этар куйингиз ичра хўблар,
Кишвари ҳусн тахтининг шоҳи жаҳони сизмусиз.

Ғамза ўқини ёшурун отибон, айлаган аён,
Кўксимиз узра ҳар тараф печа ярони сизмусиз.

Ғарқан ҳайрат айлаган кўзларимизни кўзгудек,
Кўргузубон карашмаю нозу адони сизмусиз.

Зор кўнгулни бир ниҳон дарду ғиғонга келтурур,
Рост денгизки, боиси дарди ниҳони сизмусиз.

Меҳру вафони кўргузуб ўзга улусга дам-бадам,
Бизга ҳамиша қилгучи жавру жафони сизмусиз.

Шафқату илтифотни бизга кам айлабон, баче,
Ўагага вофир айлаган лутфу атони сизмусиз.

Ёткурубон рақибга васлу нишоту айшини,
Бизга ҳавола айлаган дарду балони сизмусиз.

Ишқ ўти ичра Оғаҳий кечаю кундуз ўртапур,
Ушбу ўт ичра бу сифат ўртаган они сизмусиз.

* * *

Юзининг меҳрини кўрган маҳп анварни ёд этмас,
Либининг шаҳдини сўрғон ети кавсарни ёд этмас.

Ётиб туфроқ уза кўйида бошига тошни ёстонгон,
Ниҳонит ичра мулойим болншу бистарни ёд этмас.

Ғули рухсорини ногаҳ тамошо айласа булбул,
Ғиғондар тортибон ўтлуғ гули аҳмарни ёд этмас.

Ўу ниҳит аҳлига роғиб дурур ул хўблар шоҳи,
Тош армасдур агар бу бандан аҳкарни ёд этмас.

Сариг юзга ориг ашким неча оқса эмасдур суд,
Ғар истиғно камолидин зару гавҳарни ёд этмас.

Агар шаҳлар боши узра аёғи туфроғи етса,
Шаҳон султонлиғин тарк айлабон афсарни ёд этмас.

Ғиғонким, ҳар кеча иш айлабон ағёр ила соғар.
Хумор ичра агар ўлсам, мане музтарии ёд этмас.

Бурун кўп ваъда гарчи айламиш эрди, вале эмди,
Бирин ҳам ёдига солмас демай аксарии ёд этмас.

Бас эткил, Оғаҳий, ўтлуғ ғиғонингким, сани ул ой,
Нечаким, ўртасанг афлок ила ахтарии ёд этмас.

* * *

Керакмас гул манга, ул шўхнинг гулгун япгоқи бас,
Нетай шаҳду шакарни шарбати ширин дудоқи бас.

Нетиб сарву сумаи сайрига майл айлайки, ёримнинг
Тамошойи қади зебосию сиймин сақоқи бас.

Деманг руммон ила бодом васфин хаста кўнглумга,
Нигорим лаъли руҳафосию дилкаш қапоқи бас.

Жаҳон раъноларининг суҳбатин кўнглум па қилсунким,
Анга ул дилрабонинг базми васли иштиёқи бас.

Қуёш тожин бошимга гар фалак қўйса бўюн сўнмон,
Нединким маҳвашининг бошима етса аёқи бас.

Боқиб икки кўзим ою қуёш шаклига петсушким,
Олорга шаҳсуворимнинг ики заррин чапоқи бас.

Қабул этман агар огушини ҳур айласа жойим
Ки, жоним роҳатига ул пари пайкар қучоқи бас.

Агар ҳайвон зулолин Хизр берса огзима олмон
Ки, дурди бода лутф этса манга гулчеҳра соқий бас.

Ҳавас жоми жам этмон, Оғаҳий, май нўш этар чоғда
Ки, жоми жам манга ёр итлари сингон ялоқи бас.

* * *

Манга тун хилват ичра бўлди мутрибзодаи мунис,
Ошигдекким, хумор аҳлига бўлғой бодан мунис.

Тараб узра тараб кўнглумга еткурди тутуб соғар,
Бўлуб гулчеҳра соқийи тараб омодаи мунис.

Не тонг андуху кулфат қайдидин озодлиг топсам
Ки, бўлимишдур манга бир маҳлиқо озодаи мунис.

Ажаб йўқ сода кўнглум етса ҳар комиғаким, бўлимиш
Анға юз лутф бирла бир нигори содаи мунис.

Муруват шаръида вожиб анису дастгир ўлмоқ,
Агар бўлса кишига бекасу афтодаи мунис.

Тавозиъ кўргузуб зоҳид, не тонг, унс этса опиқға
Ки, ҳайрат жойи эрмас нарға бўлмоқ модаи мунис.

Тонг эрмас, Оғаҳий, файзи илоҳига анис ўлса
Ки, ул бордур насаб ичра буродар зодаи мунис.

* * *

Гар деса, лутф айлабон, ул нозанин дилбар ҳадис,
Юз ўлукни тиргузар чиққоч лабидин ҳар ҳадис.

Жаннату тўбию ҳам кавсарға боқмоп, негаким,
Ерға жаннат руҳу қад тўбию кавсар ҳадис.

Либларидин сўз эшиткач тонг эмас ҳайронлигим
Ким, қилур зоҳир ики ёқутдин гавҳар ҳадис.

Гар тилим сўздин қолиб етсам ўларға йўқ ғамим
Ким, Масиҳойи лабиға келди жоипарвар ҳадис.

Ком тонгоч лаълидин қилгум суханварлик аён,
Ўйликим тўти қилур зоҳир ебон шаккар ҳадис.

Гар мени гўё тиларсиз кўргузунг ул юзниким,
Доя булбул қилгуси кўрса гули аҳмар ҳадис.

Маҳрдек равшан иборат келди сўзнинг зийнати,
Пешидур муҳхам луғатга бўлмаса мунжар ҳадис.

Соф табиъ элнинг сўзи кўпроқ кўнгуллари олур
Ким, муассир бўлгуси гар пок эса масдар ҳадис.

Оғаҳий сўзин мусаллам тутмаса ҳодис, не тонг,
Иқмағай бу жаҳлга гар деса пайғамбар ҳадис.

* * *

Фарёдима бўлмушдур юз дарду бало боис,
Юз дарду балога, бил, ул қоши қаро боис.

Кўнглум фараҳига от сурмаклиги боисдур.
Очилмоқига гунча, андоқким, сабо боис.

Боқғоч онга яшурди гулгун юзини мандин,
Билмонки, газабданму, йўқ эрса, ҳаё боис.

Ҳам лутфи сабаб жисмим жон топмоқига тоза,
Ҳам қаҳри бадавдин жон бўлмоққа жудо боис.

Гар йиғлар эсам тунлар айб этманғиз, эй аҳбоб,
Найлайки, анга бордур бир моҳлиқо боис.

Кўйида рақиб айлар кўргач мани юз дашном,
Ул навъки бўлғай ит урмакка гадо боис.

Лутф айла, дуо олғил, эй шоҳ, гадолардин,
Нечунки камолинга бўлғуси дуо боис.

Фазл аҳлига ҳамсуҳбат бўлмоқга ибо қилма
Ким, бўлғусидур жаҳлинг орторга ибо боис.

Равшан тиласанг хотир тарки ҳавас этким, ул
Огаҳий эрур кўнглунг билмоқга қаро боис.

* * *

Даҳр базму айши андуҳу ғамига арзимас,
Шарбати жонпарвари муҳлик самига арзимас.

Юз йил ўлсанг ёр васлининг сафолиг сахнида,
Би замонлиғ ҳажри шони музлимига арзимас.

Етса даврондин санга, гар, умрлар сур узра сур,
Бир нафас еткан малолу мотамига арзимас.

Лаълидин, гар, жон топуб қучсанг муродинг шоҳидин,
Наъз вақти пайқаринг печу хамига арзимас.

Мадҳинга очса улус, гар, юз хуш иборат бирла тил,
Бир қабих алфоз ила қилғон замига арзимас.

Тенг тут амволи жаҳон бешу каминиким, онинг,
Иибисоти бешу андуҳи камига арзимас.

Истабон айш, Огаҳий, гам бошинга келтурмаким,
Даҳр бозму айши андуҳу гамига арзимас.

* * *

Боғ ичра қадам, эй гул, қўйғилки баҳор ўлмиш,
Боғ аҳли тилаб васлинг бесабру қарор ўлмиш.

Тирноғи била йиртиб гул сийнасини сансиз,
Қаддинг гамига тузмай девона шиор ўлмиш.

Урэн тан ила буким елдим қилур афгон сарв,
Қаддинг гамига тузмай девона шиор ўлмиш.

Ҳолида паришонлиғ сунбулнинг эрур, баским,
Гисуйи паришоннинг савдосида зор ўлмиш.

Боши қуйию қад ҳам наргис сори боқғилким,
Саҳбойи нигоҳингни торторға хумор ўлмиш.

Ер узра тўшаб насрив яфроғларини ҳар ён,
Ўпмоқға кафи пойинг йўлунгда ғубор ўлмиш.

Ишқинг гамида тун-кун фарёду фиғон тортиб,
Ҳам булбулу, ҳам қумри маҳзуну назор ўлмиш.

Ман зор ила бўлмоқдин ор айлама бўстонда
Ким, субҳу масо гулнинг ҳамсуҳбати хор ўлмиш.

Боғ ичра хиром айлаб кел, Огаҳийни шод эт
Ким, боғ аро ул сансиз юз гама дучор ўлмиш.

* * *

Эй жамолнигга, гар эрмас, волаю ҳайрон қуёш,
Айданиб бошинга невчун бўлди саргардон қуёш?!

Шуъла ичра пега гарқ ўлмиш тани бошдин аёқ,
Отани ишқинг аро гар бўлмаса сўзон қуёш?!

Юз қўюб ҳар кун эшикинг ёстонур не важҳ ила,
Гар санга қилмоқ ўзини истамас дарбон қуёш?!

Чекмаган бўлса ўзин гар қулларингнинг силкига,
Не учун анжум сипоҳи узрадур султон қуёш.

Истабон қилмоқ ўзин парвона ҳусунг шамъига,
Тун-кун атрофингда айлар тинмайин даврон қуёш.

Гар қуёшосо юзунг очсанг ниқобинг абридин,
Меҳр қошида суҳо янглиг бўлур пинҳон қуёш.

То кафи пойингга юзви суртди ихлос яла,
Тошти рухсорини тун-кун чарх уза тобов қуёш.

Қилма саркашлик гар истарсан камоли рифъатинг
Ким, камолига мудом ондин топар нуқсон қуёш.

Огаҳийнинг тийра шомин юз очиб ёрутмасанг,
То қиёмат субҳи ёрутмоқ эмас имкон қуёш.

* * *

Хўблардин орзу меҳру вафо қилмоқ ғалат,
Ул вафосизларга ўзни мубтало қилмоқ ғалат.

Гар жафо таркига ваъда қилсалар, алданмағил
Ким, алардин бир нафас тарки жафо қилмоқ ғалат.

Айласанг юз жон фидо бир айламаслар штифот,
Ул ситамгарларга вақди жон фидо қилмоқ ғалат.

Одату ойинларидур айламак жавру жафо,
Орзу ул хайлдин лутфу ато қилмоқ ғалат.

Дардманд ўлғон киши киррикларининг пишидин,
Лаблари нушидин уммиди даво қилмоқ ғалат.

Ошнолардин тиларлар дойимо бегоналиг,
Ўзни ул бегоналарга ошно қилмоқ ғалат.

Ўқ киби қоматларин чекмак тилаб оғуш аро,
Шавқ бозуси кучидин қадми ё қилмоқ ғалат.

Кўкка чиқсанг ҳам қуёшдек тушкасан ер остига,
Иззу жоҳи даҳрдин кибру ҳаво қилмоқ ғалат.

Огаҳий, назм ила сўзким назм аро фазл аҳлиға,
Сан киби зоҳир каломи жонфизо қилмоқ ғалат.

* * *

Юзунгни кўргали бўлмиш манга зулфи дуто монийъ,
Нечукким истаганга ганж бўлмай аждаҳо монийъ.

Узоринг меҳридин гар муддаи бебаҳрадур, лекин
Ки, шабпар очқоли кўз бўлгуси нури зиё монийъ.

Тақаллумга тил очмассан мани кўрган чоги, билмон,
Ғазаб монийъму эркан, йўқ эса шарму ҳаё монийъ.

Тонг эрмас гарди роҳинг кўзга етказ тўхтаса ашким
Ки, кўз ёши оқарга бўлгусидур тўтиё монийъ.

Оёқингга юзум суртуб тиларман обрў топмоқ,
Бошинг ҳаққи замони бўлмоғил, эй маҳлиқо, монийъ.

Келай деб ваъда қилдинг, келмадинг ушбу гадоингга
Ким, қилди билмадим, эй хўблар шоҳи, санго монийъ.

Рақибинг монийъ ўлмиш ком олурға жоми васлингдин,
Анга ҳам еткали мақсудига бўлсун худо монийъ.

Насибмдур азалда ишқ аро расволиғ, эй носих,
Бу иш ичра худо ҳаққи учун бўлма манго монийъ.

Неча кўб бўлса журминг авфу раҳматдин умид узма,
Эмас баҳри карам мавжиға хошоқу хато монийъ.

Агар қилсанг ибодат сидқи дил бирла қил, эй зоҳид
Ки, мақсадга етарга бўлгуси реву риё монийъ.

Ғаноу фақр сори Огаҳийнинг кўнгли мойилдур,
Илоҳи, нафси шайтон макрини қилма анго монийъ.

* * *

Ҳар кеча тинмай қилур сўзу гудоз изҳор шамъ,
Гўйё маддек эрур бир ошиқи дийдор шамъ.

Не учун девоналардек йиғлабон йиртар ёқо,
Ул париваш ишқида гар худ эмастур зор шамъ.

Бир нафас йўқтурки, чиқмас дуду шуъла бошидин,
Куйгуси мандек магар гам ўтига бисёр шамъ.

Риштаи жони куюб ҳар дам топар жисми гудоз,
Бир ниҳони дардга гўё эрур дучор шамъ.

Ортса ул ой юзи тоби мутарро зулфидин,
Тонг эмас, равшан бўлур бўлса паришон тор шамъ.

То куюб нақши қадамни бошига қилмас паноҳ,
Роҳат уммидин бу маҳфилда қилур бекор шамъ.

Чарх бошига солиб доғу аёқин қилди банд,
Токи саркашлик била кўргузмагай рафтор шамъ.

Еткура олмас улус жониға роҳат партавин,
То куюб кўрмас раво ўз жониға озор шамъ.

Огаҳий, васл истасанг ўт ур вужудинг борига
Ким, бу хислатдин ул ой базмида топти бор шамъ.

* * *

Эй жабининг чинидин кўнглум саросар тоблиғ,
Ҳалқан зулфинг била жон бўйнидур қуллоблиғ.

Қаҳри шиддат тавру тарзина бериб ҳар дам ривож,
Меҳру шафқат расмиға еткурмагил ноёблиғ.

Мулки дунёким улусга мазран уқбо дурур,
Оқизиб эҳсон сувин бергил анга сероблиғ.

Оҳким, аҳли замон олида одам ул дурур
Ким, эса ҳайвон киби нодону хўрду хоблиғ.

Касби жаҳл эт, эй кўнгул, ушбу бурудатгоҳ аро,
Истасапгким жисминг ўлғой киш ила санжоблиғ.

Истагай олмоқ гадо илгида кўрса бир дирам
Кимки Қоруидек эса минг ганжи зарри ноблиғ.

Юз жаҳон мулкига тўймас аҳли давлатнинг бири,
Ваҳ, нечук фақр аҳли бўлсун мулк ила асбоблиғ.

Ер юзида, Огаҳий, чун йўқ санга бир кулча ер,
Борча умрунда на ҳосил айласанг мироблиғ.

Бир ичрадур гул бир тараф, девона булбул бир тараф,
Пону тагофул бир тараф, фарёду гулгул бир тараф.

Туа базму ишрат боғ ароким, бас нишотафзо дурур,
Рухсоран гул бир тараф, гисуйи сунбул бир тараф.

Гулшанда ишрат қилголи элга салойи ом эрур,
Алғони булбул бир тараф, ҳам хандаи гул бир тараф.

Билм ичра маст ўлсам, не тоигким, еткусидур шиннадип,
Оҳанги қулдул бир тараф, кайфияти мул бир тараф.

Чести узоққа боғ аро даъвойи дилкашлик бўлуб,
Гул узра сунбул бир тараф, ул юзда кокул бир тараф.

Девона бўлсам тонг эмаским, ул паридин бор манга,
Хадсиз такаммул бир тараф, сонсиз тагофул бир тараф.

Таигри гаваккул аҳлига булгой тараф бўлса қачон,
Хайли тамаввул бир тараф, аҳли гаваккул бир тараф.

Пул азмин эт ондин бурупким, борғуси бу дашт аро,
Ҳар бир тараф, жул бир тараф, сув бир тараф, шил бир тараф.

Гир сўрса ҳолинг, Огаҳий, ёринг келиб кеткай эди,
Тиндин такосул бир тараф, жондин такохул бир тараф.

* * *

Мане бедил санго то бўлмишам, эй дилрабо, ошиқ,
Бори ушшоқ аро йўқтур мавингдек бенаво ошиқ.

Не тонг гулшанда гул чок этса ҳар ён кўксини улким,
Сангадур неча дарду ғамга бўлғон мубтало ошиқ.

Туну кун нега тинмай эврулур тегрангда ою кун,
Агар эрмас эса ул икки саргардон санго ошиқ.

Жамолинг жилвасиким тоғ жисмидин олур тоқат,
Киши одам эмас гар бўлмаса кўргач анго ошиқ.

Сақоҳўм, раббуҳўм, саҳбойи небидур лабинг шаҳди,
Хумори дардига ондин умид айлар даво ошиқ.

Агар минг жавр қилсанг дарди ишқинг таркин этмонким,
Бўлур шавқи фузунроқ нечаким чекса жафо ошиқ.

Қилурман етса сандин ҳар жафою жавр юз-минг шукр,
Ки, қилмоқдур шикоят ёр жавридин хато ошиқ.

Агар жавр эт, вагар эҳсон-на қилсанг комим улдурким,
Ризойи ёрсиз ҳеч ишни қилмас муддао ошиқ.

Қилур фоти Оғаҳий дарду гамин мақсуди улдурким,
Санга ҳар нафснарвар бўлмағай оламда то ошиқ.

* * *

Куйса олам бўлма ҳайрон, ўтлуғ афғонимга боқ,
Ўтлуғ афғоним таажжуб қилма, жононимга боқ.

Қумрии маҳзун киби ҳар кеча нолам маддини,
Манъ қилма жилваи сарви хиромонимга боқ.

Заъфаронзор ичра симоб оқғонин гар кўрмасанг,
Ҳар тараф сариг юзумда ашқи ғалтонимга боқ.

Печтобим айб қилма ўтға тушкан қил киби,
Нотавон кўнглумда ўтлуғ доғи ҳижронимга боқ.

Ҳайрат этма гар бало тўфони тутса даҳрни,
Сели ғамга манбаъ ўлғон чашми гирёнимга боқ.

Қасд айлар дам-бадам ранжу фироқу дарди ишқ,
Чиқмагон мунча азоб ичра қотиг жонимга боқ.

Дема кўнглунгдек иедин ул кўйи тавфий қилмоғунг,
Йўлида туфроқ бўлгон жисми вайронимга боқ.

Қўллари ичра бузуқ ҳолимни маддин, эй рафиқ,
Қилма истифсору истиғноийи султонимга боқ.

Оғаҳий ҳолини гар ишқ ичра билмак истасанг,
Чашми ибрат бирла дардангиз девонимга боқ.

* * *

Дўстлар, бу маҳфилда бу кеча нигорим йўқ,
Айб қилмангиз бўлса сабр ила қарорим йўқ.

Хотирим бўлуб маҳзун не ажаб хамуш ўлсам,
Булбули эрурманким, боғ ила баҳорим йўқ.

Манъ қилма, эй носих, ишқ аро жунунимни,
Олди бир пари ақлим, қўлда ихтиёрим йўқ.

Орзу менга ёрим гул юзини бир кўрмак,
Олам ичра кўнглумда ўзга хорхорим йўқ.

Оҳим ўти кўйдурса сарву гулни, тоғ эрмас
Ким, бу лаҳза олдимда сарви гулузорим йўқ.

Кўйиндин дами чиқмоқ, эй рақиб, мани сўксанг,
Чунки бўлмишам ошиқ, бўлди пангу орим йўқ.

Бенаво кўнгул комин кимдин истарам, ё раб
Ким, нигори дилжўю марҳамат шиорим йўқ.

Шукрим, эрур қадрим фақр эли аро олий,
Аҳли жоҳ олида гарчи эътиборим йўқ.

Оғаҳий, мани гар шаҳ лутфи қилмаса побаст,
Ушбу ғамкада ичра бир нафас турорим йўқ.

* * *

Хуснунг қуёши туғмиш, эй маҳлиқо, муборак,
Жумла жаҳонга солмиш нуру зиё муборак.

Фаррух юзинг латофат бўстоқининг гулидур,
Тоза очилмиш, аммо сартобано муборак.

Икки қошинг камолу иқбол авжи узра,
Икки ҳиллолдурум қилмиш худо муборак.

Қаддинг ниҳоли наврас боғи саодат ичра,
Ушбу ниҳол, ёраб, бўлсун санго муборак.

Ийд оқшомида гулдек нозик таниннга кийган,
Зардор тугма бирла рангин қабо муборак.

Киргузма суҳбатинга ҳаргиз рақибниким,
Ул шуминг қудуми бор усру помуборак.

Меҳру вафо манга, эй ҳусн аҳли шоҳи, қилдинг,
Бўлсун илоҳи ушбу меҳру вафо муборак.

Тоқим манга қулум деб, қилдинг хитоб, юз шукр
Қим, бу қарамдин ўлди толеъ манго муборак.

Тун-қун дуом ўлубдур иқбол ила қамолнинг,
Уммидим улқи бўлгой ушбу дуо муборак.

Маи бандаи муҳаққир, сан шоҳи лутфғустар,
Мандин дуо муносиб, сандин ато муборак.

Олдингга ҳарна келса рози анга бўл, эй дил
Қим, бу равишни тутмиш аҳли ризо муборак.

Ғар бўлса авфу раҳмат аҳли гунаҳга махсус,
Эй бандаи гунаҳкор, журму хато муборак.

Мақсуди Огаҳийнинг жон берса қуллуқингда,
Бу мақсадини, ёраб, қилғил анго муборак.

* * *

Эй қўлгул, билқим, эмас атвори ёр аввалғидек,
Не вафою не қарам осори бор аввалғидек.

Тил учи бирла санн алдаб неча хуш сўз била,
Қўнгли эрмастур санга улфат шиор аввалғидек.

Нигла ўз ҳолвингқим, шафқат қуёши партави,
Талъати субҳида эрмас ошкор аввалғидек.

Қоми онинг мудданни комёб этмак дурур,
Истама лутфидин ўлмоқ қомгор аввалғидек.

Қўнгли қотмишдур онингдекқим, тараҳҳум айламас,
Қўзларинг ҳар неча эрса ашқбор аввалғидек.

Байтул-аҳзонингда ғамдин юз қарат ўлсанг доғи,
Бўлмоғи мумкин эмастур ғамгусор аввалғидек.

Чун рақиби тийра дил сўзи онгадур муътабар,
Сан нечук олида тошғунг эътибор аввалғидек.

Нотавонлиқға чидаким, неъматидин,
Бўлмоқ эмди қайда соҳиб иқтидор аввалғидек.

Огаҳий, аввалғидек истаб вафою меҳрини,
Ондин ўлғунг тобакай уммидвор аввалғидек.

* * *

Ваҳ, не балодур, билмадим, эй дилрабо, қошу кўзунг
Ким, бир назарда солди ўт жоним аро қошу кўзунг.

Олди қарору тоқатим оқ сипаю нозик белинг,
Солди қаро кув бошима икки қаро қошу кўзунг.

Жонимга қўйди доғлар рашк ўтидин холи лабинг,
Кўнглумга еткурди туман дарду бало қошу кўзунг.

Ҳам юз ўлукли тиргузур лаълиг аро ширин сўзунг,
Ҳам минг тирикни ўлтурур айлаб жафо қошу кўзунг.

Қошу кўзунг бедодидин дод айласам эрмас ажаб
Ким, не жафолар қилмади охир манго қошу кўзунг.

Хусн аҳли шоҳисан, бори ошиқларнинг ўлтурғали,
Гўёки жаллоду қилич бўлмиш санго қошу кўзунг.

Ман зору ҳайронинг нечук девона бўлмай, эй пари
Ким, ақлу ҳушим айлади мандин жудо қошу кўзунг.

Иўқтур манго ишқинг аро юрмак тирик имкониким,
Жонимни ё қадду юзунг олғуси ё қошу кўзунг.

Қошу кўзунг имосидин бўлди қиёмат ошкор,
Гўёки олам офати қилмиш худо қошу кўзунг.

Эл қатлини қасд айлабон мастона қилғоч бир назар,
Солди жаҳонга нолаи во ҳасрато қошу кўзунг.

Айлай ҳаетим нақдини ҳар дам нисору садқаси,
Ешурмоғил ман зордин айлаб ҳаё қошу кўзунг.

Мажлис фазосида усул эткан чоғи раққос ўлуб,
Бир ғамзада юз жон олур, эй маҳлиқо, қошу кўзунг.

Ширян лабингдин Огаҳий жисмига жон берким, они,
Ўлтурди бир имо қилиб боқғоч қиё қошу кўзунг.

* * *

Кўнглум гамин, эй дўстларим, ёрима айтинг,
Жоним аламин лаъли шакарборима айтинг.

Шоядки тараҳхум қилибон кулбама келгай,
Ҳолимни паризоди вафодорима айтинг.

Истаб нигаҳи гўшай чашмин топо олмай,
Беморлигим кўзлари беморима айтинг.

Мужғони хаёли била ҳар лаҳзада минг ўқ,
Сончилғоини бу таби афгорима айтинг.

Озорига кўнглум чидамай, эмди ўлумга,
Рози эрур ул шўхи дилозорима айтинг.

Келсун доғи қатл айласуну қонима қонсун,
Қотилвашу, ошиққушу, хунхорима айтинг.

Огаҳийни ўлтурсуну ё комини берсун,
Зилҳор бориб ёри жафокорима айтинг.

* * *

Ул юзи гул нигорнинг меҳри жамолини кўрунг,
Меҳри жамоли устида икки ҳилолини кўрунг.

Икки ҳилолини кўруб, қонмаса меҳрингиз агар,
Сафҳай орази уза нуқтаи холини кўрунг.

Нуқтаи холини кўруб, сабр эта олмас эрсангиз,
Ҳусну жамоли боғида қадди ниҳолини кўрунг.

Қадди ниҳолини кўруб, кўнглингиз этмаса қарор,
Жон кўзи бирла боқибон лаъли зулолини кўрунг.

Лаъли зулолини кўруб, жонингиз этса изтироб,
Чораи ҳолингиз учун шаҳди мақолини кўрунг.

Шаҳди мақолини кўруб, топмаса чора ҳолингиз,
Нуқтаи лаб очар чоғи ганжу далолини кўрунг.

Ғажу далолни кўруб, истасангиз муроди дил,
Огаҳийдек қучуб белип айши камолини кўрунг.

* * *

Ваҳ, не бало дилкаш эрур, эй шўҳ, зебо сувратинг,
Ким, мадин ойрилди кўнгул қилғоч тамошо сувратинг.

Жисмимга кирди тоза жон кўргач саниким, гўйё,
Руҳи мужассам айламин танг и таоло сувратинг.

Бир кимса мислинг кўрмамиш даҳр ичраким, наққоши сунъ,
Асраб экан килки ҳунар чекмакка гўё сувратинг.

Суврат киби бежон ўлуб ҳайратда қолдим, эй пари,
Токим, тамошо айладим ман зор шайдо сувратинг.

Базми висолингга, агар, етсам на ҳол ўлгай манга,
Кўргач йироқдин булмишам мундоқки, расво сувратинг.

Ойива янглиг рўзу шаб ҳайрону гунгу лолман,
То ул замонким, кўрмишам бу ҳайратафзо сувратинг.

Шаклинг кўруб ожиз таним топти тавонолиг, баса,
Суврат эмастур, жон эрур, албатта, жопо, сувратинг.

Сажда бут олида қачон қилмоқға майл айлар эди,
Гар кўрса эрди, эй санам, аҳли насоро сувратинг.

Қил сийратингни Огаҳий тузмакка эмди жидду-жаҳд,
Токай қилурсан тузгали майлу тақозо сувратинг.

* * *

Солди ўт кўнгулма уғрин боқшинг,
Олди жонимни қараб қош қоқшинг.

Қолмағой кул бўлмайин бору йўқим,
Гар бу эрса ишва ўтин ёқшинг.

То абад йўқтур халосим гар будур,
Бўйнума ишқинг камадин тоқшинг.

Тиғи мужгонинг етурди жонга захм,
Дуржи лабдин қопи марҳам ёқшинг.

Хирмани умрим куёр андоқки абр,
Гар бу эса қаҳр барқин чоқшинг.

Жавринг айёмин дегунг ошиққа ёз,
Гар будур ёзинг печук, оё, қипинг?

Гам чекарди битмади ёлғуз ишим,
Дустлар, ушбу ишимга боқшинг.

Ер юзин тўфоп олур, эй кўз ёши,
Тинмайин бир дам бу эрса оқшинг.

Юз назарга ўзга гар қоний эмас,
Огаҳийга басдурур бир боқшинг.

* * *

Қистурубдурму боши атрофига жонона гул,
Е магар рухсори шамъига эрур парвона гул.

Не учун юз чок қилмишдур яқосия, эй пари,
Гул юзунг кўргач агар бўлмайдурур девона гул.

Жисми сартосар ёниб ўтлуғ узоринг тобидин,
Садқа айлар бошинга ўзиши ёна-ёна гул.

То тамошойи жамолинг нашъасидин олди ком,
Сурхрулиг бирла айлар хандаи мастона гул.

Гулшан ўлди гул юзунг васлидин элга понаси,
Билмадим топғой қачон бизнинг бузуқ кошона гул.

Тут ғанимат неча кун айшу тараб айёмини
Ким, на булбул қолғуси бу бог аро, жошо, на гул.

Дема шабнам бог ароким бевафолиг дардидин,
Сочгусидур ҳар саҳар ашқини дона-дона гул.

Ер ила ҳамсуҳбат ўлсанг, гул кетурма базм аро
Ким, бу хилват пчрадур номахраму бегона гул.

Келмаса кулбанга ёринг, Огаҳий, йўқтур ажаб
Ким, қачон қилғуси булбул опёнин хона гул.



Гул юзунгли токи кўрди, эй пари рухсора, гул,
Жайбини девоналардек айлади юз пора гул.

Бог аро келди яша еткач баҳори мақдаминг,
Умрлар ҳажринг хазонидин эди овора гул.

Гулда рангу барг эмаским тиги ишқинг захмидин,
Бўлди бошдин то аёқ яклаҳт қонлиғ ёра гул.

Гул бошиға соя сол, эй ҳуси шохиким, санга
Бир наришон ҳол бўлгон бандаи бечора гул.

Зар аёқингга сочиб, ҳар баргидин бир тил очиб,
Илгинг ўпмоқни тилар ёлбораю ёлбора гул.

Ман ўна одмон аёқинг, гул ўпар илгинг мудом,
Билмайни ҳайратдаурман ким экан, не кора гул?

Кўйинга борсам яқом чок айлабон манъ этмаким,
Гулшани васлинг аро ер тутти бора-бора гул.

Чунки сан сайр айладинг бўлди қудуминг юмнидин,
Чирки воло гулистону собиту сайёра гул.

Оғидийнинг зор кўнглин васл аро шод айлаким,
Булбули ғамғишгадур гулшан аро ғамҳора гул.



Эй гўзал, баҳор бўлмиш азма сайри саҳро қил,
Ҳар сори гулистонлар гуллари тамошо қил.

Уйда ўлтуруб табъинг гар мукаддар ўлмушдур.
Сайр сийқалидин ул кўзгуни мужалло қил.

Шилвагар бўлуб ҳар ён, очибон гули ҳуснинг,
Файи ила чаманларни боғи жанныг осо қил.

Синсизин гулистонда андалиб эрур хомуш,
Гул юзунг очиб они субҳу шом гўё қил.

Гул тани эрур ҳажринг ханжари била юз чок,
Мардами висолингдин захмиға мудово қил.

Хавдан лабинг истаб тангдил эрур гуиҷа,
Очголи онинг кунглин бир табассум ифшо қил.

Истабон назар сандин хира чақм эрур наргис,
Бир пигоҳ ила онинг кўзларини бийно қил.

Ҷамъ этарга сунбулнинг хотири наришонин
Гул киби юзунг узра кокулинг мутарро қил.

Сайр аро пари ёнглиг қаддишга бериб жилва,
Сарв ила санабарни беқарору шайдо қил.

Хуш сафо гулистонлар ичра ўлтуруб гоҳ-гоҳ,
Илқинга олиб соғар майли ишқи саҳбо қил.

Ушбу сайр аро айлаб Оғаҳийни ҳамроҳинг,
Борча аҳли ишқ ичра рутбасини воло қил.

* * *

Шароби ҳусн қилмиш гул юзини гулгун, эй булбул,
Муносиб вақт эрур мастона қилсанг гўлгўл, эй булбул.

Чаман лабрез ғайз ўлса, не тонг, дилкаш унингдивким,
Қизор базму тараб гар қилса минно қул-қул, эй булбул.

Тула шабнам эмас гул соқийи даврон санга тутмин,
Тараб саҳбосидин боғ ичра жоми мул-мул, эй булбул.

Зафар ғам хайлига топсанг тонг эрмаским, санго букун,
Тикандур зулфиқору шохи гулдур дулдул, эй булбул.

Ғанимат бир-бирининг суҳбатин тутмоқ муносибдур
Ки, не гул қолгуси бу боғ аро, не булбул, эй булбул.

Хомуш ўлким бу саҳро қушлари олида хушроқдур,
Навои дилкушойингдин садойи чулчул, эй булбул.

Наво мастона чекса, Оғаҳий, сандек, ажаб эрмас
Ки, ёрининг юзи май тобидиндур гулгул, эй булбул.

* * *

Юз очиб баҳор ёсо базмини гулистон қил,
Бенаво кўнгулларни булбули хушамҳон қил.

Тўтвий малоҳатсен, тил очиб тақаллумға,
Талхкомлар базмин рашки шаққаристоп қил.

Бир табассуминг истаб, бўлмушам, баса, дилтанг;
Ҳолима боқиб лаълинг гунчасини хандон қил.

Етдим ўлғали оғзинг сирридин нишон топмай,
Бир тақаллум айлаб, бу мушқулимни осон қил.

Нақди жонни сарф айлаб лабларинг ўпа олмон;
Раҳм этиб фақирингға, бўса нархин арзон қил.

Сарву гул бу гулшапта хору поймол ўлсун,
Гул юзунг очиб, қаддинг нахлини хиромон қил.

Соқнё, юзунг акси майда кўргузур жилва,
Келтуруб бу кўзгуни кўзларимни ҳайрон қил.

Истасанг гам ўқидин ами агар бу майдонда,
Май ҳубобу мавжини жавшан ила қалқон қил.

Ҳар ғазалки назм этсам ҳусн шоҳи васфиди,
Шоҳ байтиги, ё раб, зебу баҳши девон қил.

Истасанг қуёш янглиг сарфарозлиқ топмоқ,
Оғаҳий, бошинг хоки остони султон қил.

* * *

Юзунг кўргач сабоҳатда маҳи тобон эмиш, билдим,
Лабинг сўргач малоҳатда зулоли жоп эмиш, билдим.

Улар ҳолатда гам зулмоти ичра лаълидин сўргач,
Ҳилолатбахш оғзи чашмаи ҳайвон эмиш, билдим.

Ул этти ваъда кўп, ман тортиб онинг интизорини,
Улум ҳолиға еткач барчаси ялғон эмиш, билдим.

Қочинг, эй муддашлар, жон керак бўлсаким, ул қотил,
Қилич илгига олиб озими майдон эмиш, билдим.

Чиқиб ҳижрон ўтидин гулшани кўйи аро киргач,
Они уншоқ элиға равзаи ризвон эмиш, билдим.

Фано шаҳрида обод айла, эй дил, қасри жоҳингим,
Жаҳон мулки биноти оқибат вайрон эмиш, билдим.

Фалақдин истасанг ком ул жаҳолат пешаким, жоҳил
Сурарда комиши оламда беармон эмиш, билдим.

Жаҳон аҳли жаҳон ичра бақо не ёнглиғ истарким,
Олор шаънида қуллу-ман-алайҳо фон¹ эмиш, билдим.

Тукардин ашқ, эй кўз, тинмаким, бозори маҳшарда,
Онинг ҳар қатраси бир гавҳари ғалтон эмиш, билдим.

Гуноҳин Огаҳийнинг афв, қил, эй дайр ириқим,
Они йўлдин чиқорган носихи водон эмиш, билдим.

* * *

Васл аро мушқил гами ҳижрон эканни билмадим,
Ҳажр дарди бўйла бедармон эканни билмадим.

Шукр қилмай васлига тушдим гами фурқат аро,
Ушбу гам мундоқ балойи жон эканни билмадим.

Оҳким, то кирмагунча ҳажр муҳлик даштига,
Васл базми равзаи ризвон эканни билмадим.

Етмагунча токи жоним комига захри фироқ,
Ер лаъли чашмаи ҳайвон эканни билмадим.

Жонга осойиш висол ичра етиб шому саҳар,
Ҳажр дардини улум осон эканни билмадим.

Дарди ҳижрон дафъига, дедимки, тортай соғари,
Ерсиз саҳбойи гулгун қон эканни билмадим.

Барча авқотимни беҳуда ўтурдим, гўйё,
Умри бир неча кун меҳмон эканни билмадим.

Огаҳий ёнглиғ ҳаминча айш ила мағрур ўлуб,
Васл аро мушқил гами ҳижрон эканни билмадим.

¹ Куллу-ман-алайҳо фон — жаҳондаги ҳар нарсага фонийлик, йўқлик хосдир.

* * *

Етиб васлингга бўлди барча олам шод, ман қолдим,
Даме бўлмай фироқинг бандидин озод, ман қолдим.

Тошиб ширин сўзунгдин муддаилар ком ила роҳат,
Кўруб кофир кўзунгдин зулм ила бедод, ман қолдим.

Тузуб эл гулпани базминг аро ишрат павосини,
Чекиб ғам маҳбасида полаю фарёд, ман қолдим.

Ҳама ишқ аҳли тошти комини васлинг шаробидин,
Ичарга заҳри ҳажрингши бўлуб муътод, ман қолдим.

Фиронким, баҳра олиб ўзгалар таълим лутфингдин,
Маишат илми ичра бўлдилар устод, ман қолдим.

Ҳама мақсад арусин ақд этиб, ком айлади ҳосил,
Вале, юз саъй этиб бўлмай анго домод, ман қолдим.

Эшитил додим, эй хўблар шаҳиким, илтифотингдин
Бори эл истаганча олди комин, дод, ман қолдим.

Ҳама олиб ишоят мазраъидин донаи хирмап,
Ниле, сомони умрумни бериб барбод, ман қолдим.

Қилиб аҳли қабул имдоди лутфингдин биво юз қаср,
Ил лекин, айлай олмай бир катак бунёд, ман қолдим.

Кирамдин туз бузуқ ҳолиминим, меъмори лутфингдин,
Ҳама обод бўлди, бўлмайин обод, ман қолдим.

Тошг армас итиробим, Огаҳийким, ўзга қуллардек,
Қаринг чоғда ғамдин бўлмайин озод, ман қолдим.

* * *

Дўстлар, буқуп ажаб бир сарв қомат кўрмишам,
Суврати бошдин обқ гарқи латофаг кўрмишам.

Офтоб осо мунаввар талъати фархундасин,
Олам аро ахтари авжи саодат кўрмишам.

Ювларининг шаклини англаб гули гулзори лутф,
Кулларининг сувратин айни ишоят кўрмишам.

Жонфизо ширин лабини топмишам оби ҳаёт,
Руҳпарвар нуқтасин дурри зарофат кўрмишам.

Қочса ҳушим, тонг эмас, кўргач қиёми қоматин
Ким, мани ҳайрон он қойим қиёмат кўрмишам.

Турғонин базм ичра илгин қовшуруб, одоб била,
Беқарору музтариб кўнглумға роҳат кўрмишам.

Жон киби нозик белида фўтаи зар остида,
Беш қабзи тигини жонимға офат кўрмишам.

Билгуси ҳар муддао хотир аро қилгоч хутур,
Табъига махсус онинг фаҳму фаросат кўрмишам.

Кўрмадим монанд онга чобуклик ичра печаким,
Дилраболар жилвасин беҳадду ғоят кўрмишам.

Билмадим ҳолим не ерга оинд ўлғой оқибат
Ким, ўзим шавқида кўб бесабру тоқат кўрмишам.

Оғаҳий, эмди манга ўлмакдин ўзга чора йўқ
Ким, букун жонимда дарддин бениҳоят кўрмишам.

* * *

Манки, букун бир париваш дилрабоға учрадим,
Ўлмагунча айрила олмас балоға учрадим.

Эмди жондин гар умид узсам тонг эрмас бўйлаким,
Кўзи қотил, киприги ўқ, қоши ёға учрадим.

То онинг рухсори нур анворига қилдим назар,
Зарраедурманки, меҳри пурзиёға учрадим.

Зулфига тушти кўзим боқмоқ тилаб рухсорига,
Ваҳ, нетайким ганж истаб аждаҳоға учрадим.

Васлидин кўб ваъда айлаб, қилмади бирга вафо,
Ҳеч билмонким, на ёнглиғ бсвафоға учрадим.

Эй табиб, эмди давои айламакдин чек қўлинг
Ким, мани дилхаста дарди бедавоға учрадим.

Оғаҳий, айб айлама оҳу фиғонимким, букун
Бир нигори тундхўю пуржафоға учрадим.

* * *

Қўюнг, йиглайки, ушбу кун севар ёримдин айрилдим,
Мурувватлиғ, муҳаббатлиғ вафодоримдин айрилдим.

Баҳори васл аро бир апдалиби ҳуш наво эрдим,
Етиб ҳижрон хазони, тоза гулзоримдин айрилдим.

Ҳазин кўнглумни кимга боғлайин, ваҳ, эмдиким, бу кун
Фалак зулм айлабон ҳушхўй дилдоримдин айрилдим.

Ғаму дардимга чора кимдин истайким, мани маҳзун
Муину, мушфиқу дилжўй ғамхоримдин айрилдим.

Ажаб йўқ, ним-бисмил қуш мисляк изтиробимким,
Хумо парвозу маниъ сайд шунқоримдин айрилдим.

Жаҳон бозорида қадрим матои гар эса косид,
Тонг эрмаским, муҳаббатли харидоримдан айрилдим.

Қарилиғ чогида қувват кетиб, афтода бўлғонда,
Жувон давлат, фалак ҳудрат мадаткоримдин айрилдим.

Ниҳон розим, тонг эрмас, эмди бўлса элга зоҳирким,
Линсу маҳрам ўлғон соҳиб асроримдин айрилдим.

Мани мотам тунида Огаҳийдек ёлғуз, эй аҳбоб,
Қўюнг, йиглайки, ушбу кун севар ёримдин айрилдим.

* * *

Дайр аро то тутди соқийи фараҳ фаржом жом,
Бўлди бетоқат кўнгулга беҳжату ором ром.

Юз карамдиндур ишорат ёриниғ ҳар сўкмаки,
Ғафлат аҳли билмайин қўймиш анго дашином ном.

Жон қушига йўқтурур бўлмоқ халос имкониким,
Зулфидин мушдоқки кўрмиш ул кўзи бодом дом.

Гарчи лаъли бодасидур ўзгаларга комбахш,
Лекин андин топмадим ҳаргиз мани ноком ком.

Сирма зоҳид ҳолишиким, гар ўқур кундуз намоз,
Лекин онинг вирди эрур бўлмоқ қадаҳ ошом шом.

Қарз олиб элдин емак нон гарчи бордур захрча,
Лекин ўлмишдур заруратдин менинг ҳалвом вом.

Бўлма ғамгин, Оғаҳий, ҳар неча эрсанг тангдаст
Ким, худованди жаҳонга бордурур инъом ом.

* * *

Айладим тун кеча хилват аро жонон ила базм,
Қилғай ул навъиким, бир хаста бадан жон ила базм.

Маҳв ўлуб нух жамолиға унутдим ўзни,
Зарра қилгон киби хуршид дурахшон ила базм.

Чекибон ман они огушим аро, ул мани ҳам,
Ўйлаким воқеъ ўлур қатраға уммон ила базм.

Гаҳ қучуб белини ман, гаҳ солиб ул бўйнима қул,
Айладим ком дилу ҳази фаровон ила базм.

Ман лабидин май ичиб, ул сўзидин нақл сочиб,
Қизди то тонггача бу неъмат алвон ила базм.

Буйла бир ёр агар ҳар кишига бўлса насиб,
Тиламас ҳур била суҳбату ғилмон ила базм.

Токи жонимдин асар жисм аро бордур, ёраб,
Қил муяссар бу сифат ёру қадрдон ила базм.

Ери доно юзи бирла қизитиб базминни,
Айлама лек совуқ чехраи нодон ила базм.

Булмағил, Оғаҳий, ҳар дунга жолис, тузгил,
Ери олий насабу соҳиби эҳсон ила базм.

Менинг мақсудим улдурким санинг бошингдин айлансам,
Оёқингга булуб садқа, кўзу қошингдин айлансам.

Чу сен келдинг кичик ёшинг била ҳолимни сўрмоқға,
Керақдур ман қари банданг кичик ёшингдин айлансам.

Сўруб ҳолимни лаълингдин гуҳар сочтинг муносибдур,
Бериб жоң жавҳарин лаъли гуҳар пошингдин айлансам.

Букуи бир шўх ила йўлдош ўлуб келдинг, эрур лозим,
Санга ман садқа бўлсам доғи йўлдошингдин айлансам.

Ики зулфинг тушубдур чирмашиб ўтлуг юзунг узра,
Ениб жоним, не тонг, ул икки чирмошингдин айлансам.

Итим деб, шўхликлар кўргузуб, отдинг манга бир тош,
Ажаб йўқ ит киби сачраб туруб тошингдин айлансам.

Азал наққоши нақшинг бул ажаб чекмиш, ажаб эрмас,
Тамошо айлабон нақшингни, наққошингдин айлансам.

Боқиб кўз остидин пинҳону фоти эгдинг тағофиллар,
Ниҳонингга не тонг бўлсам фидо, фотингдин айлансам.

Қилиб раҳм Огаҳий кўз ёшига келди ҳамул ёшинг,
Бу ёшингдин не тонг эврулсам, ул ёшингдин айлансам.

* * *

Юзунгни боғ аро кўрдим, гули аҳмар хаёл этдим,
Лабингни базм аро сўрдим, тунук шаққар хаёл этдим.

Тамошо айлабон пайваста қошинг бирла рухсоринг,
Туғубдур қавс буржидин маҳи анвар хаёл этдим.

Ҳаётафзо лабинг узра хати жон парваринг кўргач,
Масиҳо бирла ҳамдам Хизр пайғамбар хаёл этдим.

Зарофат бирла суз айтур чоғи базм ичра тор огзинг,
Очилямшдур сочарға ҳуққани гавҳар хаёл этдим.

Дураҳшон гавҳар осилгон кўруб юз узра бошингдин,
Қирон этган қўёш бирла мушир ахтар хаёл этдим.

Кўруб тавру ясоқингни паривашлар сафи ичра,
Сани шоху оларни чоқару лашқар хаёл этдим.

Не шаҳким ғамза тивин тортитбон борча кўнгул мулкин,
Мусаххар қилғоли азм этган Искандар хаёл этдим.

Жонининг тошу туфроқини ёстонсам, тонг эрмаским,
Оларни ман мулойим болишу бистар хаёл этдим.

Қилибсан, Огаҳий, ташбих ул ой руҳсорини кунга,
Ғалат эркан сани ман усру донишвар хайл этдим.

* * *

Кел, эй чобуксувримким, бесе зору ийтизорингман,
Бошимни кукка еткурким, йулинг узра ғуборингман.

Эрурман ғам уқоби чапгида гарчи, баса, лоғар,
Валекин, шоҳбози лутфингга лойиқ шикорингман.

Тамошо ҳусну дийдорингни қилмоқ орау айлаб,
Ҳамиша ним бисмил қуш мисллик беқарорингман.

Қуёш ёнглиғ келиб нури жамолингни ёрутғилким,
Қарарди кўзларим тортуб йўлингда ийтизорингман.

Ўлар ҳолатға етмишман ғамингдин, кел бошим узра
Ки, жоним нақдини айлай қудумишга писорингман.

Мани ишқ аҳли ичра илтифотингдин азиэ этгил
Ки, мап ул хайл аро кун муддат улмишдурки, хорингман.

Тараҳҳум айлабон васлинг мулоим марҳамин еткур
Ки, ҳижрон тиғи бирла сийна чоку дилфингорингман.

Чу сан ваъдалар айлаб, вафо бирига қилмассап,
Вале, ман юз жафо торлиб вафода устиворингман.

Не тонг наэм ичра нозик табъ эсамким, Огаҳий ёнглиғ,
Белшининг фикири бирла шоири диққат шиорингман.

* * *

Эй париваш, очма юз ишқ аҳли шайдоланмасун,
Мадин узга ҳеч ким ишқингда расволанмасун.

Юз жаҳон савдоси турранг иқдида музмардурур,
Воқиф ўл оҳим ели бирла мутарроланмасун.

Айлагил қаддинг ниҳолин жилвагар боғ ичраким,
Сарв раъноланмасун, шамшод зеболанмасун.

Лаъли хандон бирла гулшан сайрин эт ҳар субҳким,
Ғупчалар кўнгли очилмоқға тақозоланмасун,

Наргис олида ёшурғил юзниким, ул оч кўз,
Ком олурга хони хуснуғдин таманноланмасун.

Гаҳ гаҳи кўргуз қуёшқа чехраким, ул хира сар,
Билсун ўз ҳаддинию хуси ичра даъволаңмасун.

Очма дийдоринг рақиб олиндаким, ул бад назар
Шок рухсоринг сори боқиб тамошолаңмасун.

Киррингинг жон қасди айлар қонинг имоси била,
Ераб, андоқ ўқ мушингдек ё била ёланмасун.

Нтасанг, зоҳид, бақойи жовидони ўзлугунг,
Айла фоний ўйлаким то ҳашр пайдолаңмасун.

Маст жоми кибр ўлуб ҳаргиз ўзини билмагай,
Нотавон аблаҳ топиб давлат тавнолаңмасун.

Бу чаманинг рангу бўйида бақо йўқ, эй сабо,
Айтғил гулларгаким, кўб зебу оролаңмасун.

Булбули шурдаларга дегди мендин арз қил
Ким, вафо гулдин тилаб беҳуда гавголаңмасун.

Огаҳий, қилғил ошингдек назм аро гўё тилинг.
Ким, тили назм аҳлининг сўз дерга гўёлаңмасун.

* * *

Юзунг очким қуёш садқанг бўлуб болпингдин айлаңсун,
Шиги ой юз гавозеъ кўргузуб қонингдин айлаңсун.

Агарчи лаълу ёқут эл замирига муфарриҳдур,
Ҳаётафзо ики лаъли гуҳарпошингдин айлаңсун.

Тану жоним ҳадаф айлаб ўқу топ отсанг, эй чобук,
Бирини ўқингдин эврүлсун, бирини тошингдин айлаңсун.

Рақибинг гар эрур хасмим, ани йўлдош этуб келсанг,
Сапга жон садқа бўлсун, жисм йўлдошингдин айлаңсун.

Чу ўн саккизга етти ёшинг, ол бурқаъ жамолингдин
Ки, ўн саккиз минг олам ўн саккиз ёшингдин айлаңсун.

Боқиб кўз учидин пинҳон, фош этдинг тағофуллар,
Иўқу борим ҳамул пинҳон ила фошингдин айлансун.

Неча қаллош эсам ҳам агпиё оллида бош эгмон,
Ғанийлар ҳиммат ичра ушбу қаллошингдин айлансун

Чу бергунг поп ила ош, эй сахий, сидқ аҳлига бергил,
Риёю кизб аҳли поп ила ошингдин айлансун.

Ул ой кўнглига қилди, Огаҳий, оҳу ёшинг таъсир,
Бори жону жаҳоним оҳ ила ёшингдин айлансун.

* * *

Тараҳҳум айлабон, эй меҳрибоним, нега келмассаи
Ки, етти чиққали ҳажрингда жоним, нега келмассаи?

Ўтуб умрум фироқингда ёвуқ етмишман ўлмакка,
Қошимга бир дам, эй Исо нишоним, нега келмассаи?

Қошимдан то кетиб кўздин ниҳон ўлдунг пари ёнглиғ,
Йқунун дашти аро бўлди маконим, нега келмассаи?

Ғамингни ўқлари кўнглумга ҳар ёндин солиб раҳна,
Бўлубон беқарор, оромн жоним, нега келмассаи?

Бало хайли тузуб лашқар, манинг жонимга қасд айлаб,
Бу дам, эй хисрави соҳибқироним, нега келмассаи?

Бўлубон фурқатингда хастаю бемор, сўрмоққа
Мана бор эрди деб бер нотагоним, нега келмассаи?

Мани оворани ҳижрон ўтига ташлабон билкул,
Қилиб побуд пинҳону аёним, нега келмассаи?

Шикибу ақлу ҳуш иттию ҳам жон чиқроли етти,
Қилиб раҳм, эй ҳаёти жовидоним, нега келмассаи?

Ғамингла Огаҳий йиғлаб туну кун зору маҳзундур,
Суруди ишрат ила комроним, нега келмассаи?

* * *

Агар ул ой иши тун-кун манга юз жавру поз ўлсун,
Дамо-дам кўнроқ ўлсун дерману, демонки оз ўлсун.

Ичкаким, поз ила мап хоксоридин этак тортар,
Аёқига онинг, ёраб, бошим хоки иёз ўлсун.

Тиларман қилмағой жуз жони афгорим шикорин сайд,
Агар ишқ оламининг ҳар қуши бир шоҳбоз ўлсун.

Наво топмоқ унингдин истарам базм ичра, эй мутриб,
Ишинг ушшоқ оҳангида бўлмоқ нағмасоз ўлсун.

Хазони гам аро афсурдаман қиш япглиғ, эй соқий,
Баҳори лутф ила май гуллариин очгилки, ёз ўлсун.

Талаттуф айлабон кўргуз манга ўтлуғ юзунг, токим,
Ҳасад пеша рақибининг иши сўзу гудоз ўлсун.

Фано хайли вужудим мулкени гар тарктоз этса,
Демасман лаҳзае ондин жудо бу тарктоз ўлсун.

Ҳамиша ботипан роғиб ҳақиқат соридур кўнглум,
Ичкаким, зоҳиран даъби онинг майли мажоз ўлсун.

Сарафроз ўлди васлинг давлатидин аҳли ишқ ичра,
Ҳамиша Оғаҳий бу давлат ила сарфароз ўлсун.

* * *

Илоҳий давлатинг хуршидига афзун камол ўлсун,
Ҳамул хуршид то рўзи қиёмат безавол ўлсун.

Онингдек олий ўлсун кунгари қаср жалолингим,
Киманди ҳодисоти даҳр анга етмак маҳол ўлсун.

Жаҳонда қуллиқинг тамгосиким, давлат нишонидур,
Салотин жабаъи иқболига зебада ҳол ўлсун.

Қиличинг шакликим дилкаш дурур хўблар қоши ёнглиғ,
Ҳамиша нусрат афлоки уза равшан ҳилол ўлсун.

Жанобингга жабинин серкашиким, ажз пла қўммас,
Бони онинг хаводис лашкариға поймол ўлсун.

Адоват даштида лаб ташнаи ҳарб ўлса ҳар душман,
Онинг бўғзиға шамширинг дами оби зилол ўлсун.

Бўлуб ер юзи адлинг бирла обод ўйлаким жаннат,
Халойиқ жаннат аҳли дил мудом осуда ҳол ўлсун.

Ҳаром ўлсун бу маҳфилда санго кулфат майи талх.
Нишоту айшу роҳат бодаи ноби ҳалол ўлсун.

Дуои давлатингдин Огаҳий бир дам эса фароғ,
Тили ошинг сўз айтурдин ҳамиша гунгу лол ўлсун.

* * *

Илоҳи ҳар кунинг наврўз бўлсун!
Ҳамиша толийнинг феруз бўлсун!

Бўлуб айёми наврўзунг муборак,
Замиринг пибисот андуз бўлсун!

Қилиб партав фиканлик айни адлинг,
Қуёш осо жаҳон афруз бўлсун!

Санго дойим бўлуб давлат қуши ром,
Шикор андозу дастомуз бўлсун!

Аду ваҳшиларини сайд этарга,
Уқу тигинг уқобу юз бўлсун!

Кишиким, истаса саркашлиғ этмак,
Боши йўлингда анинг туз бўлсун!

Тараб меҳри ҳамиша пок кўнглунг,
Силеҳр авжида маркуз бўлсун!

Тарабгоҳинг аро хайёти гардун,
Канизу золи хилъатдўз бўлсун!

Кўруб лутфингни ҳар кун Огаҳийнинг,
Насиб ишрати наврўз бўлсун!

* * *

Букун, эй дўстлар, ҳолим хароб ўлгонга йиғларман
Ки, яъни дарду доғим беҳисоб ўлгонга йиғларман.

Бориб аҳбоб бир-бир, ман қолиб бир гўшада ёлғуз,
Ишим маҳбус қушдек изтироб ўлгонга йиғларман.

Боқиб атрофга бир ҳамдам ўлгудек киши топмай,
Таҳассур ўтига бағрим кабоб ўлғонга йиғларман.

Етиб бир гўшада тапҳо, ботиб ғам ичра сартопо,
Малолат ашқидин чашмим пуроб ўлғонга йиғларман.

Кўруб ҳолим жабинида малолу кулфат осорип,
Қилиб нафрат иш элга ижтироб ўлғонга йиғларман.

Тимугдек тийра кулбам ичра кўргач шум шаклимни,
Улусга қочқоли маңдин шитоб ўлғонга йиғларман.

Қарилг заъфию бекаслигим дарду балосидин,
Шиним чекмак кеча-кундуз азоб ўлғонга йиғларман.

Бу подида бўлуб дарёталаб бир қатра сув топмай,
Насибим оқибат муҳлик сароб ўлғонга йиғларман.

Ўтиб авқоти умрим фикри фосид бирла сартосар,
Ҳануз ул ишга маңда иртикоб ўлғонга йиғларман.

Адо қилмай ҳузури дил билла бир куп намозимни,
Саловори уқуботи итоб ўлғонга йиғларман.

Сув ичра Огаҳий булбулдек айлаб хуш адолиғлар,
Мисоғим чугздек дойим хароб ўлғонга йиғларман.

* * *

Хароб ўлсуп, илоҳи, гунбази даввор чархи дун
Ки, дойим даври каждур, таври шуму, ҳайъати вожун.

Оғини кажравлиги таъсиридиндур, бу жаҳон ичра,
Шафо аҳли ҳаминша хурраму аҳли вафо маҳзун.

Биронким, топса ёдек тийнати кажлик билла тахмир,
Бўлур коми ўқи дойим мурод оможиға мақрун.

Биронким, б, лса сидқу ростлиғ ичра «алиф» янглиғ,
Қили бори миҳан остида бўлғай ул сифатким «нун».

Биронким, бўлса хиссат пешаси ҳукмин суруб элга,
Шаҳон амболини йиғлар уйига уйлаким Қорун.

Бировким, аҳлӣ ҳиммат бўлса гам кувжин мақом айлаб,
Ҳамиша фақру фисқа меҳнатидиндур юзи олтуи.

Бировким, оғзидин чиқгай дамодам фаҳш ила дашном,
Эрур маскан онга айвони олий қасри гуно-гуи.

Бировким, тоза мазмун байт фикр айлаб қолиб тузда,
Ииқуқ вайронида ёлгуз, боғридур юз ваҳм бирла хуи.

Бировким, сочса гар эл қасдига бугзу ҳасад заҳрин,
Бўлур куп-купдин онииг умри бирла давлати афзуи.

Бировким, берса гар амвотга ҳар нуқтаси юз жон,
Улуб ҳасрат била бўлғой адам туфроғида мадфуи.

Фано қасрига еткур, Огаҳий, жаҳд айлабон ўзни,
Агар истар эсанг бўлмдиқ жаҳон андуҳидин маъмуи.

* * *

Илоҳи, қил тараҳҳум ожизу бечора бандангман,
Хижолат ханжаридин бағри юз минг пора бандангман,

Ҳидоят боғи сори бир қадам рағбат била қўймай,
Залолат даштида саргаштаю аввора бандангман.

Савод ул-важҳи фиаддорайн бирла муттасиф бўлгон,
Ики олам аро расвою юзи қора бандангман.

Саҳаргоҳи падомат бирла риққат қилмагон ҳосил,
Қасоват касратидин кўнгли сангу хора бандангман.

Оёқ чекмай шарорат гулханидин бош оқарғунча,
Қаро қилгон гунаҳ дуди била рухсора бандангман.

Ибодат соғаридин ичмайин бир қатрача шарбат,
Ишоат хонидин бир умр неъмат хора бандангман.

Замоне майл нафс мутмаъинна жониби қилмай,
Мудом улғон мутеъю тобеъ аммора бандангман.

Хироми тоат ичра ер киби мафлужман, лекин,
Ҳавои маъсиятда барқдек сайёра бандангман.

Демий ҳамдингни аҳли жоҳ авсофип қилиб пеша,
Ҳавон нафс ила афъоли ноҳамвора бандангман.

Тамоми умрим ўлмиш хизмати махлуқға масруф,
На тил бирла деёлғайман мане бадқора бандангман.

Қиймат арсаида ташналик ҳавли ҳаросида,
Кузининг ёши ургон юз сори фаввора бандангман.

Нибзу ажз ила дарду ғамингға истабон чора,
Жунобингға юз ургон йиғлау ёлбора бандангман.

Кирам қил афву эҳсон марҳамингким, Оғаҳий янглиғ,
Надомат тигидин кўнгли саросар ёра бандангман.

* * *

Ниҳи эл хотири асрорининг огоҳи сандурсан,
Ҳама яхши-ямонинг меҳрибон оллоҳи сандурсан.

Тилаб лутфунг гадолиғ айласа шоҳлар жанобингда,
Ажаб эрмаски, борча шоҳларнинг шоҳи сандурсан.

Ғамим йўқ яккаю ёлгуз ҳам сайру сукун ичра,
Бори бийик улуснинг ҳамдаму ҳамроҳи сандурсан.

Ёлгузлик жому исёнимға сандин истарам умид
Ки, эҳсону карам афлоки авжи моҳи сандурсан.

Даво дарду дилимға истасам сандин ажаб эрмас
Ки, бу дилхастанинг дилдори диллоҳи сандурсан.

Тонг эрмас, хору беқадр ўлсам аҳли инқ аро, сансан
Ки, ушшоқ аҳлининг иқболу уззу жоҳи сандурсан.

Кўнгул жомин на ҳожат, Оғаҳий, оллингда арз этмак
Ки, ҳожат аҳли кўнгли сиррининг огоҳи сандурсан.

◆ * ◆

Фигону нола қилсам айб эмас гар ёрдин айру
Ки, бўлмас тушса булбул поласиз гулзордин айру.

Малул ўлма кўруб ағёр бирла эй кўнгул, ёринг
Ки, бутмайдур бу гулшан ичра бир гул хордин айру.

Манга санги маломат ишиқ ваъжидин етар, тонг йўқ,
Урарлар тош била нахлики эрмас бордин айру.

Агар ошиқ эсанг эл таънидин, эй дил, малул ўлма,
Керакдур ошиқ ўлғон бўлса нангу ордин айру.

Хату зулфи хаёли чиқмаса, афғор кўнглумдин,
Не тонгким бўлмамиш вайрона мўру мордин айру.

Таажжуб қилмангизлар телбараб саҳрога юзлансам
Ки, ман девонадурман ул пари рухсордин айру.

Кўнгулдин гайр нақшин соф қил ёр ўлса мақсудинг
Ки, тушмас акси бўлмай ойна зағордин айру.

Жаҳон золи ўзини кўргузур, гарчи аруси шўх,
Вале, эр ўлки қилса ўзни ул маккордин айру.

Ғами ҳажр асру муҳликдур тараҳҳум айлабон ҳаргиз
Илоҳи Огаҳийни қилма васли ёрдин айру.

* * *

Юзи узра паришон икки гисуйи муанбарму?!
Гули аҳмар уза ёхуд дудада сунбули тарму?!

Намоёйму мусаффо жабҳаси узра ики қоши,
Жамол авжида ё икки ҳилоли лутф густарму?!

Ики қотил кўзиму жон олурга қасд кўргузган,
Ва ё дил нақдини гонат қилурга икки кофарму?!

Ики лаълиму эркан оташин рухсори устида,
Ва ё худ ўт уза тушкан ики ёқути аҳмарму?!

Латофатлиғ тишиму жилвагар икки лаби ичра,
Мақом эткан икки лаъл ичра ё сероб гавҳарму?!

Осилғон икки дурму юз уза ҳар ён қулоғидин,
Қуёш атрофида ёхуд дурахшон икки ахтарму?!

Ики дилкаш қапоғиму экап зебо қади узра,
Ва ё бир нахл узра икки бодоми муқашшарму?!

Ўрулгон икки коқулму дурур ҳар ён узорида,
Ва ёхуд ганжи ҳусни соясида икки аждарму?!.

Ўзиму Огаҳийнинг икки лаъли васфида, ёхуд
Икки лаъли аён эткан каломи руҳпарварму?!.

* * *

Кўн эрмас, жону кўнглум қасдин этмакка балодур бу,
Кўн эрмас, жавр бедод ўқларин отмоққа ёдур бу.

Ғамим шомин ёрутса нари рухсоринг тонг эрмаским,
Тулуъ эткан сабоҳат буржидин шамсӯз зуҳодур бу.

Ўтушкач кўйинга, тонг йўқ, танимга тоза жон етса
Кўн, ҳажр андуҳи муҳлик дардиға дору-шифодур бу.

Ҳали кўнглумни ўлтурмак била қўрқутма, эй қотил,
Анча токим ғами ҳажринг ородур муддаодур бу.

Чу дединг телба кўнглунг кимгадур шайдою ошуфта,
Эшиткил, эй пари пайкар, сангодур бу, сангодур бу.

Ғанимат англағил, эй сарви саркаш, ашку оҳимким,
Қадинг нахлини сарсабз айлаган обу ҳаводур бу.

Муҳаққар билмағил хам қомату, гирён кўзу оҳим,
Шобатға қарин ўлгон шафоатлиғ дуодур бу.

Эр эрсанг берма кўнглингни аруси даҳр ҳусниға
Кўн, гарчи дилрабодур, лекин асру бевафодур бу.

Наво еткур унунгдин Огаҳийға бир туң, эй мутриб
Кўн, ғам чангида кўб кунлар дурурким бенаводур бу.

* * *

Қасди жон ул шўҳи бебок эттило,
Тиг ила кўксумни юз чок эттило.

Лаҳза-лаҳза зулм ўтин тез айлабон,
Жисмим ул ўт узра хошок эттило.

Войким, бир жилва бирла ул пари
Қасди ақлу ҳушу идрок эттило.

Ҳар кеча оҳим чекиб дуду шарор,
Бирни ашжум, бирни афлок эттило.

Кӯз ёшимдин неча дарё мавж уруб,
Чархни гарқоби кӯлок эттило.

Хайли ғам зӯр айлабон ожиз таним,
Поймол ул навъким хок эттило.

Огаҳий, тоиғ йуқ фиғонким, фалак
Зулм ила жоним аламоқ эттило.

* * *

Мушкин қошипинг ҳайати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун нас келтирур нун элтибон сод устина.

Қилғил тамошо қомати зебоси бирла оразин,
Гар кўрмасанг гул бўлғонин пайванд шамшод устина.

Нозу адоу ғамзаси қасдим қилурлар дам-бадам.
Ваҳ, мунча офатму булур бир одамизод устина?!

Мап хастага жон асрамоқ эмди эрур душворким,
Қотил кўзи бедод этар ҳар лаҳза бедод устина.

Ул гул юзи шавқи била шайдо кўнгул шому саҳар,
Булбулдек айлар юз наво минг навъ фарёд устина.

Бошимга ёққон тошин миңдин бирича бўлмағой,
Гардун агар миңг Бесутун ёғдурса Фарҳод устина.

Эй шаҳ, карам айлар чоғи тенг тут ёмоцу яхшини
Ким, маҳр нури тенг тушар вайрону обод устина.

Хоки танинг барбод улур охир жаҳонда неча пил,
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуруб бод устина.

Не журъат ила Огаҳий очқай огиз сўз дергаким,
Юз хайли ғам қилмиш ҳужум ул зору ношод устина.

* * *

Бўлуб хуррам табассум зоҳир айлар ҳар саҳар ғунча,
Магар тошмин ул ой кўйи насимидин асар ғунча.

Навоийнинг лабин кулгу чоғи кўрмиш дурур гўё
У, ҳайратдин оғиз очмиш бўлуб осима сар гунча.

Магар тор оғзипинг ишқи гамига мубтало бўлмиш,
Бусим дилтанг ўлуб ҳар дам ичар хуни жигар гунча.

Чаман хилватгаҳида бош чекар фикрат яқосига,
Нашон тонмоқ лаби асроридин истар магар гунча.

Бодин хизматга боглаб боғ саҳнига берур оро,
Магар тонмиш дурур ул гул қудумидин хабар гунча.

Лаби хатдин зумуррад бўлса хуштурким, муносибдур
Зумуррад пуши қилса лаълибини агар гунча.

Нигорим пайкари ҳусни сафо гулзоридур, онда
Фурур рангин қабо, гул тугмаю, заррин камар гунча.

Фитонким, ушбу гулшан ичра осибн ҳавосидин,
На фориғ бир нафас гулдур, на бир дам бехатар гунча.

Висоли субҳи етмай хуррам ўлмас Огаҳий кўнгли
Ки, очилмай дурур то етмайин вақти саҳар гунча.

* * *

Гукуи кулбамга келди дилбарим мастона-мастона,
Ичиб нозу адо саҳбосини паймона-паймона.

Кўруб тарзи хиромин нотавон кўнглум туруб чобук,
Раҳи ишқи аро қўйди қадам мардона-мардона.

Ман ўздин бордиму гуфроқ киби тушдим аёқига,
Шароби жоми васлиш сиқориб хумхона-хумхона.

Мани мундоғ кўруб лутф ила ҳолим сўрголи ул шўх
Печа сўз зоҳир этти лаълигин дурдона-дурдона.

Сўз асносида ман десдим онга арзи ниёз айлаб
Ки, «эй ёрим, бошингдин эврулай айлона-айлона!»

Боқиб бегоналарга солма кўздин ошволарини
Ки, охир ошподур ошно, бегона-бегона.

Деди:—«Беговаларни тарк этиб келдим сапго эмди
Ки, сансан ошнолар ичра, эй фарзона-фарзона.

Сенинг кўнглунг қушидек то фано ўтига чурканмай,
Була олмас юзим шамъиға ҳар парвона-парвона.

Жунунин Огаҳийнинг тенгламонким, ул шаривашға
Онингдек бўлмашишдур ҳеч бир девона-девона.

* * *

Манга зулм айлаб ул қотил аён оҳишта-оҳишта,
Чекиб тигини айлар қасди жон оҳишта-оҳишта.

Жафоси зўридик икки кўзимдин оқти дарёлар
Ки, қолгай остида онинг жаҳон оҳишта-оҳишта.

Улусға айлаган зулмин кўруб ондин ҳазар қилмай,
Келиб чекдим жафосин ман ёмон оҳишта-оҳишта.

Бўлур ҳажрида зиндон, гар, манинг манзилгаҳим бўлур
Гулистон, балки гулзори жинон оҳишта-оҳишта.

Тўла бир жом тут лутф айлаб, эй соқийки, бу ғамдин
Қутулғайман ичиб ман нотавон оҳишта-оҳишта.

Вафо йўқ даҳр богининг гулида, берма кўнглингли,
Букув тонгла кетар, эй боғбон, оҳишта-оҳишта.

Эмас гардунда раъд овозиким, ҳижрон туни ичра,
Эрур ул Огаҳий чеккан фиғон оҳишта-оҳишта.

* * *

Дедим: «Комимни ширин айла лаълинг шиккари бирла».
Деди: «Очма оғиз бундай каломи сарсари бирла».

Дедим: «Бир тун майи базминга еткур, эй пари пайкари»
Деди: «Мушқил дурур одамға базм этмак пари бирла».

Дедим: «Очғил юзунг то жон топай лаълинг қилиб бўлур»
Деди: «Мақтул ўлурсан киприкимнинг ханжари бирла».

Дедим: «Бу хоксоринг бирла бир оқшом ҳамоғуш ўл».
Деди: «Топмас маъият хок меҳри ховари бирла».

Дедим: «Раҳм айлабон ҳолимни сўр, эй хўблар шоҳи»
Деди: «Шаҳ сўзлашурми бандаларнинг аҳари бирла».

Дедим: «Заррин ўтоғнинг узра гавҳар хўб ярошибдур».
Деди: «Қилмиш қирон хуршиди анвар муштари бирла».

Дедим: «Жоним куяр ҳар лаҳза ўт узра сипацд осо».
Деди: «Фикр айлама лаълими холи албари бирла».

Дедим: «Юз узра лаълнинг жон бағишлар оби ҳайвондек».
Деди: «Тенг тутмоғил ҳар сўзни жаннат кавсарп бирла».

Дедим: «Бўлмиш манга кам нақд лутфнинг ўзгадин невчун».
Деди: «Сан бой эрурсан ганжи маъни гавҳари бирла».

Дедим: «Ҳайси киши комиға еткай базми васлингдин».
Деди: «Андоқ кишиким мол вофирдур зари бирла».

Дедим: «Невчун қочарсан Огаҳийдин кўргузиб нафрат».
Деди: «Қучмоқ тилар белими жисми лоғари бирла».

* * *

Эй мутриби гулчеҳра, туз созингни овозинг била
Ким, жону дил бўлсун фидо овозинга созинг била.

Созинг эшитмакка бори базм аҳлидурлар мунтазир.
Кел, соз вақтин бу кеча ўткармагил нозинг била.

Нозинг баса кўбдур, вале созинг бағоят оз эрур,
Қилғил мубаддал ул кўбинг бир лаҳза бу озинг била.

Гаҳи «Ироқ»у, гаҳ «Ҳижоз» оҳангини соз айлабон,
Қил сарфароз ушшоқни лаҳни фалак торинг била.

Ўтлуғ наводин истасанг дард аҳлини куйдурғали,
Туз рост қонуни аро рови чап андозинг била.

Тиргузгусидур ҳар дамнинг юз минг ўлукниким, сани,
Тонг йўқ, Масиҳо, гар десам, бу навъ аъжозинг била.

Гимзанг қошида йўқ манга мумкин ёрушмоқ рози ишқ,
Албатта, расвойн жаҳон бўлғум бу ғамнозинг била.

Урғон бағоят күбтурур ишқингда лофи мардлик,
Лекин ҳариф эрмас бири бу зор жонбозинг била.

Дарвон ғамидин, Оғаҳий, маҳзун эрур, шод эт они,
Дилкаш наволар соз этиб жонпарвар овозинг била.

* * *

Хаста жонимни тиларман судрамак жононғача,
Бору йўқимни фидо оллида қилмоқ жонғача.

Кечаю кундуз хаёли хайли маскан айламиш,
Жону кўнглум манзилин то дийдаи ҳайронғача.

Офарин иш ул париваш хуснининг шайдосидур,
Заррадин то меҳр рахшону маҳи тобонғача.

Лаъли рухсори шавқи тигидин бу бог аро,
Сийна чок улмиш дурур гул ғунчаи хандонғача.

Демагил гавҳар сўзиниким, тафовут күбтурур
Қадр аро ҳар муҳрадин якто дури ғалтонғача.

Зоҳидо, фирдавсни кўйиға ташбиҳ айлама
Ким, томугдин фарқ кубдур равзаи ризвонғача.

Кўйи ғулзори биҳиштининг эрурлар толиби,
Ҳам парию, ҳам малак, ҳам ҳур ила ғилмонғача.

Бодаи лаъли лабининг нашъаси махмуридур,
Кавсару тасним то сарчашмаи ҳайвонғача.

Зулфи домига саросар даҳр эли бўлмиш асир,
Сойили нокомдин то комрон султонғача.

Чун булур маскан санга охир ер ости, на осиф,
Гар етурсанг қасру айвон авжини кайвонғача.

Жоми ишрат даври хуштур, Оғаҳий, букун, вале
Ҳайфким, йўқ фурсате тонгла яна давронғача.

* * *

Келиб ногаҳ мени ул қоши ё ўлтурмай ўтлурди,
Отиб мужгон ўқин, айлаб жафо ўлтурмай ўлтурди.

Дедим юз ёлбориб, қошимда бир дам ўлтуруб ўлтур,
Ниҳона айлабон шарму ҳаё ўлтурмай ўлтурди.

Умидим бу эдиким, ўлтуруб дилдорлиғ қилгай,
Он лекин кўргузуб нозу адо ўлтурмай ўлтурди.

Мини ўлтурмоқ тилаб, илгин тутуб тушдим аёқига,
Ул истиғно қилиб зоҳир манга, ўлтурмай ўлтурди.

Бориб мажлислариға ўлтуруб тиргузди ушшоқин,
Мани лекин келиб кулбам аро ўлтурмай ўлтурди.

Бутушкач бошима тортиб қилич, бир лаҳза ўлтур деб,
Туман-минг ёлбориб қилдим дуо, ўлтурмай ўлтурди.

Фигоним, Огаҳийнинг кулбасиға келгач ул золим,
Шафо шамширини тортиб анго, ўлтурмай ўлтурди.

* * *

Қалчонким ул пари кўздин ниҳон ўлди, ниҳон ўлди,
Ишим Мажнун киби оҳу фиғон ўлди, фиғон ўлди.

Чик истиқболиға, эй дил, нисори айла жон нақдир
Ки, дерлар бу тараф ул шаҳ равон ўлди, равон ўлди.

Кўнгулда оташи ишқинг ниҳон асрай дедим, эй шўх,
Нетай оҳим шароридин аён ўлди, аён ўлди.

Шулу кунким ёрутдинг ҳусн айвони жамолингдин,
Дили вайроним ишқингға макон ўлди, макон ўлди.

Ҳазин жонимға дарду ғам ўқин ёғдурғали ҳар дам
Юзунг узра ики қошинг камон ўлди, камон ўлди.

Ишонманг, эйки дерсан, дилраболарда вафо бордур,
Яқиндурким бу сўз манга гумон ўлди, гумон ўлди.

Туну кун чиқмасам майхонадин не айбким, онда
Кишиким кирди кулфатдин омон ўлди, омон ўлди.

Жаҳон савдосидин, эйким, тиларсан суд топқойсан,
Бу савдо суди билгилким, зиён ўлди, зиён ўлди.

Агарчи яхшидур аҳбоб ила базм этмагинг ҳар туп,
Вале Огаҳийни қовдинг, ёмон ўлди, ёмон ўлди.

* * *

Эй пари, маъъ этмагил базми висолингдин мани,
Баҳраманд эткил тамошойи жамолингдин мани.

Лутф ила жам эт паришон хотирим айлаб ҳисоб,
Зумраи, девонаи ошуфта ҳолингдин мани.

Комим этти талх ҳажринг заҳри, ширин ком қил,
Соғари лаълинг аро жопбахш болингдин мани.

Тиғи ишқингдин ўлубман, тиргуза олмас Масих,
Гар ўзинг тиргузмасанг ширин мақолингдин мани.

Одам осо равзаи кўйингда бархўрдор қил.
Лаззати наззораи наврас ниҳолингдин мани.

Хилвати васлинг аро ағёрни маҳрам қилиб,
Айлама маҳрум ҳусни бемисолингдин мани.

Нечаким ҳуру пари олимда бўлса жилвагар,
Ўтқара олмас даме фикру хаёлингдин мани.

Ғам топи синдурди айшим соғарин, эй пири дайр,
Май тутуб маст айлагил сингон сафолингдин мани.

Ишқ таркини буюрғунг Огаҳийга, носихо,
Айлама озурда бу амри маҳолингдин мани.

* * *

Оғзин қачон зикр айласам, ширин мақол айлар мани,
Белин қачон фикр айласам, нозик хаёл айлар мани.

Ул ой қошининг шаклини васф этмак этсам орзу,
Ҳайрат сипехрида онинг фикри ҳилол айлар мани.

Қадди ниҳолини қачон авсофиға сурсам қалам,
Зебо иборат фикрати андоқки нол айлар мани.

Ширин сўзи таърифида гар нукта сўрмак истасам,
Нозик маони диққати ҳайрону лол айлар мани.

Боқиб юзига, жам этай десам паришон хотирим,
Ҳойил бўлуб мушкин сочи, ошуфта ҳол айлар мани.

Хусни камолини, не тонг, васф айласам такрор ила
Ким, ушбу маъни ишқ аро соҳиб камол айлар мани.

Шайдо кўнгул кўзгусида ҳар вақт бўлса жилвагар,
Ул дилрабонинг сурати сурат мисол айлар мани.

Жоним қатиглиғдин лаби ҳажрида тандин чиқмади,
Эмди юз ўлгандин батар бу инфиол айлар мани.

Ҳар не жафоким айласа, миннат тугорман жопима
Ким, лутфининг шойистаси ушбу хисол айлар мани.

Васли хаёли кечалар ҳамдам манга, ваҳким, ўзи,
Билмон қаю тун маҳрами базми висол айлар мани.

Оғзи висоли фикрини ҳар дам қилурман, Огаҳий,
Охир адам, албатта, бу фикри маҳол айлар мани.

* * *

Дарди дилим анго дедим, дема ани манго, деди,
Ким мманга ошиқ ўлса, ул лозим эрур анго, деди.

Юз уза икки наргиснинг, ваҳ, не бало қаро, дедим,
Кўнгулунгу жонинг олғучи икки қаро бало, деди.

Лабларинг оғзима етур, жон топайин анго, дедим,
Лаъли табассум айлабон йўқму ўлум санго, деди.

Қучмоқ эрур белинг ҳазин кўнгулма муддао, дедим,
Йўқму уётинг ушбу сўз дегали беибо, деди.

Хуснунга айлабон назар, ман сари бир қаро, дедим,
Ешурубон юзин, кет, эй масхара, беҳае, деди.

Бўсаи лаб савоб учун айла манга ато, дедим,
Қошу қапоғини четиб, қуй бу сўзунг хато, деди.

Ваҳ, недин эркан элмагунг ҳеч вафо манго, дедим,
Зоҳир ўлуб дурур қачон ҳусн элидин вафо, деди.

Хаста кўнгулга қилғасен мунча недин жафо, дедим,
Дема жафо они санинг дардингдаур дава, деди.

Огаҳий комини недин айламагунг раво, дедим,
Ком топарму жонши ул қилмагунча фидо, деди.

* * *

Навбахор айёми ҳар ким қилса сахро сайрини,
Айлаганча ҳаз топар фирдавси аъло сайрини.

Кўнглида қолмас кудуратдин асар қилса агар,
Марғзору бешаларнинг хотир оро сайрини.

Баҳр янглиг таъдиди мавж урғуси файзу фугуҳ,
Гаҳ гаҳи заврақ миниб гар қилса дарё сайрини.

Сунъи ҳақ асроридин воқиф бўлур гар айласа,
Чашми ибрат бин очиб аснофи ашё сайрини.

Баҳра топқай ўзгача қилса гаҳи бу сайр аро,
Авлиёлар марқадининг ибрат афзо сайрини.

Еткурур кўб суд дунё сайри ул сайёрга
Ким, суруб раҳши тафаккур қилса уқбо сайрини.

Файзлар бу борчадин ортиқ топар гар айласа,
Яъс аро қилгон дили маҳзуну шайдо сайрини.

Гулшани роҳат дурур фақру қоноат гўшаси,
Қилмагунча лек не билсун киши то сайрини.

Огаҳийнинг кўнгли ҳам бир хуш ҳаво сахро эрур,
Ул нигори лутфу қилғойму оё сайрини.

* * *

Мужда, эй дилким, букун давлатли султон келгуси,
Маъдалатли, марҳаматли, лутфли хон келгуси.

Неча муддатдурки, ҳижрон дардидин бемор эдинг,
Шод бўлгилким, танинға тозадин жоп келгуси.

Тийра эрди шаҳр элининг айши фурқат шомида,
Ерутурға айлаким, хуршиди тобон келгуси.

Мулки беравнақ эди описиз хазони боғдек,
Қилгалл ғайз ҳузуридин гулистон келгуси.

Неча муддат эрдиким азми шикор этмиш эди,
Қайтибон давлат била Жамшиди даврон келгуси.

Ҳам вуҳушу ҳам туюр асноғига солиб қирон,
Тошибон хушқоллиқ борича имкон келгуси.

Тавқаро отмиғ тенгиз атрофида айлаб шикор,
Комёбу комропу шоду хандон келгуси.

Қушни комича солиб, овни муродича олиб,
Қўси давлатни чолиб, масрури шодон келгуси.

Тўкмади тиг ила ёлғуз сайд саҳро қонини,
Ҳам шуқуҳидин адув бағрин қилиб қон келгуси.

Хотирни комича тоғ бешаларни сайр этиб,
Шодлиғ ҳосил қилиб беҳадду поён келгуси.

Ҳам Скандар янглиғ айлаб баҳр ила бар сайрини,
Ҳам Сулаймон шавкатин айлаб намоён келгуси.

Лутф ила саҳронишин бечоралар ҳолин сўруб,
Бенаволарга қилиб инъоми эҳсон келгуси.

Айшу ишрат ҳадду ғоятсиз қилиб шоҳи сипоҳ,
Қолмайин ҳеч бирининг кўнглида армон келгуси.

Шод ўлдинг, эй шаҳр эликим, бошингиз узра букун,
Сояи шафқат солурға зилли субҳон калгуси.

Оғаҳий, даргоҳиға бориб дуо қилким бу дам,
Салтанат тахти уза давлатли султон келгуси.

* * *

Олди кўнглумни менинг биргина дилбаргинаи
Тини гуҳаргинаи, лаблари шакаргинаи.

Жилвагар бўлди паридек сўрубон раҳшини тез,
Чобуки ғаргинаи, шўхи ситамгаргинаи.

Бир боқиб ҳушу хирад нақдини ғорат қилди,
Кӯзи кофаргинаи, кичриги ништаргинаи.

Қилди ҳайрон мани юз нозу адо зоҳир этиб,
Сийм пайқаргинаи, сўзлари гавҳаргинаи.

Ўртабон ишқ ўтиға жону таним айлади кул,
Юзи анваргинаи, холи муанбаргинаи.

Олди ақлу хираду сабру қароримни суруб,
Бир таковаргинаи, шўхи диловаргинаи.

Қачон ўлғайки манга келса суруб рахшини ул,
Нозпарваргинаи, золими кофиргинаи.

Манда худ қолмади бир зарра киби тоқату тоб,
Айлагил ё раб, ани таз муяссаргинаи.

Огаҳий, бил, кеча-кундуз ишидур оҳу фиғон,
Кимгаким, учраса бир ёшғина дилбаргинаи.

* * *

Кўрмасам меҳри жамолин, моҳи анварни нетай,
Сўрмасам лаъли зулолин, оби кавсарни нетай.

Қаддининг раъно ниҳолин гар тамошо қилмасам,
Бог аро наззораи сарву санавбарни нетай.

Ул гуландомим агар мажлисда соқий бўлмаса,
Лаългун саҳбонию гулранги согарни нетай.

Ҳар нафас ширин каломи жонга роҳат бермаса,
Базм аро қанду наботу, шаҳду шаккарни нетай.

Бўлмаса гар жилвагар рухсори узра кокули,
Гул уза бўлгон паришон сунбули тарни нетай.

Бермаса бошимга зийнат остони туфроги,
Афсари Дорошию тожи Скандарни нетай.

Тийра шомимни висоли субҳидия ёрутмаса,
Моҳи анварни на айлай, меҳри ховарни нетай.

Бўлмаса аҳбоби базми айш асбобиға харж
Киссада маҳбус бўлгон сийм ила зарни нетай.

Оғаҳий, гар боқмаса хўблар сари айб этмаким,
Баэм аро чун йўқтур ул ой, ўзга дилбарни нетай.

* * *

Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай,
Оҳима ҳам шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Хар дам улусга лутф ила боқгуси, қаҳр ила, мани,
Мани сори бир назора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ишк эли кўнгли дардиға чора қилур, вале манийг
Дарди дилимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Хажр ила заъиф уйлаким, оҳи ҳазиним ўтиға
Шуъла била шарора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Йон лабидини чу бермади жисмима, ваҳки қошидин
Қағлима ҳам ишора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Бўйиға борсам этгуси васлиға ваъда, ул доғи
Бўлгуси бора-бора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Толғий равшан ўзганинг лутфи қуёши нуридин,
Мани киби бахти қора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Мунди ситораси исиг халқға маҳри ёри гарм,
Манда исиг ситора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Дедим ўлубдур Оғаҳий, ашки канорасиз, деди,
Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

МУЛАММАЪ

Кунгулнинг жойи то дар оташи ишқат муқаррар шуд,
Чиқа олмай ул ўтдин як нафас ҳамчун самавдар шуд.

Ики лаълинг фироқида шудам гирёну аз чашм,
Оқиб қон ашк ила ҳар қатрааш маржон гавҳар шуд.

Кеча оҳимдин учқунлар боболар фатхи пайдар пай,
Аларнинг ҳар биридур чархи якто банда ахтар шуд.

Зилоли хизри кавсар шарбатин ҳаргиз наҳоҳам кўрд,
Манга бир қатра гар аз бодаи лаълинг муяссар шуд.

Юзунг хуршиди то карда тулуъ аз матлуъ хўби,
Сафо лутф ила ҳижлат фазои меҳри анвар шуд.

Лабинг жоми юзунг кўзгуси ҳар касро бадаст афтод,
Жаҳон мулки аро Жамшиди кўшту ҳам Скандар шуд.

Туну кун мунтазирдур Огаҳий бир ваъдаи лутфат,
Тараҳҳум айлаким асру паришон кашт музаффар шуд.

МУСТАЗОДЛАР

- Халқнинг тунида қолмишам, оч, эй моҳитобон,
хуршид киби юз.
- Кўнглум уйини сели ғаминг айлади вайрон,
васлингдин они туз.
- Надо шабидек шони фироқинг узоқ ўлди,
субҳидин асар йўқ.
- Кўлбабга келиб айлаки худшиди дурахинон
қилғил они қуядуғ.
- Қадринг била ҳар лаҳза манга новак отарсан,
қил эмди тамошо,
- Ва шайки санчилди манинг жисмима пайкон,
ҳар мўйим уза юз.
- Ҳар дам манга бедоди фироқинг етушуб, оҳ
тинмай чекадурман.
- Одам шараридур кўринур чарх уза ҳар ён,
дема они юлдуз.
- Шарон даҳанинг шавқида, эй шўҳи дилоро,
раҳм этки, неча йил.
- Фарад киби қоздирадур кўнглума даврон
ғам тоғини ёлғуз.
- Не атқанидиги йўқ хабаринг ушбу гадоға
кўйингда совуқдин
- Билди қизадурсан кийибон, эй шаҳи хубон,
синжоб ила қундуз.

Фарёдки ўлтурди ғаминг Оғаҳий янглиғ

ман зор ҳазинчи,

Бир қатра қилиб лаъли лабинг нўшидин эҳсон,

келгил мани тиргул

* * *

Эй ёр, санга ушбу жаҳон боғи аро гул

бир ошиқи ҳайрон,
дийдоринга шайдо,

Бир шифтадур кокули мушкинга сунбул,

ҳам ҳоли паринон,
ҳам бошида савдо.

Ҳам сарв қадинг жилвасини кўргали қумри

ҳар дам чекибон ол,
билкул борур ўлдир.

Ҳам гул юзунга маҳви жамол ўлғоли булбул

тун-кун чекар афсон
тинмай дами асло

То тушти фироқингга манинг ғамзада кўнглум

ҳар лаҳза ёнодур,
юз дард ўти ичри.

Эмди анга торторга дами сабру таҳаммул

йўқ меҳнати ҳижрон
раҳм айла нигоро

Фарёдки ислом элини қати қилурга

мастона суруб ол,
андоқ қилич урдир

Ҳим, етти дами тингнғ ила қатига билкул

мажмуъи мусулмон
эй коффи тарсо

Чалвми караминг бир нигаҳи қилгуси обод,

оламни сари
недур бу ситамкис

Чекмакни дариф айламагунг тиғи тагофул

бўлса неча вайроп
маъмураи дунё.

Хуснигни тамошо қилибон баҳра олурлар

кўзим била кўнглум
бир-биридан афзул,

Зидҳорки эмди ёзибон юз уза кокул

айлаб они пинҳон,
манъ этма тамошо.

Манким, эшикинг бандалари ожизидурман

шукр этмак ишимдур
гар очу ва гар тўқ,

Дутфингга қилурман бори ҳол ичра таваккул

ё розиқи манпон,
сансап анга доно.

Ҳай-ҳай не тароватлиғ эрур боғи жамолинг,

ким тергусидур гул
ондин ҳама олам,

Муидин дурур анвоъи гулу лола била мўл

ҳам жайби гулистон,
ҳам домани саҳро.

Халқинг тами захрини ичиб Огаҳий зор

ўлмакка етибдур,
комиға етушмай.

Қишма нафаси ҳолини сўрмоқда тааллул,

эй Исоий даврон,
қилғил ани ихё.

МУРАББАЛАР

Жамолинг шавқида ёқди фалакни ўтлуғ афғоним,
Бори ер юзини тўфонга берди чашми гирёним,
Эшит додимни эмди дардинг ўлди қосиди жоним,
Нигорим, меҳрибоним, макрадат тахтида султоним.

Ўтубдур илтифотинг орзуси бирла ою йил,
Кўзум гирён, таним ларзон, кўнгул волону алкон тил,
Боқиб айни карамдин ушбу ҳолимга тараҳҳум қил,
Нигорим, меҳрибоним, макрадат тахтида султоним.

Тушуб маъқул кўпгунгга рақибинг ҳарза гуфтори,
Ҳамиша қасди нозик хотирингнинг кўпглум озори,
Замони тарки озор эт, манга раҳм айлабон бори,
Нигорим, меҳрибоним, макрадат тахтида султоним.

Карам рихши ипонин ман сори бир дам эвурмассаи,
Хизрдек бошим узра мақдаминг ҳаргиз етурмассаи,
Уларга етмишам дардинг чекиб, ҳолимни сўрмассаи,
Нигорим, меҳрибоним, макрадат тахтида султоним.

Қилиб кўп ваъдалар, бирига қилмассаи вафо ҳаргиз,
Вафо мандин кўрарсаи, тарк қилмассаи жафо ҳаргиз,
Даме таъсир қилмас нолаю зорим санго ҳаргиз,
Нигорим, меҳрибоним, макрадат тахтида султоним.

Висолингда қилур агёр тун-кун айш ила ипрат,
Фироқингда пасибимдур манинг андуҳ ила кулфат,
Дегил, бу нотавонингга педин кўргузмагунг шафқат,
Нигорим, меҳрибоним, макрадат тахтида султоним.

Етар мушгул бошимга ҳар нафас юз минг бало сандини,
Ва лекин зоҳир ўлмас лаҳзаи меҳру вафо сандини,
Қачонга тегру чеккайман жафо узра жафо сандини,
Нигорим, меҳрибоним, макрадат тахтида султоним.

Неча-кундуз фироқинг тийра зиндони манга маскан,
Ситам ўқи етиб сандин тану жонимда минг равзап,
Қўлингдин кимга дод айлайки, олам ичра сандурсан,
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида султоним.

Вафо сандин тилаб, қўйинг аро бисёр йиғларман
Фигоним, тиридин бағрим қилиб афгор йиғларман,
Қўюб юз остонанг туфроғига зор йиғларман,
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида султоним.

Букуп жони ҳазиним бодаи лутфинг билан шод эт,
Шикаста хотирим вайронини маъмуру обод эт,
Бу қари қулни яъни дарду гам бандидин озод эт,
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида султоним.

Ўтуб умрим дуоғўйи жапоби чарх сойингман,
Ўўлингда юз ниёзу ажз бирла хокинойингман,
Тираҳҳум айлагил ҳолимғаким, мискин гадойингман,
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида султоним.

Ўўруб лутфу ато сандин жаҳон ичра бори одам,
Тониб кому муродини эрурлар хушдилу хуррам,
Виле, мендек эмастур ҳеч кимга илтифотинг кам,
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида султоним.

Тилаб лутфингни маскан гўшаи қўйингни то қилдим,
Ўубинг ўтига юз минг уқубат бирла то қилдим,
Била олмон манго ман, шум толиъ не хато қилдим
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида султоним.

Неча муддат дурурким солмадинг кўнглунгга ёдимни,
Эшит эмди мурувват кўргузауб афғону додимни,
Мани ноком қўйма мундин ортиқ, бер муродимни,
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида султоним.

Мурувват айлаким, афтодан хоки раҳингдурман,
Ғуломи остону жабҳасойи дарғаҳингдурман,
Қарилиг дардидин пажмурда бўлгон Оғаҳингдурман,
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида султоним.

* * *

Ул паривашким, дилу жовимда ишқи доғидур,
Қадди шамшоду юзи гул, лаъли гул яфроғидур,

Базмгоҳим васлидин бу кеча жаннат боғидур,
Соқидё, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур.

Ишқида содиқлиғимни гуёким билди ёр
Ким, мани ушшоқ аро лутфи кўзиға илди ёр,
Гул юзин очиб келиб базмимни гулшан қилди ёр,
Соқидё, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур.

Юз адо бирла келиб қулбамни маъво айлади,
Бурқаян олиб жамолин мажлис оро айлади,
Васлидин асбоби айшимни муҳайё айлади,
Соқидё, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур.

Хур янглиғ қомати зебою ҳусни бебадил,
Бир лаби кавсар малоҳатда, биридур салсабил,
Мажлисим файзи жамолидин биҳишт осо жамил,
Соқидё, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур.

Айланиб комим била бу кеча даври осмоп,
Маъзилим шамъи шабистонимға бўлмишдур мақон,
Хилватим маҳзуфу, йўқ агёрдин ному нишон,
Соқидё, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур.

Вақт эрур субҳу ҳаво жонпарвару фасли баҳор,
Масканим гулшан фазосию мақомим лолазор,
Ҳамдаму ҳамсуҳбатим бир сарв қадду гулғузур,
Соқидё, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур.

Қиёди базмим ул сифатким, мажлиси Ковус Кай,
Соз ўлуб кирди навоға гижжагу танбуру най.
Тарк этиб тақвони эмди ичкали риндона май,
Соқидё, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур.

Огаҳийға умрида бу навъ бир тун берди даст
Ким, анга бир мугбача хилватда бўлди ҳампишаст,
Эмди бўлса хуштурур тонг отқунча масрур маст,
Соқидё, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур.

МУХАММАСЛАР

Қаддим хамини сарви ситамкорима айтинг,
Сабрим камини ғамзаси бисёрима айтинг,
Кўзим намини кўзлари таррорима айтинг,
Кўнглум ғамини, дўстларим, ёрима айтинг,
Жоним аламин лаъли шаккарборима айтинг.

Уммидки, рағбат сўзунгиз жониби қилғай,
Бошимга не келганини ғам ҳажрида билғай,
Лутфи йўли бўлғойки менинг сори очилғай,
Шоядки, тарахҳум қилибон кулбама келғай,
Ҳолимни паризоди вафодорима айтинг.

Афғор таним ичра сўнганнинг бири қолмай,
Фурқат тошининг захмини зарбидин ушолмай,
Мунча била ҳам ўзни талаб йўлида солмай,
Истаб ниғаҳ гўшаи чашмин топа олмай,
Беморлигим кўзлари беморима айтинг.

Дардим бўладур ҳар нафас аввалгидин ортқ,
Ҳим, бошга тегар холлари ёдида юмруқ,
Жонга отилиб ҳам кўзининг фикрида мултуқ,
Мужғони хаёли била ҳар лаҳзада минг ўқ,
Сончилғонини бу тани афғорима айтинг.

Жавру ситами хайли бўлуб соғу сўлимға,
Тиғу табари сели бўлуб банд йўлимға,
Васли этаги етмади бир лаҳза қўлимға,
Озорига кўнглум чидамай эмди ўлумға,
Рози эрур, ул шўхи дилозорима айтинг.

Жон токи онинг ҳажрида ғам ўтиға ёнсун,
Тан токи адам шиддатидин ерга суёйсун,
Эмди кўнгул ўлмакка қўюбдурман, у ёнсун,
Келсун доғи қатл айласуну қонима қонсун,
Қотилвашу ошиқкушу хунхорима айтинг.

Бу хастасининг жайбию жон дуррини терсун,
Яъни, келибон жондек онинг териға кирсун,
Йуқса терисин суйсину ҳам хомиға кирсун,
Огахийни ултурсун, ё комини берсун,
Зинҳор бориб ёри жафокорима айтинг.

* * *

Уётлиғдур Масихо бу каломи руҳи фошингдин,
Хижилдур бадр ҳам бу ҳусн ила ўн тўрт ёшингдин,
Нечук дерман нишондур янги ой зебанда қошингдин,
Буким, чарх офтоби эврелур ҳар лаҳза бошингдин,
Тараддуд бирла тинмай касби пур айлар қуёшингдин.

Кўзингдур зоҳирон юз хайли инсон офати, ваҳким,
Қошинг имоси маҳфиян бани жон офати, ваҳким.
Демай ёлғуз аларни жам вайрон офати, ваҳким,
Эрур кўзу қошинг ҳар бири юз жон офати, ваҳким,
Нечук жон асрагаймиз буйла фаттон кўзу қошингдин.

Назар аҳволима сол, эй юзи хуршиди тобоним,
Ки, ҳажрингда туну кун заррадек музтар дурур жоним,
Чиқиб бошим уза лаҳза ба лаҳза дуди афғоним,
Бўлубдур шом янглиғ тийра сансиз байтул-аҳзоним,
Келиб они мунаввар айла меҳри нури фошингдин.

Кўруб нозу адосидин бу зору бедилу бекас,
Қўюб ишқ ўтиға ҳар лаҳза ул янглиғки, хору хас.
Қила олмай дами оҳ урмоқу қон йиғламоқни бас,
Агар фарёду афғоним фалакка етса, тонг эрмас
Ки, жон нақдини торож айладинг ўгрин қарошингдин.

Вафо расмин тутуб, жоно, кўнгул ранжу малолин сўр,
Лабинг ҳажри аро тилинг тушунмасдек мақолин сўр,
Адам сар манзилиға жони ғамгин интиқолин сўр,
Иёфо таркин қилиб гаҳ-гаҳ келиб бу хаста ҳолин сўр
Ки, ҳардам тоза-тоза жон топай мундоқ сўрошингдин.

Сипеҳри ҳусн уза то жилва қилдинг, эй маҳи равшан,
Жаҳон аҳлиға ғавво тушти маҳшар аҳлидек безан,
Бирав йўқ бўлмагон расвойи ишқинг ул сифатким ман,
Агар улғайсанг, эй дилбар, на офат бўлғасен, билмон,
Жаҳонға буйла солдинг шўру шар кичкина бошингдин.

Симақдин то само оқинг ўти бирла ёруқдурким,
Биной даҳри ашқинг селидин ҳарён йиққдурким,
Малл-қисса на ерга юз урубсан ул бузуқдурким,
Ниҳон бормоқ иложи Огаҳий кўйига йўқдурким,
Борур тўфон агар ҳар ерга борсанг оҳу ўшингдин.

* * *

Тингри адамдин қилғали мавжуд то қошу кўзунг,
Одат қилибдур қатл ишин субҳу масо қошу кўзунг,
Ҳар дам маши юз ўлтурур, қилмай ибo қошу кўзунг,
Ваҳ не балодур, билмадим, эй дилрабо қошу кўзунг,
Ким, бир назарда солди ўт жоним аро қошу кўзунг.

Ўтти ситам қилмоқ била ман зорға ою йилинг,
Ҳар лаҳза оччиг сўз била жоним олур ширин тилинг,
Нетти етурсанг бўйнума лутфи карам бирла алинг,
Олди қарору тоқатим оқ сийнаю нозик белинг,
Солди қаро кун бошима ики қаро қошу кўзунг.

Тоқим, яқо чок айлабон мастона сурдунг ашҳабинг,
Кўргач қумушдек пайкаринг, бўлдум ғубори маркабинг,
Ақлимни ҳайрон айлади кўксингда тавҳи ғабғабинг,
Жонимға қўйди доғлар рашк ўтидин холи лабинг,
Кўнглума еткурди туман дарду бало қошу кўзунг.

Ваъданг чоғи ёлғон агар бўлсуну гар худ чин сўзунг,
Бермакни жон ишқ аҳлига қиммиш дурур ойин сўзунг,
Сизуз мани тиргузмади лаззат била рангин сўзунг,
Ҳам юз ўлукни тиргузур лаълинг аро ширин сўзунг,
Ҳам минг тирикни ўлтурур айлаб жафо қошу кўзунг.

Сенсап бори ҳўблар аро бир хисрави олий насаб,
Қошу кўзунг бедодидин ортар манга ранжу тааб,
Бас, дарғаҳинга бош уруб йиглаб саросар рўзу шаб,
Қошу кўзунг бедодидин дод айласам эрмас ажаб
Ким, не жафолар қилмади охир манго қошу кўзунг.

Халқ айламишдур ҳақ сани коми ҳукумат сурғали,
Бечора ушшоқ аҳлига жавру жафо еткурғали,
Бир кимса ўлмай қолмади қошу кўзунгни кўрғали,
Ҳусн аҳли ноҳисен бори ошиқларинг ўлтурғали,
Гўёки жаллоди ажал бўлмиш санго қошу кўзунг.

Бўлса санингдек бир пари гар ҳар кишининг дилбарин,
Бўлгон жунун дашти аро девоналар сардафгарин,
Бир лаҳза ором айламай усрук юз урғай ҳар сарин,
Ман зору ҳайронинг нечук девона бўлмай, эй пари
Ким, ақлу ҳушим айлади мандин жудо қошу кўзунг.

Ишқинг гаму бедодининг йўқтур ҳадду поённиким,
Бу нотавонлиғлар билла ман ким кўтармак, ониким,
Раҳм айлаким бу ҳолима, эй хўблар султониким,
Йўқдур манга ишқинг аро юрмак тирик имкониким,
Жонимни ё қадду юзунг олғуси, ё қошу кўзунг.

То арсаи олам аро очдинг ниқобингдин узор.
Назора қилғоч қолмади бир кимсада сабру қарор,
Ҳарён улус ичра тушуб шўру аллоло бешумор,
Қошу кўзунг имосидин бўлди қиёмат ошкор,
Гўёки олам офати қилди худо қошу кўзунг.

Олдинг газаб изҳор этиб илгинга чун тийғу табар,
Кўрган буён қуя жондин ўз ҳолига бўлди навҳагар,
Ғавғои маҳшардин фузун оламга тушди шўру шар,
Эл қатлини қасд айлабон мастона қилғоч ҳар назар,
Солди жаҳонга нолаи воҳасрато қошу кўзунг.

Мен зоринг ўлмушман, бори ошиқларингнинг бекаси,
Онсиз бўлубтур пайкарим ул навъиким кўйинг хаси,
Очгил юзунгниким ўлар ҳолатга етмишман, баса,
Айлай ҳаётим нақдини ҳар дам нисору садқаси,
Ёшурмагил мен зордин айлаб ҳаё қошу кўзунг.

Бир лутф ила базм аҳлини шод эттали мойил бўлуб,
Бошдин аёқинг ғамзаю нозу адо бирла тўлуб,
Чобуклик изҳор айлабон гаҳ уйнабу гаҳи кулуб,
Мажлис фазосида усул этган чоғи раққос ўлуб,
Элдин олур жон нақдини эй маҳлиқо, қошу кўзунг.

Ҳақ дилраболик тахтининг султони қилмишдур сани,
Кўюнг аро бир бавдаи ожиз яратмишдур мани,
Раҳм айлабон бу ҳолима, эй ҳусн аҳлининг аҳсани,
Ширин лабингдин Оғаҳий жисмига жон берким ани,
Ўлтурди бир имо қилиб боқғач қиё қошу кўзунг.

НАВОИЙ ҒАЗАЛИҒА МУҲАММАС

Бўлма мойил даҳр боғининг баҳористониға
Қилмоғил мафтуни кўнгулли наргиси фаттониға,
Айлама жон булбулин шайдо гули хандониға,
Оташин гул гарчи зиннатдур жаҳон бустониға,
Барқ эрур ҳар ел учурғон барги булбул жонига.

Оҳким, бу дайрнинг айшиға йўқтур эътибор,
Ишратидин сурату усрат бўлубдур ошкор
Кўрки, юз минг жон чекиб, тортиб суубат бешумор,
Бир қадаҳ май ичмади бу дайр аҳли бешумор,
То таҳаррук бўлди бу тоси ыигун даврониға.

Токи ул бегонаваш ишқиға бўлдим ошно,
Васлидин маҳрум ўлуб чекмоқ ишим ранжу ано,
Тоқатим йўқ тузғали мундоқ суубатға яно,
Ҳасрат ўлтурди мани, эй муг, кетур жони фано
Ким, чидай олмон букундин сўнг онинг ҳижрониға.

Ишқ таврида вафо аҳлиға бордур ўзга ҳол
Ким, бериб юз жон қилурлар сўнгра уммиди висол,
Қилмасун ҳар бул-ҳавас даъвойи ишқ этмак хаёл,
Бўлмайин фони муҳаббат жомин ичмакдур маҳол.
Сабт этишг бу нуктани дайри фано айвониға.

Ишқ водиси аро азм айлабон ҳар ён далир,
Васл шавқида туну кун тортиб афғону нафир,
Огаҳий янглиғ талаб ичра бўлуб меҳнат пазир,
Ком топмай кимки ҳирмон дардиға бўлмиш асир,
Истабон ҳамдard ўлтурдинг Навоий ёниға.

НАВОИЙ ҒАЗАЛИҒА МУҲАММАС

Даҳр аро афзун бўлуб ҳар лаҳза дарду меҳнатим
Не танимда қолди тобу не кўнгулда тоқатим,
Тонг эмас амди адам мулкиға азми суръатим,
Бўлмиш андоқ мунқатиъ аҳли замондин улфатим
Ким, ўзум бирла чиқишмайдур замони суҳбатим.

Не ажаб ҳар лаҳза бўлсам беқарору тангу зарф
Ким, даме ҳақ ёди бирла қилмадим фикри шигарф,
Билки, сургум субҳу шом элга хушомад бирла ҳарф,

Турфа кўрким, халқ коми бирла умрим бўлди сарф,
Турфароқ буким, бировга ёқмади бир хизматим.

Аршини кул айлабон гардин учургай ҳар тараф,
Сафларин хайли малакнинг барҳам урғай ҳар тараф,
Ой ила кунни суҳо янглиғ ёшургай ҳар тараф,
Етти кўкни кўк варақлардек совургай ҳар тараф,
Токи минойи аро чирмашса оҳи ҳасратим.

Дерсиз, эй аҳбоб, тут биз бирла бир маъвода унс,
Мандин этманг тутмоқ уммидини бу дунёда унс
Ким, ўзум бирла туто олмон дами бир жода унс,
Эй хуш улким, тунмиш эрди ваҳш ила саҳрода унс,
Мудҳиш аҳволи мангаким, бор ўзумдин ваҳшатим.

Даҳр иззу жоҳини арз этма алимдин йштур
Ким, мани дилхастага зеби жаҳон мардуд эрур,
Бор ўзинг хуршид олтун хишти бирла ком сур,
Э фалак, анжум ушоқ тошчи йиғиб бошингга ур
Ким, фано майхонаси тошидин ўлди турбатим,

Оҳ тожу чеҳра олтун, ашк лаъли ноб ўлуб,
Ишқ аро шаҳман муҳайё бу қадар асбоб ўлуб,
Билмасам шукрин бу давлатнинг таним бетоб ўлуб,
Лаълдек бошим осилсун гарқан хуноб ўлуб,
Лаъл тиккан салтанат тожиға булса рағбатим.

Огаҳийдек то ғами ишқ ила тондим иттисол,
Дунёю уқбо сўзидин тилни қилдим гунгу лол,
Жилвагар бўлди манга муқдин жамоли лоязол,
Эй Навоий, икки оламдин кечиб тондим висол,
Бу икки бутхонадин эрмиш бу йўлда офатим.

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Тинмайин эмди туну кун, эй ҳазин жон, йиғлагил
Ким, ул ой бўлмиш вафодип рўйгардон йиғлагил,
Ўзгалар базмиға майл этмиш намоён йиғлагил,
Эй кўнгул, ҳижрон кунидур тортиб афгон йиғлагил,
Эй кўз, айрилгунгдур ул гулчеҳрадин, қон йиғлагил,

Борғали токим рақибу ҳосиду нур фан сори,
Келмади айлаб талаттуф гоҳ-гоҳи ман сори,

Манда ҳад йўқ борғали ул гул бўлур маскан сори,
Кўз тутарман, эй булутким, ўтсанг ул гулшан сори,
Чун соғинсанг бизни ул тортиб фаровон йиғлағил.

То нишиман қилғали агёр ҳар кун базмида,
Чиқғусидур айтилиб афсоналар ун базмида,
Даст топсанг васлининг иқболига чун базмида,
Ростлиғ ҳаққи учун, эй шамъ, ҳур тун базмида
Чиқса сўз мандин куюб беҳадду поён йиғлағил.

Гар эурсан мақсади аслига толиб, эй кунгул,
Қагъ қилмоқдур фано даштини вожиб, эй кунгул,
Санда ажз афзугу истейдод гойиб, эй кунгул,
Пул қотиғ, мақсуд мубҳам, яъс голиб, эй кунгул,
Ун чекиб бу ҳолишга то бордур имкон, йиғлағил.

Белу оғзи олгон ўлса сандин орому шикиб,
Кўргузуб кўшиш озор васлига етмақдур ажиб,
Огаҳийдек то адам сар ҳаддига бўлмай қариб,
Эй Навоий, белу оғзидин санга йўқтур насиб,
Хоҳ пайдо нола қилғил, хоҳ пинҳон йиғлағил.

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Биҳамдиллаҳки, агёр улфатидин ижтиноб, айлаб
Манга меҳру вафою раҳму шафқат беҳисоб айлаб,
Бузулгон масканимни гулшан этмак иртиқоб айлаб,
Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,
Хироми суръатидин гул уза хўйдин гулоб айлаб.

Мулукона қўюб эгри боши узра кулоҳи зар,
Далирона этак санчиб, олиб қўлга оғир шашпар,
Қамад айлаб сочи торин кунгул қайди учун яксар,
Чекиб мужғони шабравлар киби жон қасдига ханжар,
Белига зулфи анбар торидин мушкин таноб айлаб.

Неча турлук далолу ғунж ила кулбам аро кирди,
Табассум дуржига лутфу адо гавҳарларин терди,
Равон осо хиромида адаб осори фон эрди,
Келиб ўлтурдию илгим тутуб ёнида ер берди,
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.

Нечук дурларки бўлмиш ҳуққаи ёқут анга маскан,
Олорнинг бирига бўлмай баҳо юз ганжу минг маҳзан,

Бу янглиг дур сочиб ҳолимни сурди буйла ул пурфан
Ки, эй зору балокаш ошиқим, мансиз нечукдурсан,
Мен ўлдум лол айта олмайин майли жавоб айлаб.

Бу ҳолимни кўруб, шавқим не чоғлиқ эрканин билди,
Еридин сачрабон турдию қошимға ёвуқ келди,
Иковлон маст ўлоли деб қулуб буйнимға осилди,
Чиқорди шишаи май доғи бир соғар тўла қилди,
Ичиб тутди манга юз навъ лутф осо итоб айлаб.

Деди: Эй хоксорим, эмди ашқинг тўкмағил кўздин,
Қилиб нўш ушбу соғарни орит ғам гардини юздин,
Ман илгидин олиб соғар топиб комимни бу сўздин,
Ичиб, фарёд этиб, тушдум аёқиға, бориб ўздин,
Мани йўқ бодаким, лутфи онинг масту хароб айлаб.

На хуштур, Оғаҳий ишрат тунида ёр ила бўлмоқ,
Қулидин нўш этиб ҳар дам тараб жомини афзунроқ,
Бўлуб сармаст аёқиға йиқилмоқ ўйлаким туфроқ,
Ониким элтқай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,
Навоййдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Шаҳи заррин кулаҳ чун субҳ дам тиги дудам чекти,
Сипоҳи нур олмоққа жаҳонни як қалам чекти,
Адам мулкига зулмат лашқари тинмай қадам чекти,
Саҳар ховар шаҳи чарх узраким хайли ҳашам чекти,
Шиноъи хат бида куҳсор/уза олтун алам чекти.

Очиб шоҳи кавокиб чун саҳарнинг роҳи мадрусин,
Тамошо қилғоли азм айлади кўк тоқи минусин,
Ҳасу хошоки зулматдин қилурға пок ўтрусин,
Қазо фарроши чекти субҳнинг сиймин супургусин,
Музаҳҳаб парларин андоқки товуси ҳарам чекти.

Қазо қилки музайян қилғоли кўк тоқи таъмирин,
Езар гоҳи анга валлайл, гоҳ вашшамс таъбирин,
Бу дам кун тиги бирла ҳақ этуб валлайл таҳририн,
Китоба сунъ қилки сураи вашшамс тафсириин,
Фалак тоқи ҳавошисида зарҳалдин рақам чекти.

Жаҳондин тонг ели чун ҳар тараф тун дудини сурди,
Қуёш аяворини офоқ аро ҳар сори еткурди,

Тилаб уз матлабини ҳар ким фиғонин кўкдин ошурдӣ,
Муаззин қатба тоқи узра гулбонги самад урди,
Бараҳман дайр айвонида оҳанги санам чекти.

Ғаҳи маъшуқлар ушшоқи аҳволин савол этти,
Ғаҳи ушшоқ маъшуқи қошида арзи ҳол этти,
Ғаҳи аҳли суҳан тақиқ ила арзи мақол этти,
Маони аҳли гоҳи нукта узра қилу қол этти,
Муганвий хайли гоҳи нағма узра зебу бам чекти.

Ютуб қонлар шаби ҳижрон ғамидин ошиқи содиқ,
Наётидин биллиб ҳар дам мамотин афзалу фонқ,
Анго бу саъб меҳнатлар чекарни кўрмойин лойиқ,
Йқо чок этти гоҳи субҳ ул мотамғаким ошиқ,
Бу муҳлик шоми ҳижрон ичра юз хуноби ғам чекти.

Чекиб мулк очмоқ истар эрса шоҳи муҳташам тигин,
Керак тез этмаса фақр аҳли оҳининг дудам тигин,
Йқиндурким фалак чекгуси ҳар кимга алам тигин,
Замона қулди ул ғофилғаким даврон ситам тигин,
Анга урмоқни англаб ўзгага тиги ситам чекти.

Тараб шамъин ёрул, жоно, зиёсиз умрни англаб,
Кўнгулни хуррам эт нашъу намосиз умрни англаб,
Юрукил соф саҳбони сафосиз умрни англаб,
Хушо улким мунингдек чоғ вафосиз умрни англаб,
Сабухи жомни аҳбоб бирла дам-бадам чекти.

Қаю ошиқки онинг дилбари симни сақоқ ўлса,
Юзи гул, сочи сунбул, сарв қад, ширин дудоқ ўлса,
Ажаб ёрмастурур сабру шикиб ондин йироқ ўлса,
Агар кўнгида бир гул ҳажридин хору фироқ ўлса,
Баҳона йиғламоққа бир неча жоми алам чекти.

Неча йиллар чекиб ҳижрон аро юз минг ғаму меҳнат,
Кўзида ёп, тилида пола, кўнгида туман кулфат,
Бу ҳолат ичра ногаҳ юз қўюб онинг сори давлат,
Агар худ васл иқболи муяссар бўлса бир соат,
Фаридул тахт узра базм тузди, жоми жам чекти.

Хушо улким нигори илгидин бир жом бергач даст,
Қадин таъзим учун ҳар дам қилиб ҳам ул сифатким шаст
Солиб кўзни адаб бирла танин туфроққа айлаб паст,
Бўлуб матлуб рухсориға маҳву жомидин сармаст,
Юзин туфроққа қўйди, бошини олдиға ҳам чекти.

Тутарда жом анго соқий олиб бурқаъни юздинким,
Томизса турк ойини била тутғай туқуздинким,
Оқизса тўлдуруб соғар яна сўнғай ўтуздинким,
На давлатдурки бу ҳолатда борди андоқ ўздинким,
Бақо иқлиминин рахтини то мулки адам чекти.

Хушо базмики май ваҳдат анго соқий ҳабиб ўлғой,
Нишоти бас ажибу нашъаси беҳад ғариб ўлғой,
На мумкин, Оғаҳий, бу базмға ҳар ким қариб ўлғой
Навойи, шоят ул раҳравға бу давлат насиб ўлғой
Ким, ул дашти фано қатъ этколи йиллар қадам чекти.

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Фурқат ичра истаб ул ошуби даврон муждасин,
Ҳеч кимдин тонмадим ман зору ҳайрон муждасин,
Йигладим бу тун тилаб ҳақдин ғаровон муждасин,
Субҳ еткурди сабо гулбарги хандон муждасин,
Е кўнгул топти Масиҳ анфосидин жон муждасин.

Кўр ўлуб эрди кўзим ҳижронидин ул ҳубнини,
Келди бу кун нур ичига дийдаи мартубнини,
Билмадимким, муждаси етмишдур ул маҳбубнини,
Е фалак берди йиғи кўр айлабон Яъқубнини,
Кўзлари очилмоқ учун моҳи Канъон муждасин.

Кўнглум эрди ҳажр зиндони ғамининг бекасе,
Кечаю кундуз ғиғон тинмай чекар эрди, баса,
Бўлди бир мужда онинг бу ҳолида афғонрасе,
На гули хандон, на Исою на Юсуф муждаси,
Топти сар маҳжур ўлар ҳолатда жонон муждасин.

Ишқ дардидин шиканж эрди манга тан ғунчадек,
Сарбасар эрди ичим қон бирла тўлғон ғунчадек,
Танглик зиндонини айлаб нишиман ғунчадек,
Ғунча эрдим тонг елидин тўнға сиғмон ғунчадек,
То сабо еткурди ул сарви хиромон муждасин.

Маркабинини ел каби кулбам сори бурсанг, не тонг,
Жон сўзунгдин жисмима бермак раво кўрсанг, не тош,
Лутф этиб ул ёр пайгомин эшитдурсанг, не тонг,
Ҳажр аро, эй бек, агар сен нома еткурсанг, не тонг,
Тонг ели ҳар тун берар хуршиди тобон муждасин.

Ман сари азм айламай ул қотили пурфан ҳануз,
Мақдами гардидин этмак кўзларим равшан ҳануз,
Поймол ўлмай саму рахшига хоки тан хануз,
Нақди жон бердим, мусулмонлар уётлигман ҳануз,
То истадим бийиқдин ул номусулмон муждасин.

Бахт, гўё Огаҳий, ёру мутиъим бўлдиким,
Зулмати ғам хор этти қўймай йўлимдин юлдиким,
Васли меҳри нуридин кулбам саросар тўлдиким,
Эй Навоий, шоми ҳижрон йиғладим дафъ ўлдиким,
Субҳ еткурди сабо гулбарги хандон муждасин.

ФУЗУЛИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

То ҳўблуг сарири уза маскан айладинг,
Қилмоқ мани гадоға ситамлар фан айладинг,
Аҳбоб мажлисин кечалар маъман айладинг,
Эй маҳ, банимла дўстларим душман айладинг,
Душман ҳам айламаз бу ишиким, сан айладинг.

Елборди кўб тазарруъ ила бу ҳазин санга,
Бир дам жафо кам ўлмади, эй маҳжабин, санга,
Балким зиёдроқ бўлубон қаҳру кин санга,
Пайконларингла дўлди таним, офарин санга,
Бедод чекмакка танимни оҳан айладинг.

Қубдин бери чекиб туну кун нолаи ҳазин,
Субҳи висола бир дам ўла олмайин қарин,
Фурқат қаро тунда эдим ожизу ғамин,
Бўлсун зиёда рифъатинг, эй оҳи оташин,
Меҳнатсаромизи бу кеча равшан айладинг.

Ул сарв қад мудом этибон майл аҳли дун,
Бу гусса остида бўлубон қоматим нигун,
Зиндони ҳасрат ичра эдим ожизу забун,
Аксилмасун тароватинг, эй ашки лолагун,
Гулгул домуб мақомимизи гулшан айладинг.

Жавру жафо манга фалаки пур итобдин,
Афзун етар ҳамиша қиёсу ҳисобдин,
Заъфим қави бўлубон бу азобдин,
Жон чиқса манзил этмага эв дут ҳубобдин,
Эй кўз, ёшики қасди бинойи тан айладинг.

Ҳаргиз жафою жавр русумини қўймадинг,
Зулм айламакдин, эй бути хунхор, тўймадинг,
Кўксумдин узга ерга отиб новак ўймадинг,
Таҳсин сангаки, кўнглум уйин тийра қўймадинг,
Ҳар захм новакинг анга бир равзан айладинг.

Чун йўқтурур бу олам аро истидоматинг,
Бас онда, Огаҳий, недур истиқоматинг,
Азми тариқ айла кўполмай надоматинг,
Мумкин дагул жаҳонда, Фузулий, иқоматинг,
Беҳуда сан бу марҳалада маскан айладинг.

ФУЗУЛИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

То жони ҳазиним олами ишқа макондур,
Юз тиғи бало захмлари онда ниҳондур,
Жон дўстлиғи майли агар савда аёндур,
Жон верма ғами ишқаки ишқ офати жондур,
Ишқ офати жон ўлдуғи машҳури жаҳондур.

Бори ғами ишқ этти неча шерни ожиз,
Кечгил ҳавасидин санга ақл ўлса қуловуз,
Савдон ғами ишқ эмас ақл ила жойиз,
Суд этма савдон ғами ишқда ҳаргиз
Ким, ҳосили савдон ғами ишқ зиёндур.

Даврон аро усру кўб эрур шўҳи дилоро,
Сийминбару гул пираҳану, қомати зебо,
Очсанг назарингни агар айларга тамошо,
Яхши кўрунур суврати маҳвашларинг, аммо,
Яхши назар этдукча саранжоми ёмондур.

Шўҳ қаро кўзлар кўб эрур даҳр аро, лекин,
Бордур ҳамаси жавру жафо расмида сокин,
Гар истар эсанг бўлмоқ олар зулмидин эмин,
Ед этма қаро кўзликларинг мардуми чашмин,
Мардум деюб олданмаки, ичдуклари қондур.

Ҳар сабзаи хат, эй дил, санга бир фитнаи навхез,
Ҳар чашми сияҳ захр ила бир соғари лабрез,
Ҳар новаки мужа жонинга бир ништари тез,
Ҳар абруйи ҳам қатлинга бир ханжари хунрез,
Ҳар зулфи сияҳи қасдинга бир афъи йнлондур.

Ишқ ичра далирона агар қўйса қадамким,
Қилгуси ҳалок они дами тиғи надамким,
Дема на билурсан қилурин ишқи ситамким,
Ишқ ичра азоб ўлдуғин ондин билурамким,
Ҳар кимсаки, ошиқдур—иши оҳу фиғондур.

Ҳўбларда агар ҳар нечаким ҳусну адо вор,
Юз онча оларда ситаму жавру жафо вор,
Бас, Огаҳиё, ақлу хирад бўлса санго вор,
Гар деса Фузулийки, гўзалларда вафо вор,
Олданмаки, шоир сўзи албатта, ёлондур.

КОМРОН ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Тушти то юзинг узра зулфи анбар афшонлар,
Шавқ ўти аро қилдек ўртонур тану жонлар,
Бўлса ошиқинг, тонг йўқ, олам ичра жононлар,
Партави жамолингга зор ҳуру ғилмонлар,
Зулфинг олдида ҳайрон сунбулу гулистонлар.

Қолди кўз очиб наргиз ҳайрат ичра субҳу шом,
Борди сарв жисмидин сабру тоқату ором,
Токи боғ сайриға ноз бирла қўйдинг ком,
Сиймваш қопоғинғни ногоҳон кўруб бодом,
Тош аро ўзин солди рашқдин ютуб қонлар.

Сарв борғуси ўздин қоматинг равон кўргач,
Лола доғ ўлур холинг юзда ногоҳон кўргач,
Гул, не тонг, нисор этса оразингни жон кўрач,
Кулку чоғи лаълингдин боғ оро аён кўргач,
Ғунчалар назар қилғоч чок этиб гирибонлар.

Токи бўлмушам жоно ошиқи талабгоринг,
Етдим ўлгали айлаб орзуи дийдоринг,
Ва недин ёшурғунгдур парда ичра руҳсоринг,
Гул юзунг фироқида булбули вафодоринг,
Ҳар саҳар қилиб ёдинг айлар оҳу афгонлар.

Санчибон қошинг шавқи кўкрагимга юз ханжар,
Қириқинг урар ҳар дам жоним ичра минг наштар,
Лахта-лахта қон ондин бағрим ўлди сартосар,
Ед этиб лаби лаълинг лаҳза-лаҳза, эй дилбар,
Айларам равон кўздин қатра-қатра маржонлар.

Елга борди оҳимдин чарх айлаким яфроғ,
Қон ёшим-ла ювилди лолазору дашту тоғ,
Раҳм, агар, бу ҳолимга қилсанг эмди яхши чоғ,
Лоладек ғаму ҳажринг кўксум узра қўймиш доғ,
Васл ила етур, жоно, дардим узра дармонлар.

Қилғил Оғаҳий табъин лутф ила саросар хуш
Қим, ҳуш айласа ошиқ хотирин дилбар хуш,
Сандин етмак истайдур вақтин, эй сиймбар хуш,
Айла Комронингни жоми васл ила сархуш,
Токи қолмасун кўнгли ичра неча армонлар.

МУНИС ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Умидим бўстониға карам абрин матарбор эт,
Муродим боғини ҳуснуни гулидин жаннат осор эт,
Хазони ҳажридин табъим гулистонини беҳор эт,
Баҳори васл ила, ё раб, кўнгул даштини гулзор эт,
Гули дийдоринга руҳим қушини булбули зор эт.

Етушмай илму довиш соғаридин қатраи дурда,
Бу маҳфил ичра ман мақсад хумори бирла пажмурда,
Неча умр ўлдишим, бу ҳол ила ман зору озурда,
Жаҳолат шоми ғафлат уйқусидин бўлдим афсурда,
Мани оғаҳлиғ субҳи насими бирла бедор эт.

Кўнгул ғамгин эрур шайтон ғириби бирла ою йил,
Ҳазиндур жон доғи очилмайин зикринга бир дам тил,
Тараҳҳум кўргузуб лутфунг кўзиға ушбу ҳолим ил,
Ғамгин кўнглумни васвоси шаётиндин хабарсиз қил,
Ҳазин жонимни асрори илоҳидин хабардор эт.

Ҳавас кўйида айлаб кечаю кундуз шитобонлиғ,
Ҳар эшикка бориб комимни топмай ёндим армонлиғ,
Бериб мундоқ гадолиғдин мапго эмди пушаймонлиғ,
Фано мулкида бер тахти бақо узра сулаймонлиғ,
Вужудим нақнини йўқлуқ нигинида намудор эт.

Киши ҳар неча бўлса жоҳ ила мукнат аро комил,
Бўлур юз ҳисса онча кибр ила пахват анга ҳосил,
Ман ўлдум бу жиҳатдин дарди ишқу фақрга мойил,
Бўлур жоҳу саломат аҳли ҳам мағрур, ҳам ғофил,
Мани чек бистари фақр узраю ишқингда бемор эт.

Эрурман кеча-кундуз ҳажр зиндонида гам фарсуд,
Тоно олмон ўзумни васл базмида дами хушнуд,
Муродим комиға етмай замони бодан мақсуд,
Хумори ҳажрдин ҳар дам тўкарман ашки хун олуд,
Висолинг бодан гулгуни бирла масту саршор эт.

Етиб ҳуснуингдин ушбу даҳр борча ҳубиға ҳусни,
Бориб толиб топар сандин ўзи матлубиға ҳусни,
Манинг ҳам гар тиларсан хотирим марғубиға ҳусни,
Бериб нури худодин ботиним маҳбубиға ҳусни,
Онга ушшоқ бил маъшуқлар кўнглини ғрифтор эт.

Ҳамиша нафс ишидур тийралик андоқки хоки раҳ,
Туну кун руҳ иши бермак сафоға кўзгудек жилваҳ,
Вале, тадриж ила ул топиб истило мунга ваҳ-ваҳ,
Ғубори нафс руҳ ойинасин дойим қилур тийраҳ,
Они рафъ айлабон мундин, мунга сайқал надидор эт.

Қачонким Огаҳий маҳшар қизиқ бозориға кирса,
Дўкони ажз аро тоат касод ажносини терса,
Тонилмас муштари ҳаргиз неча арзон баҳо берса,
Матои тоати, Мунис, агарчи норивож эрса,
Онга лутфингини раҳмат чоресусида харидор эт.

МУНИС ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Дилбаримму жилва қилгон—ё малак, ёхуд пари,
Е тулуъ этти латофат буржининг саъд ахтари,
Билмайин тардид аро бўлдум таҳайюр мазҳари,
Орази ё лоламу ё шамъму ё муштарий,
Е қамар ё кўзгуму ё офтоби ховари.

Оташин рухсорида эрканму холи анбарин,
Донаи испанд ё ўт узра тушганму экин,
Кипригиму ўқ ва ё ханжармудур, билмон яқин,
Кўзи ё жаллод ё сайёд ё оҳуий Чин,
Е балос эканму ёхуд ҳиндуйи жодугари.

Тишмудур лаъли аро йўқ эрса беҳамто гуҳар,
Ғунчаи хандон аро ё жола тушмушдур магар,
Ё наботи соф жон номи аро қилмиш мақар,
Лаъли ё ёқут эрур, ё жони ширин ё шакар,
Е ақиқи лаъл ё жаннат гули барги тари.

Оғзидур андоқ кичикким, гўё маъдум эрур,
Шакли диққат аҳлининг олинда нофаҳум эрур,
Лек сўз айтур чоғи бор экани маълум эрур,
Оғзи ё дуржи адам, ё нуқтаи мавҳум эрур,
Чашмаи ҳайвонму, ё Фирдавси ризвон кавсари.

Чехраи гулгуnemu ё равзаи ризвонмудур,
Зулфи мушкиnemu ё сунбулу бўстонмудур,
Лаъли рангени эканму ё гули хандонмудур,
Хатти ё мўру малах ё сабзаи райҳонмудур,
Ё хати мустаҳафму ё миръоти ҳусни жавҳари.

Белиму нозиклик ичра кўзга эрмастур аён,
Йўқса бир қилму эканким, кўздин ўлмушдур ниҳон,
Ё ҳабли нозики ё ваҳмдур ёхуд гумон,
Қадди ё сарви равон ё хома ё ўқи синон,
Ё алиф ё оҳ ё боғи раунат ар-ари.

Оғаҳий, ул ой лабининг нутқи руҳафзосиму,
Йўқса ишрат жомининг роҳатфизо саҳбосиму,
Ё фараҳ тўтисининг гуфтор базморосиму,
Сўз ё гулбонги булбул ё Масих анфосиму,
Ё магар Муниснинг айтган назми диққатпарвари.

РОЖИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Гулгун юзунгча эрмас гул юзида латофат,
Мавзун қадинг мисллик йўқ сарвдор шоқат,
Бу ҳуснингга адою гамзанг қилиб изофат,
Гулшанда зоҳир этсанг, эй гулузор, қомат,
Сарв ила гул бошига тушкай ажаб қиёмат.

Хўблар бериб, агарчи, қаду юзига оро,
Ошиқларидин айлар сабру хирадни яғмо,
Лекин сўзум эшиткил, эй шўх моҳсиймо,
Ҳусн оламида кўбдур кони сабоҳат, аммо
Сандек қачон топилгай бир маъдани малоҳат.

Дардинг чекарда йўқтур дард аҳлига такосул,
Эрмас аён бирида ишқинг аро такоҳул,
Борму раво аларнинг аҳволидин тажоҳул,
Эй моҳи авжи иззат, мунча недур тағофул,
Ушшоқ бенавода ҳеч қолмади саломат.

Лутфу ипоят этти чун эзиди муҳаймин,
Одам сарири иззат устида бўлди сокин,
Иблис зиллатига кўб қасд қилди, лекин
Хақ кимга берса иззат хор ўлмоғи на мумкин,
Қўй, эй ҳусуд, мундоқ беҳуда иш на ҳожат.

Эй бўлгон олам ичра ийди фараҳ бадинг,
Кўнгулунгни хуррам этким, маҳшар кунидур ийдинг,
Қўфли тараб очарга меҳнат дурур калидинг,
Офоқ ичида роҳат топмоқ эса умидинг,
Қилма умид олам мулки ичида роҳат.

Гар истасанг ишингга олам аро кушойиш,
Адлу сахою базлу ҳиматни айла варзиш,
Шардин бўлуб гуризон, хайр айламакни қил иш,
Шаръи набиға ҳурмат қил фақр элиға бахшиш,
Шоҳо, десангки бўлгой ҳақдин санга иноят.

Эй Огаҳий, агар сан доишга мазҳар эрсанг,
Ур шаҳ жонобиға юз ҳар ишда музтар эрсанг,
Гар роғиби бихишту вар толиби зар эрсанг,
Шоҳинг дуосин одат қил, Рожий, истар эрсанг
Топмоқ ики жаҳонда давлат била саодат.

РОЖИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Бўлуб субҳим фиरोқинг ичра шом оҳиста-оҳиста,
Ғиғону нола айларман мудом оҳиста-оҳиста,
Мани айларга гоҳи шод ком оҳиста-оҳиста,
Кел, эй сарви равон, айлаб хиром оҳиста-оҳиста,
Қириб жон гулшанида қил мақом оҳиста-оҳиста

Манга дарду бало зиндонидур субҳу масо маскан,
Қўзим хира, дилим тийра, таним хаста, тилим алкан,
Бу ҳолимга тараҳхум зоҳир айлаб, эй маҳи нурфан,
Фиरोқингда қороргон кўзларимни айлагил равшан,
Очиб гаҳ-гаҳ руҳи хуршидфом оҳиста-оҳиста.

Демишсан дардга тоқат қила олмассан ишқ ичра,
Миҳан тиги била куксунг тила олмассан ишқ ичра,
Оёқ ғам даштига босиб кела олмассан ишқ ичра,
Дема бош уйнамоқ расми била олмассан ишқ ичра,
Билур сарбозлар расми низом оҳиста-оҳиста.

Бўлуб ман то гами ишқинг бечораю вола,
Қадим бўлмиш дурур меҳнат юкидин ўйлаким ҳола,
Бу ҳайъат бирла базмингга етибман тояу тола,
Муғанний, туз бийик созингнию чеккил бийик нола
Эмас дилхоҳ соз этмак давом оҳиста-оҳиста.

Агар ҳушинг эса бир дам эшит пандимни, эй одам,
Ема ҳайвон мисллик ҳарна келса олинга ҳар дам,
Бўлубдур нафс саркаш руҳига муставлию аҳкам,
Десангим, нафс ром ўлсун риёзат айлагил кам-кам,
Солурлар бадлигом отга лижом оҳиста-оҳиста.

Қаноат гулшани иззатга элни айлабон восил,
Тамаъ зиндони зиллатга қилур берайбу шак доҳил,
Тутубон жаҳлу гафлат таркини оламда, эй оқил,
Чу донишда чиқардинг от қаноат фэйзин эт ҳосил,
Тамаъдин элга бордур нангу ном оҳиста-оҳиста.

Келибдур то адамдин Огаҳий бу олами дунға,
Бўлубдур мубтало дарду гами беҳадди афзунға,
Тараҳҳум айлабон илгинг сўнуб саҳбойи гулгунға,
Кетур соқий паёпай жоми май Рожий маҳзунға,
Гами дафъин қилур шурби мудом оҳиста-оҳиста.

ФЕРУЗ ҒАЗАЛИҒА МУҲАММАС

Эурсен ҳусн шоҳи ман ғуломи хоксорингман,
Фидо жону кўнгулни айлаган хизматгузорингман,
Ва лекин хайли ушшоқ ичра тийра рўзгорингман,
Тараҳҳум айлагил, эй шўхким, ишқ ичра зорингман,
Гирифтори каманди тори зулфи мушқборингман.

Фироқинг тийра шомида чекиб юз ранж ила меҳнат,
Дами субҳи висолинг партавидин кўрмадим роҳат,
Назар айлаб бу ҳолимга аён эт лутф ила шафқат,
Кўнгулда қолмади бир зарра чоқлиғ тоб ила тоқат,
Юзунг хуршиди ҳижронида тун-кун беҳарорингман.

Жунуни дарду ғам хайли бошим узра ғулу айлаб,
Кезарман ишқ саҳросин туну кун ҳойу ҳу айлаб,
Бу ҳолимни кўруб меҳру вафо расмини ҳу айлаб,
Кел, эй Лайливашимким, базми васлинг орзу айлаб,
Бало даштида кезган ошиқи мажнун шиорингман.

Эрурман умрлар ҳижрон қаро шомидин сокинким,
Нажот ондин висолинг субҳидин ойру на мумкинким,
Олиб парда юзунгин, эй маҳи хуршид безанким,
Қўзумни айла равшаи меҳр янглиг орашнгдинким,
Булубтур тийра усру торта-торта интизорингман.

Булубман тушгали кўйингдин усру ул сифат магмум
Ки, бўлмишдур манга жону дилу хушу хирад маъдум,
Бу аҳволим эрур, эй хўблар шоҳи, санга маълум,
Мурувватдур, муқарраб дарғаҳингдин айламак маҳрум,
Маниким маҳрами рози ниҳону ошкорингман.

Опингдек танг дурур ишқинг ғами ичра маошимким,
Туну кун ҳажрдин кўздил оқар юз сори ёшимким,
Бу ҳолимға тараҳҳум айлабон, эй бағри тошимким,
Жафо тошин уруб, кўб қилмагил мажруҳ бошимким,
Вафо боғида буткан бир ниҳоли мевадорингман.

Агарчи ҳусн аро мумтоз эрурсан аҳли даврондин,
Вале, ор этмагил ишқингда бу маҳзуни гирёндин,
Тикандин гул қочиб ҳаргиз чиқаолмас гулистондин,
Нигоро ижтиноб этмак недур ман зори ҳайрондин
Ки, сансан бир гули хандон, мане бечора хорингман.

Онингдек бўлмишам тун-кун майи гулфом муштоқи
Ки, на олам қароси бор манга маълум, не оқи,
Танамда эмди жон асрорға бир дам вақт эмас боқий,
Манга айлаб лаболаб дамбадам соғар тут, эй соқий,
Қўлулунгдин бода ичмай муддатидурким хуморингман.

Сулаймондек эрурман бахту давлат тахтида сокин,
Мутни ҳукмим ўлмиш ваҳш тайру кофиру муъмин,
Ҳавойи мидҳатима, Оғаҳий пир тез бир лочин,
Агарчи бахти Феруз ила олам шоҳиман, лекин,
Сенинг, эй ҳусн амири, бандаи безътиборингман.

МУСАДДАСЛАР

Дўстлар, моҳвашим ҳусну сафосини кўрунг,
Қуёш осо юзининг нуру зиёсини кўрунг,
Хизрдек сабз хати нашъу намосини кўрунг,
Сарв янглиғ қадию нозу адосини кўрунг,
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Ўтини оҳим агар кўкдин ошурса, нетойин,
Сувини ашким агар кўкка етурса, нетойин,
Сабру орому адам сори юз урса, нетойин,
Элни нолам уни афғонға кетурса, нетойин,
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Қадди зебоси келиб боғи латофат шажари,
Лаби ширини эрур нахли назокат самари,
Сўзидур лаззат аро тонги малоҳат шакари,
Не малак ўхшар анга позу адода, не пари,
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Оҳ уруб кетсам агар ҳар нафас ўздин, не ажаб,
Ашк селини оқизсам ики кўздин, не ажаб,
Айта олмай 'аламим бирини юздин не ажаб,
Гар тилим қолса ғаму дард ила сўздин, не ажаб,
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Юзи хуршид, қуёш маҳви зиёсидур онинг,
Ҳусн аро ул шаҳу хублар фуқаросидур онинг,
Жумлаи ҳуру пари гўё гадосидур онинг,
Ўртаган жону дилим нозу адосидур онинг,
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Муддатекурки, бу дайр ичра мане хом тамаъ,
Қилмишам жоми мурод айламак опом тамаъ,
Яъни, этмишман ул ой лабларидин ком тамаъ,
Эмди мандин нафасе айламанг ором тамаъ,
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Ситаму жавру жафо таврида ҳамто йўқ анго,
Шавқату меҳру вафо рағбати қатъо йўқ анго,
Қаҳру озори кўбу, марҳамат асло йўқ анго,
Ўлса мандек неча минг ғамзада парво йўқ анго.
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Махфий ўтига ичимнинг шаку райб айламангиз,
Боқинг аҳволима, нафйи сори ғайб айламангиз.
Ҳолима чок бажуз синаю жайб айламангиз,
Кўнглум охию кўзум ашқини айб айламангиз,
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Лутфи жоми била ичмак тилабон бодаи ноб,
Тамаи хом ўти ичра жигарим бўлди кабоб,
Чекарам Огаҳийдек қаҳр шиканжида азоб,
Айб ошуфталигим айламангиз, эй аҳбоб,
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

* * *

Неча даврон ситамидин ер уза паст бўлай,
Оҳу ашқу аламу дард ила ҳамдаст бўлай,
Истарам эмди ринд аҳлига вобаст бўлай,
Жоми майи напъасидин зўри забардаст бўлай,
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай,
Соқийё, бер манга бир жомки, сармаст бўлай.

Токи ақлу хираду ҳуш ила дучор ўлдум,
Ғаму дарду алам илгига гирифтор ўлдум,
Бўлмадим шод дамию, туну кун зор ўлдум,
Боридин эмди мане ғамзада безор ўлдум,
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай,
Соқийё, бер манга бир жомки, сармаст бўлай.

Шиддати жаври фалак уйла назор этти мави
Ким, алам базмида гам чангига тор этти манп,
Ҳар замон неча туман нолаға ёр этти мани,
Заҳмаи кулфат ила ожизу зор этти мани,
Тобакай даҳр гами қайдига побаст бўлай,
Соқиё, бер манга бир жомки, сармаст бўлай.

Жонни дайр ичра гами даҳрдин озод этайин,
Дили вайронни чақир, дардидин озод этайин,
Донишу фаҳму хирад борини барбод этайин,
Бу тариқ ила ўзумни нафасе шод этайин,
Тобакай даҳр гами қайдига побаст бўлай,
Соқиё, бер манга бир жомки, сармаст бўлай.

Эй хушо риндики, етмас анга даврон ситами,
Йироқ ўлмиш танидин санги ҳаводис алами,
Илмас онинг назариға бу жаҳон бешу ками,
Балки тенг оллидадур даҳр вужуди адами,
Тобакай даҳр гами қайдига побаст бўлай,
Соқиё, бер манга бир жомки, сармаст бўлай.

Ўтди умрум туву кун рапжу алам фикри била,
Фоқау фақр аро юз меҳнату гам фикри била,
Тамаъу марҳамат аҳли карами фикри била,
Симу зар ҳирси, динору дирами фикри била,
Тобакай даҳр гами қайдига побаст бўлай,
Соқиё, бер манга бир жомки, сармаст бўлай.

Хонақоҳ ичра тилаб файз чу тутдим манзил,
Қўрмадим анда даме ушбу муродим ҳосил,
Келди ҳушёрлиғ ичра манга юз минг мушкил.
Огаҳийдек тиларам эмди хирадни зойил,
Тобакай даҳр гами қайдига побаст бўлай,
Соқиё, бер манга бир жомки, сармаст бўлай.

* * *

Эй, авжи адолат узра хуршид,
Вей, тахти жалолат узра Жамшид,
Сандин қилиб илтифоти уммид,
Мадҳингни, бу зор қилди тақлид,
Шоҳо, карамингдин этма навмид,
Инъом ила хуррам айла жовид.

Эй, мулки жаҳон сарирн шоҳи,
Рухсори сипехри қуде моҳи,
Сандурсан улус боши наноҳи,
Мақсудингга етгасан, илоҳи,
Шоҳо, карамингдин этма навмид,

Инъом ила хуррам айла жовид.
Эй, банда санга мулуки олам,
Айёминг эрур улусга ҳардам,
Олам аро шоҳ сан киби қам,
Ман зор киби шикаста қул ҳам,
Шоҳо, карамингдин этма навмид,

Инъом ила хуррам айла жовид.
Эй, лаъли хушоб кони эҳсон,
Вай, дуру саман баҳри ирфон.
Адлинг била ер юзи гулистон,
Бергай санго умри Хизр Яздон,
Шоҳо, карамингдин этма навмид,
Инъом ила хуррам айла жовид.

Ман зорки, бандаи дарингман,
Хоки қадами таковарингман,
Аз жумлаи хайли чокарингман,
Маҳзуни гамину кишварингман,
Шоҳо, карамингдин этма навмид,
Инъом ила хуррам айла жовид.

Сендин фуқаро кӯрар кифоят,
Шаҳларға доғи этар ҳимоят,
Муҳтожингга гарчи йўқ ниҳоят,
Манман, вале, дархури иноят,
Шоҳо, карамингдин этма навмид,
Инъом ила хуррам айла жовид.

Истаб карами тарабгаҳингни,
Ўлди ҳама халқ даргаҳингни,
Лек, бу фатодаи раҳингни,
Яъники гариб Огаҳийни,
Шоҳо, карамингдин этма навмид,
Инъом ила хуррам айла жовид.

МУСАММАНЛАР

Оҳким, айлаб сафар азмини жонон, эй кўнгул,
Ноз якронин суруб бўлди шитобон, эй кўнгул,
Қатъ этиб таъжил ила кўху биёбон, эй кўнгул,
Етти ўзга кишвар ичра шоду хандон, эй кўнгул,
Айлабон ағёр базмини гулистон, эй кўнгул,
Қилди кулбамни манинг бир тийра зиндон, эй кўнгул.
Ийғласам эмди, не тонг, бу ҳолима қон, эй кўнгул —
Ким, бўлубман мубталойи дарди ҳижрон, эй кўнгул.

Ошнолиғни узуб мандив туман озор ила,
Қўйди юз бегоналарга шеваи рафтор ила,
Тузди айшу кому роҳат базмини ағёр ила,
Ичди ишрат бодасини соғари саршор ила,
Сочти лаззат нуқлини лаъли шакар гуфтор ила,
Маст ўлуб шўру алоло бошлади ашрор ила,
Эмди ман кўкни неча йиқсам ғиғону зор ила,
Ул маҳи сархуш эшитмак эрмас имкон, эй кўнгул.

Муддаийлар базми то ул моҳға манзил дурур,
Девлар хайли пари рухсорига восил дурур,
Турфани кўргилким, пари ҳам девға мойил дурур,
Девнинг доғи паридин мақсади ҳосил дурур,
Лаҳза-лаҳза айш ила ишратлари комил дурур,
Чун алар бир-бирининг васли била хушдил дурур,
Иш манга дарди ғироқ ичра баса мушқил дурур —
Ким, бу дардимға топилмас ҳеч дармон, эй кўнгул.

Токи изҳор айлабон бераҳмлиқ ул дилрабо,
Ташлабон кетти мани оташғаҳи ҳижрон аро,
Шуълаи оҳимга чурконди бори аҳли само,
Даҳрни қилди ғиғоним ўтининг дуди қаро,
Сели ашким ер юзида куймади йиқмай бино,
Эл макони амн топмай ихтиёр этти жало,
Кошки ҳаргиз мани халқ этмагай эрди худо —
Ким, сабаб бўлдум бўлурға даҳр вайрон, эй кўнгул.

Юлда лаъли шаклиму, ё боғи ризвои ичра ўт,
И тушубдур зарра чоғлиғ меҳри раҳшон ичра ўт,
Пўкса гуяча аҳғари солмиш гулистон ичра ўт
Ким, ул ўтнинг тобидин тушти манго жои ичра ўт,
Жои ўтидин шуъла урди жисми урён ичра ўт,
Жисми урён ўти солди байтул аҳзон ичра ўт,
Байтул аҳзон ўти доғи урди даврон ичра ўт,
Энди ҳам ул ўтга барча аҳли даврон, эй кўнгул,

Қадди ҳажрида тавимга санчилиб юз минг синон,
Лаълининг шавқи била бағрим саросар бўлди қон,
Қошнинг фикри юкидин қоматим бўлди камоғ,
Сочи савдосида кўзумга қоронғудур жаҳон,
Кўзларининг орзусида эрур ашқим равон,
Бедини айлаб тахайюл бўлмишам кўздин ниҳон.

Гар яна қилса худо васли муюссар ногаҳон,
Муңча мушкил меҳнат ўлғой эрди осон, эй кўнгул.

Толеъю бахт айлабон гар ҳолима нарво яна,
Қайтибон келса сафардин ул бути зебо яна,
Муддаийлар суҳбатин тарк айлабон амдо яна,
Тийра кулбам меҳрибонлиғ айласа маъво яна,
Коса олиб қўлға бўлмоқға қадаҳпаймо яна,
Бўйнума илгин солиб нўш айласа саҳбо яна,

Буйла бир суҳбатин топсам гар мане шайдо яна,
Қолмас эрди заррача кўнлумда армон, эй кўнгул.

Ҳажр шомида бошимга қелмаган ғам қолмади,
Йиғламоқдин кўзларимда оқмаган нам қолмади,
Дарду меҳнат жомидин ман ичмаган сам қолмади,
Гуссадин жисмимда қувват урғоли дам қолмади,
Ақлу ҳушим кетти, сабримдин асар ҳам қолмади,
Қилмагон афсус ҳолимга бир одам қолмади,

Ваҳ нетайким, рози ишқим элга мубҳам қолмади
Нечаким, саъй айладим сақларга пинҳон, эй кўнгул.

Гар бурундин ишқ мушкил эрканин билсам эди,
Ҳажр дашти ичра бир дам ел киби елсам эди,
Ханжари ғам бирла бағрим гўшасин тилсам эди,
Бору йўқдин фўрқат андуҳида айрулсам эди,
Ҳасрат илги бирла кўздин ғам ёшин силсам эди,
Кўзга меҳнат тоғини бир заррача илсам эди,

Онсизин сонсиз балони фаҳм агар қилсам эди,
Ондин айрилмас эдим ўлғушча бир он, эй кўнгул.

Топпбон бегоналар ул ой вислои давлатин,
Кечаю кундуз сурарлар базму айшу ипратин,
Ноз ила ерлар дамо-дам хони хусни неъматин,
Нуш этарлар ҳар нафас жонбахш лаъли шарбатин,
Оқним, ман зор ичиб ҳар лаҳза захри фурқатин,
Тинмайин токай чекарман кулфату гам меҳнатин,
Энди ман доғи тилаб ҳақдин ҳузури суҳбатин,
Ул тараф азм айлайин то борича жон, эй кўнгул

Иш манга бўлмиш ул ой кўйида маскан айламак,
Дардлик абёт ўқуб, ҳолимга шеван айламак,
Хусни васфини ғазал бирла мубайян айламак,
Маснавий ичра ғами ишқин мубарҳан айламак,
Оғаҳий янглиғ рубоий санъатин фан айламак,
Фикр ила дилкаш мухаммаслар музайян айламак,
Лек эмас эрди ҳаддим назми мусамман айламак,
Бўлди бу журъатга боис ҳукми султон, эй кўнгул

* * *

Вақтипга хушлиғ, эй кўнгул, етса бу айш хонадин,
Топсанг агар нишотлар мутриби хуш таронадин,
Юз тараб ўлса ҳосилинг чангу наю чағонадин,
Жоми дугона етса гар мурбачаи яғонадин,
Масти мудом эсанг агар соф майи шабонадин,
Лаҳзае эмин улма ҳам гуссан бегонадин
Билки, бу кўҳна дайр аро кажравиш замонадин,
Комига етмади биров ишрати жовидонадин.

Ҳар кишиким бу дайр аро ёр ила ҳамнишин ўлур,
Базмини гарм қилғучи мутриби нозанин ўлур,
Соғари айш тутғучи соқийи гулжабин ўлур,
Шоҳиди коми васлиға ҳар печаким қарин ўлур,
Базмиға тафриқа етиб охир иши анин ўлур,
Васл нишоти борибон фурқат аро гамин ўлур
Билки, бу кўҳна дайр аро кажравиш замонадин,
Комига етмади биров ишрати жовидонадин.

Берма кўнгулни бу жаҳон маҳфили бебақосига
Ким, ғаму навҳа мундариж мутрибининг навосига,
Йўқ асари вафо дами соқийи хушнамосига,
Заҳри ҳалок мумтазаж бодаи жонфизосига,
Айшу нишоти арзимас меҳнатию балосига,
Ишрати жовидон тилаб қўйма қадам фазосига
Билки, бу кўҳна дайр кажравиш замонадин,
Комига етмади биров ишрати жовидонадин.

Билки, бу маҳфил ичрадуру орият истиқоматинг,
Ким дуруру асру фурқатинг, йуқ тараб давоматинг,
Тушти неча кун иттифоқ онда бу навъ иқоматинг
Ким, печа кўп иқоматинг, кўпроқ эруру надоматинг,
Чинги ғаму малолдин йуқ нафаси саломатинг,
Бис, ғалат анда ишрату айш ила истидоматинг
Билки, бу кўҳна дайр аро кажравипш замонадин,
Комига етмади биров ишрати жовидонадин.

Кўрки, бу айшхонада бир неча шоҳи муҳташам,
Тахти Каёни устида айлади нўш жоми жам,
Шоҳиди айш васлидин комини олди дам-бадам,
Шому саҳар бу ишрати бўлмади бир дақиқа кам,
Охир этиб сипеҳри дун борчасига аён ситам,
Ҳасрат ила бу дайрдин тошқари қўйдилар қадам
Билки, бу кўҳна дайр аро кажравипш замонадин,
Комига етмади биров ишрати жовидонадин.

Майкадан жаҳон аро гарчи тарабшиор эсанг,
Соқийи маҳлиқо била шому сабоҳ ёр эсанг,
Бодаи nob арусига ҳар кеча ҳамканор эсанг,
Ком сурарда дойимо соҳиби ихтиёр эсанг,
Балки, бори жаҳон аро хисрави комкор эсанг,
Бўлма буларга ғарра гар оқилу ҳушёр эсанг
Билки, бу кўҳна дайр аро кажравипш замонадин,
Комига етмади биров ишрати жовидонадин.

Лйшу тараб ери эмас ушбу сароии бебақо,
Соқийи гулжабиниға даъб шиор эмас вафо,
Соф майи нишотидин зарраи ғам эмас жудо,
Хандаи сур, ҳамдами гирияю мотаму азо,
Ишрати жовидон талаб айламак андадуру хато,
Ушбу хатога, Оғаҳий, қилмагил ўзни мубтало
Билки, бу кўҳна дайр аро кажравипш замонадин,
Комига етмади биров ишрати жовидонадин.

* * *

Ул ой фироқида неча моҳу сол,
Тун-кун эдим зору ошуфта ҳол,
Очиб тун кеча ҳур янглиғ жамол,
Келиб қилди кулбамни жаннат мисол,
Аён айлабон руҳпарвар мақол,
Талаттиф бирла қилди ҳолим савол,

Баҳамдуллоҳким, ваҳбул зул-жалол,
Манга рӯзи этти наими висол.¹

Фироқ ичра ман зорга ёзу қиш,
Эди дард ила гам юкип чекмак иш,
Қадим ё эди, мадди ашким кириш,
Таним қалтираб ул сифатким, қамиш,
Тилаб ҳолима ёрдин бир боқиш,
Қадаб эрдим афгор бағримға тиш,
Баҳамдуллоҳким, ваҳбул зул-жалол,
Манга рӯзи этти наими висол.

Жунун даштида ул сифатким қуюн,
Кезиб ҳар тараф йиғлабон тортиб ун,
Чекиб оҳим ўти фалакка тутун,
Ул ўтдин тушуб жонима юз тутун,
На кун эрдим осуда бирдам, на тун,
Бу ҳолимға айлаб тараҳҳум бу кун,
Баҳамдуллоҳким, ваҳбул зул-жалол,
Манга рӯзи этти наими висол.

Тутуб суҳбат ул шўх агёр ила,
Майи ноб ичиб жоми саршор ила,
Қилур эрди ҳаз неча ашрор ила,
Бутун турфақим юз минг озор ила,
Алардин жудолиғ қилиб ор ила,
Келиб ҳамдам ўлди мане зор ила,
Баҳамдуллоҳким, ваҳбул зул-жалол,
Манга рӯзи этти наими висол.

Юз очиб нигорим нечукким қамар,
Кўзумга паридек бўлуб жилвагар,
Қуёшдек қилиб тийра кулбам бақар,
Сўзидин сочиб лаҳза-лаҳза гуҳар,
Лабидин тўкуб ҳар сўзида шакар,
Қилиб ул шакардин мани баҳравар,
Баҳамдуллоҳким, ваҳбул зул-жалол,
Манга рӯзи этти наими висол.

Карам бирла деди: «Аё, ошиқим,
На ошиқки, ушшоқ аро фойқим,

¹ Баҳамдуллоҳким ваҳбул зул-жамола — Бу байтнинг мазмуни: бутун куч-қудратнинг эгаси тангрига шукрим, менга ёр висолининг неъматини ато қилди.

Ғами ишқ даъвосида содиқим,
Балою миҳан даштида Вомиқим,
Рафиқи куҳан, муниси собиқим,
Улус ичра сансан манинг лойиқим»,
Баҳамдуллоҳқим, ваҳбул зул-жалол,
Манга рӯзи этти наими висол.

Яна деди:—«Эй бедилу бенаво,
Кўб ўлдинг ғами ҳажрима мубтало,
Бу тун келмишам ёр ўлурға санго,
Наким коминг эрса аён эт манго
Ки, қилғумдурур барча коминг раво»,
Бу сўзни эшитгач ман ўлдум фидо,
Баҳамдуллоҳқим, ваҳбул зул-жалол,
Манга рӯзи этти наими висол.

Чу ул бўйла сўргоч манинг ҳолатим,
Тутулди тилим ортибон ҳайратим,
Сўз айтурға ҳеч қолмади қудратим,
Бўлуб маҳв онга суврату сийратим,
Йиқилдим ер узра кетиб қувватим,
Кесилди жаҳон аҳлидин улфатим,
Баҳамдуллоҳқим, ваҳбул зул-жалол,
Манга рӯзи этти наими висол.

Бу ҳолим кўруб ул нарилар шаҳи,
Манга қилди таслим ўзин лиллаҳи,
Ҳам оғушим ўлди муродим маҳи,
Бори гамдин ўлди замирим таҳи,
Мақомим бўлуб васл хилватгаҳи,
Ману ёр бир бўлдуқ, эй Огаҳий,
Баҳамдуллоҳқим, ваҳбул зул-жалол,
Манга рӯзи этти наими висол.

ТАРЖИЪБАНД

—1—

Даҳр уйи бунёдким, су узрадур, маҳкам эмас,
Онда кирган эл хавотирдин амон бир дам эмас,
Дойимо вайронлиг осори онинг арконидин,
Борча олам аҳлиға маълум эрур, мубҳам эмас,
Кечаю кундуз ёғар идбор гарди сақфидин,
Еқмоқи ҳар дам фузун онинг замони кам эмас.
Бу сифатлиг уй аро ҳар кимки маскан айлади,
Хотири онинг хавотирдин дами беғам эмас.
Ушбу меҳнатхонада гар шоҳ бўлсун, гар гадо,
Бир нафас айшу фароғат жомидин хуррам эмас,
Онда ҳар ким бошига юз дарду ғам айлаб ҳужум,
Бир киши йуқ ашки ҳасратдин кӯзи нурнам эмас,
Қўбдур онда ишрат уммиди била тутгон макон,
Шоҳида мақсудиға лекин бири ҳамдам эмас.
Борча зиндони балиятга бўлубдур мубтало,
Умри ичра бир нафас осуда бир одам эмас.

Даҳр бир вайроваедурким, хароб обод эрур,
Чиқса ондин ҳар киши—ғам бандидин озод эрур

—2—

Даҳр бир гулшандурур, бўйи, вафоси йуқ онинг,
Жонга ҳаз еткурғудек обу ҳавоси йуқ онинг.
Йуқ баҳорида хазон осибидин бир дам омон,
Кӯз юмуб очғунча фаслининг бақоси йуқ онинг.
Ишрати субҳини ғам шоми мукаддар айламиш,
Бир нафас баҳр олғудек ғайзи сафоси йуқ онинг.
Ҳар гуликим очилур онда анга йуқ барги айш,
Ҳар қушеким ун чекар, ишрат навоси йуқ онинг.
Тупса ҳар шабнам суви гар онда ҳасрат ашқидур,
Чекса қад ҳар нахли шакли дилкушоси йуқ онинг.
Они сартосар ҳаводис хайли манзил айламиш,
Бехавотир сайр қилғудек фазоси йуқ онинг.

Ҳар кишиким, роҳат истаб айлади маскан они,
Меҳнату дарду гамининг интиҳоси йўқ онинг.
Борча умрини ўтқариб юз минг машаққатлар билла,
Лаҳзае зиндони кулфатдин раҳоси йўқ онинг.
Даҳр бир вайронаедурким, хароб обод эрур,
Чиқса ондин ҳар киши—гам бандидин озод эрур.

—3—

Даҳр дун айёрасиким, йўқ анго меҳру вафо,
Пешаси кини нифоқу одати — жавру жафо.
Пўқтурур асло ҳамул маккора қотил зотида,
Заррача раҳму мурувват, қатрача шарму ҳаё.
Ҳийла домига халойиқни гирифтор этгуси,
Кўргузуб гунжу далолу гамзаю нозу адо.
Ишвалар зоҳир қилур ҳар лаҳза юз найранг ила,
Токи эл жопу дилига солгай ошубу бало.
Қадди шавқи ичрадур тавларга юз захми синон,
Кирники фикридадур жонларга минг ниши изо.
Зулфининг савдоси домиди қилиб зору асир,
Айлагай жумла халойиқ рўзгорини қаро.
Ҳажр захри бирла айлаб элни доим талхком,
Васли нўши бирла бир дам айламас комин раво.
Қатл этар охир туман нокомлиг тиги билла,
Кимсаки, бўлмиш онинг қайди гамига мубтало.
Даҳр бир вайронаедурким, хароб обод эрур,
Чиқса ондин ҳар киши—гам бандидин озод эрур.

—4—

Солма кўз ушбу жаҳон шавқиға зинҳор, эй кўнгул,
Ойрила олмас баҳоға бўлма дучор, эй кўнгул,
Ҳар нафас юз ишваким фош айлар, ондин мақсади
Халқни ишқида ўлтурмак турур зор, эй кўнгул.
Васлиға майл этса ҳар ким жавр ила айлар ҳалок,
Бўлмағил мойил анга, бўлғил хабардор, эй кўнгул.
Истасанг топмоқ нигор оллида иззу эътибор,
Ул ситамгар оллида қилма ўзинг хор, эй кўнгул.
Гарчи сувратда кўринур бир нигори шўх шанг,
Лок маънида эрур бир золи маккор, эй кўнгул.
Қасдидур элни фириби домига қилгай асир,
Буки ҳар дам қилгуси юз жилва изҳор, эй кўнгул.
Ҳийласиға алданиб онинг бори олам эли,
Тун-кун ўлмишлар висолиға талабгор, эй кўнгул.

Иўқ жаҳонда бир киши онинг фирибини ебон
Бўлмагон андуҳ ила ғамга гирифтор, эй кўнгул.
Даҳр бир вайронаедурким, хароб обод эрур,
Чиқса ондин ҳар киши—ғам бандидин озод эрур.

—5—

Бу жаҳон вайронастиким, онда роҳатдур адам,
Маскан этмишдур они хайли ғаму ғавжи алам.
Ҳам биносида онинг ранги бақодур озу кўб,
Ҳам ҳавосида онинг бўйи вафо бисёр кам,
Не онинг шаҳрида бордур айшу роҳатдин нишон,
Не онинг саҳросида бордур нишот осори ҳам.
Шаҳрию саҳросидур манкуб хайли ҳодисот,
Боғию бўстонидур помоли афвожи ситам.
Умрида меҳнат чекардин топмағай бир дам фароғ,
Ҳар кишиким, бу кўҳан вайронаға қўйди қадам.
Не ситамлар чекмай ондин борди Аффридуну Қай,
На аламлар кўрмай ондин қолди Қайковусу Жам.
Жавридин фориғ эмас бир дам гадойи нотавон,
Зулмидин эмин эмас бир лаҳза шоҳи муҳташам.
Огаҳий, чиқ ондину фақру фано йўлиға кир,
Даҳр аро бўлмай десанг гар мубталойи банди ғам.
Даҳр бир вайронаедурким, хароб обод эрур,
Чиқса ондин ҳар киши—ғам бандидин озод эрур.

РУБОИЙЛАР

Ё раб, қилибон гамингни маҳбуб манга,
Дардингни туну кун айла матлуб манга,
Рухимни ҳамиша нафсага голиб эт,
Нафсимни ҳамиша айла мағлуб манга.

* * *

Эй келди фунуну илм таслим санга,
Қилмоқ манга лозим ўлди таъзим санга,
Гарчи йўқ эди қувват аёқимда, вале,
Келдим бош ила олғали таълим санга.

* * *

Умрум ўтубон қилиб гадолиғ, ё раб,
Комимга етушмади раволиғ, ё раб,
Мақсадга ҳама етти, вале, қолди манга
Оқ саққол ила юзи қаролиғ, ё раб.

* * *

Бир сўз дегали гар очса жонон икки лаб,
Беҳадду адад бўлур дурафшон икки лаб,
Юз қатла гами ишқидин ўлсам гам эмас
Ким, бергусидур бир сўз ила жон икки лаб.

* * *

Ишқ урди онингдек дили вайронима ўт
Ки, жисм ёниб, тушти доғи жонима ўт,
Кул бўлса, вужудим куюб эмди, тонг эмас
Ким, урди ғазаб чехраи жононима ўт.

* * *

Оҳимга жафойи чархи ахзар боис,
Ашкимга гами даҳри ситамгар боис,

Йўқ-йўқки, галат айладим андоқ эрмас
Ким, борчасига фироқи дилбар боис.

* * *

Даҳр аҳлидин уммед ато қилма, абас,
Гар оқил эсанг, бўйла хато қилма, абас,
Айлаб тамаъ вафо ситамгарлардин,
Ўз жонинга ўз-ўзунг жафо қилма, абас.

* * *

Тут дам-бадам, эй сарв гуландом, қадаҳ
Ким, ичмоқ илгингдин мангадур ком қадаҳ,
Ишқинг ғамидин кўнгул эрур бетоқат,
Еткурсуи анга замоне ором қадаҳ.

* * *

Ҳалқа қурубон қилма алоло, эй шайх,
Оламга ўзунг айлама расво, эй шайх
Ким, борча риёю ҳийлаю макрингни
Фош этма улус аро сарою, эй шайх.

* * *

Масжидда намоз ўқуб мудом, эй зоҳид,
Гар топмас эсанг муроду ком, эй зоҳид,
Ихлос била кириб харобот ичра,
Соқий қўлидин ич тўла жом, эй зоҳид.

* * *

Гар келди шароби ишқ бисёр лазиз,
Билмайдур онн зоҳиди ҳушёр лазиз,
Ҳар навъ давоки дофиъи дарддурур,
Кўргуси қачон мизожи бемор лазиз.

* * *

Еткурди сафо ер юзига фасли баҳор,
Очилди гулу лолаю насрин бисёр,
Келгилки, чаманлар ичра базм тузуб,
Нўш айлагали тараб майини, эй ёр.

* * *

Ўлтурди мани ул кўзу қош, эй дилбар,
Қатлим уза кўргузуб талош, эй дилбар,
Ман буйла агар юз карат улсам, йўқ бок,
Берсун санга ҳақ узоқ ёш, эй дилбар.

* * *

Ҳар кимки, тариқи ишқ аро содиқ эмас,
Ошиқлик онингдек кишига лойиқ эмас,
Ҳар нечаки, чекса туну кун оҳу фӣғон
Билгилки, жамоли ёрга ошиқ эмас.

* * *

Қилмоқ била парварин тикан гул бўлмас,
Ҳам тарбият ила зор булбул бўлмас,
Гар асли ёмонга яхшилик минг қилсанг,
Яхшилик онинг нияти билкулл бўлмас.

* * *

Ё раб, мани пафс бандидин айла халос,
Ҳам кибру ҳаво камандидин айла халос,
Ҳар ишда писандингни манга рўзий эт,
Олам элининг писандидин айла халос.

* * *

То қилди лаби сўзда шакарафшонлиғ,
Жонсиз баданим бўлди ҳам ул дам жонлиғ,
Дер зоҳид:—«Ўшул масиҳ ишқин тарк эт!»
Одамда бу навъ бўлур экан водонлиғ.

* * *

Эй ёр, дами ҳоли паришонима боқ,
Сориг юзуму дийдаи гирёнима боқ,
Ҳар кеча фалак хирманини куйдурган
Оҳим утию шуълай афғонима боқ.

* * *

Оғоһи

Ваҳким, яна зулмин аён этти фалак,
Бағримни ғами ҳажр аро қон этти фалак,
Қўз йўлидин ул қонни равон этти фалак,
Охир манга, кўрки, қасди жон этти фалак.

* * *

Эй мутриби гулчеҳра, тузуб созингни,
Созингга ҳамоҳанг қил овозингни,
Лутфунгни букун базм аҳлига вофир эт,
То субҳғача кам айлагил позингни.

* * *

Фарёдки, қаррилиқ манга зўр этти,
Бошим чошибон ақл ила ҳушим кетти,
Ҳам урди касал жафоси нишин андоқ
Ким, тапдин ўтуб жонима эмди етти.

Хосо

ТУЮҚЛАР

Гам юки то қоматим ё қилмади,
Оҳим ўтига фалак ёқилмади,
Қилмади раҳме манга, худ ўзгага,
Билмадимким, қилдиму ё қилмади?

* * *

Дўстлар, ҳамроҳлиғ айлаб борингиз,
Тундхў ёрим қошига борингиз,
Бир кеча базмимга келтурмак учун,
Бош аёқиға қўюб ёлборингиз.

* * *

Ваъдаи лутф этма, от жанр айлаб ўқ,
Ким, манга ул насядин яхши бу ўқ,
Ўтди умрум ваъданг уммеди била,
Сабр қилмоқ бўлғусидур мунча-ўқ.

* * *

Бўлди чун умрунг кунининг вақти туш,
Нафси саркаш отини куб чонма, туш,
Хобгоҳ эткил қаноат манзилин,
Йўқса ҳаргиз кўрмагунгдур рост туш.

* * *

Дарди заҳри солди чинлар қошима,
Келмади ҳолим сўрарға қошима,
Гам юкин чекмакда, эй дил, чобук ўл,
Ҳаргиз ушбу ишда бошинг қошима.

* * *

Чехрасининг гарчи муҳриқ нори бор,
Бергуси доим ниҳоли нори бор,
Сигмоғунг базми аро, эй муддаий,
Телмуруб турма бу ерда, нори бор!

МАСНАВИЙЛАР

— 1 —

Даҳреки, бир боғи мусаффодурур,
Бошдин аёқ зеб ила ородурур.

Лутфу назокат аро ҳар гулшани,
Айш ила ишрат элининг маскани.

Уйлаки, фирдавс ғазоси ошинг,
Рухфизо обу ҳавоси ошинг.

Наҳрлари, уйлаки, баҳрун нажот,
Балки азубат аро айн ул-ҳаёт.

Сувлари ҳар сори намудор ўлуб,
Ойнаи таҳтиҳол анҳор ўлуб.

Ҳавзлари ичра мусаффо зулол,
Хосияту таъм аро кавсар мисол.

Ўйла ҳавоси бўлубон дилкушо
Ким, дами Исо кибидур жоғфизо.

Очилибон юз ранг ила гуллари,
Сочилибон гул уза сунбуллари.

Ғунчалари кулгу қилиб ошкор,
Ўйлаки, базм ичра лаби лаъли ёр.

Сувлари атрофида райҳон бутуб,
Хат киби ёр эрни уза ер тутуб.

Наргиси юз ноз ила очиб кўзин,
Кўргузубон халқга марғуб ўзин.

Сарвлари ўзни қилиб жилвагар,
Қад чекибон ноз била сарбасар.

Ҳар сори ашжори чекиб кўкка бош,
Ҳар бири бир ранг қилиб мева пош.

Комға ҳар мева бериб бир маза,
Суврат аро бир-бирисидан назаҳ.

Гул уза булбуллари гўё бўлуб,
Нагмаси элга тараф афзо бўлуб.

Сарв уза қумрилари тартиб наво,
Савти халойиққа бўлуб гамзадо.

Жилва қилиб қушлари юз ранг ила,
Ҳар бири этиб нола бир оҳанг ила.

Ҳар бири оҳанги келиб дилкушо,
Лаҳни эшитканга бўлуб жонфизо.

Қасрлари мисли қусури биҳишт,
Файз ила огишта анга хок гишт.

Халқға ҳар қасри бўлуб базмгоҳ,
Шамслари зийнат аро меҳру моҳ.

Борча хаварнақға келиб татназан,
Рашки жинош боғиға оташ фиган.

Ҳар бири юз нақш қилиб ошкор,
Ғайри мукаррар бори нақшу нигор.

Базмгаҳи мутриби ҳаддин зиёд,
Ҳар бири суврат аро бир ҳурзод.

Файз асар лаҳну навоси келиб,
Қуввати тан, руҳ ғизоси келиб.

Ғар лаби хуш лаҳжасидин ҳар дами,
Чиқса тониб тоза ҳаёт олами.

Нағмаи дардкаш аро чеккач наво,
Солиб улус бошиға турлик ҳаво.

Лаблари ҳар савтгаким очилиб,
Мажлис аро дурру гуҳар сочилиб.

Ҳар унидин булбули гўё хижил,
Ҳар дамидин доғи масиҳо хижил.

Ноз ила ҳаргаҳки наволар тузуб,
Юз минг ўлук ҳар нафаси тиргузуб.

Чанг ила соз айласа оҳангини,
Солгуси Зухра қўлидин чапгини.

Қилса аён нолаи беҳжат асар,
Элга берур умри абаддин хабар.

Ҳур сифат ҳусн аро, соқийлари,
Ғунжу далол ила мужассам бари.

Тарзию рафтори, баче, хуб ўлуб,
Бошдин аёқ жон киби марғуб ўлуб.

Шаклидин осори тараб ошкор,
Тарзида анвои фараҳ бешумор.

Юзларидин хублиғ анвори фоз,
Кўзларидин мастлиғ осори фоз.

Сувратидур лутфу карам масдари,
Ҳайъатидур хулқу шиям мазҳари.

Ишвасидан аҳли тараб маст ўлуб,
Нашъасига даҳр эли побаст ўлуб.

Кимки, танг айласи махмурлиғ,
Лутфи анга бергучи масрурлиғ.

Ким эса бир дард била мубтало,
Етқай онинг марҳаматидин даво.

Ҳар кишиким, даҳр аро гамгин эрур,
Лутфидин онинг фараҳ огин эрур.

Ғамадалар ёри бўлуб субҳу шом,
Қилмоқ эрур кўшиши масти мудом.

Шафқати бирла ҳама эл шод ўлуб,
Илгидин ишрат уйи обод ўлуб.

Шишалари суврати зебо келиб,
Айш элига анжуман оро келиб.

Сарвдек андом орою сина соф,
Ҳарна десанг васфида эрмас газоф.

Элга бўлуб руҳфизо қулқули,
Ўйлаки, фирдавси барин булбули.

Жисмида май акси намоён бўлуб,
Бошдин-аёқ жилва гаҳи жон бўлуб.

Жонга фараҳ ҳайъати зебосидин,
Кўз топибон нур тамошосидин.

Зийнати базм ўлди қиёми онинг
Роҳати жон келди хироми онинг.

Лабларидин қилса қачон лаъл фош,
Лаълининг оллида бўлур лаълтош.

Жисмики, ёқути фараҳ конидур,
Аҳли тараб найкарининг жонидур.

Косалари софу мунаққашдурур,
Неча туман ранг ила дилкашдурур.

Нақшлари борча бўлуб дилнишин,
Кўрмай они умрида наққоши Чин.

Суврати ул навъки моҳи тамом,
Вола анга мажлис эли субҳ шом.

Даст-бадаст олибон аҳли тараб,
Бўса қилиб лабларини рўзу шаб.

Ул бериб ул элга равон шарбатин,
Балки бериб лаззати жон шарбатин.

Кулгуга оғзи очилиб борҳо,
Қилмоқ учун элни тараб ошно.

Ҳам тўлон ой пайкаридур ҳам ҳилол,
Элга бўлуб мужиби дафъи малол.

Жонга фараҳлар еткуруб хандаси,
Аҳли жаҳон хандасининг бандаси.

Жумла халойиқ анга роғиб бўлуб,
Васлиға юз жон била толиб бўлуб.

Бодалари софу муаттар келиб,
Роҳати жон, ўйлаки, кавсар келиб.

Лавну мизож ичрадур асру жамил,
Ўйлаки, тасним била салсабил.

Толиби ошом анга ҳуро бўлуб,
Ғайрати саҳбойи таҳуро бўлуб.

Ламъаси андоқки, мунир офтоб,
Ойнаи беҳжат анга ҳар ҳубоб.

Мавжлариким, бўлур анда аён,
Жавҳари миръоти мусафّفойи жон.

Рангида осори тараб ошкор,
Бўйида асрори фараҳ бешумор.

Таъми бериб нашъаи оби ҳаёт,
Ичса киши тошғуси ғамдин нажот.

Лаззатидур руҳи равон роҳати,
Балки бадап қуввати, жон роҳати.

Нашъасидин табъ намойиш топиб,
Уқдаи ашқоли кушойиш топиб.

Ғам тунининг машъали тобони ул,
Аҳли тараб пайкарининг жони ул.

Топса онинг васлини қайси макон,
Бўлғусидур ғабрати боғи жинон.

Шўхлари ҳур ила ғилмон киби,
Ҳур ила ғилмон демайин, жон киби.

Ҷомати туби киби зебо келиб,
Суврати жондек фараҳафзо келиб.

Юзи латофат чаманининг гули,
Сочи тараб гулшанининг сунбули.

Ҷоши назокат фалакида ҳилол,
Кўзи назоҳат хўтанида гизол.

Қирпикидур ноз камониға ўқ,
Ғамзасининг қатл ишида мисли йўқ.

Зулфи узори уза печон каманд,
Аҳли жаҳон бўйниға айларга банд.

Зоҳир ўлуб лаъл уза хатту хол,
Айлагали даҳр элин ошуфта ҳол.

Неча адо ҳар нафас изҳор этиб,
Ишқиға кўрганни гирифтор этиб.

Жилвасиға кимсаки дучор ўлуб,
Жон била ҳусниға гирифтор ўлуб.

Ҳар кишиким, бўлди гирифтор анга,
Сўнгра қутулмоқлиғи душвор анга.

Ҳар киши валиға онинг топса даст,
Бўлгусидур бодаи ишратга маст.

Кўзи ёрур шамъи жамоли била,
Ком тонар лаъли зулоли била.

Толиъи хуш, бахти ҳумоюн бўлур.
Айш доғи дам-бадам афзун бўлур.

Англоғил алқиссаким, бу базмгоҳ
Ким, эрур ишратғаҳи дарвишу шоҳ.

Келди диловизу дилоро, баче,
Аҳли жаҳонға тарабафзо, баче.

Зийнатию шавкатидур бешумор,
Жилвағаҳи қудрати парвардигор.

Айши била ишратининг сони йўқ,
Неъматининг ҳаддию поённ йўқ.

Роҳатию ҳаззи эрур беҳисоб,
Давлатию молиға худ не ҳисоб.

Лек дарифоки, бақо йўқ анга.
Заррача осори вафо йўқ анга.

Кўз юмуб очғунча ўтар фурсати,
Айшиға вобаста эрур меҳнати.

Мутрибиға ҳамдам ўлуб ҳар киши,
Топмоқ эса ком наволар иши.

Топғуси ондин яна маҳрумлик,
Навҳаю мотам била мағмумлик.

Олса киши соқийи мавзунидин,
Жоми лаболаб майи гулгундин.

Гарм ҳануз ўлмайн ондин димоғ,
Бўлғусидур дарди хумор ичра доғ.

Шоҳидидин қимса топиб гар висол,
Бўлса печа васл аро ишрат сигол.

Охир ўлуб фурқатига мубтало,
Келгусидур бошиға юз минг бало.

Давлатиға ҳар киши гар топса даст,
Бўлса печа кун анга мағруру маст.

Борғуси давлат, қолибон ҳасрати,
Ҳасратиға орзимағай давлати.

Онда агар шоҳу гадо гар дурур,
Чеккали ҳасратни баробар дурур.

Курки, Искандар била Баҳрому Ҷам,
Елғуз олар йўқки, печа шоҳ ҳам.

Онда бўлуб коми раво печа кун,
Айлабон изҳори ҳаво печа кун.

Маснади давлатди мақом эттилар,
Базму нишот улчаки, ком эттилар.

Лек қилиб айш мудом иртиқоб,
Айладилар саъйи талаб беҳисоб.

Ҳосил эта олмайин, аммо, мурод,
Ҳасрат ила борди бори номурод:

Мақсадиға ҳеч бири етмади,
Манзилиға шод бўлуб кетмади.

Борди ҳама юз туман армон била,
Ҳамроҳ, ўлуб меҳнату ҳирмон била.

Бас кишиким, оқилу доно дурур,
Фаҳму хирад била тавоно дурур.

Олию озода тутуб ҳимматин,
Даҳрға сарф айламагай рағбатин.

Базмгаҳи айшиға алданмагай,
Рағбат ила давриға айланмагай.

Қўрғай онинг айшию ранжини тенг,
Билгай онинг фақрию ганжини тенг.

Балки тутуб тенг йўқу борини,
Чекмагай онинг ғами озорини.

Одат ўлуб сабру қаноат анга,
Иш туну кун бўлғай ибодат анга.

Халқ аро гар оғаҳ эсанг, Оғаҳий,
Бегарав ар сўзни десанг, Оғаҳий,

Чунки эрур бошдин-оёқ чин сўзунг,
Лек керакдур амал этсанг ўзунг.

Гар амалинг бўлмаса, не фойда,
Борча сўзунг бўлғуси бефойда.

Келиб, эй соқийи хўжаста лиқо,
Тийра ҳужрам аро қуёш осо.

Лутф бирла қошимда маскан қил,
Кун мисллик тунимни равшан қил.

Олиб илгинга жоми минонп,
Жом аро қуй латиф саҳбони.

Илтифот айлабон манго тутгил,
Неча ичсам яна тўло тутгил.

То они нўш айлабон ҳар дам,
Даҳр ишғолидин бўлуб беғам.

Мастлик бирла беҳижобона,
Бошлайин турфа дилкаш афсона

Ки, неча умрлар эди мане маҳзун,
Бир паризодға эдим мажнун.

На паризодиким, фаришта эди,
Хилқати нур ила сарришта эди.

Қомати ҳусн боғи шамшоди,
Балки, фирдавс сарв озоди.

Лаби шаҳдини кўргач оби ҳаёт,
Эл кўзидин ёшурди они уёт.

Сочининг сунбули эрди ҳайрони,
Туну кун тийраю паришони.

Талъати бандаси маҳитобон,
Бандалик доғидур юзида нишон.

Кўзининг позирини чу наргис ўлуб,
Ҳайрат ичра мудом беҳис ўлуб.

Зулфи ҳар торига тушуб юз тоб,
Эрди юз жонга ҳар бири қуллоб.

Қабоқиға кўнгул бериб бодом,
Юз кўз ила боқар эди ноком.

Сўзи қилгонда гавҳарафшонлиғ,
Еткурур эрди дурға ҳайронлиғ.

Тишининг хижлатин чекиб инжу,
Бошидин то аёқ бўлур эди сув.

Олма кўрган чоғи занахдонин,
Тўкмиш аъзосига кўзи қонин.

Очса гар ногаҳон биноғушин,
Даҳр элининг олур эди ҳушин.

Ноз бирла хиром қилгон чоғ,
Тура олмас эди ерида тоғ.

Кўргузур чоғда ғамза бирла адо,
Тушар эрди жаҳон аро ғавго.

Йўқ эди даҳр аро назирининг,
Кўрган ўлғой эди асирининг.

Бу сифатлиғ нигори зебодин,
Дилбару дилкашу дилородин.

Неча муддат эди сипеҳр даний,
Зулм айлаб ойирмиш эрди мани.

Ман бўлуб мубталойи ҳижронин,
Топа олмай талаб қилиб они.

Туну кун йиғлабон фироқида,
Чекибон оҳ иштиёқида.

Қон кўзумдин мудом оқар эрди,
Оҳим афлокни ёқар эрди.

Угулуб бошим узра дарду ғам,
Қасди жоним қилур эди ҳар дам.

Ҳар замон ҳушдин кетар эрдим,
Ҳар нафас ўлғали етар эрдим.

Ётиб эрдим ўлук киби бир тун,
Тушубон бошима қоронғу кун.

Ўадин эрмас эдим дами огоҳ,
Ул кеча ушбу ҳол аро ногоҳ.

Айланиб чарх даври комимға,
Келди хуршид тийра шомимға.

Яъни ул дилрабойи дилдорим
Марҳаматхую меҳрибон ёрим.

Тутубон лутф ила тариқи вафо,
Келди бошим уза қуёшосо.

Тийра кулбамға нур еткурди,
Лутф ила ёнбошимда ўлтурди.

Кўрдиким, ётмишам ўлук янглиғ,
Ушбу ҳолимға бўлди кўб тошглиғ.

Лутфи илги била кўтарди бошим,
Оразим устидин сунурди ёшим.

Кўз очиб чун онинг юзин кўрдим,
Қалтираб ўтрусида ўлтурдим.

Ичибон васли жомидин шарбат,
Етгач аъзою хушима қувват.

Ҳолима айлабон тараҳхумлар,
Лутф ила кўргузуб табассумлар.

Деди: — «Эй ошиқи талабкорим,
Ҳажр шомида хастаю зорим.

Мансизин кечти не сифат ҳолинг,
Ўтти не навъ моҳ ила солинг?

Не балоларни бошингга ҳижрон,
Ғами келтурган эрса, айла баён!»

Маи чу ондин бу навъ сўз эшитиб,
Келибон гоҳ ўзумға, гоҳ кетиб.

Мушграйиб ўтрусида қон йиғлаб,
Чекибон оҳ ила фиғон, йиғлаб.

Дедим: — «Эй маҳваш, несин сўргунг,
Ҳолим ушбудурур, ўзунг кўргунг.

Тиласам айламак борип эълом,
Ўтубон умр тошмагай итмом.

Лек, чуңким, сап этдинг истифсор,
Мужмалан ҳолим эткаман изҳор.

Марҳамат кўргузуб эшит опи,
Мап дейин хилват ичра пинҳони.

Қоматингдин дамики, айрилдим,
Ғам юкидин қадимни ё қилдим.

Оразинг фурқатида тортиб оҳ,
Тийра қилдим узорим меҳру моҳ.

Истабон кўзларинг бўлуб гирён.
Қолмади оқмағон кўзумдин қон.

Даҳанингни хаёл этуб ҳар дам,
Етдим усру ёвуқ бўлурга адам.

Зулфи мушқининг орзуси аро,
Бўлди ёғду жаҳон бошимға қаро.

Айлабон дам-бадам белингни хаёл,
Кўздин ўлдум ниҳон хаёл мисол.

Сиймдек пайқарингдин оғушим,
То жудо бўлди, қолмади ҳушим.

Қирпикинг фурқати уруб наштар,
Тешти куйган бағирни сартосар.

Хату холинг фироқида туну кун,
Чекти нолам ўти фалакка тутун.

Жонфизо сўзларингни айлаб ёд,
Жонға ҳар лаҳза айладим бедод.

Янги ойдек қошинг чу ёд этдим,
Гоҳ келдим ўзумга, гоҳ кетдим.

Чекдим, алқисса, меҳнати ҳижрон,
Ул сифат бешумору беноён.

Ки, сени кўрмасам эди бу дам,
Бўлур эрдим қачон муқими адам!

Шукрим, бу дам изиди маннон,
Берди васлинг била янгидин жон».

Эшитиб сўзларимни ул дилбар,
Қайси дилбарки, рашки шамсу қамар.

Билди содиқлигимни ишқи аро,
Покбоз эрконимни сартопо.

Ўзини айлабон манга таслим,
Очибон соидин печукким сийм.

Тутуб илгимни бир қўли била чуст,
Ҳалқа айлаб бирини бўйнума руст.

Қошини суртубон қапоғимга,
Оғзини еткуруб қулоқимга.

Деди: — «Эй хоксори маҳзуним,
Ишқ водиси ичра мажнуним.

Шод тутғил ўзунг, гам емағил,
Унут ўтканни эмди, сўз демағил

Ки, ман эмди жафони тарк тутуб,
Расми меҳру вафони барқ тутуб.

Санга дойим жалис бўлмоқ учун,
Кеча-кундуз анис бўлмоқ учун.

Келмишам хилватинг аро ёлғуз,
Мани еткурди ҳақ санго ёлғуз.

Ҳарна коминг эса, раво қилурам,
То абад меҳр ила вафо қилурам.

Саудин айрилмоғум даме ҳаргиз,
Санга кўрмон раво гаге ҳаргиз.

Васлим эт дардинга даво эмди,
Коминг эт не эса раво эмди»...

Огаҳий, мунча сўз баён этдинг,
Қисса булғажаб аён этдинг.

Тушму эркан ва ё хаёлингму?
Йўқса бир беҳуда мақолингму?

Даст бу ком кимсага бермас,
Гар санга берса даст, тонг эрмас.

Кишиким, булса ишқ аро содиқ,
Алга маъшуқ булғуси ошиқ.

САВОЛ-ЖАВОБИ ОШИҚ ВА МАЪШУҚ

САВОЛ

Эй малаксиймо, париваш дилрабо,
Иўқ турур мислинг санинг олам аро.
Дилкушо қадинг на янглиг паҳл эрур
Ким, онгадур жону кўнглум мубтало?

ЖАВОБ

Эй, ҳама ошиқлар ичра сарфароз,
Ишқ аро билгон иши ажзу ниёз,
Бил яқинким, қоматим кўҳли эрур,
Боғи умидингда бутган ҳуру ноз.

САВОЛ

Эй улуб унтўртдин фарах ёшинг,
Захмима марҳам эрур оқгон ёшинг.
Ваҳ, нечук офат дурурлар билмадим,
Заҳркин мужгон ила мушкин қошинг.

ЖАВОБ

Эй, танинг дарду ғамим маъвосидур,
Жони зоринг сувратим шайдосидур.
Кирпику қошим азал устодининг
Қасдинга тузган ўқ ила ёсидур.

САВОЛ

Эй, келиб жаннат гулистони юзунг,
Онда кавсардин нишон ширии сўзунг.
Тиғи мужгон тортиб айлар қасди жон,
Ваҳ, дегил на нав золимдур кўзунг.

ЖАВОБ

Эйки, то ишқ ичра манзилдур санга,
Иш бағоят саъбу мушқилдур санга.
Онглаким, ушбу ики кофир кўзум,
Ики қоң ичкучи қотилдур санга.

САВОЛ

Эй, мусаффо талъати зебо узор,
Хусн майдони аро чобуксувор.
Нега урмиш ҳалқа рухсоринг уза.
Кўргузуб юз ранж зулфи мушқбор.

ЖАВОБ

Эй, бало майдонига сургон саманд,
Жошига меҳнат ўқин қилгон писанд.
Воқиф улким, зулфи бир тобим эрур,
Бўйвунгга банд ўлғоли чин-чин каманд.

САВОЛ

Эй, кўруб ҳусн аҳли зебо сувратинг,
Банданг ўлмишлар қилурга хизматинг,
Равшап этмишдур жаҳонни сарбасар,
Билмадим ойму ва ё кун талъатинг.

ЖАВОБ

Эй, замиринг дурри ишқим конидур,
Масканинг дарду ғамим вайронидур.
Бегумов, билким, мунаввар талъатим,
Шому ҳижронинг маҳи тобонидур.

САВОЛ

Эй, сабоҳат авжи узра офтоб,
Зарраи зорингман айлаб изтироб.
Фикри лаълинг бирла жоним заҳ топар,
Қандму эркон ва ёҳуд шаҳди тоб.

ЖАВОБ

Эй, манга булган фидо жонинг санинг,
Аҳли ишқ ичра бийик шонинг санинг.

Чун савол этдинг лабим кайфиятиш —
Билким, улдур обиҳайвонинг санинг.

САВОЛ

Эй, лабинг сарчашмаи ҳайвон манга,
Мушкил опсиз асрамоқдур жон манга.
Еткуруб оғзимга ул ҳайвон суйин,
Қилгил ушбу мушкилим осон манга.

ЖАВОБ

Эй, гамим чеккоп вафодорим менинг,
Беқарору хастаи зорим менинг.
Сабр қил, охир санга бўлғай насиб,
Шарбати лаъли шакарборим менинг.

САВОЛ

Эй, гаминг сабримни олмиш, найлайин,
Шавқинг ўт кўнглумга солмиш, найлайин,
Жон висолинг орзусида чиқиб,
Манда жонсиз жисм қолмиш, найлайин.

ЖАВОБ

Эй, қарору сабри кетган потавон,
Етса гар васлим тилаб оғзингга жон,
Кел бу тун хилватда васлимга ет,
То саҳар комингча бўлгил камрон!..

САВОЛ

Эй, маҳи тобандаи авжи камол,
Етмасун ҳаргиз камолингга завол
Ким, саволимга бериб кофи жавоб,
Айладинг эмди мани осуда ҳол.

ЖАВОБ

Эй, менинг ишқим аро девонавор,
Илқидин борғон инону ихтиёр.
Мандиш эт ҳосил па эрса мақсадинг,
Лекин этма ушбу сирни ошкор.

САВОЛ

Умрлардурким гами ишқинг аро, эй дилрабо,
Жони маҳзуним эрур дарду балоға мубтало.
Ушбу ҳолимга иноят азмидин айлаб назар,
Зоҳир эткил лаҳзаю ман зорға меҳру вафо.

ЖАВОБ

Ишқ дардидин шикоят айлама, эй булҳавас,
Дард чекмай ишқ аро топмас муродин ҳеч кас.
Ҳар киши ишқда агар дарду бало чекмас эса,
Қилмасун ҳаргиз вафою меҳр мендип мултамас.

САВОЛ

Чекмишам ишқинг аро дарду бало ҳаддин ғузун,
Тиғи ҳажринг бирла жонимда яра ҳаддин ғузун,
Марҳуми васлингни эҳсон айлагилким, аллазин,
Етдим ўлмакка чекиб ранжу ино ҳаддин ғузун.

ЖАВОБ

Гар санинг кўнглунгга кому муддао васлим эса,
Фурқат ичра хаста жонингга даво васлим эса.
Сабр қилғил неча кун ҳажрим гаму андуҳига,
Мақсаду коминг агар ишратғизо васлим эса.

САВОЛ

Сабр этарга қолмаса гар манда тоқат, пайлайин,
Гам чекарга бўлмаса кўнглумда қувват, найлайин.
Кўз юмуб очғунча муҳлат бермайин ман хастага,
Қасди жоним айласа андуҳ фурқат, найлайин?

ЖАВОБ

Кел, менинг гулзор кўйим ичра маъво айлагил,
Булбулосо ҳарнафас юз нола пайдо айлагил.
Кўнглунг ичра шавқ ўти нуриға таскин бергали,
Гул киби дилкаш жамолимни тамошо айлагил.

САВОЛ

Булмагай ёлғуз тамошо бирла кўнглум ўти кам,
Балки ондин ортгай шиддат ул ўтга дамбадам.

Ушбу ўт ичра ададсиз изтиробимни кўруб,
Тарк этиб нозу тагофил раҳм эт, зебо санам.

ЖАВОБ

Гар тамошодин санга бўлмас эса ором ром,
Суҳбатим ичра кириб бўлгил қадаҳ ошом шом.
Ул қадаҳ саҳбосининг кайфиятидин тонггача,
Улчаким, кунглуниг тилайдур олгил, эй ноком ком.

САВОЛ

Ўйла махмур ўлмушам лутфинг майиға, эй нигор
Ким, висолинг суҳбатида ҳам топа олмон қарор.
Гар муродим бодаси бирла мани маст этмасанг,
Суҳбатингда жоми май қилмас манга дафъи хумор.

ЖАВОБ

Маскан айлаб гар кеча-кундуз висолим суҳбатин,
Топмас эрсанг жоми май ичмакда жонинг роҳатин.
Халқа айлаб сунбули зулфум киби бўйнумға қўл,
Завқ ила нўш айлагил қопғунча лаълим шарбатин.

САВОЛ

Лутф этиб эмди эшиткил мандин, эй ҳавронишоп,
Гар сапга қилғум бу дам зори ниҳонимни аён.
Бўлмағай ҳосил муродим лабларингнинг шахдидин,
Токи лозик пайкарингни қучмасам андоқки жон.

ЖАВОБ

Неға бу сўзни дегунг оллимда кўргузмай ибо,
Шарбати лаълим карам қилдим бас эрмасму санго.
Яна ҳам қучмоқ тиларсан гул киби лозик тапим,
Йўқму, эй девона, санда заррача шарму ҳаё?

САВОЛ

Ошиқ ўлса ҳар киши шарму ҳаёси бўлмағай,
Арзу ҳол айларда ёрига ибоси бўлмағай.
Айлай олмас бир нафас ўз ҳолида сабру қарор,
Токи ҳосил ёридин ўз муддаоси бўлмағай.

ЖАВОБ

Очма күб густохликлар кўргузуб бу сўзга тил,
Комингга етмакни мандин вақтига мавқуф бил
Ҳарнақим, мақсудинг ўлса айлагум они раво,
Лекин ондак айлагил сабру дами қисталмагил.

САВОЛ

Шавқ ўти ёқти мани ҳолимши кўрсанг не бўлур?
Тезрак бу ўтга раҳм айлаб сув урсанг на бўлур?
Қучғали нозик белингни лутф ила рухсат бериб,
Ман ғарибингни муродимга етурсанг на бўлур?

ЖАВОБ

Мунчаким, күб ёлбориб ҳар дам дебол дилкаш суҳаб,
Қўймадинг охир мани, эй бедили бечора сан,
Эмди раҳм айлаб санга бердим инову ихтиёр,
Хоҳ сўргил, хоҳ қуч, ипаиғ лабу инанг бадан.

САВОЛ

Раҳм айлагил, эй сарви гуландом, манга
Ким, ҳажринг аро қолмади ором манга.
Оғзингни тилаб оғзима етди жоним,
Бер эмди лабинг шарбатидин ком манга.

ЖАВОБ

Раҳм айлабон, эй бедили бадном санга,
Ҳажримда неча қолмаса ором санга.
Жон лаззатидин ишқим аро то кечмай,
Йўқ лаъл лабим шарбатидин ком санга.

САВОЛ

Эй ёри, пари пайкари ушшоқ навоз,
Ҳажринг ўтида ишим дурур сўзу гудоз.
Ман хастага ўтди ҳаддин ажзу ниёз.
Кел, сап доғи эмди тарк қил ишваю поз.

ЖАВОБ

Ҳажримда ишинг бўлса неча сўзу гудоз,
Қонуни саботу сабрни қилғил соз

Ким, ошиқ иши мудом улур ажзу ниёз,
Маъшуқ иши ҳамишадур ишваю ноз.

САВОЛ

Ман зорки, волаю гирифтoringман,
Тун-кун дилу жоп бирла талабoringман.
Миннати қарам айласанг шифои васлинг,
Бир хастаи ожизи дилафoringман.

ЖАВОБ

Сен ошиқи поку мен севар ёрpingман,
Ғам ҳеч нимадин емаки, ғамхoringман.
Ҳар неки муродинг ўлса қилғум ҳосил
Ким, дилбари дилжўю вафодoringман.

САВОЛ

То оразинг айладинг намоён, эй ёр,
Бўлдум санга мен ошиқи ҳайрон, эй ёр.
Раҳм этки, белу лабинг висолин истаб,
Юз урди адам сори хазин жон, эй ёр.

ЖАВОБ

Билдим манга сен ошиқи ҳайрон, эй зор,
Бердинг белу оғзимни тилаб жон, эй зор.
Келгил қучуб-ўпуб яна жон топғил,
Ипанг белу инанг лабу хандон, эй ёр.

ДУОИ ОШИҚ

Лутфингга юз қуллуқ, эй ёри қадрдоним манинг,
Эмди йўқ бир заррача қўнглумда армоним манинг.
То қиёмат давлати ҳуснумдин ўлғил баҳраманд,
Садқа бўлсун бошингга гар бўлса юз жоним манинг.

ПАНДИ МАЪШУҚ

Ошиқи содиқ эсанг ҳусну жамолимга агар,
Ўзга маҳвашлар жамолу ҳуснига солма назар.
Ҳам бу хилватзориини ағёрдин пинҳон тутуб,
Бермагил ҳеч кимсага ҳаргиз бу пармишдин хабар.

ҚАСИДАИ НАВРҮЗ

Жаҳон аҳли бўлуиғ ҳуррамки, сизга бахт бор ўлди —
Ки, ҳақ осор лутфи ҳар тарафдин ошкор ўлди.
Ўтуб қиш мавсумининг муддати ҳам танглик вақти,
Кетиб сар-сар йилининг шиддати маъдум қор ўлди.
Баҳор айёми келди, иситти ҳарён руҳпарвар ел,
Бори ер юзи жаннат гулшанидек лолазор ўлди.
Жаҳон гулзориға яксар берурга зеб ила зийнат,
Булут саққолари ҳар ён гуҳардек қатрабор ўлди,
Ҳамал тахтиға минди адл этарга хисрави ҳуршид,
Баробар бу жиҳатдин муддати лайлу наҳор ўлди.
Келиб наврӯз еткурди сафо офоқ оро андоқ —
Ки, элга шаҳру саҳро равзаи дорулбақо ўлди.
Қилурга жаниат осо файз густар даҳр бўстони,
Иши кавсар мислик чашмалар минг инфижор ўлди.
Тутуб ер чашмалар даврида райҳон ул сифатким Хизр,
Намойиш ичра сартосар нечукким, хатти ёр ўлди.
Чамаиларга саро-сар бермак истаб зийнати оро,
Қизил гуллар юзиға сунбули чуп тор-тор ўлди.
Қилурга даъи чашми заҳм гулшанлар сафосидин,
Очилди гулистонлар ичра турлик ранг ила гуллар,
Эмасдур ғунча, гулбин бўйниға боғлиқ тумор ўлди.
Алар ишқида булбуллар иши фарёд зор ўлди.
Қилиб ситонлар ичра сарвлар юз поз ила жилва,
Тамошосида қумрилар туну кун беқарор ўлди.
Тоғиб сарто қадам андоқ тароват арсаи олам —
Ки, жаннат бўстони ер юзидин шармисор ўлди.
Қўнгуллардин бориб болгул қудрату ғаму кулфат,
Етиб сайқал нишоти айшдин ойнавор ўлди.
Халойиқ жаннат аҳлидин тоғиб афзунроқ осойиш,
Ҳама мустафриқнамои лутф гардкор ўлди.
Тузулди ҳар тараф юз зеб бирла базм наврӯзи,
Ҳама эл, соқийи ишрат қулидин бодаҳор ўлди.
Қилиб ҳар базм аро Ҳавро киби маҳбублар жилва,
Тоғиб ушшоқлар онинг васли комин, камкор ўлди.
Тараб шоҳидлари базмиға тоғиб даст аҳли даҳр,

Ҳама уз коми чоғлиғ восили бўса канор ўлди.
Олию то асофил айш ишратдин олиб комиң,
Муроди жомидин сархуш сафою раҳм кибор ўлди.
Маалқисса, сафою ғайз ила тўлди жаҳон андоқ —
Ки, жаннатдур демак ер юзига номус ор ўлди.
Хусусан шоҳ доно лутф адли баҳоридин,
Халойиқға нишоти айш беҳад шумор ўлди.
Қою шоҳким, азалда пок зоти тағри лутфидин,
Жаҳон аҳли бошиға сояи парвардигор ўлди.
Жамиғи раббиг маскун ичра опинг абр найсоғи,
Бори элнинг умиди гулшаниға обёр ўлди.
Ҳумоюн хокй даргоҳи шарофатлиғдур ондоқким,
Қуёш қўзига ондин тўтиё гарди губор ўлди.
Гадоеким, жаноби хизматиң ихлос ила қилди,
Тоғиб иззат эл ичра подшоҳи тоғдор ўлди.
Шаҳеким, ҳукмидин андак тажовуз айлади зоҳир,
Кўруб зуллат гадодек аҳли олам ичра хор ўлди.
Искандар шавкати бирла Сулаймон давлатиң топди,
Улуғ даргоҳидаким, сидқ ила хизматгузор ўлди.
Етиб тигиға зийнат жавҳар инно ғатҳнод,
Аду қатли учун соҳиб ҳавас ва зулфиқор ўлди.
Агарчи сурди кўп раҳиш шижоат Сом Наримондин,
Вале, Оллоҳ опинг мисли тифл найсувор ўлди.
Масоф ичра опингдек айлади тоҳир туҳуриким,
Хижил ўз пешасидин рустами Исфандиёр ўлди.
Ато базли хавокининг гадоғи бенавосидур,
Саховат ичра Хотам гарчи соҳиб иштиҳор ўлди.
Бўлуб сағийи балиғ аҳкоми сунлат қилғали жори,
Шариат қасри ондин восили зеби нигор ўлди.
Еқиб гул қилғали аъдо вужуди ҳер хошокиң,
Онинг қаҳри жаҳон сўз ўтидин бас пуршарор ўлди.
Ҳамша кўшиш бирла бўлуб аъломдин оли,
Лавои куфр иши топмоқлик ондин ангсор ўлди.
Тоғиб алтофидин илм аҳли ондоқ қадр аълоким,
Эл ичра барча соҳиб иззату рифъатмадор ўлди.
Улум ашколи ҳалли табғи соғи вақфидур ондоқ —
Ки, фазл аҳли аро яктои аҳли рўзгор ўлди.
Ҳумоюн исмини изҳор қилмоқни адаб кўрмай,
Муаммода ёшурмоқлик манго даъб шикор ўлди.
Бўлуб оғушта охир чашмаи умри адлиға,
Тирйик икки кўп ичра жон кибн хуррам баҳор ўлди.
Ҳисоби бирла бир матлаъ ёзай эмдики, ушбу иш,
Мане дилхастага иззу шараф ҳам ифтиҳор ўлди.

МАТЛАЪ

Сихи то умр адлинг айпи икки чашмасор ўлди.
Олардин равзадек Хоразм мулуки обдор ўлди.
Бўлуб мулкинг саросар гулистон очди туман минг гул,
Гули фирдавс оларнинг олдида гўёки хор ўлди.
Ҳамул гуллар тамошоси учун пайдо қилиб юз шавқ,
Саросар ҳур ғилмон кўнглида минг хор-хор ўлди.
Халойиқнинг нишоти гулшанин сарсабз қилмоқға,
Кафи жудинг саҳобосо туну кун дур нисор ўлди.
Зару гавҳар онингдек сочди ҳар дам нечаи базлинг —
Ки, ондин олам ичра мунфаил кони баҳор ўлди.
Раоё имн роҳат топмоқиға қаср иқболинг,
Азал меъмори илгидин рафети устивор ўлди.
Етиб лутфинг била олам элига айла осойиш —
Ки, роҳат баҳраманди жумла масту ҳушёр ўлди.
Ҳумои давлатинг пур чарх гардун сайридуким, ул,
Қилиб парвоз ҳарён даҳр аро хотир шикор ўлди.
Агар ҳар кимса топса кўз учидин бир нигоҳингни,
Неча эрса ҳақир эл ичра соҳиби эътибор ўлди.
Биравким бўлмаса айни иноят бирла манзуринг,
Онга бу ёғду олам гўё ёнглиг таиғу-тор ўлди.
Қочиб келса ҳаводис хайлидин ҳарким жанобингға,
Онга эҳсон лутфинг жумла офатдин хисор ўлди.
Майи эҳсонинг ичган топғуси айпи абаддин баҳр
Ки, май оби ҳайвон шарбатидек хушгвор ўлди.
Не тонг Хоразм эли жовид топса айш-ишратким,
Оларга бодаи лутфинг шароби беҳумор ўлди.
Иўқ эрди Огаҳийда мадҳатинг тафсилиға қудрат,
Сўз ичра ложарам рағбатнамои ихтисор ўлди.
Дуси давлатинг ихлос бирла ихтиёр айлаб,
Бу иш ичра камоли ажз ила ихтиёр ўлди.
Илоҳи пойдор ўлсун бинои ишрату гўшинг,
Жаҳон ҳамхонаси то мустақим пойдор ўлди.
Илоҳи бу баҳор айёми наврўздек хуррам,
Жаҳонда токи наврўзу баҳор айёми бор ўлди.
Тараб зулфи нишотинг чехрасиға берсун оройиш,
Чу сунбулларга то ҳар тоза ел зеби узор ўлди.

«ЗУБДАТ УЛ-ҲИКОЁТ»дан

Аҳдият боргоҳининг нисориким ақул ва афҳом аниқ идрокида қосирдурлар. Поктийнат ва огоҳдилларнинг гавҳари жон ва нақди равонидин ўзга қимматли нима бордурким, ул манзилатга лойиқ бўла олғай, Таоло шаҳнаҳу таволо эҳсонаҳу зиҳи қодириким, иродаи комилабила инсон навъиға ақл ва дониш анворин изофа қилиб, барча коинот анвои ва махлуқот табақоти орасида баргузида қилди. Ғазаб ва шаҳват қуввати ғалаби сини дафъи ва амну амон осори улвиясининг рафъи учун аларни адл ва эҳсон амриға ихтисос берди. То адл маработининг ҳифзи била жавр ва фасод жаҳондин кутарилғай. Ва эҳсон мадорижи риояти била жамъият ва сурур кўнгулларга вуруд қилғай. Андоқким «Инналлоҳу биламру бил адлу вал эҳсон» ояти каримасининг мантуқаси бу маъниға далолат қилур ва рисолат жаноби нинг ҳадиясиким афкор ва авҳом анинг камоли тавфиқида ҳойирдурлар, раҳмат ва ризвон тўҳфасидин бошқа тилдин на сўз зоҳир бўлғайким ул ҳазратга муносиб келғай. «Салавотуллоҳу алайҳи ва ало олиҳи ал атҳор ва асҳобиҳи ал ахёр». Чун адлнинг шарофати ва манфаяти лари барча халойиқға шомилдур. Бу ҳазрат хайрунабашар обидлар ибодатидин баланд тутубдур. Андоқким «адлу соибатуҳу хайрун мин ибодатуҳу ситтин санатан» ҳадиси мазмунидин маълум бўларким, барчаға лозимдур, адл ва эҳсонни жорий қилмоқда қудрати етгунча саъйи машкур зуҳурга еткурғай ва олийҳиммат подшоҳларнинг ҳиммати бўйниға вожибдурким, қудрати мукнат доиялари била адл ва эҳсонга тараққий ва риёвж бермакда имкон борича кўшиш қилиб, бир дақиқани бекор ўткармағай. Аммо баъд подшоҳи исломшаноз Муҳаммад шоҳи Аврангзебким, бағоят одил ва бошқарув подшоҳ эрди. Ўз замонининг фозилларидин Муҳаммад Ворис отлиғ донишмандға буюрдиким, адолатшиор подшоҳлар ва шариятосор муқтадоларнинг адл ва додлар сўзларидин бир оз сўз муътабар китоблардин интиҳоб

қилиб, бир рисола тартиб бергайким, ўқугучиларнинг кўнгулларига огоҳлиғ ва кўргувчиларнинг кўзларига бийнолиғ еткурғай. Ва ул донишманд фармони олий муқтасоси била бу судманд ҳикоятларни кўп китоблардин олиб, бир муқаддима ва уч фасл била мураттаб қилди ва «Зубдат ул-ҳикоёт» от қўйди ва ул китобларнинг отлари булардур: «Таърихи Табарий» ким Муҳаммад бин Ҳарир таълиф этмишдур ва «Жомиул-ҳикоёт» — Нуриддин Муҳаммад бин Авфий ва «Таърихи Фахриддин Довуд Банокатий» ва «Фусули алмуҳима фи маърифат ул-атъама» ким Шайх Нуриддин Али бин Муҳаммад Сабоъ Муккий моликининг ёзғонидур ва «Таржимаи таърихи қози Шамсиддин бин Халагон» ва «Мавизатномаи Қайковус» бин Искандар Кобус бин Вашимагирким, ўзининг Валади Аршадий Кейлоншоҳ учун ёзибдур ва яхши насойих ва судманд ҳикоятга муштамилдур ва «Таърихи оли Салжуқий» ким Муҳаммад бин Абдуллоҳ бин Ҳусайнийнинг таснифидур ва «Самарат ул-авроқ» ким Алломат ул-Алварий Тақиюддин ал-Хамумийнинг таснифидур ва «Таърихи Фирузшоҳий» ким Зиёд Базлийнинг таълифидур ва «Фавойид ул-Фавод» ким султони ал машойих вал авлиё Низомиддин Ваддина Қуддуса Сиррихунинг малфузидурким, Шайх Ҳасан Деҳлавий жамъ этибдур ва «Сирож ул-ҳидоя» ким, кутбул восилин Саййид Жалол Бухорий Махзум Жаҳониённинг малфузидурким муридларининг бири жамъ этибдур ва «Равзат ус-сафо» ва «Ахлоқи Муҳсинин» ва «Дастур ул-вузаро» ва «Нигористон»и Қози Аҳмад бин Гаффорий ва «Воқеоти Бобурий» ва «Акбарнома» ва «Таърихи Низомиддин Аҳмад Улфий» Шайх Аҳмад Батавийнинг таснифидурким, Акбаршоҳ замонининг фузалоси машоҳиридиндур ва «Таърихи Жаҳонгирнома» ва «Таърихи Абул Қосим Фаришта» ва «Таърихи Салотини Қажарот» ким Искандар бин Муҳаммад тартиб бериб «Миръоти Искандарий» от қўйиб ва «Хулосат ул-асмор». Бу рисола ўқувчиларга маълум бўлсинким, ҳазрат подшоҳи динпаноҳ ва шаҳаншоҳи шариятдастгоҳ носибни ливойи жуд ва эҳсон роғиб бинойи бар ва имтинон Абул Мансур вал фатҳ Саййид Муҳаммад Баҳодирхон ҳаладаллоҳи мулкаҳу ва эҳсонаҳунинг замири мунириким, ҳамиша адл ва эҳсонга роғиб ва пайваста, амну амонга толибдур, лиҳазо бу банди каминаи дерина Муҳаммад Ризо Мироб алмулаққаб било Огаҳийни ўзга фузалодин таржиҳ қилиб, бу рисола никим форсий

лафз била таркиб топмишдур, туркий иборати бил таржима қилмоқға маъмур этиб, бағоят хурсанд ва машур қилди. Фақир доғи ҳисбул фармони олий хизматни буткармакда қаламдек ихлос бошин урдим ва сабаб машкур тақдимға еткурдим ва биллоҳ ал тавфиқ муқаддима бир ҳикоятға муштамилдурким, адл ва эҳсонни баён қилур.

ҲИКОЯТ

Муҳаммад бин Авфий нақл қилибдурким, ўтган замон подшоҳларидин бир хубсийрат подшоҳ бир олимдин сўрдиким, адлу эҳсон маънисини недур? Ул айтди: Ада мазлумларнинг додин бермак ва эҳсон муҳтожларнинг жароҳатиға роҳат марҳамин қўймоқдур. Ануширвон ва Ҳотамнинг от ва овозаси мунчаким жаҳон ичра машхур бўлди. Сабаб улдурким, Ануширвон адолатни ва Ҳотам саховатни ўзларига пеша қилмиш эрдилар. Андин сўнг ҳадиси Шарифни ривоят қилдиким, Ҳазрат расули саллалоҳу алайҳи вассалам дедиким: Меърон кечасида тангри таоло манга биҳиштни ва дўзахни арз қилди ва дўзахни ўртасида қурулгон икки тахт кўрдим.

Ҳар бирининг устида бир киши ўлтуруб елповучи ўхшаган бир нимарсани қулоқларига олиб ўт шуъласининг бирлан ўзларидин қайтарур эрдилар. Жабрандин аларни сўрдим. Ул деди: Бири Ануширвон ва бири Ҳотамдурким, тангри таоло аларнинг адл ва базил елповуч қилиб қўлларига берибдурким, агарчи кофирлиқ сабабидин ўтга тушубдурлар, аммо адл ва саховат жиҳатидин аларнинг азоби енгил бўладур ва яна ул олимдин сўрдиким, Ануширвонни одил бўлмоқиға сабаб недур? Ул жавоб бердиким, Ануширвон дебдурким, мани бир ибратназар одил қилди. Бир кун йигитлик авойилида шикорға чиқиб эрдим ва ҳар тарафга от сурар эрдим. Ногоҳ бир пиёда тош отиб бир ит оёқини синдурди ва бир неча қадам йўл юргандин сўнг отим дакка уруб ҳамул пиёданнинг икки оёқини синдурди ва бир оз йўл юргандин сўнг бир тушукка кириб отимнинг ҳам икки оёқини синди. Ул ҳолда огоҳ бўлуб ўзим-ўзимга дедим, кўрдунгмуким, алар на қилдилар ва на кўрдилар. Ҳар ким қилмагудек феълни қилса, кўрмагудек ишни кўргусидур.

Шеър:

Халқга қил лутф ила дилдорлиг,
Зурлиғ тарк айлаб этгил зорлиғ.
Чун билурсанким ўрар эканинг,
Охир этгил пеша пекукорлиғ.

Аввалги фасл сўз ҳақиқатиға етмак тадбирларида
ним, адолат ва сиёсатға муштамилдур.

ҲИКОЯТ

Тарихномаларда ёзибдурким, икки хотун бир ёш
ўғлон устида даъво қилиб, ҳазрат Сулаймон алайҳис-
саломнинг олдиға келдилар. Иккови ҳам гувоҳдин ожиз
қилиб, даъвосин собит қила олмадилар. Ул ҳазрат «Фа-
тахомmanoҳо Сулаймон» оятининг ҳукми била буюрди.
Ул ул ўғлонни қилич била икки бўлиб, ҳар бирига яри-
шн бергайлар ва қилич тортар вақтида хотуннинг бири
қорлиғ била йиғлаб икки кўзидин хуноба тўқуб деди:
Мен даъвомни ўтдим. Они ўлтурманглар ва яна бири-
дан ҳаргаз раҳм ва шафқат зоҳир бўлмади. Ҳазрат Су-
лаймон ул ўғлонни ўлтурмакка ризо бермаган хотунга
бурди. Нединким, ақл ва хирад олдида маълумдурким,
ул хотун анинг аносидур. Шафқат юзидин анинг ўлу-
минг рози бўлмади. Бироз муддатдин сўнг барча бил-
диларким, ул хотун анинг аноси эркан.

ҲИКОЯТ

Ҳаман диёрида икки киши амир ал мўминин Ҳазрат
Али карамуллоҳи ва жиҳаннинг олдиға келиб, бир-би-
рини гуломлиқ даъвосин қилдилар. Иттифоқо, иккови-
нинг ҳам гувоҳи йўқ эркан. Ул ҳазратнинг замири му-
вофиқким ғайб суратининг кўзгусидур, буюрдиким лой-
инг бир девор солиб, андин одам калласи сиғгудек икки
тушук қўйдилар, икковини ҳам келтурдилар. Токим ҳар
бири бир тушукка бошин суқуб ул тарафга ўткаргай
ва ул ҳазрат Қанбарға буюрдиким, қилич яланғочлаб
тушукларнинг ёнида турғил. Ул иккови тушуклардин
оши чиқарғондин сўнг наъра уруб дедиким: Чопғил гу-
ломини. Гулом ҳайбатдин дарҳол ўзин кейин чекти ва
дур қолди ва аларнинг қайси ҳур ва қайси банда эрка-
ни барчаға зоҳир бўлди.

ҲИКОЯТ

Бир киши бир хунасини ўзига хотун этмак учун ва никоҳ ҳаққи учун анга бир канизак берди. Хунанинг эридин бир фарзанди ва канизакнинг хунанинг бир фарзанди бўлди. Ва чун уламо ва фуқаҳо тикилган мерос жиҳатидин ва шариатнинг ўзга ҳукмларидин эркак ва ё хотун эрканига ҳеч ҳукм таъйин қиладилар ва Ҳазрат Али карамуллоҳу важиҳани олдидан бордилар. Ул ҳазрат Қанбарға буюрдиларким икки тарафидаги қабурғаларини мулоҳаза қилиб бергил. Агар ҳар тарафда ўн икки қобурғаси бўлса, келадур ва агар чап тарафда ўн бир ва рост тарафда икки бўлса эркакдур. Нединким Ҳазрат одамнинг тарафидин Ҳавони яратгон сабабидин эркакнинг тараф қобурғалари ўн бир бўлур ва чун саналган икки тарафи ҳам баробар чиқти. Андин сўнг аниинг тунлиқиға ҳукм қилдилар.

ҲИКОЯТ

Муовияи Басрийнинг ўғли Аёс Абу Дажлакимнинг фаросат ва фатонати бобида кўп ажиб ҳикоятлар ва ғариб ривоятлар нақл қилибдур. Умар Абдул Аминнинг хилофати айёмида Басрада қози эрди. Ва аниинг бирамин кишиси бор эрди. Барча ани соҳиб диёнат гунаҳ қилур эрдилар. Иттифоқо бир киши анга кўп мол ва инанат топшуруб ҳажга кетти ва қайтиб келгандин сўнг ҳамул молни талаб қилди. Амин анга инкор этти ва киши Аёснинг олдиға келиб аминнинг инкор қилиши баён этти. Аёс деди: Менинг олдимға келтуринг ва анга изҳор қилибму эрдинг ва бу мунозаатдин ўнгидаги ни хабари борму. Ул деди: Йўқ. Аёс деди борғина ва ишингга машғул бўлуб ўлтурғил ва сирни имкон борича пинҳон тутғил. Ул кетгандин сўнг қози Аминни чақириб дедиким менинг олдимға кўп мол жамъ бўлган дур. Тилармани ким, ани сақға топшуруб сабукбор бўлғайман. Қўйғудек пинҳон жойинг борму, деди. Борган деди. Қози деди, молни сақламоқ учун муътамад кўндалар омода қил. Амин қозининг молиға кўнғил қилиб тамаъ қиссасин тикиб уйига қайтти ва эртаси кун аминнат қўйған киши қозининг олдиға келди. Қози аниинг деди: Эмди аминнинг қошиға борғил. Агар молиғини

берса олгил ва агар бермаса айтғилким мундин зиёда
бир қила олмон. Эмди қозининг олдиға бориб сандин
инкорят қилурман. У киши андоғ қилди. Амин қозининг
манга келиб кўп дуолар қилди. Иттифоқо, амин доғи
ул қолда ваъда қилгон молни олмоқ учун келди. Қози
бирдуд қилиб мажалласиға йўл бермади.

ҲИКОЯТ

Кўфада бир киши яна бир кишига амонат тариқа-
си била кўп молни топшуруб, байтуллоҳ зиёратиға
имом бўлди ва чун қайтиб келиб ҳамул молни талаб
қилди ва ул инкор қилиб қайта-қайта онт ичди. Ва ул
кишини маъюслик била имомал муслимин Абу Ҳанифа
Кўфий раҳматтуллоҳи алайҳанинг олдиға келиб бўл-
ган воқеаларни айтди. Имом айтди: Анинг инкорин
ача кишига изҳор қилмай мунтазир бўлуб турғил, то
тайиб парсасидин қайси иш зуҳурға етгай. Иттифоқо
ҳамул киши имомға ошно эрди. Бир кун имомнинг қо-
зиға келди. Имом анга дедиким, халифа мандин қо-
зилик мансабиға ким лойиқ деб сўрди ва ман сенинг
инсоф ва диндорлиқингни мулоҳаза қилур эрдим, қо-
зиликға муносиб кўрўб сани нишон бердим ва кўп
тартиф қилдим. Ул киши қозилиқ мансабиға тамаъ
дондонин тез қилиб уйига келди ва бу чоғда мол эга-
си имомнинг хизматиға келди. Имом анга деди: Эмди
сенинг уйига бориб топшурган молни талаб қил. Шояд-
ким таваққуф қилмай бергай. Ва чун бориб талаб
қилди. Ул нокас қозилиқни авло кўрўб саҳв қилибман,
деб ва ёдимдан чиқибдур, деб узрлар айтди. Дарҳол
ҳамул молни адо қилди ва қозилиқ мансабини тамаи
били имомнинг хизматиға келди. Имом анинг ҳолидин
шоҳ бўлуб камоли шарм ва ҳаёдин ул хойинға деди-
ким, ман санинг қадр манзилатингни қозилиқ манса-
бинин баландроқ кўрарман. Таваққуф қилғилким ондин
улуғроқ мансабға етушгайсан ва бу ҳийла била ул хо-
йинини дафъ қилди.

ҲИКОЯТ

«Осорул-билод» отлиғ китобда ёзилибдурким, бир
сандогар бир қозиға кўп мол топшуруб сафар ихтиёр

қилмиш эрди ва кўп муддатдин сўнг сафардин қилмиш амонатин талаб қилди. Қози мункир бўлуб инкор қилмоқда кўп муболаға қилди ва изрор кўргузди. Ул бир чора ноилож Амир Азуд-ад-давла хизматиға бориб ўзининг изтирорин ва қозининг инкорин арз қилди. Азуд-ад-давла анинг паришон ҳолиға тараххум кўргузуб, ҳақ сўз ҳақиқатиға етушмақ учун бир тадбир андиш қилиб деди: Бир неча кун сабр қилғил, деди, то мақсуд гавҳари қўлга келгай ва муддао шоҳиди хафо пардасидин жилва қилгай. Андин сўнг бир неча муддат қозининг таъзим ва тақримиға камоҳа ҳаққуҳу кўшиш қилди ва бир кун ани хилватға чақириб деди: Даврон гардишидин моли фаровон жамъ бўлубдур. Фарзандларим учун хотирим бағоят нуқрондур. Сенинг диёнати ва инсофингга кўп эътимодим бордур. Эмди мақсуд улким санга ҳамул молдин бир оз мол топширурман ва сан ўзгалардин пинҳон сақлағил ва ман ўлгандин сўнг ворисларимға тақсим қилиб бер. Қози жондин бирла қабул қилди. Амир дарҳол икки юз тилло бериб деди: Муни сарф қилиб уч юз қилқон зар қўйғудек жой тузатғил. Қози ул тиллони олиб уйига келди ва андин сўнг амир савдогарни чақириб деди: Бориб қозидин омонатингни талаб қил. Агар яна инкор қилса, дегилким мундин зиёда сабр қила олмам. Тонгда амининг жиловин тутиб сандин шикоят қилурман. Чун савдогар бориб айтди. Қози ўз кўнглиға деди: Агар бу сўз амирға етушса, эътиқодиға қусур йўл топиб ҳамул ваъда қилган молни манга топширмас, деб хавф қилиб, савдогарға хушомад айтиб, ҳамул молларни берди ва бу хабар Азуд-ад-давлага етишгандин сўнгра қози боғлаб бозорга олиб бориб қичқиртурдилар, то ўзгаларга ибрат бўлғай ва ул қозининг бу хиёнати барча оламга масал бўлди.

ҲИКОЯТ

Бир кун Мансур Давонқи ўз қасрининг ўчокида ўлтирмиш эрди. Бир кишини кўрдиким бағоят ҳайрон ва саросима ва ҳуши бошидин учқан, кўчада ҳар тарафга беҳушвор бўлиб юрубдур. Анинг аҳволин сўрди. Ул деди: ман бир савдогардурман. Тижорат судидин кўп мол жамъ этиб хотинимға топшуруб эрдим, то бир вақтда ишга ярар деб. Эмди хотин дерким, ҳамул мол-

Ул ўғри олди ва ҳоланки ўғрини асари ҳеч маълум эр-
ис. Мансур деди: Хотуннинг олғанингда бери неча
қил бўлди. Ул деди: Бир йил бўлди. Мансур деди:
Ҳоло қизму ё хотунму, деди. Хотундур, деди. Ёшму ё
қириму, деди. Жавондур. Халифа кўп мўддатдин сўнг
ийи соф ва фикри солим била тадбир андиша қилиб
буюрди, то бир шишани атирға тўлдуруб халифанинг
қузурда анга бердилар. Халифа деди: Бу муаттар
нимарса бирла ўзингни хушбўй қил. Иншоолло, тамоми
қандуҳ ва аламинг зойил бўлғусидур. Ва ул шишани
қилиб уйига кетди ва ул шишани хотинига топширди.
Ва бу аснода халифа бир жамоани шаҳар дарвозала-
рига буюрдилар, то мулоҳаза қилиб ўлтирғайлар ва
қар кишидин ҳамул атирнинг иси бурунлариға етишса,
қилиб тутиб келтирғайлар. Иттифоқо, савдогарнинг хо-
тунини бир кишигаким анга ошиқ ва шефта бўлмиш
қилди, ҳамул атирни юборди ва ул киши атирни ўзиға
қуртиб шаҳар дарвозасидин чиқар эрди. Бўйи хуш пос-
тонларни машомиға етуб ани тутдилар ва халифанинг
қандиға келтурдилар ва халифа деди: Бу атирни қайси
жойдин олдинг ва ул сўз айтурда кўп олбураб изтироб
қилди ва ҳеч сўз айта олмади: Ва халифа ани бир сар-
қанга топшуруб буюрдиким, мазкур бўлган зарни
қилиб олғай ва ё минг қамчи урғай. Ул камоли бим-
дин ул молни тамомисин келтуруб ҳозир қилди. Ва
халифа мол эгасин чақириб деди: Агар тамоми молин-
ни қўлингға берсам, хотунинг талоқиди мани ҳоким
қилурмусан. Ул деди: Ё амир ал мўминин, агар молим
қўлимға кирса, сани ҳоким, қилдим. Амир деди: Барча
молингни олғил ва санинг тарафингдин хотунингни та-
лоқ қилдим. Ва ўтган сўзларнинг барчасини теъдод
қилди.

ҲИКОЯТ

Бир кеча бир неча нафар ўғри бир молдор бойнинг
уйига кирдилар ва барча молларин олиб, ўзин ўлтур-
май юбормакчи бўлдилар. Ўғриларнинг калонтари
деди: Агар бу сирни кишига изҳор қилмаслиққа қуръ-
они Мажиддин ва уч талоқдин онт ичса, барча молин
олиб ани ўлтирмай юборинглар. Ўғрилар андоқ қил-
дилар. Сўнгги кун молин олдирган бой ўғриларни кўр-
диким анинг молларин чиқариб алония сотиб юрур-
лар. Онт риоясин сақлаб ул ситамларға ҳеч таарриз

қила олмади. Ночор камоли бенаволиқдин ҳазрат имоми Аъзамнинг олдиға келиб ўз мажмали аҳволидин навъе изҳор қилди. Имом деди: Қабила ва қўнғураш улуғларин олиб келгил. Ул бориб барчасин келтурди. Имом аларға деди: Агар анинг моли анга етишмай тиласангизлар барча муттаҳам ва гумонлиқларни жамъ этиб масчитни Жомеъға киргузинг ва андин сўнг таң ҳо-танҳо чиқариб мол эгасин масчит эшигинда ўлтурғузуб сўранглар. Молингни олгон бул кишиму, агар ўғри бўлмаса йўқ десун ва агар ўғри бўлса ҳеч сўз демасун: Ва ҳар кишидаким сўз демаса ани тутинглар. Бас андоқ қилдулар. Ва ул соф замирнинг ҳусни тадбири бирла барча ўғирлатгон мол эгасиға етушди ва ул бой онтиға ҳонис бўлмади.

ҲИКОЯТ

Бир киши бир узоқ саҳрода бир дарахтнинг остининг мисқол зарни кўмуб сафарға кетди. Чун қайтиб келиб ҳамул зарни олмоқ учун борди. Кўрдиким, дарахтнинг томирун ковлаб зарни олибдурлар. Бетоқат бўлуб имомнинг олдиға борди ва сурати ҳолини аниқ қилди. Имом айди: Ҳоло қайтгил ва уч кундин сўнг менинг олдимға кел, то тадбир қилинсун. Имом кўн тааммул ва тадбирдин сўнг табибни чақириб, деди: Фалон дарахтнинг ҳеч хосияти борму ва ҳеч маразға давои бўлурму. Табиб деди: Анинг хосиятлари ва манфаатлари кўпдур. Имом айди: Бу айёмда ҳеч беморға ул дарахтнинг тамури била муолажа қилдунгму, деди: Оре, деди. Бир ойдин бурун фалон беморғаким иложи фалон дарахтнинг тамури эрди, ани анга дедим. Ва ул ани истеъмол этиб шифо топти. Имом ул кишини чақириб хилватда рафқ ва мадоро била сўрди ва ваъду насиҳат била анинг кўнглини юмшатди. Ва мундоқ ҳусну тадбир била анга иқрор қилди ва ул ночор минг мисқол зарни эгасиға берди.

ҲИКОЯТ

Яҳъё бин Абдусамат ривоят қилурким, бир кун бир киши қози Абуясуфнинг олдиға бориб Ҳоди халифадин дод ва истиғоша қилдиким, халифа менинг бо

гимни босиб олди. Агарчи қозининг амри бирла халифа қозининг олдиға ҳозир бўлди ва ўз мулки эркинига гувоҳ ўткарди. Аммо қозининг гумони ғолиби ул эрдиким, боғ муддаини мулкидур. Ҳоди халифа зўрлик била тасарруфиға киргизубдур. Бу жиҳатдин, ҳукм этмоқда таваққуф кўргузди.

Халифа деди: Гувоҳлар ўтди, эмди таваққуф сабаби недур. Қози чун билур эрдиким, халифа онт ичмагусидур ва бул табдир била ҳақни ўз жойига еткусидур. Охир қози деди: Муддаини айтадурким, халифа гувоҳларининг содиқлиғига онт ичсун. Халифа деди: Магар қозининг мазҳаби будурму. Қози деди: Ибн Абулайми мундоғ эрди ва мазҳаби бу эрди. Халифа бу сўзни эшитгандин сўнг онт ичмади ва боғни эгасига тошшурди.

ҲИКОЯТ

Бир муаллим ва бир тиркашбанд бир ғулом устида низо қилур эрдилар. Икковининг ҳам гувоси йўқ эди. Қози Абу Юсуфни олдиға келдилар. Қози ғуломға деди: Довотға сув солғил. Ғулом муаллимдин кўрганидек, таълим била бир оз сув солди. Қози ғуломни муаллимга берди. Нединким, агар тиркашбанднинг ғуломи бўлса эрди, доводға қонда била сув сола билмас эрди. Барча ақобирға писандида тушти.

ҲИКОЯТ

Бир кун икки киши бир ўрдакни устида низо қилдилар ва ҳар бири дер эрдиким — менинг ўрдагимдур. Икковининг ҳам гувоси йўқ эрди. Имом Муҳаммад Раҳматуллоҳу олдиға бордилар. Имом буюрдиким, бу ўрдакни Дажла канориға элтуб Айлат тарафига раҳот қилиб юборсулар. Ҳар кимни уйига борса анинг мулкидур.

ҲИКОЯТ

Соҳиб тарих Аббосий Муҳаммад бин Абдувоҳид Ҳошмийдин нақл қилибдурким, Муътазид халифанинг

умаросидин бир муқарраб амирида хеле нақдим бордур. Ҳеч тариқа била ул мол манга етишмади. Ва ҳар неча ким умаро ва аркони давлат ул бобда саъю қўшиш кўргуздилар, фойда қилмади. Аммо бир дўстим ҳавохоҳлиқ юзидин мани тутуб масжиди «Савкул-салос»да Шайх Хаётининг олдида бу можарони айтти. Дарҳол Шайх мани ҳамроҳ қилиб амирнинг уйига озим бўлди. Ва ман ўзимга дедим. Шайх борган била на фойда бўлур. Баҳарҳол амирнинг уйига бордуқ ва чун амирга шайхнинг келганидин хабар бердилар. Амир сачраб туруб ва чобуклик била югуриб ани оғушига чекти ва тасдеъ чекиб келганин сабабин сўрди. Шайх иноят била деди: Нечун бу фақирнинг зарин бермассан, Амир дарқабул қилиб, ёнинда бор нақдин берди ва қолгани учун кироз қўйди. Ман ҳайрон бўлуб хуш-хуррам Шайх била қайтдим ва ниёзи тамом била ҳамул воқеа сабабин сўрдим. Шайх деди: Бир кеча бир турк бир хотунни тутуб бир масжид ичига зўрлиғ била тортар. Ҳар нечаким хотун йиғлайдур, ул золим ондин илик кўтармайдур. Ва ман шафоат учун бордим. Манга кўп ранж берди ва охир масжид ўчоқига чиқиб қаттиғун бирла қичқуруб азон айтдим. Токим халойиқ тонг отмиш гумон қилиб масжидга келгайлар ва ул мазлумни ул золим чангалидин қутқаргайлар. Иттифоқо, менинг овозим муътазид халифанинг қулоқига етмиш. Мани чақириб кўп иноят қилиб деди: Не учун бевақт азон айтурсан ва мусулмонларга ғалат тасдеъ берурсан. Ва ман чун воқеани арз қилдим. Кўп-кўп истехсон кўргузди ва ул туркни чақириб кўп сиёсат қилди ва манга деди: Ҳар вақт бир кишидан номашруъ иш кўрсанг ва ё қавийдин заифга ситам етганин мушоҳада қилсанг, азон айтгил. То ман огоҳлиғ топиб, зулм ва ситамни рафъ қилгайман. Бу тариқа била барча овому ва навоҳида манга итоат кўргузди. Раҳмат қилсун худой таоло одил Султонга ва анга итоат қилган кишиларга.

ҲИКОЯТ

Доно муаррихлардин манқулдурким, Муътазид халифа ўз хилофати айёмида Қосим бин Абдуллоҳниким ўз асрининг доноси эрди, ўзиға вазир қилди. Бовужуд мундоқ улуг мансабга етса ҳам йигитлик замонининг

муқтазоси била ҳалойи ва маноҳийға иртикоб кўргузди. Бир кеча ўз ҳарам саройида ҳарир либос кийиб шароб ичиб нағмасаро парипайкарлар била ишрат қилиб кечани комронлиғ била ўткарди. Ва тонг отгондин сўнг ҳамишаги дастур била халифанинг хизматиға келди. Халифанинг ишорати била бир ходим анга деди: Амирал мўминин айтадурким, вазир кеча яхши мажлис тузди. Агар бизларни ҳам огоҳ қилса на бўлғай эрди, то бизлар ҳам жомаи ҳарир кийиб анга харифлик қилғай эрдук. Вазир дедиким, жаноби хилофотдин бу эҳтиромниким кўрарман, менинг гузашта ва ояндаларимға танбеҳдур. Йўқса бу бандага ул густоҳлик қайдаким ҳаммажлис бўлуб халифа бирла ишрат қилгайман. Бир замондин сўнг андиша қилдим ва мутаҳаййир бўлуб уйга қайтди ва деди: Ҳар нечаким бу зор ахфосида кўшиш қилдим, ошкора бўлуб амирал мўминнинг қулоқиға етди. Чун ўзимда мундоқ пинҳон қилган ишим пўшида қолмаса. Агар ошкора мулку молға тасарруф қўлин узатсам на янглиғ махфий қолур ва бу сирни бир мўътамад кишисигаким анинг ақлу донишмандиға эътимоди бор эрди, айтиб тарғиб қилдиким ҳамул сирни фош қилган кишини топғил ва ул бир гўшада мунтазир бўлуб ўлтурди. Ногоҳ бир кишини кўрдиким оёқсизлардек бўлуб ерда қуйруқи била судралиб юрур. Чун саройнинг эшигига келди, фаррошлар эшик олдиға сув сепар эрдилар. Бир соат алар била ҳазил ва мутойиба қилди ва вазирнинг ҳолидин сўрди. Андин дарбоннинг ёниға келди. Бир замон ани ҳазил била кулдирди. Ва дахл омизиш қилиб вазирнинг аҳволин сўрди. Андоқ маълум қилдиким, кеча хизматидаким борин ва на иш қилғонин билди. Ва андин ўтуб ошпазнинг олдиға келиб ани доғи бир неча лутфомиз сўз била хушвақт қилиб, бир оз таом олиб еди ва қайтиб оҳиста-оҳиста судралиб кўчага етди. Аёқ устиға туриб равонлиғ била юриб халифанинг эшигига борди ва бир ходим чиқиб анинг қўлиға бир қоғоз берди ва ул вазирнинг барча аҳвол ва ихтиёрларни ҳамул қоғозга шарҳ била ёзиб қайтди. Вазирнинг ҳамул кишиси барчасин муойина кўруб, сўнгги кун яна эртанг била бориб ҳамул ерда интизор тониб ўлтурди. Ногоҳ ул киши яна судралиб лангон-лангон етишди. Дарҳол они тутиб вазирнинг олдиға олиб борди ва кўрган аҳволини айтди. Вазир анга деди: На кишидурсан? Ул айтди: Манга амон берғил,

то аҳволимни тақрир қиламан. Вазир деди: Амон бердим, рост айтғил ва бир дақиқани пинҳон қўймагил. Ул деди: ман ҳошимийдурман. Масканим фалон ман зуъдадур. Дорулхилофадин ҳар ойда эллик тиллоин сурх манга узра берурулар. Бир кун этронг бу либос била уйимдан чиқарман. Ва бу тариқа била маълум бўлди. Барча аҳволин билиб ва қоғозга ёзиб халифанинг олдиға юборурман. Вазир ани ҳибс этиб, воқеани махфий тутди ва анинг уйиға бир кишини жонсўзликға юборди ва ул киши бориб, кечрак келиб деди: Анинг эшигига бориб ўлтурдим. Шом аввалида бир ходимким, ҳар кеч келмак одати эркан келди ва қичқурди. Бир канизак чиқиб деди: Бугун хожамиз келмади. Ул ҳаргиз уйдин кеча ғойиб бўлмас эрди. На воқеа ҳодис бўлганинг билмадук. Ходим қайтиб кетди, ман ҳам қайтдим. Ва сўнгги кеч анинг эшикидин ўтдум. Барча ақрабоси йиғналиб улуғ мотам бўлубтур. Алқисса, вазир чун хилофот даргоҳиға борди, анга халифанинг кўзи тушкач ёниға чақириб деди: менинг жоним учун Ҳошимийни юборгил ва анинг жониға эҳсон қилғил ва мундин буён сан мандин эмин бўлғил ва санга ҳеч зарар етишмагусидур. Вазир ерни ўлуб худоға шукур қилдиким, ақлимға иш буюриб ани ўлтирмадим ва уйига бориб анга сару пой кийдуруб кунинъом бериб юборди. Ва андин сўнг вазирнинг воқеоти хабари халифаға етушди ва анинг фаросати маълум бўлди. Ва бу ҳикоятлардин равшан бўлурким, лозимдур подшо барча умурда ўз ҳазратининг махсус ва муқаррабларидин ва аларнинг аҳволидин ғофил бўлмағай. То аларни яхшиликға буюриб, ёмонликдин манъ қилғай. Ва оқил вазир ултурким барча ишда ҳушёр ва бедор бўлғай ва агар душманиға даст тонса, анинг таадиб ва тааззибида сабр ва оҳисталиғ қилғай. Нединким, агар вазир ҳошимийнинг ўлтурса эрди ва ё ранж ва азоб еткурса эрди, минг надоматлар на пушаймонлиғлар кўргузса, анга ҳеч фойда ҳосил бўлмас эрди. Чун ул бобда сабр ва таволий қилди, эътибори баланд бўлди.

ҲИКОЯТ

Бир киши Бағдод дорул-хилофасиға келиб бир ринтаға терилган лўўлулар иқдиким қиймати минг тилло эрди, сотиб Маккаи муаззамаға кетар бўлди. Итти

фоқо, сота билмади. Ноилож бир атторнинг олдиға бордиким диёнатда машхур эрди. Анга амонат тариқаси била топшуруб, мақсад йўлиға қадам қўйди. Бир неча муддатдин сўнг қайтиб келди ва ул тараф ҳадиясиндин бир оз олиб атторнинг қошнға келиб салом берди. Аттор тағофил кўргузиб: Сан кимсан, на ишга келдинг? — деди. Ул жавоб бердиким, ман ул лўълулар иқди эгасиманким Маккага кетар ҳамгомда санга топшурмиш эрдим. Бу аснода кўп киши жамъ бўлуб ҳар тарафдин қоҳиш ва сарзаниш қилдиларким, бу аттор бағоят солиҳманд кишидур. То бу вақтгача сандин ўзга ҳеч киши ани хиёнатға мансуб қилмамишдур. Энди агар мундин буён ҳар вақт мундоқ сўздин бир ҳарф зоҳир қилсанг, таёқ зарбидин ўзга ҳеч нимарса кўрмагунгдур. Ногоҳ бир киши анга дедиким, ўзингни Азуд-ад-давланинг олдиға еткуруб, бу мажорони айтсинг. Албатта, ул фаросат юзидин бир тадбир қилгайким, ул тадбирдин ҳақ сўз зоҳир бўлгай ва сан матлабни етгайсан. Ночор бечора ҳожи ўз қиссасин бир қоғозпораға ёзиб, бир узун чўпнинг учиға боғлаб бориб подшоҳнинг муқобаласида турди. Азуд-ад-давла ани чақириб сўз ҳақиқатиға етгандин сўнг тасаллий бериб деди: Бориб атторнинг дўконида то уч кунгача ўлтургил. Тўртнамчи кун ман сайр этиб ул ерга борурман ва санга салом берурман. Ва сан манга салом жавобидин бошқа ҳеч таъзим ва тавозеъ қилмағил ва ман ўтуб кетгандин сўнг иқди лўълу зикрин ўртаға солғил. Ва аттор ҳарна сўз деса, келиб манга айтғил. Ва ҳожи муқаррар бўлгон дастур била аттор дўкониға бориб уч кунгача ўлтурди. Тўртинчи кун Азуд-ад-давла дабдабаи подшоғлиғ била келиб, Ҳожини кўргач, отини жилавин тортиб таваққуф қилди. Ва тамоми лашкари ҳам турдилар. Азуд-ад-давла деди: Ассалому алайкум ҳожи. Салом жавобидин ўзга ҳеч сўз демади. Азуд-ад-давла камоли мулойимат ва шафқат била деди: Эй биродар, на бўлдиким ҳаргиз манинг олдимға келмассан ва ҳеч матлаб ва мақсадингни манга арз қилмассан. Ҳожи деди: Интифоқо шундог бўлди ва андин бошқа ҳеч сўз тилга келтурмади. Аттор бу ҳолни кўруб изтиробға тушди ва яқин билдиким, ўлар вақти ёвуқ етушти. Ноилож Азуд-ад-давла ўтуб кетгандин сўнг ҳожиға деди: Нисби манга бағоят ғолибдур. Иқди лўълу топшурғанинг кайфиятин янгидин айтғил, шоядким ёдимға тушгай. Ҳожи ибтидодин интиҳоғача баён этди. Аттор туруб

кўп жустужўдин сўнг ҳамул иқдни ўзга ашё ва дорулар аросидин тортиб чиқарди ва унутубман, деб онт ичди анга топшурди ва ул олиб Азуд-ад-давланинг олдида келди ва тамоми можарони тақрир қилди. Азуд-ад-давла Атторға танбеҳ бериб ва иқди лўълунни бўйнига болаб дўкони олдида дорға чекти ва жор қичқуртурдиким сазойи кишики кишининг амонатин олиб сақлаб, талаб қилгон вақтда инкор этгай ва ул иқдни эгасига топшурди.

ҲИКОЯТ

Азуд-ад-давланинг бир ғуломи бор эрдиким, бағони муқарраб ва баланд мартаба эрди. Иттифоқо, ул ғуломнинг бошига бир хотуннинг ҳавоси тушуб ани қўлга олмоқ учун изида бўлди ва бир жамоани қўйди. То ўртада туруб они ром этмакда кўп макр-ҳийла била тадбирлар қилдилар. Ва чун ибромлари ҳаддин ўтди, ул покниҳод хотун аларнинг фусун ва фасонаси била жўйдин туруб тебранмади. Охир ул воқеани эрига изҳор қилди. Эр бир ҳийла фикр этиб хотунига таълим бердиким, сан ани уйингга талаб қилким ман анинг ишини фикрин қилмишман. Хотун ул жамоағаким ғулом тарафидин келиб-кетар эрдилар, дедиким: Ман эримнинг қўрқунчидин уйдин чиқа олмасман. Агар анинг менинги сиҳҳатимга майли бўлса, эрим уйдин чиқиб кетган вақтда келсун. Ғулом бу муждани эшитиб васл ваъдасин ёвуқ кўруб нишоти хуррамликдин тўнига сиғмай вақти мавъуд етгач, ул нопок бетаҳоши манзили мақсудга мутаважжих бўлди. Ва чун уй эгаси бурунроқ дарвозанинг ёвуқида бир чуқур қудуқ қазиб эрди, бир тарафда камин қилиб ўлтурмиш эрди. Ногоҳ ғулом шанқи тамом била келди. Ул камингоҳдин чиқиб ҳамул бад фаржомни тутуб қудуққа ташлади ва ани туфроқ ва хошак бирла кўмди. Алқисса, чун ғуломнинг йўқ бўлгани Азуд-ад-давлаға етушти. Ҳарнечаким тафаҳхуслар ва таҳсинлар қилди, ҳеч асаре бўлмади. То улким бир кун фикру андиша қилиб ўлтуруб, ногоҳ муаззин балаид овоз бирла азон айтди. Азуд-ад-давла арбобул давла малаҳмун муқтазоси била бир жамоани буюрди, то муаззинни заҳри ҳақорат бирла келтурингларким, ғуломимни қотили улдур: чун шиддат бирла бориб муаззинни олиб келдилар. Азуд-ад-давла қаҳр ва ғазаб бирла анга боқиб, итоб ва хитоб оғоз қилдиким, не учун менинги ғуломимни ўлтурдинг. Бечора муаззин ҳар неча

онт ичдиким, эй амир, бу воқеадин менинг ҳеч хабарим йўқ. Азуд-ад-давла анинг сўзиға қулоқ солмади. Зиндонға юборди. Ва сўнгроқ хилватда чақриб дилдорлиғ кўргузуб ва тасаллий бериб деди: Ман билурманким, сенинг ғуломдин хабаринг йўқдур. Аммо бир тадбир кўнглумға келибдур. Шоядким бу иш зимнида ғулом ҳолидин огоҳлик ҳосил бўлғай. Эмди ўз уйингға борғил, иншоллоҳ вақти бирла кўрган ҳақоратларинг талофийси қилғай ва бир жамоани ҳамроҳ қилиб юборди. Ва анга деди: Ҳар ким бурун сенинг ҳолингни сўраб келиб десаким Азуд-ад-давла сани ғулом қатли учун тутуб на сўз деди: Ани тутуб бизни кишиларимизға ҳамроҳ топшурғил. Вақтеким муаззин уйиға келғай. Филҳол ғуломнинг қотили изтироб бирла келиб андоқ сўрдиким сани ғулом қатли учун туҳмати бирла тутуб эрдилар, нечук халос бўлдинг. Муаззин деди: Ул сабабдин халос бўлдимким, бу мани ҳақимда маҳзи туҳмат эрди. Ул аснода муаззинга ҳамроҳ келган Азуд-ад-давланинг кишилари ул кишини тутуб Азуд-ад-давланинг олдига келтурдилар ва ул оз таҳдид ва тафтишдин сўнг ҳол ҳақиқатин ҳеч табдил ва тағйир бермай арз этти. Азуд-ад-давла анинг ишиға таҳсин қилиб ва рноя кўргузуб рухсат берди.

ҲИҚОЯТ

Манқулдурким бир киши Султон Маҳмуд Ғозийнинг олдига келиб арз қилдиким, икки минг тилло киссаға солиб оғзин боғлаб муҳримни босиб шаҳар қозисига амонат топширдим. Ва ўзим Ҳиндустонға кетмиш эрдим. Ўл асносида қароқчилар ғорат қилдилар. Қайтиб келгандин сўнг ҳамул амонат қўйған киссани қозидин олиб оғзин очдим. Солиб қўйған олтинлар мис чиқди. Дарҳол қозининг олдига бориб дедим. Ман санга зар топшируб эрдим. Сан манга мисни берурмисан. Қози деди: Манга топшурған вақтда кўргузганинг йўқ эрди ва муҳрлиқ кисса манга келтуруб бердинг ва ман ани ҳамул ҳолда сақладим ва санга топшурур вақтда сандин сўрдим. Бу кисса сенинг киссанг турурму? Сан дединг: Менинг киссамдур. Эмди даъво қилиб келибдурсан, деб қоҳиш қилди. Эмди подшоҳи адолатпаноҳнинг карамидин умидворманким менинг фарёдимға етғай ва додимни қозидин олғай. Нединким бу хасоратға менинг тоқатим йўқтур. Султон ани эшитгач, бағоят малул ва мутафаккир бў-

луб дедимким: кўнглунгни фориг тутким, бу иш тадбири менинг бўйнуғадур ва киссани келтуруб олдимда қўйғил. То бу сир кайфияти маълум бўлғунча ҳар кун учинон ва ҳар ойда ўн тилло хазинадин олғил. Ва андин сўнг андиша қилиб кўнглиға келтурдиким, киссани тешиб зарни олибдурлар ва руфу қилибдурлар. Тахтнинг устиға бир гаронбаҳо кўрфа тўшалмиш эрди. Ани йиртиб шикорға отланди. Ва бир фаррошким ҳамул кун жой тўшаб йиғнамоқ анинг навбати эрди, келиб кўрфача йиртилибдур, қаттиқ дилтанг бўлди. Андоқ кўрқдиким, аъзосиға ларза тушди. Яна бир фаррош андин сўрдиким санга на воқеа бўлди. Ул деди: бир иш юл бермишким, ани изҳор қилмоқ манга бағоят душвордур. Деди: Қўрқмағил, айтғил, шоядким ани тадорик топилғай ва сан бало вартасидин раҳолиқ топғайсан. Ул деди: Бир ноҳанжос ва сабоъ киши подшонинг махсус кўрфачасин йиртибдур. Агар султон билса, яқиндур мани ўлимға буюрғай, деди. Сандин ўзга киши ани билдиму? Ул деди: Йўқ, деди. Кўнглингни фориг тутким анинг чорасин санга кўргузурман. Бу шаҳарда Аҳмад отлиғ бир руфугар бордур ва ўз ҳунарида бағоят моҳирдур. Кўрфачани анга топшуруб кўпроқ музд берғил, то андоғ руфу қилсинким ҳеч хурдабин тараддул қилиб анинг тўкулған ерин идрок эта олмасун. Дарҳол кўрфани Аҳмаднинг дўкониға олиб борди ва деди: Ҳармиқдор музд олсанг олғил, бу мушкул ишим осон қилғил. Ул тилло талаб қилди. Бу деди: Бир тилло олғил ва андоғ руфу қилғилким ани фарқ этмакда барчанин ақли ва идроки ожиз ва мўтъаззир бўлсин. Аҳмад ваъда муқтазоси била сўнги кун кўрфачани келтуруб аввалғи дастурда тахт устиға тўшади. Ва чун султон сайдгоҳдин қайтиб давлат қасриға келди. Кўрфачани бурунгидек дуруст кўрди. Фаррошдин сўрдиким, бу йиртилган эрди, ким руфу қилди. Ул тиладиким, тағофил кўргузуб, махфий тутуғон эрди. Подшо деди: Эй содда лавх, сан ҳеч андиша қилмағилким, мани кўрфачани йиртғоним бир ишнинг маслаҳати учун эрди. Ночор ул руфугарни нишон берди. Султон руфугарни чақириб сўрдиким, бу йил оғзиға муҳр босилган бир кисса қилдунгму? Ул деди: Қози шаҳар ичи тўла оғзи муҳрлиқ, бир тарафи йиртиқ бир кисса манга берди. Мен ани руфу қилдим. Султон деди: Агар киссани кўрсанг танурмисан, деди. Танурман. Чун киссани кўргуздилар. Дедиким: ҳамул киссадур. Султон анинг санъатиға та-

ажжуб кўргузди ва дарҳол қозини олдиға чақирди ва кисса эгасин ҳам талаб қилди. Ва қозиға деди: Сан олим бўлсанг, ман сенинг дину диёнатингга эътимод қилиб қозилик хизматим топшурсам, равомуким хиёнат қилгайсан. Ва амонат шартим бажо келтирмагайсан ва бир мусулмоннинг молин олгайсан ва ани маҳрум қилгайсан.

Қози деди: Хидованд, мани хиёнат қилди, деб ким айтадур? Султон деди: Ман айтурман. Андин сўнг киссани чиқариб руфуни кўргазди. Қози анинг била ҳам инкордин қайтиб иқроп этмади. Султон кисса эгаси била руфугарни чақириб қозиға деди: Инанг зар эгаси, инанг руфугар. Қози шармсор бўлуб андомиға ларза тушди. Султон деди: Бу итни тутинг ва муваккил бўлунг, то бу кишини заррин берсун. Қозини султонинг олдидин ташқари чиқардилар. Дарҳол икки минг тиллони топиб, киссани эгасига бердилар. Ва сўнгги кун султон буюрди. Қозии хоинни аёқидин сарнагун осдилар.

Ва муқарраблардин бир жамоа ани кўруб тилаб ўлумдин қутқардилар ва ул ўзин беш минг тиллоға сотгун олди. Ва ул зарни ондин олиб, ўзин юртдин ихрож қилдилар.

ХИКОЯТ

Бир кун бир киши оғзига муҳр босилган бир киссани бир ошносининг олдиға келтуруб амонат топшириб деди: Бу киссада минг тилло бордур. Ўзи сафарға азимат қилди. Ва сафарининг муддати узоқға чекди. Ул киши тиладиким, ҳамул амонат қўйилган молни ўз ҳавойиға сарф қилгай. Аммо эгаси бир вақт келиб талаб қилур, деб хавф этиб бир ҳийла қилиб киссани бир тарафдин тешиб тиллони олиб, ўрниға танга солиб, яна киссани тикиб бетафовут аввалғидек қилди. Иттифоқо, амонат қўйган киши ҳозир бўлди ва киссани талаб қилди. Ул киши киссани олғанидек чиқариб, зар эгаси киссани очиб ул ҳолдин воқиф бўлуб деди: Тиллонинг ўрниға танга берурмусан, деди. Ул инкор этди ва Восит шаҳрининг қозисиким бағоят диёнат ва фаросатлиқ киши эрди, анинг олдиға бориб мурофаа қилдилар. Қози амонат қўйгон кишидин сўрдиким, сафаринг муддатин баён қил. Ул деди: Ўн беш йил бўлди. Қози киссани олиб тангаларни саналариға назар қилди. Кўрдиким, аларнинг сиккасиға икки йил ё уч йилдин зиёда бўлмамиш-

дур. Қози фаросат била билиб, зарни олиб амонат то
ширған кишига берди ва ани таъзир қилиб қичқиртурди
шаҳарнинг атроф ва жавонибин айлантурдилар.

ҲИКОЯТ

Келтурубдурким, Қирмон биёбонида бир жамоа қа
роқчи жамъ бўлуб йўл урар эрдилар ва мусофир ва
мутараддудларга кўп заҳмат еткурур эрдилар. Султон
Маъсуд бин Султон Маҳмуд Ғазнавийким Ироқда фар
монбардор эрди. Ҳар вақт қароқчилар дафъи учун у
тарафга лашкар юборур эрди. Уғрилар қочиб топтурма
эрди. Ложарам ул фасодпешалар дафъи андишасин
қилиб буюрдиким, бир хирвор Исфаҳон олмасин заҳ
ролуд қилиб ул тарафга озим бўлган карвон бирла
бериб юборгайлар. Ва бир гуруҳга айтиб юбордиким,
карвон уғрилар масканига ёвуқ етган вақтда сизлар
илгари ўтуб кетинг. Андоғким, қароқчи келиб карвонини
урсун ва банд қилсунлар. Ва маълумдурким ул саҳро
да олмани ғанимат билиб, ҳар бирининг устида жон
бергайлар. Андин сўнг қайтиб келиб карвоннинг бандин
очинглар ва заҳардин омон қолган уғриларни ўлтирини
лар. Ул жамоанинг молини оларга беринглар. Ва чун
қароқчилар йўл уруб, карвонга ғолиб бўлуб барча кар
вонни дасти тасарруфига олиб чун олмаларни кўрди
лар, ҳаммалари ўлтуруб еб жонларин молики дўзахга
топшурдилар. Бу аснода мазкур жамоаким андак ил
гари кетиб эрдилар, қайтиб чусту чобуклик била келиб
султоннинг амрин бажо келтурдилар. Бу тадбир била
ҳеч лашкар ранж кўрмади. Қароқчилар дарки асфалга
бордилар ва раҳгузарлар ул гумроҳларнинг шарридин
нажот топдилар. Мундин сўнг маълум бўлдиким, ҳийла
ва тадбир била ул миқдор иш битарким тир ва шам
шир била битмас.

ҲИКОЯТ

Муҳаммад бин Абдулмолик Ҳамадоний ўз тарихинд
келтурубдурким, Султон Малик шоҳ бин султон Арслон
Салжуқийнинг олдига келиб айланиб борур ҳолда фар
ёд қилиб арз қилдиким, бир неча дирамим бор эрди,

анга бир тарсо сотғун олиб эрдим, бир неча турк ғуломлар ани мандин босиб олдилар. Султон анга ҳеч ним урма, деб ишорат қилди. Ва бир фаррошга деди: Ҳуғлум тарбуз тилайдур. Лашкар аҳли ҳар кимда бор деса, олиб келтур. Фаррош бориб бир лаҳзадин сўнг тарбуз келтурди. Султон сўрадиким, қайдин келтурдинг? Фаррош деди: Фалон амирнинг олдидин келтурдим. Султон амирни чақириб деди: Санга тарбузни ким берди? Деди: Ғуломларим келтурди. Султон бориб ғуломларингни келтур, деди. Ул бир неча тарадуддин сўнг олиб деди: Қочибдурлар. Султон додхоҳга деди: Ғуломларни келтирмаган гувоҳси сабабидин амирни санга вағишладим. Агар банда қилиб иш буюрмай юборсанг, бошингни баданингдан жудо қилурман. Ва ул амирнинг қўлини тутуб ташқари олиб чиқди. Амир уч юз тилло додхоҳга бериб андин ўзин сотғун олди. Додхоҳ султоннинг хизматиға келиб арз эттиким, бу ғуломимни уч ва тиллоға сотдим. Ризолиқ биламу ё икрох биламу,— деди. Ризолиқ била, деди.

ҲИКОЯТ

Табаристонда бир киши бор эрдиким, ақзул қуззот Абул Аббос Рўёний дер эрдилар ва кўп машҳур ва муттаддин ва олим ва парҳезкор эрди. Бир кун бир киши анинг олдиға келиб яна бир одамға юз тилло даъво қилди. Ва қози андин сўрди, ул инкор қилди. Қози муддаидин сўрдиким гувоҳинг борму? Ул деди: Йўқ. Қози деди: Андоқ эрса, хасмға онт берғил. Муддаий фарёд кўтариб, гиря ва шеван оғоз қилиб деди:

Онт бермағилким, ул ёлғондин онт ичар ва ҳеч хавф қилмайдур. Қози деди: Ман шариятдин ташқари чиқмасман. Санга гувоҳ ўткармак керак ё анга онт бермак керак.

Муддаий қозидин бу сўзни эшитиб ўзин туфроқға ташлаб зорлиқ била ва беқарорлиқ била деди: Манда гувоҳ йўқдур ва ул ёлғон онт ичадур, ман мазлум бўлуб қолурман. Албатта, менинг қоним сенинг бўйунгғадур. Менинг ишимга бир тадбир қилғил. Қози гумон этдиким анинг сўзи ростдур. Деди: Ўтган қисса аввалидан баён қил, то бу ишнинг аслин на эрканин билайин. Ул деди: Қозининг умри узун бўлсунким, бу киши неча йил менинг била дўст эрди. Иттифоқо бир канизакка ошиқ

бўлди. Ул канизакнинг баҳоси юз эллик тилло эрди ва анинг эллик тиллодан ўзга ҳеч нимарсаси йўқ эрди. Оқшом кундуз шефтлардек зорлиғ ва беқарорлиғ бир ла йиғлар эрди. Бир куп ҳамроҳ бўлуб саҳро сайрига чиқдук. Бир соат бир ерда ўлтирдук. Ул манга канизакнинг сўзин айтар эрди ва кўзидин тинмай синар тўкар эрди. Ман анинг ҳолиға кўнглум куйиб дедим. Сенинг қўлингда канизакнинг тамоми баҳосига синар зар йўқдур ва манинг қўлимда ҳам нақдим олдур. Сенинг мандин ўзга парво қилғудек кишинг йўқдур ва ман тамоми умримда ранж ва машаққатлар чекиб ва тилло жамъ этибман, ани санга берурман, ўзгасин ўзини топиб анга қўшуб ҳамул канизакни сотғун олгил. Ва бир ой анинг бирла муродингни ҳосил қил. Ондин сўнги сотиб менинг заримни берғил. Ва чун мандин бу сўзин эшитди, менинг олдимда туфроқға юмаланиб кўп йиллади ва онт ичтиким бир ой ани сақлаб андин сўнги хоҳ фойда ва хоҳ зарар сотиб зарингни берурман. Дар ҳол зарни белимдан эшиб анга бердим. Ул жойда ман ва ул худодин бошқа киши йўқ эрди. Эмди тўрт ой бўлубдур, ҳануз канизакни сотмайдур ва менинг заримни ҳам бермайдур.

Қози деди: Анга зарни берур вақтда қайси жойда ўлтуруб эрдинг. Деди ул: бир дарахтнинг остида. Қози деди:—Чун дарахтнинг остида эркан, сан нечун гувоҳим йўқ, дерсан. Андин сўнг анинг олдида ўлтуруб муздайға деди: Ул дарахтнинг остиға борғил ва икки ракаат намоз ўқуғил, юз маротаба салавати шарифини айтғил. Андин сўнг анга дегил. Сани қози чақирадур, келғил, гувоҳлик берғил. У чоғда Хусам табассум қилди. Қози кўруб ўзин тағофилға солди. Муддаий деди: Эй қози, қўрқарманким ул дарахт санинг амринг бирла келмагай. Қози деди: Менинг муҳримни элтиб дегилким, бу қозининг муҳридир. Айтадурким келгин ва менинг олдимға гувоҳлик берғил. Муддаий муҳрин олиб кетди ва Хусам қозининг олдиға ўлтурди. Ва қози ўзга ишларга машғул бўлди. Нөгоҳ ул кишидин сўрдиким, ҳамул кетган одам ул дарахтға етганму эркан. Ул деди: Ҳануз етган эрмасдур. Алқисса, ул борди ва қозининг муҳрин дарахтға арз қилди ва деди: Сани қози чақирадур. Бир замон ўлтурди, дарахтдин ҳеч жавоб эшитмади ва бағоят ғамгин бўлуб қайтди. Ва қозининг олдиға келиб деди: Муҳрини дарахтға арз қилдим, келмади ва ҳеч жавоб бермади. Қози деди:

Дарахт келиб гувоҳлик берди, сан кўрмай қолдинг. Андин сўнг Хусамнинг тарафиға қараб деди: Бул кишининг ҳақин бергил, йўқса канизакни сотиб анинг зарин бергил. Ул киши деди: То ман ул ерда ўлтирғали ҳеч дарахт келмади ва гувоҳлик бермади. Қози деди: Рост айтурсан, дарахт келмади. Агар сан ул кишининг ҳамул дарахт остида зар олмаган бўлсанг эрди, сўрган вақтда печун ул қайси дарахт демассан ва айтурсанким етишмамишдур. Бундин зоҳир бўлур, ҳақ ул тарафадур. Андин сўнг ул киши мулзам бўлуб онинг зарин берди.

ҲИКОЯТ

Муҳаммад бин Авфий «Жомеъ ул-ҳикоёт»да келтурбурким, Моварауннаҳр вилоятининг волийси Тамғочхон бағоят азимулшон ва зобит ва сиёсатлиқ подшо эрди. Анинг асри амн оройиш била машҳур ва маъруф эрди. Чун анинг сиёсати осори ер юзиға етушди ўғрилар, қароқчиларнинг кўпраки теги тез дамидин ўтдилар. Ложарам, алардин бир жамоа бир навбат Самарқанд қалъаси дарвозасиға ёздиларким, бизлар черикдурмиз. Ҳар неча ким бизларни бошимизни кўпроқ кессангизлар, кўпроқ бош чиқарурмиз, чун Тамғочхон ул хатни кўрди, буюрди, то анинг остиға ёздиларким, бизлар бағоят моҳир боғбондекдурмиз. Ҳар нечаким сизлар кўпроқ бош чиқарсанглар, бизлар кўпроқ кесармиз.

Андин сўнг кўп муддат андиша қилиб маҳрамларининг бириға деди. Неча умрдурким, ман сиёсат тегин интиқом наёмидин чекмишман. Бағоят зебо ва барно йигитларни озгина хиёнати учун ўлтурмишман ва букун аларға муҳтож бўлмишдурман. Нединким кўкар хисорининг улуси хилофатдин дам урарлар ва исён ва туғён кўргузмак қасд этмишлар. Эмди ўғрилар сарҳангининг бирини пайдо қилким тарбият қилурман. Ва ул ишға борғудек кишилар қолган бўлса, жамъ қилсун. То барчасин карамдин мурод ва мақсудиға еткузурман. Иттифоқо, бир сарҳангниким барча ўғрилар ва шабравларнинг сархили эрди ва хоннинг салтанати айёмида сиёсати бимидин ўзининг ёмон аҳволидин тавба қилиб бир гўшада ўлтурмиш эрди: Ва тўрт ўғли бор эрди, ҳар бири бир касбға машғул эрди, барчасин келтурди. Ва хон анга ва ўғиллариға яхши хилъатлар кийдириб навозишлар била сарфароз қилди. Ва хоннинг дарго-

ҳида қурб ва манзилатлар топиб пояи эътибори баланд бўлгандин сўнг хон анга буюрдиким, ҳар ерда ўғри ва айёр пеша бўлса, жамъ этгил. То барчасин ўз ишонимга махсус қилурман. Ул сарҳанг Моварауннаҳр вилоятида ҳар ўғри ва айёр пешаким бор эрди, жамъ этиб арз қилдиким, уч юз шужоъ далер, хунхор, ханжаргузор ҳар тарафдин келиб жамъ бўлубдурлар. Ҳар вақт буюрсангиз, ҳозир қилурман. Хон анга деди: Келтургил, то ҳар бирига сарупой бериб, ҳар қайсига бир хизмат буюрарман. Ул барча ўғрини даргоҳга келтурди ва чун хон мажлисига кирдилар. Хилъатдор аларнинг хилъатхонага элтмак баҳонаси била ўзга элтиб гуруҳ-гуруҳ тутар эрдилар. То уч юзини ҳам банд этдилар. Андин сўнг ул сарҳангни угуллари била муқаййид қилдилар ва барчасин бирдин теги обдор дамидин ўткардилар. Ва дерларким, Самарқанд андин улуғроқ сиёсатни ҳеч ким кўрмайдур. Ва бу сиёсат била ўғрилардин асло нишон қолмади. Ва ондин сўнг ҳеч кишини бир тангаси зоеъ бўлмади.

ҲИКОЯТ

Мастонсар халифанинг хилофоти айёмнда Маккада Қаришдин бир киши бебок эркакларни ва нопок хотинларни ўз уйиға келтурур эрди. То алар ҳар бирлари шароб ичиб суҳбат қилур эрдилар. Бир жамоа бу қиссани Шом волийсининг қулоқиға еткурдилар. Волий онн Маккадан қовуб чиқариб юборди. Ва ул Арофатда маккан тутди, яна бурунғи ишиға машғул бўлди. Ва мазкур жамоа сурати ҳолини волиға яна арз қилдилар. Волий ул кишини олдиға чақариб деди: Эй худонинг душмани, ман сани мундоғ ношойиста ишлар сабабидин ҳарамдин қувиб, чиқармиш эрдим. Эмди Арофатға бориб фиқ ва фасодға иштиғол кўргузурмисан. Ул жавоб бердиким, бу жамоа ёлғондин айтурлар ва буларнинг манға адовати бордур. Ва ул жамоа дедилар: Эй амир, бир иш қилмоқ керакки, то бизларнинг рост ва ёлғонимиз санга равшан бўлғай. Волий деди: На иш қилмоқ керак? Алар дедилар: Қиракашларнинг эшакларин жамъ этуб, барчасин раҳо қилиб юбормак керак. Агар эшаклар анинг манзилиға борса, амир бизларға тасдиқ кўргузуб, аларға тааддиб ва танбеҳ берсун. Ва агар эшаклар ўзга тарафға кетса, бизлар ёлғончи ва гуноҳкор бўломиз.

Амир ул сўзни қабул қилиб буюрди. То андоқ қилдилар. Ва амирлар келиб волийнинг арзига еткурдиларким барча эшаклар Қаришнинг уйига бордилар. Волий деди: Эмди гумон ўртадан кўтарилди ва буюрди. То ани яланғочлаб тозиёна урғайлар.

Қариш деди: Эй амир, мани урармусан. Амир деди: Бале. Ул деди: Манинг таёқ емагим саҳлдур, аммо амир бадном бўлур. Волий таажжуб била деди: Нечук бадном бўлурман. Ул деди: Араб Билодининг халойиқи, албатта, айтурларким ҳарамда муддаийлар ўз муддаосига инсон иқрорига гувоҳ ўткармакдин ожиз келдилар. Охир Макка ҳокими эшакларнинг гувоҳлиқин эътибор қилди, дерлар: Волий хандон бўлди. Урманг, деди. Аммо бу ёмон афъолидин манъ қилсанг.

ҲИКОЯТ

Бир навбат Султон Аҳмад бин Муҳаммадшоҳ бин Музаффаршоҳ Кажроликим бағоят парҳезкор ва одил ва инсофлиғ киши эрди, кўшк манзариди ўлтурмиш эрди. Кўрдиким, кўшк остидағи оқиб турған ёфда бир неча кўза юмаланиб келадур. Чун Султоннинг амри била ани олдилар. Кўрдилар, бир хумдурким ичига бир ўлукни солиб юбормишлар. Султон бир лаҳза бошин тафаккур яқосиға тортиб кўп андишадин шаҳарнинг барча кўзагарларин ҳозир қилинг, деб буюрди ва ҳозир бўлгондин сўнг ҳар биридин сўрдиким, бу хумни ким тузатди. Бири деди: ман тузатдим. Фалон кишига сотдим. Ва чун ул кишини аввал келтурдилар ва таҳқиқ қилғандин сўнг зоҳир бўлдиким бир баққолни ўлтуруб бу тариқа била сувға ташлабдур ани қасосға еткурдилар ва манқулдурким анинг асрида кўп хуни ноҳақ ноқеа бўлур эрди. Ул воқеадин сўнг анинг қаҳру ғазаби кавфи била ҳеч ким хуни ноҳақға иқдом кўргузмадилар.

ҲИКОЯТ

Бир хотун камоли шиддат ва адоватдин Анбоғ отлиғ ина бир хотунни уйига бир ақшом бир сағир ўғлини ўлдириб ташлади.

Эртонг анга туҳмат қилиб Султон Зайнулобиддин бин Султон Скандар Бутушиканким Кашмирда ҳоким эрди

ва кўп фаросатлиғ киши эрди, анинг олдиға бориб дод-хоҳлиғ қилди. Султоннинг ўзи мутаважжих бўлуб ул Анбоғниким, муттаҳам бўлмиш эрди, хилватға чақириб кўп таҳдид ва тахвиф кўргузуб таҳқиқ дақойиқидин бир дақиқани бекор ўткармади. Ва чун ул хотун мундоғ ямон амалдин беҳабар эрди, сидқин зоҳир қилмоқдин ўзга ҳеч сўз айтмади. Султон деди: Агар сан бизнинг олдимизда яланғоч бўлсанг, санинг сидқингға инонурман. Анбоғ камоли ҳаёдин бошин ошоқға солиб деди: Манга яланғоч бўлгандин ўлган кўп яхшидур ва ўлимға розидурман. Ва лекин бу ишнинг иқрорин ўзимға ихтиёр қила олмасман. Султон андин қўл кўтариб, яна бир хотунниким, даъво қилур эрди, олдиға чақириб деди: Агар сан бу даъвода содиқ бўлсанг, бизнинг ҳузуримизда яланғоч бўл. Хотун ҳеч мулоҳаза қилмай тиладиким яланғоч бўлғай. Султон анга монё бўлуб дедиким, албатта, бу иш мунинг ўзидан содир бўлуб, Анбоғқа туҳмат қилибдур. Чун бир неча тозиёна урдилар. Иқрор қилдиким, бу ишни ўзим қилдум ва Анбоғ бегуноҳдур.

ҲИКОЯТ

Бир вақтда икки биродар Гуволёрда сокин бўлуб эрдилар. Камоли бенаволиғдин танг бўлуб бир вилоят тасҳириға боратурғон бир гуруҳ лашкарға ҳамроҳ бўлдилар. Иттифоқо, ғорат вақтида бир оз зар ва бир неча асил парча ва икки қитъа қимматбаҳо лаъл аларнинг кўлиға тушди. Бир деди: Бизнинг муддаомиз ҳосил бўлди. Эмди нечун сафар меҳнатин чекармиз. Яна бири дедиким, чун аввалғи мартабада мундоғ ғанимат қўлға тушди, сўнгғи мартабада шоядким бундан яхшироқ муяссар бўлғай. Чун икковининг сўзи бир ерға мувофиқ тушмади. Ғаниматни тақсим қилдилар ва улун ҳам ўз ҳиссасин кичикиға топшурдиким элтуб хотунини берғай. Ул уйга келиб биродарининг хотуниға берди. Аммо лаълни бермади ва икки йилдин сўнг биродари келиб тафаҳхус ва тахассус қилиб, юборган молларининг орасида лаълни кўрмади. Хотунидин сўрдиким, лаъл қайдадур. Хотун деди: биродаринг манга бермади. Биродаридин сўрдиким, лаълни не қилдинг, деди: хотунингға бердим, деди. Ул деди: Хотун дерким манга бермади, деди. Ёлғон айтур, азоб бермак керакдур. Ул киши хотуниға азоб берди.

Хотун деди: Бу кеча манга муҳлат берғил, то тонг вақти ҳозир қилай. Ва сўнги кун Шайх Бахва ким Султон Скандар бин Султон Баҳлулнинг улуғ умаросидин эрди, анинг уйга бориб аҳволин баён қилди. Шайх Бахванинг эри бирла биродарин чақириб сўрди: Ул деди: Лаълни ҳам хотунға бердим. Шайх Бахва деди: Гувоҳинг борму? Ул деди: Бордур. Дарҳол қиморхонаға бориб, икки қиморбозға бироз нима бериб, ўз муддаосин собит қилмоқ учун гувоҳлик ўргатиб ва покиза либос кийдуруб келди ва алар гувоҳлик бердилар. Шайх Бахва ул хотуннинг эриға деди: Борғил, тааззиби тамом била ул хотундин лаълни олғил. Хотун ул маъракадин чиқиб, ўзин Султоннинг олдиға еткуруб додхоллик қилди. Султон анинг аҳволин сўрди. Ул сурати ҳолни тақрир қилди. Султон деди: Нечун шайх Бахванинг олдиға бормадинг? Ул деди: Бордим. Аммо ул ихши тадбир қилмади. Султон оларнинг барчасин талаб қилди ва жамъ бўлгондин сўнг хотуннинг эрин ва биродарин танҳо-танҳо чақириб, бироз мум бердиким, ул лаълни ҳайъатин тузатгайлар. Алар мувофиқ тузатдилар. Ва чун гувоҳларни чақириб амр қилди. Ҳар биридин лаъл ҳайъатин ва ихтилофи тамом зоҳир бўлди: Ва хотунға деди: Сан ҳам лаъл суратин тузатгил. Ул бечора арз қилдиким, ҳеч нимани кўрмасам, нечук тузатурман. Султон айтди: Ул қабул қилмади. Андин сўнг шайх Бахваға итоб қилди ва гувоҳларға таҳдид кўргуздиким, агар рост сўзласангизлар амон берурман, йўқ эрса ўлтурурман.

Алар ноилож воқеа суратин ростлик била айтдилар. Ва чун лаълни хотунға бердим, деган кишиға сиёсат қилдилар. Ул доғи иқрордин ўзга чора топмади. Ва ул нифа ҳамул туҳматдин халос топди ва Султоннинг кимоли қаёсат ва фаросати барчаға равшан бўлди.

ИККИЛАМЧИ ФАСЛ: СИЁСАТ ВА МАЪДАЛАТ ЗИКРИДА

ҲИКОЯТ

Анушервон йигитлик замонининг аввалидаким, умри Ҳу саккиз йилға етмиш эрди, фармондорлиғ тахтиға мишди. Узининг умаро ва аркони давлатин адл ва инсофға тарғиб ва таҳрис қилди ва буюрдиким, ҳеч бири

зулм ва тааддий кўргузмасун. Йўқ эрса, сиёсатга от
гусидур. Ва чун умаро жавр зулмға бурундин хўй от
миш эрдилар. Бу замонда ҳам ўз атворин тарк қилди
олмадилар. То улким бир амир Озарбайжон вилоятини
ҳоким эрди. Пиразолға ситам қилиб мулкин босиб ол
ди. Ул ночор додға келиб Анушервон отланиб, келур
вақтда йўл устида туруб арз қилди. Анушервон аниш
ғариб ва бенаволиқин кўруб бурун бир оз зар берди,
ва деди: Муни маишатиға сарф қилғил. Ва андин сўнг
бир муътамад киши ул иш таҳқиқи учун Озарбайжонга
юборди ва ул бир неча муддатин сўнг келиб ул шикан
таҳол золнинг мақоли сидқин баён қилди ва зоҳир бўл
диким, ул мазлум ва амир золимдур. Анушервон амир
ға киши юбориб золға тараҳхум юзидин кўнгил берди
ва ул ситамкорнинг келмагига интизор чекар эрди. Ва
чун амир етушти Анушервон ўзга умародин сўрдиким
Озарбайжон амирининг аспоби таҳаммули ва истейдоин
на миқдор эркан. Ҳамма дейдиларким, қиёс ва адл
андозасидин ташқаридур. Анушервон деди: Ул муни
қудрат ва мукнати била бир золнинг ҳаққин ғазб қил
са ва ситам била олса. Анинг сазоси на бўлғусидур!
Барча дедилар: Ихтиёр подшоҳда турур. Андин сўнг
буюрди. То ул амирнинг тириклай бошининг терисин
сўйдилар. Ва ул ерни золға бердилар ва мундоқ бир
маъдалат сабабидин Анушервон ҳайъат ва сиёсати
кўнгулларда қарор тутди.

ҲИКОЯТ

«Жомеъ ул-ҳикоят» муаллифи айтурким, бир вақт
Қаноят отлиғ бир шаҳаргаким дарё канорида Кажарот
ва Наҳарвон вилоятининг тавобидиндур, анда бир гуруҳ
пок эътиқод ва мусулмон ва фирқан шақоватниҳол ва
фирлар ҳамсоя бўлур эрдилар. Ногоҳ тақдир инонкаш
лиги била анда бориб эрдим. Аҳли исломдин бир жамон
дедиларким, Ройи Чингирнинг ҳукумати айёмида бу
шаҳарда бир масчити жомеъ бор эрди. Ва бир минора
бор эрдиким, анга чиқиб азон айтар эдилар. Мусулмон
тоифаси ўзга кофирларга тарғиб кўргуздилар. То вақр
урушиб минорани хароб этдилар ва масчитни ўтга ол
дилар ва ҳеч жиноятсиз саксон мусулмонни бедод ти
ғидин ўткардилар. Ва ул масчитнинг хатибиким ани
«хатиби аъло» дер эдилар, аларнинг олдидан қочиб На

ҳарволоға борди ва Ройининг хос ва муқарраблари анга илтифод қилмадилар ва иноят кўргузмадилар. Нединким, ҳар киши ўз ҳамкешининг мададиға кўргузур. Бас, хатиб бир кун ким Ройи шикорга чиқар эрди, анинг йўли устиға чиқиб ўлтурди. Ва Ройи анинг ҳолин кўруб сўрди ва ул бечора ожизлик тили била илтимос кўргуздиким, бир лаҳза таваққуф қилиб хабар эшитгай. Ва андин бир неча байтником ўзининг ва ўзга ситамкашларнинг аҳволи ҳаробиға муштамил эрди ва ҳинду тили била айтиб эрди, ўқиди. Ройи чўн бу тазаллумни эшитди хатибни махусларидин бириға топширди ва деди: То ман талаб қилгунча ёнингда сақлағил ва дилжуйлиг кўргузгил ва ҳамул ердин қайтиб келиб вазириға дедиким, ман то уч кунгача хилватда ўлтуруб, кўриниш бермагумдур. Керакдурким, сан мамлакат умури заптиға қиём кўргузгил ва манга заҳмат бермагил. Ва ҳамул кеча бир жамозаға миниб, суръатда сабодин ўтуб, Қаноят шаҳриға ким, Наҳрволо била анинг оралиқи қирқ фарсангдур, шабгир ва шитоб била бозургонлар либосин кийиб шамшири ҳамойил қилиб, кеча ичида етишди ва ҳар ерга борса, бир соат туруб кофирлар зулми ва мусулмонлар мазаллатини тафаҳхус қилиб, чун сағир ва кабир, ғани ва фақирдин ноинсоф кофирларнинг зулм ва эътисосин эшитди. Ўтган ноқеани яқин ҳосил этди. Ва андин қайтиб тўртинчи кеча Наҳрволоға келди ва эртонг келиб ҳукм қилдиким, куффори фужор инсофидин ҳар сафни сардор ва саркадасин ҳозир қилсинлар. Ва хатибға буюрди. Ту куффор келган чоғда тазаллум. Бас, ҳамма жамъ бўлгандин сўнг хатиб сўз бошлади: Куффор тиладиларким, бир туҳмат қилгайлар ва хатибнинг сўзин ботил этгайлар, Ройи деди: Чун дин ихтилофи сабабидин менинг ҳеч кишиға эътимодим йўқ эрди. Ўзим бориб таҳқиқ қилдим. Зоҳир бўлдиким, мусулмонларға зулм ва тааддий етубдур. Менинг мулкимда ва хоним соясида ўлтургон жамоаға нечун мундоғ жабру ситам етадур. Ўзининг борганин билдирмак учун бир ходимға ишорат қилди ким қайтар вақтда бир мадхара сувни дарёйи шўрдин келтурмиш эрдим. Ани буларға ва барча ул сувни ичиб, тасдиқ кўргузуб эрдилар. Ва кофурлар ва бединлар ақсомининг пешво ва сарварларидин кўп киши сиёсат теги ўлтурди. Ва масчит ва минора иморати учун хашнадин бир оз зар берди, то аввалғидек иморат қилдилар.

ҲИКОЯТ

Анушервон замонида бир вазирининг бўйнида бир савдогарнинг кўп моли бор эрди. Ул молни талаб қилур эрди. Вазир ани адо қилмоқда кўп тааллул ва бепарволиғ кўргузди. Савдогар чун кўрдиким, минг айтса ҳам этмагусидур ва талаб ва тақозо ҳеч фойда қилмайдур ночор. Анушервоннинг хизматиға бориб, қиссани айтиб ўз ҳолин баён қилди. Анушервон ани олдиға чақириб тафаҳхус ва таҳассус шартин бажо қилди. Вазирнинг кирдикориға ва муддаийнинг гуфториға яқин ҳосил этди. Ва андин сўнг буюрди. То муддаийнинг молни хазинадан бергайлар ва они ўз назарида хушдил ва камёб қилиб юборди. Ва яна ҳамул соатда буюрди. То вазирни келтуруб дарвозани олдида дордин остилар. Ва жор қичқиртурдиким ҳар ким кишининг ҳаққин бермай сақласа ва зулм ситам била кўнгулларға озор берса, анинг сазоси будур.

ҲИКОЯТ

Подшоҳи адолатнишон Анушервон неча мартаба эшитдиким Армания ҳокими ўғрилар била ҳамзабон ва ҳамдастон бўлуб зулм ва бедодни ўзига пеша қилибдур. Буюрди то ани даргоҳи олампаҳоға келтурдилар. Тафаҳхус ва тафтишдин сўнг чун анинг гуноҳи маълум бўлди. Буюрди то ани яланғочлаб, оч итларға ташладилар. Дарҳол бир жамоа анинг гуноҳин тиладилар. Анушервон деди: Ул жаҳон аҳлининг гўштин ўзига хуруш қилибдур. Биз анинг гўштин итларға тўйма қилдуқ то ўзга ситамкорларға ибрат бўлсин.

ҲИКОЯТ

Нақлдурким, ҳазрат амирал мўминин разиаллоҳу анҳу бир арабийдин бир от олди ва савдо муқаррар бўлгондин сўнг дедиким бу отни сақлаб миндируб кўрарман. Агар хоҳласам баҳосин берурман. Йўқса қайтиб ўзин берурман. Араб анга рози бўлди ва амирал мўминин бир кишиға буюрдиким, отни миниб айб ва ҳунарин кўргай. Ул киши отни миниб сўрар эрди. Ногоҳ бир қудуққа йиқилиб аёқи синди ва чун от эгаси анинг баҳосин талаб қилди. Амирал мўминин деди: Ҳануз хоҳ

лаб ихтиёр қилганим йўқтур. Анинг баҳосин бермак манга вожиб эрмастур. Ул илтимос кўргуздиким, бу амрда агар бир кишини ҳоким қилсагиз, сизнинг адо-латингиздин бағоят муносибдур. Охир Шарихни ҳоким қилдилар ва ул ҳукм эттиким, агар баҳо тайин топ-ган бўлса, адо қилмакдур. Амирал мўминин бу ҳукмини қабул қилдилар ва отнинг баҳосин ул арабға берди ва Шарихни ҳақгузорлиқ учун ва майл ва мадоҳийнасизлиқ жиҳатидин таъриф қилди ва Кўфа қозилиқин анга топшурди.

ҲИКОЯТ

Ҳазрат Муртазо Али карамуллоҳу важиҳанинг бир зирҳи бор эрди, йўқолиб эрди. Бир кун бир яҳудийнинг қўлида кўруб ани тутди ва деди: Бу зирҳа менинг зирҳимдур. Яҳудий деди: Даъвоинг бўлса, исбот била зирҳани мендан олғил. Ул айёмда амирал мўминин Али розиаллоҳу анҳу халифа эрди, деди: Ман ҳам халифа ва ҳам муддайдурман. Бу даъво нечук собит бўлур. Қози Шарихнинг олдиға бордилар. Ул асрда қози Шарих ҳазрат Алининг ноиби эрди. Алқисса, чун Шарихнинг олдиға бордилар ва зирҳанинг даъвосин этдилар, Шарих ҳазрат Алининг юзиға қараб деди: Агарчи халифа сандурсан, аммо бу соатда наёбат ҳукми ҳоким мандурман. Агар даъво учун келган бўлсанг, бу яҳудий бирла бир жойда турғил. Амирал мўминин яҳудий бирла баробар турди ва деди: Зирҳа менинг зирҳимдур. Шарих деди: Гувоҳ ўткарғил. Амирал мўминини Ҳасан бирла Қамбарни келтурди. Шарих деди: Ҳасан ўғлингдур. Қамбар ғуломингдур. Ман аларнинг гувоҳлиқни эшитмасман. Амирал мўминин деди: Менинг гувоҳим йўқдур. Шарих яҳудийға деди: Зирҳани олиб кетгил. Ва чун яҳудий бу муомалани кўрди, ботинда бир ҳайрат пайдо бўлди ва ўзига деди: Муҳаммад дини мундоғ диндур, деб дарҳол мусулмон бўлуб, зирҳани амирал мўминға таслим қилди деди: Бу санинг ҳақ ва мулкингдур. Амирал мўминин ул зирҳани анга бағишлади. Ва бир от ҳам берди.

ҲИКОЯТ

Қози Шамсиддин Халагон ўз таърихида нақл қилиб-дурким, бир навбат амирал мўминин Али разиаллоҳу анҳу била бир кофир зиммининг орасига хусумат туш-

ди ва қози Шарихнинг олдига бордилар. Жойидан туриб таъзим ва эҳтиром кўргузди. Ҳазрат Али камоли диндорлиқдин ва ҳақгузорлиқдин деди: Эй Шарих, сенинг аввалги жавринг будур, воқиф бўлғил. Агарчи бу дostonда ҳақ сўз ҳақиқийга етмак нечук бўлатурғони маълум бўлмагусидур. Аммо чун ҳазрат Алининг бовужуди халифалиқи била дорулқазога боргани камоли ҳақпарастлик ва итоатдорлиққа далилдур. Бул ҳикоят роқими они жаридасиға дохил қилди.

ҲИКОЯТ

Муҳаммад бин Авфий нақл қилибдурким, чун амирал мўминин Мансур Давонқи хилофат тахтиға минди Хилофатининг аввалги йили байтуллоҳ зиёратининг Ҳижоз сафарин ихтиёр қилиб, Умрон бин Саъд ҳаммонинг теваларин киройи тутди. Иттифоқо, бодия ва саҳро қатъи асносида бир нечаким маъҳуд бўлуб эрдан ҳеч риоя қилмади ва тамоми ужрасин бермакда ҳам аҳмол ва даранг воқеъ бўлди. Амирал мўминин Мансур Мадинайи тайибаға етишди. Умрон, ул шарофатини шон, олиймаконнинг қозиси Муҳаммад бин Умрон ал Талхйининг олдиға бориб, додхоҳлиқ йўли била илтимос қилдиким, Мансурни қозихонаға ҳозир қилғил. Қозини Тамиз отлиғ нависандасин чақириб деди: Амирал бир хат ёзғил, то қозихонаға келсин. Ул деди: Ман маъзур тутғил, амир менинг хатимни танийди. Қўрқарманким, камоли ғазабдин менга сиёсат қилғай. Қозин деди: Сандин ўзга ҳеч ким бу хатни ёза билмас ва хатни ёзғондин сўнг анга деди: Бу хатни амирал мўмининға ўзинг олиб борғил. Ул Раббиул Ҳожибини олдиға элтди ва хавф юзидин аҳволин анга айтди. Раббин деди: Бу амирда санда ҳеч жиноят йўқдур ва сан бировнинг юборган кишисидурсан. Рабиъ чун ул хатни Мансурға кўргузди. Мансур бир кишисига буюрдиким, Мадинанинг барча ашроф ва аъёни даргоҳда ҳозирдур. Айтди: Ман қозихона борурман. Аларнинг устидин ўтганинда ҳеч бири менинг таъзим этмак учун жойидан турмасунлар. Андин сўнг илгари равона бўлди ва амиранинг изидан юрди ва ташқари чиққач, барчаға қараб салом берди. Ва ҳеч киши жойиндин тебранмади. Бу тариқа пиёда юруб ҳазрати расули акрамнинг равона муқаддаслариға етди ва анга дуруд ва салават тухфа

қилди ва Рабиъга қараб деди: Ногоҳ Муҳаммад бин Умрон Аталҳийга менинг ҳайбатим таъсир қилиб, ман борғач, маҳкамайи қазода жойиндин туриб эҳтиром қилса, ман ани азил қилурман, балки қилич била адаб берурман. То барчага ибрат бўлсун. Андин сўнг амирал мўминин қозихона борди, такъяга суянмиш эрди, амирни кўрди ва рост ўлтирди ва ҳеч илтифот қилмади. Деди: Бунинг хасмини бориб келтургил. Умрон ҳам-молни келтуруб амирни ёнига ўлтурғиздилар. Умрон амирга даъво қилди. Амир деди: Буюр, то ман анинг ҳақин қўймай берайин. Қози амирнинг иқрорин дафтарга ёзди ва Умроннинг қўлига ҳам ёзиб берди. Ва бир кишини ясовул қилиб буюрди, то анинг ҳақини амирдин батамом олиб бергай. Ва халифа қайтди. Қози бу навбат ҳам ҳеч илтифот қилмади. Халифа Рабиъ Ҳожибга деди: Қози ўз ишидин фориг бўлғандин сўнг менинг олдимга келсун. Қози амир мавжаби била халифанинг олдига борди. Халифа анга сано айтди ва кўпдан-кўп таъзим ва тақрим кўргузди ва деди: Менинг гумонимни ўз ҳақингда яқинга еткуздинг ва ўн дирам инъом қилди ва деди: Зиндагонлиқни бу тариқа била қилғил ва шодоқ ишга иқдом кўргузгилким, ҳеч бир зўрдин ожизга ситам етишмасун. «Жаълалоҳу масканоҳу равзатан мин риёзил жинон».

ҲИКОЯТ

Манқулдурким, амирал мўминин Маҳдий бир кун мазолим девонида ўлтирмиш эрди ва аҳли ҳожатнинг ишига кифоят еткуруб, ҳожатин раво қилур эрди. Бир кун бир киши келиб деди: Ё, амирал мўминин, агар бир кишининг яна бир кишида хусумати бўлса, қиссасин сенинг олдинга келиб арз қилур ва сенинг адлинг шифохонасидин дардига дармон талаб қилур. Бу банданинг даъвоси сангадур. На амр этасан? Бу кун даъво қилурманми, ё тонгла. Молики явмуддин маҳкамасида қилайинимуким, анда ҳеч майл ва мадохина бўлмағусидур. Маҳдий деди: Агарчи сарварларнинг боши бизнинг ҳукмимиз хатидадур, валекин шаръдин тажовуз қилмай, шарият ҳукмига бўйун қўярмиз. Дарҳол хилофат тахтидин туриб қозининг олдига борди ва Хасм била юну ба зону ўлтуруб, ул анга бир-бир даъвосин қилди. Халифа деди: Ул ер ўзим еримдур. Қози Хасмдин гу-

воҳ талаб қилди. Хасм гувоҳ утқара билмади. Маҳдий қозидин сабжил олиб, ул ерни анга бағишлади ва бул адлдод андин ёдгор қолди. Табарийнинг «Мусанниф» ҳам бу ҳикоятни бу мазмун била нақл қилибдур ва ёзибдурким қози деди: Ё амирал мўминин, дарвишларга минг-минг дирам берганиндин худонинг олдида бу эҳсонинг афзалдур.

ҲИКОЯТ

Бир вақтда бир аъраби Ҳишон бин Абдулмаликини олдиға келиб дедиким, жаҳонда одилроқ киши йўқдур ва санинг инъом ва эҳсонинг баракоти жаҳон аҳлига етибдур ва барчаға вожибдурким, сенинг давлат ва адолатинг шукрин қилғайлар ва ҳаётнинг неъматини фанимат билғайлар. Валекин фалон амир зулм ва ситам қўлин узатиб адл ва инсофни жавр ва эътисофни мубаддал қилибдур ва ҳар кишининг қўлида бир нима кўрса, зўрлиқ била босиб олур. Мунча адолат била ул бечораларнинг додиға етмагани бағоят ажиб ва гариб кўринур. Ҳишом анга деди: Эмди таҳқиқ қилурман. Агар анинг гуноҳи субутға етса, жазосиға еткурурман. Йўқ эрса, сенинг дурўғўйлик жазоингни берурман. То ким подшоҳларнинг олдиға келиб амирларни ҳеч киши зулмға мажбур қилмасун. Нединким, зулмдек улур айб йўқдур. Андин сўнг бир неча мўътамад: киши таъйин этдиким, ул амирни афъолин пинҳон тафаҳхуз ва таҳассус қилғайлар. Чун таҳассусдин сўнг аърабийнинг сидқи зоҳир бўлди ва ул амирнинг андоқ қаттиқ уқубат била ўлтурдиким, атроф ва жавонибнинг тамоми амир ва ҳокимиға андин ибрат ҳосил бўлди ва мундоқ сиёсат била адл биниси истехком топиб, давлат қавониди мушаббад бўлди.

ҲИКОЯТ

Манқулдурким, амирал мўминин Ҳорун ар Рашид Руқа шаҳрида иқомат қилгон ҳамгомда Убайд бин Табиёнким, барча уламо ва фузалонинг донороқи эрд. Бир киши анинг олдиға келиб арз қилдиким, Ҳорун ар Рашиднинг лашқарининг саркардаси Исо бин Жаъфар да беш юз минг дирам ҳақим бордур. Ман онн талаб

қилурман ва ул менинг сўзимга қулоқ солмайду ва молимни бермайду. Они қозихонага талаб қил, шоядким келмакдин қочиб менинг молимни бергай. Қози ёздиким, амир лашкарининг умри узун бўлсин. Бу хатни олиб борган киши даъво қиладуқким, амирда беш юз минг дирамим бор, талаб қилсам бермайду. Амир меҳрубон бўлсалар, қозихонага келсалар. Ё бир кишини вакил қилиб юборсунлар, то Хасмга жавоб берилсун. Ва ул хатни анга бериб, Исонинг олдига юборди ва ул анинг қасрининг эшигига бориб хатни Ҳожибга берди ва Ҳожиб амирга кўргузди. Амир дарҳол ғазабнок бўлуб Ҳожибга буюрди. Ул кишиким бул хатни эзиб ичсун ва у анга ҳеч илтифот қилмади. Муддаий қозининг олдига келиб эшитган сўзин тақрир қилди ва қози яна ҳамул тариқа билан хат юборди. Исо хатни олиб йиртиб ташлади ва қозиға кўп дашномлар қилди. Қози ул можарони эшитиб, яна бул мазмун била хат ёздиким, агар қазо маҳкамасига келсанг, санга бағоят яхшиду. Йўқса, бу аҳволингни амирал мўминга эълон қилурман. Чун бу помани олиб бордилар. Ул камоли гурурдин адолат шартин риюя қилгай, бу мартаба ҳам хатни эйтибор кўзига илмади. Қози бу ҳолни кўруб, ҳукм харитасин муҳр этиб, қозихонадин чиқиб ўз уйининг бир гўшасида ўлтурди. Амирал мўминин бу хабарни эшитиб, қозини чақириб аҳволин сўрди. Қози ўтган сўзларининг барчасин халифага тақрир қилди ва халифа ғазабнок бўлуб Иброҳим Усмонниким, анинг мўтамад навқари эрди, буюрдиким, Исонинг уйига бориб, эшикларин муҳр қил ва ҳеч кишини кириб чиқарга қўймадил. То ул вақтгачаким, ул кишининг ҳақин бергай ё ишининг бирла қозининг олдига боргай. Чун Иброҳим бир жамоа билан Исонинг уйига борди ва атрофин қуршадилар. Исо гумон этдиким, магар амирал мўмининининг қатлига ҳукм этибду ва сарой ичидаги одамлар фарёд қилдилар. Исо деди: Саройининг эшигида ким борду ва бу ишнинг муаққили кимду? Биров деди: Иброҳимду. Исо деди: То ани чақирғил, то андин сўз сўрайин. Ва чун Иброҳим келди. Исо деди: Менинг нечүкду Амирал мўминининг тағйирига сабаб не бўлди. Иброҳим ўтган сўзларни айтди. Исо ноилож таваққуф қилмай, ул кишининг молин топшурди ва хилофот бортоҳига бориб эълон этдиларким, Исо бу ишдин кўп хушиуд бўлди. Андин сўнг амирал мўмининининг фармони бирла Исо муаккил бандидин нажот топди.

ҲИКОЯТ

Абдуллоҳ бин Тоҳир зул Амин Раҳматуллоҳи алай-ҳа бир кун Борғом бормиш эрди. Бир паришонҳол хотун келиб фарёд кўтариб дедиким, Ҳирот ҳокимиким сенинг биродарзодангдур, уйнинг олдида бир майдон тортиб бериб, менинг уйимниким меросдин тегиб эрди, ситам бирла вайрон қилиб ҳамул майдонга қўшди. Агар менинг додимни бу кун олиб бермасанг, тонгла қиёмат арсасида довари мутлақ ҳукми бирла сандин олурман. Абдуллоҳ бу сўзни эшитгач, изтиробга тушуб, анга кўнгил берди ва бир ходимиға буюрдиким, муни тез Ҳиротга еткурғил ва ўзи доғи ҳамул соат ул тарафга суръати тамом бирла мутаважжиҳ бўлди ва Ҳиротга етушгач, биродарзодаси олдига чиқди. Абдуллоҳ анга асло илтифот қилмади ва ул хотун келгунча таваққуф қилди. Ва келгандин сўнг буюрди. Тонгла менинг олдимга келиб додхоҳлик қилсун. Хотун андоқ қилди. Абдуллоҳ чун хотун келмас бурун Ҳиротнинг аксар улусидин эшитиб, ул воқеани ҳақиқатиға етиб эрди. Ул ситамкорага қараб айди: Сани халойиқнинг устига зулм этмак ва бир муслмоннинг уйин жабр би-ла олмоқ учун қуюбму эрдим. Ул деди: Ман зулм қилғоним йўқдур. Бурун ул хотун уйин баҳосин яримин қўлга бериб, ондин сўнг они майдонга қўшдим. Абдуллоҳ деди: Узринг гуноҳингдин бадтардур, ва эшитмадингму ё билмадингмуким бировнинг ҳақи яна бировга ҳалол бўлмағусидур. Магар анинг ризоси била бўлғусидур. Агар сенинг майдонинг танг бўлса, ул хотунга не гуноҳ. Агар ул ризоси била сотмаса, ул уйга сенинг тасарруф қилганинг дуруст бўлурму? Андин сўнг буюрди. То ул уйни буруғидек иморат қилгайлар ва ҳар кун ўзга муздурлардек ўзи ҳам иш қилгай ва ул уй иморати тамом бўлгунча анинг устига ясовул қўйиб ишлатди ва Абдуллоҳ ул хотунга яхши инъомлар қилиб Нишопурга озим бўлди ва биродарзодаси хизматида келиб бир жамоани ўз гуноҳиға шафеъ қилди: То Абдуллоҳ онинг гуноҳин ўтуб олдиға чақириб деди: Ул вилоятинга борғил. Агар мундин буён бир киши сенинг қўлингдин тазаллум кўргузса, анинг додин сандин қилич била олурман. Ул қуллуқ қилиб қайтти ва бу бир маъдалат била барча раоё, бароё осойиш маҳдида осудалиғ топиб, роҳат бистарида ухладилар.

ҲИКОЯТ

Келтурубдурларким, амирал мўминин мўътазид-нинг Заъйи отлиғ бир анбордори бор эрди. Ул ажал етиб ўлди. Ва андин кўп қарз қолди. Тўрт минг тилла хазонаға бергуси бор эрди. Мўътазид Абдуллоҳ бин Сулаймон отлиғ маҳрамиға буюрдиким, бориб қози Абу Жозамға айтғилким, анинг таракасидин тўрт минг тил-лони хазинадорға таслим қилсун. Қолған молин ўзга қарзхоҳларға тақсим қилиб берсун. Чун Абдуллоҳ бу пайғомни еткурди. Абу Жозам анга деди: Амирал мўъминин ҳам Заъйи қарзхоҳларидин биридур. Ўзга-лардин зиёда олмоқ анга дуруст эрмастур. Абдуллоҳ деди: На сўз деганингни билурмусан. Қози деди: Ул қарзхоҳларнинг ҳар бири менинг олдимда тенгдурлар. Абдулла Камоли бин ва Таҳайюрдин бу сўзни бир неча пинҳон сақлаб айтмади. То улким, бир кун Мўътазид ул молни талаб қилди. Ул ночор Абу Жозамнинг сўзин айтти. Мўътазид бир соат бош қўйи солиб деди. Ул рост айтур, ман бу ҳақда ўзга қарзхоҳлар била тенгдурман. Худойи азаважжалла анга баракат бергай ва ўзининг фазл ва раҳматин рўзий қилгай. Андин сўнг ҳамул мол-ларни баробар тақсим қилдилар ва халифанинг адли ва қозининг инсофи рўзгор саҳифасида боқий қолди.

ҲИКОЯТ

Манқулдурким, Олабтагин чун Сомонийлардин ай-рилиб Ғазнин етти. Қалъа сокинлари атроф ва жаво-нибиға истехком бериб, шаҳарни анга бермадилар. Ва ул маъмур кентларда иқомат кўргузуб ул вилоятни ўз забтиға киргузди. Ва ул диёрда адл осорин шойеъ қил-ди. Бир кун бир йўл бирла борур эрди. Кўрдиким, гу-ломларидин бир жамоа бир неча товукни эгарнинг қанжариға боғлаб, бир кентдин чиқиб келадурлар. Алардин сўрдиким, товукни қайси ердин олдингизлар? Алар айдилар: Бу кентдин улусидин баҳойи тамом бе-риб сотғун олдуқ. Олабтагин ҳамул ерда турди ва кент-нинг кадхудосин чақириб сўрдиким, баҳосин бериб олдиларму ё зўрлиқ бирла. Аларни тиладиким, сўзни тузатиб яхшироқ важҳ била айтгай. Олабтагин анга қатигроқ ун била дедиким, рост айтғил. Йўқса, сиёсат қилурман. Ул деди: Чун ғуломлар кентға кирсалар,

улус товуқларин ситам бирла олурлар. Бу сўзни эшитгач, Олабтагин буюрди. Ул ситамкорларни қиличдин ўткаргайлар. Ул чоғ муққараблардин бир жамоа тиладиларким, ўлтурмай ўзга навъ сиёсат қилиб танбеҳ бергайлар. Ложарам Олабтагин буюрди. То аларнинг қулоқларин тешиб ва товуқларнинг аёқлариға ип боғлаб, аларнинг қулоқларидин остилар. Товуқлар талпиниб пар урар эрдилар ва ҳар тарафга аларнинг юзларидин қон югурар эрди ва мундоқ хорлиқ ва расволиқ била лашкарни айлантурдилар ва бу адолат овозаси шаҳар сокинлариға етушуб барчаси дедилар. Бизларга мундин одилроқ волий қачон муяссар бўлур ва анинг мутобаатиға бел боғлаб, ҳамул кеча ҳама хизматиға келдилар. Сўнгги кун шаҳар ва қалъани топшурдилар ва Ғазнин анинг адл ва инсофидин амну амон қабиласи ва роҳат каъбаси бўлдилар.

ҲИКОЯТ

Султон Маҳмудким Ғазнин тахтгоҳининг подшоси эрди. Анинг лашкарининг бир туркий ғулом бир кеча бир дарвешнинг уйига кириб, ўзин қувиб чиқарди ва хотунини ўз тасарруфиға киргузди. Дарвеш ҳайрон бўлуб додлиқ тариқаси била Султоннинг даргоҳиға борди ва Султонни муқбиллар бахтидек топиб, ўз қиссасидин шаммае тақрир қилди ва Султон бу ҳикоят истимоидин шамъдек ёниб ва куюб, бағоят мутаассир ва гирён бўлди ва ул дарвешни адл ва марҳамат била умидвор қилиб деди: Агар ул нобакор яна андоқ ишга иқдом кўргузса, мани хабардор қилким, анинг шаррин дафъ қилурман. Алқисса, уч кечадин сўнг ул бадбахт яна дарвешнинг уйига келди. Дарҳол Султонға хабар берди ва Султон маҳрамларидин бир неча киши била бориб, ул ситамкорни анинг уйидин топти. Дарҳол чароғни ўчурмакка ишорат қилиб, ул ер халифани асрорининг ҳаёти шуъласин адолат тегининг суви бирла ўчирди ва андин сўнг чароғ келтуруб ул нобакорни кўрди, саждаи шукр тақдимға еткурди ва дарвешга деди: Агар таом жинсидин уйингда бир нима бўлса келтургил. Ул парчае арфа нони ва бир оз сирко келтурди. Султон рабати тамом била еди ва ул бенавоға тасаллий бериб, Султон қайтур чоғда дарвеш дуо ва саноға тил очиб таъзарруъ зорлиғ била бурун чароғни ўчурмак, сўнгра

ёқиб ул мақтулнинг юзин кўрмак ва сажда қилмоқ ва нон ва сиркони рағбат била емакнинг сабаби недур, деди. Султон деди: Ул вақтким бу воқеани сандин эшитдим кўнглумга келдиким, менинг авлодимдин ўзга киши журъат қилиб мундоқ ямон ишни қила олмай. Бу жиҳатдин чароғни ўчурмакка ишорат қилдим. Ногоҳ анинг юзин кўрсам атолиқ меҳри анинг дафъиға монё бўлмай. Бу маъни адолатнинг хилофидур. Ва чун зоҳир бўлдиким, бегонадур. Бу жиҳатдин саждау шукр қилдим. Ва чун кеча аввалидин ҳанузғача ғусса ва ғазаб била ҳеч нима емамиш эрдим. Бу жиҳатдин сандин бир нима талаб қилиб, анинг бирла оч нафсимға таскин бердим.

ҲИКОЯТ

Подшоҳи одил Султон Музаффар бин Султон Маҳмуд фуқаро ва ағниё аҳволининг тафаҳҳузи учун кечалар танҳо чиқиб кўчаларда ва бозорларда халойиқнинг овозиға қулоқ солур эрди ва эртанг бир ишнинг тадорики ва талофи учун машғул бўлур эрди. Бир кеча бир масжиднинг олдиға келиб кўрдиким, бир ғамзада анинг бир ғўшасида ўлтуруб йиғлар ва нола қилур. Чун Султон ул ғамзаданинг ҳолини сўрди. Ул деди: Бу ғуссаким, манга етибдур, айтилмаса яхшидур. Султон деди: Айтғил, шоядким кулфатнингни рафъ қила олғайман. Ул деди: Бир неча муддатдурким, бир бебок менинг ожизлиқ ва бенаволиғимни кўруб ҳар кеча менинг уйимға келадур ва хотуним била ҳамсуҳбат бўладур. Манким сиримни кимға дегайман ва бу дардимнинг иложин кимдин истагайман. Султон анга деди: Ман илож қилурман. Сан хотиржам бўлғил. То ани ўлтуруб сенинг додингни олмасам таом ва шароб манга ҳаром бўлсун. Кел, манга кўргузғил.

Ул илгари юруб Султонни уйиға олиб борди. Иттифоқо, ул бебок ҳамул кеча келмади. Султон сўнгғи кеча яна борди. Бу кеча ҳам келмади. Ва учинчи оқшом ул балойи ногаҳоний бурунқи дастури била пайдо бўлди. Ул бечора яқосин йиртиб, нола ва беқарорлиғ била ҳамул масжидга бориб фарёд ва зорлиғ била ўлтурди. Ул ҳолда Султон етушуб лутф ва марҳамат била ғамгин хотириға таскин бериб ўзи ҳамроҳ бўлуб уйиға борди. Ногоҳ ул бебокни кўрдиким, хотун била ўлту-

руб комронлиғқа кўнгул боғлабдур, деди: Огоҳ бўлғил-ким кирдоринг жазосиға етгунгдур. Ул дарҳол қўлиға ҳарба олиб рўбару бўлди. Султон анинг зарбиға рад бериб, камариға бир қилич урдиким, икки бўлак бўлди. Чун Султон икки-уч кундин бери таом емамиш эрди. Камоли очлиқдин бир нима талаб қилди. Ул бир парча нон келтурди. Андин Султон бир оз еб мурожаат қилди. Ва анинг илтимоси била асасларға буюрдиким, пинҳоний анинг уйиға бориб, ҳеч кишини киргузмай мақтулни ҳамул уйнинг бир гўшасида кўмгайлар ва бу пинҳон сирни пўшида тутғайлар.

ҲИКОЯТ

Ул ҳамгомдаким, Султони одил юмнуд-ад-давла Маҳмуд Сактагинни давлати алами Буст жонибиға ҳаракат кўргузди. Бир кун туш чоғи бир киши келиб тазаллум кўргузди. Султон деди: Кимдин тазаллум қилурсан. Ул деди, подшоҳнинг филларидинким, бир филни менинг хурмо дарахтимға боғлаб, филбонлар дарахтға чиқиб хурмо ташлайдурлар ва кўп зойеъ қиладурлар ва ман қашшоқ кишидурман. Аёл ва атфолимнинг зиндагонлиқиға ул хурмо сабабдур. Султон эшикка қаради. Чун барча Ҳожиб дурбонлар ўз манзилиға қайтмиш эрдилар, ўзи бир отға мишиб бир жилавдор била ҳамул жойға борди ва эшитган сўзни кўзи била кўрди ва ўзга зодимларнинг ибрати учун сиёсатни лозим билиб жилавдорға буюрди, то филбоннинг бўйниға ип солиб ул дарахтдин остилар. Ул номурод ўз муродиға етти. Тангри таоло анинг руҳи покин жон боғида гуфрон насими била тоза қилғай.

ҲИКОЯТ

Айтурларким, Султон Маҳмуд Ғозий раҳматуллоҳу алайҳанинг асирида бир мўътамад киши Ҳожимуқтобод жонибидин келур эрди. Хисравобод деган мавзеға етганда бир эшакка муҳтож бўлди. Бир дарвешнинг эшагин берухсат олиб, юк юклаб яна бир манзилга келтурди. Жосуслар ҳамул кун ул воқеани ёзиб Султонға еткурдилар ва чун Ҳожиб бир неча кундан сўнг боргоҳға келиб ўз жойинда турди. Султоннинг ғазаби ўти

шуъла урди. Меҳтар Қаронфулға буюрди. Ҳожибдин сурғилким, то менинг тахт ва мулким барқарордур, қайси захра била раъйиятим эшагин рухсатсиз олур. Ва сарҳангларға буюрдиким они боғлаб, Хисравобод бориб, атроф ва жавонибға қичқиртуруб, теғу тез била икки бўлак қилсунлар. То анга ўхшаш золимларға ибрат бўлғайким, Ҳожа Муҳаммад бин Абдулҳамид деди: Ул Ҳожибни Хисравободда ўлиб ётгон кўрдим, Эзид таоло ул подшоҳи одилға раҳмат қилғайким, мусулмонлар мусолиҳи андак ҳалолни улуғ гуноҳ тутиб, тадорикин тарк этмас ва адл ва раҳмат соясин раоё бошидин олмас, то анинг адл осори жаҳонда боқий қолғай.

ҲИКОЯТ

Бир киши Султон Масъуднинг олдиға келиб тазаллум кўргузди ва деди: Ғўр устидин йўлим тушиб келур эрдим, Ғўр ҳокими мани тутди ва ҳар бир бор мол ва матоимни босиб олди. Султон буюрди, то ул ҳокимға бу мазмун била нома ёздиларким, ҳамул кишидин олган молни қайтиб эгасиға берсун. Номани олиб Ғўр ҳокимининг олдиға борди. Ҳоким андин ранжида бўлуб буюрди, то ани ура-ура ҳамул номани едурдилар. Андин сўнг раҳо қилиб юбордилар. Ул юз минг хасталиқ ва жароҳат била яна Ғазнин келиб, Султоннинг олдида воқеани тақрир қилди. Султон буюрди, то яна нома ёздилар ва андо кўп тахвиф ва таҳдид дарж қилдилар. Агар бу мазлумни хушнуд қилмасанг, бориб ниҳодингдин димор чиқардурман. Ул ҳолда ул киши деди: Эй подшоҳ, чун нома ёздирсанг буюргил, то кичикроқ қозғозга ёзсинлар, то менинг емагимға осонроқ бўлсун, Султон бу сўздин ғазабнок бўлуб ҳамул кун отланди ва Ғўрга бориб, ул мамлакатни мусаххар қилди ва ҳокимига сисъат этди ва ул кишининг молин зиёдароқ олиб берди. Ҳоким ўз зулми вуболиға гирифтор бўлди.

ҲИКОЯТ

Султон Маликшоҳ Салжуқийнинг асрида муқтадир халифанинг ғуломларидин бири жомеъ фаррошининг ўғлин қатлга еткурдилар ва қочиб бориб халифанинг ҳарамин ўзига паноҳ этди. Ва жомеънинг ул жигаргў-

шаси қатли сабабидин кўнглида қон жўш уруб, жигарида ҳасрат ўти ёнар эрди. Ва халифа ҳарамининг теграсиға бориб мурод ҳосил қила олмади ва интиқом олмоқдин ожиз келди. Ондин сўнг додлиғ расми била Султон Маликшоҳнинг жилавин тутиб деди: Менинг ўғлим қотилиға ул ишни қилким, ман бовужуди ожиз ва мискинлиқ била сенинг отангининг қотилиға қилдим ва хизматкорлиқ ҳаққин фаромуш қилмағил. Недин шариятда қасос вожибот жумласидиндур. «Валакуму филқасоси ҳаёта ёулвал-албоб». Султон Маликшоҳ дарҳол амир Ҳожибни юборди ва ҳукм қилди, то ҳижобсиз ғуломни маҳрамнинг ҳарами муҳтарамидин чиқариб, Хасмининг қўлиға топширғил. Ва чун бу ҳукм муқтадир халифаға етди. Жомеъни чақириб ондин илтимос қилдиким ўнг минг тилло олғил. «Ман афоа ва аслаҳа фажираҳа алал-оллоҳ» оятининг фаҳвоси била онинг гуноҳин авф қилғил. Жомеъ камоли ғайрат ва ҳамиятдин қабул қилмади: «Ва ман қатала мазлуман фақад жалално ливолията султонан» оятининг мухтасоси била ғуломни қатлга еткурди. Ва бул ҳикоят жаҳонда боқий қолди.

ҲИКОЯТ

Бир кун Маликшоҳ Зиндаруд Суйининг канорида шикорға иштиғол кўргузуб, бир соат роҳат қилмоқ учун бир мурғизорға тушти. Бир ғуломким, онинг хос ҳожиби эрди, бир кентга кириб бир сиғирнинг гўштидин бир озни кабоб этиб еди. Ва сиғир эгаси бир қари камфир эрди, тўрт етим фарзанди била ўзининг маишатини ул сиғирнинг сутидин ҳосил қилур эрди. Ул ажуза додхоҳлиқ била Султоннинг йўлиға чиқиб бир кўфрик устида ўлтурди. Ногоҳ Маликшоҳ кавкабаи тамом била етишди. Ажуза туриб Султоннинг отин жиловин тутди. Ул аснода ҳамул ғулом дод қилмағил, деб они урмоқ учун тозиёна чекди. Султон деди: Тегмағил, ул мазлум кўринадур, то кўрайлиқким нечун тазаллум қиладур ва кимнинг қўлидин «дод» этадур. Ул ажуза жигарсўз била мундоқ тил очдиким, эй Олайб арслоннинг ўғли, агар менинг додимни бу кўфрукнинг устида бермасанг, худонинг иззат ва жалолати ҳурматиким, сирот кўфриги устида сандин додимни олурман ва мухосамат қўлин сенинг этагингдин кўтармасман. Эмди яхши андиша

қилким, бу икки кўфрукнинг қайси бирин ихтиёр қилурсан. Султон бул сўзнинг ҳайбатидин пиёда бўлди ва деди: Эй ано, манда сирот кўфригида жавоб бермакка тоқат йўқдур. Айтғил, санга кимдан ситам етди. Ул деди: Эй Султон, ушбу ғуломким менинг бошимға тозиёна чекди, айшим чашмасин мукаддар қилди. Бир сиғирим бор эрдиким, тўрт етим фарзандим била манинг маишатим анинг сутидан муҳайё эрди, сўйди. Маликшоҳ буюрди: То ул ғуломға сиёсат қилдилар ва бир сиғирининг ўрниға ҳалолроқ важҳидин анга етмиш сиғир олиб бердилар. Ва неча муддатдин сўнг Султон вафот топди. Ул ажуза бир кеча ярим оқшомда анинг қабри устиға бориб ва юзини қиблага қаратиб дуо қилиб деди: Илоҳо бу банданғким бу туфроқнинг остидадур. Вақтеки, ман дармонда бўлғанимда, манға дастгирлиқ қилди. Ҳолоким, ул дармондадур, карам бирла сан анга дастгир бўл. Ул замонким, ман бечора эрдим, ул бовужуди махлуқият ожизлиқи била манго бахшойиш қилди. Ул замон сан холиқият қуввати била анга бахшойиш қил, деди. Обидлардин бири бир кеча Маликшоҳни тушида кўруб сўрдиким, худойи таоло санга на иш қилди. Маликшоҳ деди: Агар ул ажузанинг дуоси дастгирлиқ қилмаса эрди, ақоби уқобининг чангалидин халос бўлмоқ мумкин эрмас эрди.

ҲИКОЯТ

Абдусамиъ Довуд Аббосдин манқулдурким, дер эрди. Бир кун Султон Маликшоҳнинг хизматида ҳозир эрдим. Восит музофотидин Худдодия қарясидин Бани Ғаззолға машҳур икки киши келиб додхоҳлар турадурғон ерда турдилар. Султон чун аларни кўрди, сўрдиким, на кишидурсизлар ва на ишга келдингизлар. Алар дедилар. Амир Хумортагин ким бизнинг вилоятимизга волийдур, биздин минг олти юз тилломизни босиб олди, тишимизни ҳам синдурди. Султон чун аларнинг синғон тишларин кўрди, бағоят мутағаййир ва мутаассир бўлди ва камоли эъроз била аларға деди: Сизлар менинг қўлумдин торта-торта Низом ул-мулкнинг уйига олиб боринглар. Алар қўрқуб имтиноъ кўргуздилар ва дедилар: Бизларга на ҳад бордурким, мундоқ густоҳлиқ қила олғаймиз. Султон аларға онт бериб дедиким, ҳарнаким ман айтурман анга амал қилмоқ керакдурким,

менинг ва сизларнинг ва ўзга халойиқнинг ҳоли салоҳи андадур. Андин сўнг алар «алмаъмур маҳжур» муқтазоси била Султоннинг қўлин тутуб маҳрамлардек Хожа Низомул Мулкнинг уйига чакдилар. Ва чун бу ҳабар Хожага етти яланг оёқ уйдин югуриб чиқиб Султоннинг олдида ер ўпди ва деди: Эй подшоҳи жаҳон, келмагингга боис недур? Султон деди: Агар фуқаро ва масокинлардин бир жамоанинг этагимдин ҳақ таолонинг олдида шикоят қилсалар, тонгла менинг ҳолим нечук бўлғусидур ва ҳол улким, ман тамоми ишим ихтиёрин санга берибдурман. Токим тонгла хитоб ва итобга гирифтор бўлғайман. Хожа бу сўзларни Султоннинг гавҳарбоз тилидин эшитти. Қамоли хижолатдин бошин ердин кўтара олмади. Ложарам бир неча узрлар айтди ва дарҳол Хумортагинни ул вилоятнинг аёлатидин маъзул қилди ва пайғом юбордиким, ҳар неча амволким ул икки кишидин олибдурсан дарҳол бергил ва ул икки кишига деди: Агар сизлар тишингизни Хумортагин синдурғониға исбот қилсангиз ман буюрурман, то сизнинг олдингизда анинг тишин синдирурман. Йўқса дийят шаръи андин олиб сизларга берурман.

ҲИКОЯТ

Хуристон ҳокими савдогарларнинг тамоми молин олиб, баҳоси баъзисин берди ва баъзисин бу кун ва эртонг берурман, деб бермади ва савдогарлар анинг олдига борурдин безор бўлуб, Исфаҳонга келдилар ва шаҳар қозисиға арз этдиларким, бизнинг бир кишида ҳақимиз бордур. Ул киши сиз талаб қилмай қозихонага келмайдур. Қози ўз ғуломларидин бир неча кишини савдогарларга қўшиб юбордиким, булар ҳар кимни кўргузсалар ани алар қозихона келтургайлар. Алар ғуломларни Султон Муҳаммад бин Маликшоҳнинг девонхонасиға олиб бордилар. Чун Султоннинг кўзи аларга тушти. На кишисизлар, деб сўрди. Савдогарлар дедилар: Бизларнинг бир кишига даъвомиз бор. Тилармиким, ани дорулқазоға элтиб ҳақимизни олғаймиз. Султон сўрди: Қимга даъвонгиз бор. Алар дедилар: Султонға. Алқисса, чун Султон ҳол ҳақиқатин билди буюрдиким, аларнинг қолган ҳақин хазинадин бердилар ва Хуристон ҳокимин мусодараға тутуб ул вилоят ҳукуматидин азл этти. Ва ондин сўнг ҳамиша таассуф ер

эрдиким, нечун алар била қозихонаға бормадим. То мундин буён ҳеч аҳди саркашлик қилмас эрди. Ва бу ҳикоят анинг камоли адл ва шариатдорлиқиға далолат қилур. Ризвоналлоҳу алайҳи.

ҲИКОЯТ

Келтурубдурларким, Султон Сайид Санжар бин Маликшоҳ аноруллоҳу бурҳанаҳу ул вақтким, кавкабаи тамом била Тайғон тарафига озим бўлди. Тайғондин бир ёш ўғлон тамошо учун бир тал устига чиқиб қис лабида турди. Султон узоқдин ул тал устига назар қилди. Тал чун гардун тоқидек баланд ва ул ўғлон анинг устида бир қушмонанд кўрунди. Қамондордин ёйни олиб ўқиға нишона қилди.

Байт:

Борди пайкон анинг ангуштидин,
Ўтди паррон худ онинг пуштидин.

Ўғлоннинг руҳи қуши парвоз қилиб, жисми ғалтон бўлуб ошоқға тушди. Султон буюрди. Бориб кўрингларким, на қуш эркан. Ғуломлар от чопиб бориб, ўғлоннинг жасадин олиб келдилар. Султон ул ўғлонни бу ҳолда кўрди, ҳасрат ва надомат ашкин тукиб ҳамул жойда давлат саропардасин қуриб буюрди. То ўғлоннинг валийларин талаб қилдилар. Анинг бир отаси бор эрди, бағоят муқбилул аҳвол, рўзғор жафосиға созиш қилғон, фақир ва фоқа бўлтасида гузориш топған киши эрди. Султон буюриб, то боргоҳға келтирдилар. Бир таштни зарга тўлдуруб, устига бир қилич қўйиб анинг олдиға ҳозир қилдилар. Андин сўнг Султон деди: Ана теғ, ана ташт ва зар. Қайси бирин ихтиёр қилсанг, ҳокимсан. Агар авф этсанг, зарни олғил ва агар қасос қилсанг, теғ. Тезроқ ҳамул ишға машғул бўлғил. Нединким, менинг қиёмат итобиға тоқатим йўқдир.

Шеър:

Гар вафодор эсанг, инак зару, сим,
Вар жафокор эсанг, инак зару тапшт.

Ул киши ер ўйиб деди: Ман ва ўғлим ва зар сенинг фидонг бўлсун. Аммо сенинг гўшаи кулоҳингга нуқсон

ва иззу жоҳингга зиён етмасун. Сан султондурсан ва бизлар бандадурмиз. Ҳеч музойиқа йўқдур. Султон буюрди, то зарни анга таслим қилдилар ва Тайгон ҳукуматин ҳам анга топширдилар. Ул киши бағоят молдор ва соҳиб эътибор бўлди. Мундог ва бозилдин яхши от ёдгор қолди.

ҲИКОЯТ

Муътабар таворихда мастурдурким, Султон Маҳмуд бин Султон Муҳаммад Маликшоҳ Салжуқийнинг ҳайбат ва шавкат, аҳд ва сиёсат ва раиятпарварлиги ҳадди камолга етмиш эрди. Бир навбат бир киши анинг маҳсус маҳрамларидин бирининг қўлидин фарёд қилиб келдиким, ҳеч журму гуноҳсиз уруб, менинг бошимни ёрди. Султон ҳамул дам бир неча ғулумни буюрдиким, они топиб келтургайлар. Чун ҳамул маҳрам эшитдиким, ул киши анинг қўлидин Султоннинг олдида тазаллум қилибдур. Ул муқарраб сиёсат ҳайбатидин ҳамул ерда жондин қалбин холи қилди. Нединким, хавф ниҳоясига етса, асари андоқ бўлурким, баданда жонға халал еткурур ва хойф ҳалок бўлур. Тангри таоло ва тақаддас подшоҳи оламнинг ҳайбат ва сиёсатин олам аҳлини роҳат ва осудалиқи учун кун-кундин зиёда қилгай.

ҲИКОЯТ

Малик Яқиқким, Султон Фиёсиддиннинг улуғ умаросидин бири эрди, Бадовуқ шаҳрида бир фаррошни мастлик ҳолида ўруб тозиёна остида ўлдурди, ва бир неча муддатдин сўнг султон Бадовуққа борди. Ҳамул фаррошни хотуни келиб тазаллум кўргузди. Чун амир фаррошни ўлдиргани маълум бўлди. Султон буюрдиким, амирни ул ситам етган хотунга ҳозир қилди ва анинг олдида амирға андоқ тозиёна урдиларким, хотуннинг эрининг борган ерига они ҳам еткурдилар. Ва анинг жасадин Бадовуқ дарвозасига осдилар.

ҲИКОЯТ

Ва яна Султон Фиёсиддиннинг соҳиб эътибор ғулумларидин бири Ҳайбатхон отлиғким, Султон боргоҳининг

муқарриби эрди, бир кишини мастлик ҳолатида ўлтурди ва чун онинг хотуни додхоҳлиқ қилди. Султонға зоҳир қилдиким, бу иш андин воқеъ бўлубдур. Ҳайбатхонға беш юз тозиёна уруб, ул авратқа бағишладилар на деди: То бу вақтгача ул менинг ғулومим эрди, энди сенинг ғулومинг бўлди. Хоҳ ўлтур ва хоҳ хизмат буюр. Ҳайбатхон бир жамоани васила қилиб, юз тазарруъ ва зорлиқ била ул хотунға йигирма минг танга бериб, ўзин халос қилди. Андин сўнг ғўшанишин бўлуб, то ўлгунча уйдин ташқари чиқмади.

«ШОҲИД УЛ-ИҚБОЛ»дан

Бисмиллоҳир-рахмонир-рахим

Вофир ҳамд ва сано ул Раббул оламинғаким, олий-шон султонларнинг бошига салтанат афсарин қўюб эътиборлари рифъатин фалак чатридин ошурди...

...Равшан ва маълум ва мубарҳан ва мафҳум бўл-сунким, бу фақири касирут-тақсир бандаи садоқат интишоб аъне Муҳаммад Ризо Мироб ал Мунаққаб бин Огаҳий — биродарзодаи Мунис мироб...

...Бу китоби майманат иштимол тартибиға иштиғол кўргуздим ва бу китоб ул ҳазратнинг иқболи камоли-нинг шоҳиди эрди, ул сабабдин мунга «Шоҳид ул-иқбол» от қўйдим...

ҲАЗРАТ ЗИЛ СУБҲОНИЙНИНГ МУБОРАК ЖУЛУСИНИНГ БЕШИНЧИ ЙИЛИНИНГ ҲУМОЮН ВОҚЕАЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Бу нусхаи шарифни ўқувғувчи донишманд ходимлар-нинг табъи латифиға махфий қолмасунким, ушбу йил санаи ҳижрия минг икки юз саксон тўртда эрдиким, зулқаъда ойнинг йигирма олтисида, жумъа куни, нав-рўзи жаҳонафруз кириб лу йили воқеъ бўлди. Мундин ўттиз тўрт кун ўтгандин сўнг, панжшанба куни, му-ҳаррам ул-ҳарам ойнинг ҳилоли тугуб санаи ҳижрий минг икки юз саксон бешга таҳвил топти. Ушбу йил ичида воқеъ бўлган воқеаларнинг бири улким, давлат айвонининг рукни аъзами ва ҳазрат аъёнининг акрам ва афхами ихлос ниҳод, садоқатистинод Муҳаммад Мурод Девонбегийким давлат ва сарват касратида абнойи замон ичра бебадил жоҳ ва макнат ва фартида ағниёйи жаҳон орасида беадилдир.

Камоли диндорлиғ ва ғоят саховат шиорлиғдин хо-тири саодатосори ҳақ таоло ризосиға толиб ва охират саройининг биносиға роғиб бўлуб буқъаи хайр имора-

тига саъй ва қўшиш қилиб, Хеваҳ шаҳрида ҳазрат акмалул комилин, афзалул восилин, зубдатул авлиё Саййид Алоуддин алайҳа раҳимнинг мақбараи мутабаррикасининг ғарбий жонибида ва хоқони мағфиратнишон, Султони фирдавсмакон Муҳаммад Амин Баҳодирхоннинг мадрасаи олийсининг Шарқий тарафида бир мадрасаи сангинфарах бино иморат қилдируб, иморат ишин ўтган йилнинг охирида итмомға еткурмиш эрди. Ҳамул мадраса андоқ дилкаш бино ва хушҳаво мадраса бўлмишким, ақл муҳандисининг суврати ҳуснининг тасвирида лол ва хирад мударриси онинг таърифи дарсининг тахайюлига гунгу маолдур. Девонбегига мазкур ҳамул мадрасаи ҳайратул анжом иморатининг итмоми учун улуғ тўй ва подшоҳона зиёфат аспобин саранжом қилиб, ушбу йил муҳаррам ойининг тўртида, якшанба кун, ҳазрат зил Субҳонийнинг ҳузури комилал сурурида ажз ва анкисор изҳор қилиб, ул ҳазратдин қудуми саодат лузуми шарафин ҳамул мадрасанинг жаннатсафо фазосига еткурмакни илтижо қилди.

Ул ҳазрат камоли хушҳўйлиқ ва ғоят дилжўйлиқдин анинг истидъосин қабул қилиб, ҳамул кун аср ҳамгомида жамиъ умаро ва аркони давлат ва аъёни ҳазрат била аркдин салтанат самандига рукуб қилиб бориб ҳамул мадрасага нузул этиб ҳужраи махсусдаким, ул ҳазратнинг қудуми ҳумоюни учун рангоранг бисотлар ва гуногун тўшаклар тўшалмиш эрди, подшоҳона шавкатлар била маснаднишин бўлди.

Умаройи изом ва кубаройи зулэхтиром ва олиймиқдор шаҳзодалар ва ҳашаматшиор бекларнинг баъзиси ул мадрасанинг дилкушо ҳужраларида ва баъзиси хушҳаво саҳнида муалло хиргоҳлар ва маҳалло хаймаларда манзилгузин бўлдилар.

Девонбеги ҳамул кеча тонг отгунча ғайрат камарин ҳиммат белига боғлаб зиёфат лавозими ва меҳмондорлиғ маросими ижросида андоқ саъй ва қўшиш изҳор қилдиким, Ҳотам Тойи ҳимматин бекор ва маъни зойида руҳин шармсор этти. Ва ҳазрат зил Субҳоний ва жамиъ умаро ва аҳли сипоҳ то субҳ ҳангомиғача китобхонлиғ ва маънидонлиғ суҳбатин ўз комларича тузуб, андоқ айш ва ишрат базмин қиздурдиларким, Жамшид базмининг афсонасиға хатти бутлон чекиб Баҳром жониға баҳра еткурдилар ва субҳи содиқ тулуидин сўнг фажр намозин ўқуб, қуёш қурсининг зуҳури асносида уламо-

Йи фазилатинтисоб ва умаройи шавкатмаоб давъати ом ва самойи масарратилтизом муқтазоси била ҳамул мадрасанинг вусъатафзо фазосига жамъ бўлуб, ҳар ким ўз мартабасига кўра мақоми олийда салобати тамом била ором туттилар ва уламоий изом тафсирхонлиг, маеъалагўйлик такаллуми била дурафшонлиг қилиб масойили мушкила ва маонии муаммоия анвоин ароға солиб, бир-бири била баҳс ва жадал қилурға машғул бўлуб, улуми матнуа изҳори бозорин қиздурдилар. Ва ҳайрат афзо баҳслар қилиб ва диққаторо жавоблар бериб масойили диния ва мубоҳисаи ақиниянинг усули ва фуруғига қуёш янглиғ рўшнолиғ еткурдилар. Масойил муколамасидин фароғ ҳосил бўлгондин сўнг жалодатнишон фаррошлар маърака фазосида сабодек суръат била ҳаракат қилиб, мажлис аҳлининг олдиға заррин хонлар тўшаб, неча алвон таом ва шароблар чектиларким, теъдодида ақл маҳосиби ҳайрон ва таърифиди хирад ҳакими гўл ва нодондур.

М а с н а в и й:

Ул навъ гузалди жашни олай,
 Ким келмади даҳр аро мисоли.
 Авсофиға неча сурсам ақлом,
 Топмас бори умрим ичра итмом.
 Ажзимни чу бу иш ичра билдим,
 Ноком ёзарни тарк қилдим.

Акул ва шурб интиҳосидин сўнг Девонбеги хизмат ва зиёфат русумин камо ҳаққаҳу тақдимға еткурмак учун ҳазрат зил Субҳонийға бир либоси зарринтор ва бир тожи гавҳарнигор кийдурдиким, ҳар бири бир жаҳон хирожиға арзир эрди ва бир барқи ниҳод от миндуруб бир паринажод туғма жиловдорлиқға келтурдиким, ҳар бирининг беназир ва беадиллиқи олам аҳлиға қуёшдек равшан ва зоҳир эрди ва жамиъ уламо ва умаро ва шахзодалар ва бекзодаларға ҳам ўзларининг қадр ва манзилатлариға лойиқ яхши отлар миндуруб, заррин хилъатлар кийдурди. Ва зиёфат мажлисининг инқизосидин сўнг ҳазрат зил Субҳоний ҳамул мадрасаға мударрис таъйин этиб, ҳамул кун чошт чоғи аркони давлат била отланиб, аркка қайтиб, салтанат саририда роҳатгузин бўлди. Яна уклим, собиқан мазкур бўлмиш эрдиким, аркони давлат узамосидин фаросат-

нишон, садоқатиктирон Муҳаммад Ниёз Девонбегиким, баъзи умури мулкия муаззамотининг масолиҳи учун Бухоро подшоҳи Амир Музаффарнинг юборган элчисига ва Бухоро жонибиға марсул бўлмиш эрди. Бир неча кун суръат била масофатнавардлик қилиб, манозили касира қатъиндин сўнг Бухоро вилоятиға борди. Иттифоқо, ҳамул ошонда Амир Музаффар урус лашкари била муҳораба қилмоқ иродаси била Бухородин Карминага бориб таваққуф қилиб, лашкар саранжоми ва яроғ ва аспоб эҳтимомиға машғул эрди. Девонбеги Бухоро шаҳриға дохил бўлгондин сўнг Амирнинг ўз ўрниға нойиб қилиб қўйиб кетган Муҳаммадшоҳ отлиғ улуғ вазири Девонбегига подшоҳона эъзоз ва эҳтиром этиб, макони олийға тушуруб, қўнуқиға маблағи касира таъйин этти. Ва Амир Музаффарға ҳамул воқеа эълони учун хабар юборди. Девонбеги бир неча муддат шаҳарда элчихонаи олийда мутаваққиф бўлди. Чун Амир Музаффар анинг сафорат расми била Бухоро шаҳриға бориб таваққуф кўргузгон хабарин эшитги, ниҳоятсиз шод ва масрур бўлди. Дарҳол анинг талабиға истеъжол тариқаси била барқмисол ундакчи юборди. Ундакчи Бухорода Муҳаммад Ниёз Девонбегининг қошиға келиб Амир Музаффарнинг истидъоси пайғомин еткурди. Девонбегин ул хабарни эшитгач, барча ҳамроҳ ва худдоми била отланиб, Бухоро шаҳридин чиқиб, ҳамул қосиднинг ҳамроҳлиғи била Кармина жонибиға равон бўлди. Бир неча кун қатъи масофат қилиб Кармина шаҳриға бориб амирнинг кўрунишиға дохил бўлуб, ҳазрат зил Субҳонийнинг пайғоми давлатнишони ва мактуби муҳаббат иқтиронин маъруз этти. Амирнинг хотириға анинг қудумидин беҳжати тамом ва масаррати молакалом ҳосил бўлуб, анга подшоҳона навозишлар кўргузуб, хисравона дилжўйлиқлар русумин тузуб мусофаҳа ва муонақа ва аҳволпурсишлиқлар ва хушгўйликлар лузумин зуҳурға еткурди ва мулукона тамаллуқ тавозеълар била бир мусаффо ва дилкушо жойға тушурди ва вазифасиға нуқуди вофир муқаррар қилди. Девонбеги бир неча муддат ул макони олийда мутаваққиф бўлуб, ҳар кун амирнинг мажлисиға бориб, умури зарурии мамлакат ва равоҳияти фуқаро ва раият масолиҳи бобида муҳоварат ва мушоварат қилур эрди. Бир неча кундин сўнг амир Музаффар анга таъзими муволифатасар ва тақрими ғайри муқаррар кўргузуб, мурожаат рухсатин берди. Ва ўзининг олийшон умаросидини

иззатнишон Яҳёхожаи Уроқни анинг ҳамроҳлиқиға рисолат расми била таъйин этиб, яхши ҳадялар ва мусодақатнома топшируб, Хоразм савбиға ирсол этди. Девонбеги хожайи мушорун-илайҳининг рафоқати била Карминадин қайтиб Бухороға келди ва Бухородан озим бўлуб манозили касира ва мароҳили байдани қатъ этиб, мазкур йил муҳаррам ойининг ўн тўртида, чаҳоршанба куни, остони сипсхринишон мулозаматиға етиб, барча кўрган ва эшитган воқеаларни ҳазрат зил Субҳонийнинг суҳбати лозим-ул-саодатида шарҳ ва баён қилди ва Яҳёхожаи Уроқ доғи Амир Музаффарнинг юборган нома ва ҳадяларин наввоби давлатинтисоб васотати била кўрунуши Ҳумоюнға дохил бўлуб, назари кимёасар мутолаасиға одоби тамом била етуруруб, авотифи хисравонадин баҳраёблиғлар топти.

Яна улким мазкур бўлган элчи яъни Яҳёхожаи Уроқ элчихонаи давлатнишонада эллик олти кун таваққуф кўргузгандин сўнг рабиул аввал ойининг ўн учуда, жумъа куни, ишорати олий мавжаби била давлат аминлари анга муовадат рухсатин бериб, остони олийшоннинг иззатнишон умаросидин Фозилхожаи Шайхулисломни рисолат тариқаси била анга ҳамроҳ қилиб муҳаббатномаи мушкинхитома топшуруб, Амир Музаффарнинг қошиға Бухоро жонибиға масофатпаймо қилдилар.

Яна улким мазкур бўлган йил яъне лу йили санаи ҳижрия минг икки юз саксон бешда ақрабнинг ўн учуда ражаб ойининг ўн иккисида, чаҳоршанба куни, асъади сомот ва аҳсани авқотда Ҳазрат Воҳиб-ул Атоё ва Розик-ул-бароё камоли карамдин ҳазрат зил Субҳонийни алтофи илоҳий ва аътофи номутаноҳийға махсус тугуб, бир фарзанди хўжастазот ва валади фархундасифат каромат қилдиким, давлат анвори муборак рухсоридин зоҳир ва саодат осори ҳумоюн дийдоридин бохирдур. Ва ул Шаҳзодаи шарофатлузум Асғар Маҳмуд Тураға мавсум бўлди. «Анбатоллоҳу баътан ҳусно». Яна улким умарои киром саромадларидин Фозилхожаи Шайхулисломким сафрат тариқаси била Бухоро видоятига, марсиул бўлмиш эрди. Андоқким собиқан мастур бўлди. Ушбу йил ражаб ойининг ўн саккизида, сешанба куни, Амир Музаффарнинг мусодақат ва мувоҳадат изҳори уруқ қўшуб юборган элчиси Авлиёхожаи судур била утбан сипсхр марраба мулозаматиға етиб навозица хисравонадин сарафозлий топтилар. Яна улким ражаб ойининг йигирма иккисида, шанба

куни, пешиндин сўнгким барча соатларнинг масъуди эрди. Ҳазрат зил Субҳоний мамолики маҳруса атрофин сайр қилмоқ ва саҳронишин фуқаро ва ажзанинг ҳолларига адл ва иноят кўзи била назар қилиб, арз додларин раҳм ва мурувват қулоқи била эшитиб, ҳодисоти замон ва навойиби даврондин мусавван ва фориғбол ва маъмун ва хушҳол этмак учун шикор баҳонаси била сафар иродасин жазм этти. Андоқким, ҳар йилдаги суннат ва одат марзиясидур. Салтанати подшоҳона била салтанати Хевақ «зайналлоҳу таоло бил низом ва насақдин» давлат иблиқиға руқуб қилиб умарои шавкат нишона ва сипоҳи бегарона билаким ҳамиша рикоби ҳумоюннинг иқбол янглиғ мулозим эрдилар нуҳзат тариқиға озим бўлуб, кечрак Шоҳободға етиб нузул этти. Ва андин кўчуб манзил ба манзил сайр ва тафарруж қилиб Тошҳавуз устидин юруб Ҳилолий қалъасига борди ва анда бир неча кун таваққуф қилиб, ҳамул атрофдаги фақир ва ожизларнинг ҳоллари кайфиятин истифсор этиб, гамгин хотирларин шод ва бузуқ замирларин обод қилди ва Ҳилолийдин издиҳоми тамом ва асокари маҳшарнизом била кўчуб, Қизил Тақир отлиғ мавзега ворид бўлуб, ани мухаййими хаёми майманатанжом ва муқаррари сипоҳи нусратилтизом қилди ва анда бир неча кун подшоҳона айш ва ишратға иқдом кўргузуб, Жамшедона шикор қилмоқ қондасин тузди. Ва ҳар кун ул ҳаволидаги саҳро ва биёбонларға сайру гулгашт якронин суруб, сарсар мисол оҳуларға барқбол италғулар солди ва шикорандозлиғ тамошосидин баҳраи тамом олди. Ва ҳар кун Ануширвон мисллик адолат тахтида ўлтуруб, фуқаро арз ҳолин сўрди. Ва ҳар кун Ҳотами Тай янглиғ саховат мажлисин қиздуруб, ажза ва ажузаға хизонаи эҳсонидин неча неча зар ва этак этак гавҳар инъом қилиб, бесаранжом фақир ва мискинларни аҳли жоҳ ва ағниё мақомиға еткуруб, дунёдин мустағний қилди. Ва бир неча кундин сўнг Қизил Тақирдин кўчуб, Урдуйи Кайҳонпўй ва асокари жаҳонжўй била Кўҳна Урганжга бориб, файзи қудумидин таровати тоза ва баҳори нузулидин назорати беандоза бағишлади. «Ман зорал мақобара бал катабаллоҳи таоло билкулли қадамен ибодати санатен» ҳадисининг мазмуни ҳумоюни муқтазосича ҳамул муборак мавзеда осудалиғ топқон бузургворларнинг мароқади файзосорлари зиёратин ихлоси тамом била илтизом этиб султонул авлиё, бурҳонул атқиё, зубдатул комилун,

қудватул восилун, шамсул ҳидоята ват-тақво ҳазрат шайхул уюх Нажмиддин ал Кубро алайҳи ал тахия вал санонинг мақбарайи мутабаррукаси зиёратига ихлоси тамом била восил бўлуб, арвоҳи тайибаларидин истимдоди ҳиммат қилиб, футуҳоти беғоят ва фуюзоти билониҳоят ҳосил қилди. Ва остонаи шарофат нишондаги мужовур ва жорубкашлариға назр тариқаси била нуқуди фаровон бериб, дуойи хайрларин олди. Ва бу тариқада ул ҳаволидаги осудалиғ топған ўзга авлиёи изом ва машойихи киромнинг мақобири файзмизоҳирлари зиёратин ҳам хулуси ният ва софий тавият била қилиб, зиёрат маросими ва хайру саховат лавозими адосидин сўнг Қўҳна Урганчдин муовадат қилиб, шикорафганлик тариқаси била яна Қизил Тақир усти била юруб, Ҳилолийға келди ва андин якрони салтанатни карамжавлон қилиб, Азамхашр устидин ва ямут ўбалари адосидин ҳазрати сайидул асфиё ва санадул авлиё муқарраби боргоҳ мулкул вужуд сарвари атқиё исми Маҳмуд ато алайҳу раҳматуҳу вал фунуннинг остонаи малойик посбони зиёрати шарафигаким кирпичли мавзеида воқедур, мушарраф бўлуб, бир ақшом ул саодатлиқ мақомда ихлоси тамом била ором тутди. Тангласи сабоқ ҳангомидаким қуёшнинг зарринкулоҳ подшоҳи машриқ боргоҳидин чиқиб, фалак хонақоҳи тавофиға юз урди. Ҳазрат зил Субҳоний хиргоҳи гардуништибоҳдин нуҳзат қилиб, зиёрат русуми шароитин бажо келтурди. Ва ҳазрати вилоятмаобнинг руҳи пурфутуҳларидин имдод ва ионат файзин ҳосил қилдн. Ва ул навоҳидаги фуқаро ва масоқинға, хусусан ҳамул остонаи биҳиштишонанинг мужовур ва шайхлариға садақа ва назр расми била ададсиз зар ва ҳадсиз сийм инъом этиб, кўнгуллариға хуррамлиғ ва шодкомлиғ еткуруб, дуойи ижобат фаржомларин олди. Ва зиёрат лавозими ва саховат шароити фароғидин сўнг давлат маркабиға рукуб қилиб, Ғозийобод қалъасиға келиб тушди. Тангласиким, шаъбони муаззам ойининг саккизи, душанба куни эрди, офтоб тулуғидин сўнг Ғозиободдин ашҳаби сарсарниҳодға рукуб қилиб, чошт чоғи дабдабаи мулукона ва кавкабаи хисравона била дорулхилофаи Хевақға ворид бўлуб, мустақари салтанатда ором тутуб, шаҳр аҳлининг интизори кўзларин дийдори саодатосор анворидин ёритди. Бу сафари майманатасарнинг имтидод муддати ўн етти кун эрди ва ражаб ойининг йигирма саккизида, жумъа кечаси, вазири

азам Муҳаммад Раҳим меҳтарким, касал бўлуб амри олий мавжаби била шаҳарда қолиб эрди, марази табиий била вафот топди. «Инналлоҳу ва инно илайҳуррожиун». Яна улким ҳазрат зил Субҳоний ройи оламоси муқтазоси била камоли отифат ва ғояти шафқатдин ўзининг биродари аржуманди саодатманди олийшон, рафиъмакон, шавкатнишон, жалолат иқтирон, нури дидаи инсу жон, сурури сийнаи аҳли жаҳон шаҳзода Саид Аҳмад Тўра, «рафаоллоҳу таоло аълома даражотаҳу ва басатта бисота ҳасанатуҳу» учун Хевақ шаҳрида аркнинг шарқий жонибида андоқ бир ҳовлини олий ва қасри мутаолий бино қилдурдиким, фалак кайвони анинг адно айвони қошида гадоӣ хотуннинг кулбаи вайрони мисиллик хароб, обод ва жаннат қасри анинг ишратафзо саройи олдида меҳнат зиндонининг тийра қазоси янглиғ малолат бунёддур.

Н а з м:

Агар таърифийи қилсам бидоят,
Анга то ҳашр топмасман пиҳоят.
Бас авлодур тутуб маъзур ўзумни,
Бу ишдин айласам масрур ўзумни.

Ул ҳазрат ҳамул мақоми саодатанжом иморати ишининг итмоми учун улуг тўй ва азим жашн тартиб бердуруб, жами уламои фазилатшиор ва умаройи шавкатосорни ул тўйга ундаб, барчани алвоии неъматдин шодоб ва анвон отифатдин баҳраёб қилиб, дуойи хайрларин олди. Ва мазкур йил шаъбон ойининг йигирма тўртида, чаҳоршанба куни, муборак соат ичида ҳазрат зил Субҳонийнинг ишорати давлат башорати била шаҳзодаи сармад Саид Аҳмад Тўра барча мутааллиқод ва ҳарамии муҳтарамлари била аркдин кўчўб, ҳамул ҳавлии ишратнишонга кириб, фалак қасрида нужуми тобон ва моҳи дурахшондек мутавааттин ва жаннат гулистонида ҳуру филмон янлиғ мутамаккин бўлди.

Н а з м:

То жаҳон мулкидин нишон бўлгай,
Ушбу ҳавлии анга мақон бўлгай.
Давлату жоҳи дамбадам ортиб,
Ишрату айши жовидон бўлгай.

Ва шаҳзодаи саодатқарин ҳамул макони биҳишт-
ойинда қасрнишин ва оромгузин бўлгондин сўнг фа-
қирким, бу ҳуруфи шарофатвуқуф роқимидурман, му-
боракбодлиғ учун бир ғазал ва ул ҳавли таъмири учун
бир таъриф назм силкига чекиб, ҳумоюн назари муто-
лаасиға еткуруб илтифоти бегарон ва инъомоти бепе-
ёнидин баҳрамандлиғ ва комёблиғлар ҳосил қилиб,
ҳадсиз нишот ва ададсиз инбисотларға восил бўлдим.

Ул ғазал будурким, бу ерда марқум бўлур.

Ғ а з а л:

Эй сарфарози олам қасру саро муборак,
Шоҳона жойгоҳи олий бино муборак.
Фардавс қасридундур, файзу сафоси афзун,
Манзар анга хўжаста, айвон анга муборак.
Сақфи эрур музайян, юз нақш бирла то фарш,
Дилкаш мақом ўлубдур, сар то ба по муборак.
Ҳар кимса кўrsa они, ҳайрону лол бўлрай,
Ким йўқдур ўйла қасри ҳайратфазо муборак.
Ахтарса кимса минг йил муздоқ бинойи сурфайз,
Мумкин эмас топилмоқ олам аро муборак.
Ушбу макони олий ким йўқдурур мисоли,
Ҳақ лутфидин ҳамиша бўлсин санго муборак.
Қилсун насиб анда давлат била ўлтурмоқ,
То ҳашр бу маконни айлаб худо муборак.
Бўлсун ичида ҳар кун минг тўй пла тамошо,
Айлаб ани карамдин ҳақ борҳо муборак.
Қил, Огаҳий, дуолар шаҳзодан замонға,
Ким сидқ бирла ҳар кул, қилса дуо муборак.

Ва таърих будурким, бу маҳалда талқин топар.

Т а ъ р и х:

Шаҳи Муҳаммад Раҳимхони замон,
Маъдалат пешау фаришта лиқо.
Ҳомии давлату муравважи дин,
Қоҳири жаҳлу носирн уламо.
Хисрави меҳру тожи чархи сарвр,
Шоҳи кишварситони мулкоро
Як гадои маҳқараш Ҳотам,
Ду ғуломаш Скандару Доро.

То қиёмат агар кунам мадҳаш,
 Натавон кардапам тамому адо.
 Ин хўжаста биноки, дар олам,
 Омада беназиру беҳамто.
 Ҳамчу ишратсаройи боғу биҳишт,
 Пур ғайзу сафост сар то по.
 Шуд ба фармони он шаҳи даврон,
 Бас, дилоро, иморати воло.
 Баҳри оройиши биродари хеш,
 Чи биродар биродари доно.
 Саид Аҳмад Тура шариф исмаш,
 Сарвари даҳру афзали нажабо.
 Шахси иқболро аз ўст шукуҳ,
 Боғи ижлодро аз-уст сафо.
 Ожиз омад зи фикри ў соғаш,
 Жумлаи аҳли донишу шуаро.
 Ҳамма гашта муқар ба ажзи худаш,
 Накушода забон ба ғайри дуо.
 Он фаридаи замона чун мискии,
 Кард ин ҳавлии муборахро.
 Оғаҳий, гуфт соли итмомаш,
 Ҳавлии олии хўжаста бино.

ҲАЗРАТ ЗИЛ СУБҲОНИЙНИНГ САЙРУ ШИКОР ТАРИҚАСИ БИЛА ДОРҒОН ЖОНИБИҒА НУҲЗАТ ҚИЛҒАНИ. ДАВЛАТ ВА ИҚБОЛ ВА ХУШҲОЛЛИҒ БИЛА ҚАЙТИБ КЕЛҒОНИ

Қалами мушкинрақам шоҳбози варақ сайдгоҳида мундоқ баландпарвозлиқ ва шикорандозлиқ қилурким, чун ҳазрат зил Субҳонийнинг шарофатлиғ одати ва саодатлиғ суннати ул эрдиким, ҳар йил кузак фаслида-ким ҳаво табиати муътадил ва табиатларнинг саҳро сайри ҳавосиға мойил бўлган вақтдур. Замири байзо танури миръотиға салтанат умурининг шуғул хатири жиҳатидин етган малолат ғуборининг рафъи ва табъи сафо таҳмири кўзгусиға фуқаро ва раият аҳволининг тажассус ва эҳтимоми сабабидин етушган қудурат осорининг дафъи учун мамолики маҳрусанин атроф ва жавониби доғи хуш ҳаво, марғузурлар ва дилкушо водий ва кўҳсорлардин бирининг сайрин илтизом этиб, шикорандозлиқ тамошасидин ҳумоюн хотирин шодком ва саодатнамун замирин беҳжатфаржом қилур эрди. Ушбу йилдоғи кузак ҳангомида ҳамул муборак дастур

била сайр ва шикор амрин ихтиёр қилиб, шаъбони муаззам ойининг олтисида, чаҳоршанба куни, чошт вақтидаким аҳли нужум ва арбоби ҳикмат эътиқодиға кўра барча авқотнинг саидроқи ва жамиъ соотнинг рашитроқи эрди, дарёи Жайхун савоҳилин ҳумоюн ҳузури файзидин кавсар қирғоғидек назоратмаол ва Дорғон қалъаси Ҳаволисин муборақ мурури шарафидин сипеҳр қўрғонидек пахомат иштимол қилмоқ учун давлат самандиға рукуб қилиб доруссалтанаи Хевақ, «зайнаҳоллолу таоло билнизоми ва нассақ»дин дабдабаи тамом ва кавкабан шарофатфаржом била чиқиб, қуёш янглиғ ҳумоюн рухсори анворидин жаҳонни равшан қилиб мақсад тариқиға равон бўлди.

М а с н а в и й:

Чиқиб шаҳрдин шоҳи Жамшидшон,
Бўлуб сайдгоҳ жонибиға равон.
Қуёш янглиғ олий тузуб дабдаба,
Фалакдин фузун кургузуб кавкаба.
Йўли гарди олам юзин гар тутиб,
Юзи нури лекин они ёритиб.
Изида ададдин фузунроқ сипоҳ,
Эрур ҳар бири соҳиби иззу жоҳ.
Нечаси жанг шоҳу шаҳзодалар,
Нечаси анинг беку озодалар.
Бори Рутам осойнму номдор,
Бори ўйлаким, боз душманшикор.
Юриб шоҳ кейинда айлаб ҳужум,
Қуёш кейинда ул сифатким нужум.
Алолойи маҳшар намоён бўлуб,
Тамошосида халқ ҳайрон бўлуб.
Фузунроқ бўлуб дамбадам ҳанмати,
Бўлуб андин афзун улус ҳайрати.
Тамошоси анвоининг сони йўқ,
Демак, васфини халқ имкони йўқ.

Мундоғ дабдабаи ҳайратиншо ва тантанаи биҳиштафзо била қатъи манозил ва таййи мороҳилға шавкат бодпосин суруб Ҳозорасп ва Фитнак диёри устидин юриб, дарё канориға чиқиб Учтепа отлиқ мавзени муҳаййали ҳайёми иқбол ва музарраби сародақоти ижлол қилиб, нузули ҳумоюни фуюзотидин ул мавзени эрамнамудор ва фирдавсосор қилди. Ва анда подшоҳона базму иш-

рат тузуб бир кеча истироҳат кўргузгандин сўнг урдуин
пайҳоншўйни кўчуруб нуҳзат якронин шикоргоҳ жони-
бига сурди ва ул атрофдаги фирдавс намудор беша ва
мурғзорларда ва файзсор қиру кўҳсорларда кийик сай-
дига ва гоҳо ўзга жониворлар шикорига иштигол кўр-
гузди.

М а с н а в и й:

Шаҳи жамнишон хисрави помдор,
Шикор амрини айлабон ихтиёр.
Рукуб айлабон чувт якрон уза,
На якронки, гардуни гардон уза.
Суруб гоҳ кўҳу биёбон аро,
Гаҳи беша, гаҳи пайистон аро.
Солиб гоҳ чобук италгуларин,
Олиб қўймайин дашт оҳуларин,
Гаҳе кўҳсор ичра тўйғун солиб,
Буғу, марол, балки суйғун олиб.
Гаҳе беша ичра солиб қарчигай,
Қириб қирғовул, балки олиб ҳумой.
Гаҳе солибон очину бозлар,
Шикор айлабон турнау ғозлар.
Солиб гоҳ шунқорлар беҳисоб,
Товушқон демай, балки олиб уқоб.
Гаҳе баҳрии чувту чобук солиб,
Бару баҳр сайдини қўймай олиб.
Гаҳе итдин айлабон сайдгар,
Олиб бешада қўймайин жонвор.
Қаю қушниким солибон тунду тез,
Шикор аҳли ичра қўпуб рустахез.
Алоло чиқиб авжи гардун аро,
Ҳаёҳу тушуб тоғи хомун аро.
Бори ер юзин хайли лашкар тутуб,
Садойи мавокаб фалакдин ўтуб.
Тутуб лашкар аҳли таҳаррук чоғи,
Каваззун қулон, балки қоплон доғи.
Ададсиз бўлуб сайд бабару паланг.
Тамошо ҳувайдо бўлуб неча ранг.
Улус барча маҳви тамошо бўлуб,
Фараҳ беадад ошкоро бўлуб.
Тамошо била бўлди масрур шоҳ,
На шоҳким, тамоми амиру сипоҳ.
Маъ алқисса, ҳеч бир киши қолмайин,

Тамошо била комиши олмайин,
 Илоҳо эрур то фалакдин асар,
 Фалак узрадур то қуёш жилвагар.
 Шаҳи маъдалат пешаға ёр ўлуб,
 Ҳар ишда муину мададкор ўлуб.
 Фалакка егур тахтининг пояси,
 Қуёшдин ўтур тожининг сояси.
 Қилиб давлатин чархи душман шикор,
 Жаҳонгир қил оини Ҷамшидвор.
 Иброқ айлаб ондин жаҳон кулфатин,
 Фузун айлагил айш ила ишратин,
 Тутуб хуш ҳама вақтини борҳо,
 Қил икки жаҳон ичра комиш раво.

Алқисса, ҳар кун ушбу тариқада шикор анвои та-
 мошасидин баҳравар бўлуб, ҳар оқшом дарё канорида
 бир бешани мустақар қилиб, нузули баҳори шарофа-
 тидин манозил фазосин фирдавси борин гулшанидек
 назоҳатасар ва қудуми ғубори саодатидин мароҳили
 ҳавосин жаннатул маъво насимидек роҳатпарвар этиб,
 Дорғун қалъасининг ёвуқиға етиб, дарё қирғоғида Оқ-
 работ отлиқ мавзени вусули фоиз инбисот ва нузули
 вожибул анботи шарафидин гулистони чинға баробар,
 балки сипеҳри барин авжиға ҳамсар қилди. Ва ул ман-
 зилда бир кеча маснадорой роҳат ва қадаҳ паймо базми
 ишрат бўлуб, тангласиким қуёшнинг заррин тож жам-
 шиди фалакнинг вусъатнишон майдониға шиои якро-
 нин сурди ва нури шоҳбозин илкиға олиб, кавокаб сайд-
 лари шикорига юз урди. Ул ҳазрат ҳамул манзилдин
 давлат маркабиға рокиб бўлуб, бошидин то оёқ қуёш
 янглиғ шавкат ва шарофат анворидин тўлуб, шикоран-
 дозлиғ расми била бориб, Дорғон қалъасининг атрофи-
 даги осудалиғ топган бузрукворларнинг мозори фоизул
 анвор ва мақбараи файзосорларининг зиёратлари ша-
 рафиға мушарраф бўлуб, арвоҳи тайибаларидин истим-
 доди ҳиммат қилди ва руҳи пурфутуҳлари имдодидин
 фуюзоти вофир ва футуҳоти мутакосир ҳосил қилгон-
 дин сўнг ҳамул саодатнишон остоналарнинг чорубкаш ва
 шайхлариға назр тариқаси била нақди фаровон инъом
 қилиб, барчасиға шодкомлиғ еткуруб, дуои хайрларин
 олғандин сўнг ҳамул маконӣ жаннатнишондин муро-
 жаат якрониға рукуб қилиб, яна шикорандозлиғ расми
 била улуг бешаларда ва васеъ майдонларда карамжав-
 лон бўлди. Ва ҳар кун ушбу тариқада манзилбаманзил

сайру шикор қилиб яна Ҳазорасп устидан юруб саҳро-
нишон фуқаро ва ажзанинг кўнгуллариға адл ва эҳсон
анвоидин хуррамлиғ ва шодмонлиғ еткуруб шаъбон
ойининг йигирма иккисида, жумъа куни, чошт чоғи до-
рулсалтанаи Хевақға дохил бўлуб, шаҳр аҳлининг
мунтазир кўнгуллари комин ҳосил қилди.

Н а з м:

Шаҳр зийнат топиб вусулидин,
Шаҳр эли шод улуб нузулидин.
Қадами тахтға бериб рифъат,
Адли еткурди халқға роҳат.
То, абад тахт узра соғ ўлсун,
Ишрат айлаб думоғи чоғ ўлсун.

Бу сафари биҳишт асарнинг муборак муддати ўн
етти кун эрди. Ул ҳазрат бу сафарға кетганда умаройи
қадимул хизмат зумрасидин мунқат дудмонининг зуб-
даси Бобоиноқким, оғир касал бўлуб рикоби ҳумоюн
хизматидин қолмиш эрди ва ул касал шиддатидин ул
ҳазрат сафарда эрканда вафот топмиш эрди. Ул ҳаз-
рат ҳамул сафардин келиб мустақари салтанатда ис-
тиқроқ кўргузгандин сўнг камоли карам ва мурувват
ва гоят лутф ва шафқат муқтазоси билаким ҳумоюн
ютида жибиллидур, мазкур Иноқнинг ўғли Хожа Ниёз-
бекка подшоҳона иноятлар кўргузуб, атосининг ўрниға
иноқлик мансаби олийсин каромат этди ва анинг малул
ва мотамзада хотириға мундоғ шафқати беғоят шаму-
лидин фараҳ ва сурури бениҳоят етди.

Қитъа:

Бўлғай афзун давлату иқбол анингдек шаҳгаким,
Шафқатидин бўлғуси хуррам мусибат дорлар.
Ҳар кишиким бўлса гамгин инқилоби даҳрдин,
Тутғуси соқни лутфий соғари саршорлар.
Шодлиғ маҳзун кўнгулларға етиб эҳсонидин,
Илтифотидин топар иқболу иззат хорлар.

Яна улким, ҳамул йил зулқаъда ойининг иккисида,
шаҳоршанба куни, Бухоро подшоҳи амир Музаффарнинг
кўлоб ва Ҳисор қалъаларин фатҳ этиб ва ул воқеа
нуқунин суюнчилатиб сафорат расми била юборган ки-

шиси Сулаймонхожаи Уроқ остонбуслиғ шарафига мушарраф бўлиб, келтирган фатҳномасин атабаи сипеҳр-мартаба мулозимларининг васотати била назари саодатсар мутолаасига еткурди. Бу воқеа андоқ эрдиким, амир Музаффар кўп асбоб ва лашкар била Ҳисор устига бориб, олти-етти ой муддатидин бери мусулмонлар била муҳораба ва муқотала қилур эрди, икки тарафдин кўп мусулмон мақтул ва маъдум бўлди. Охир, кўхистон халқи ожиз бўлуб амир Музаффар ғалаба қилиб, Ҳисор ва Кўлобни мусаххар ва ул вилоят аҳлидин кўп кишини бесар қилиб мурожаат этди ва Қаршига келганидин сўнг ҳазрат зил Субҳонийга мусодиқат ва иттиҳод изҳорининг таъкиди учун фатҳнома ёзиб, суюнчи хабарининг эъломи учун ўзининг муътамадун алайҳи умаросидин Сулаймонхожайи мазкурни остони давлатпосбон мулозимларининг хизматиға Хоразми жаннатбазм жонибиға ирсол қилди. Хўжайи мазкур суръати тамом била манозил қатъида эҳтимом кўргузуб, мазкур бўлган кун суддаи хилофат зиёрати давлатиға восил бўлуб, умаройи соҳибшавкат ва вузаройи осафсавлат васотати била келтургон фатҳномаи муволифат хитомасин назари кимёхосият мутолаасига одоби тамом била еткуруб, илтифоти подшоҳона ва мулотифати хисравонадин баҳраёб ва мақсуд бодаи нобидин саршор ва сероб бўлди. Яна улким, солиқан мастур бўлмиш эрдиким, остони олийнинг мулозимлари зумрасидин зубдаи ол қипчоқ Муҳаммад Яқуб Иноқ амир Музаффарнинг бурунғи юборған элчисига рисолат тариқаси била ҳамроҳ бўлуб Бухоро вилоятиға бориб, амир Музаффарнинг Ҳисор устиға кетгани учун кўп муддатдин бери Бухоро шаҳрида таваққуф қилмиш эрди. Амир Ҳисордин қайтиб келганидин сўнг анга эъвоз ва икром кўргузуб, мурожаат рухсатин берди ва ўзи соҳиб эҳтишом умаросидин бирин элчилик йўсуни била анинг мурофақатиға таъйин этиб ва ихлоснома топшуруб, даргоҳи сипеҳриштибоҳ хокбўслиқиға ирсол этди. Алар рафоқат тариқи била қатъи масофат этиб зулқаъда ойининг йигирма бирида, душанба кунини, атабаи гардунмартаба мулозамати саодатиға мушарраф бўлуб, ҳазрат зил Субҳонийнинг дийдори хуршид, анвори мушоҳадасидин бахт ва иқболлари кўзун ёритуб келтургон савғот ва муҳаббатномаларин арзи мавқеиға еткуруб, инояти хисравонидин сарафрозлиғ ва авотифи мулуконадин хуршиди тобонянглиғ мумтозлиғ топдилар.

АБДУМАЛИК ТУРАНИНГ ОТАСИ АМИР МУЗАФФАРГА
МУХОЛИФАТ КЎРГУЗУБ, КЎП МУҲОРАБА ВА МУЖОДАЛАДИН
СУНГ МАҒЛУБ БУЛУБ, ШАҲРИСАБЗГА БОРГАНИ ВА ГАРДУНИ
ГАРДОННИНГ МУХОЛИФ ГАРДИШИ БИЛА ШАҲРИСАБЗДИН
ЧИҚИБ, ҲАЙРОН ВА САРГАРДОНЛИГ БИЛА ХОРАЗМ
ЖОНИБИГА ЙЎЛ БОШҚАРГАНИ ВА ҲАЗРАТ ЗИЛЛИ
СУБҲОНИЙНИНГ СОЯИ ҲИМОЯТИ ВА МЕҲМОНХОНАИ
ИНОЯТИГА ЕТГАНИ ВА САБУКБОРЛИГ ВА ЖУНУНШИОРЛИГ
ШЕВАСИДИН ИЛГАРИ БУЛУБ, ПОДШОҲОНА ИЗЗАТ ВА
ЎҚТИРОМИ ТАШЛАБ, МАРВ ЖОНИБИГА КЕТГАНИ

Содиқ-ал қавл ровийлар бу қиссан ҳайратфазо вуқуи сабабин афсона толибларининг сомиаи ҳушлариға мундоқ масмуъ қилурларким, чун собиқан мазкур бўлмиш эрдиким, Бухоро мамоликининг подшоҳи, фармонравоси амир Музаффар дарёи Сайхун канорида Сассиққул мавзеида Русия лашкаридин шикасти фоҳиш топиб, қайтиб Бухороға келди. Ва яна кўп асбоб ва лашкар жамъ этиб, ўрус черикининг уруши қасди била Қарминага бориб, кўп муддат таваққуф қилди. Ва барча лашкар ва сарҳангу саркардаларин Самарқандға йиборди, токим, ўрус урушиға бориб, жаҳд ва кўшиш кўргузгайлар. Ул авонда ўрус лашкари доғи Ўратепа ва Жиззах ва ул ҳаволидағи шаҳр ва қалъаларни олиб, Самарқанднинг тахминан олти фарсахлик ёвуқиға келиб, Янгиқўрғон отлиғ мавзеъда лашкаргоҳ қилмиш эрди. Амирнинг лашкари Самарқанддин уруш талаби била ўрус жонибиға чиқиб ва ўрус черики доғи Самарқанд талаби била юруш қилиб, орада талоқин фаривайи воқе бўлди. Ва аҳли ислом афвожи ҳар нечаким, куфр ва залом сувуфиға дарёи зуххор амвожидек ғайрати тамом ва таҳавури локалом била неча қатла шерона ҳамлалар қилиб қайтилдилар. Аммо Тангри таоло тақдири била ҳар қатласида шикасти фоҳиш топиб, босилдилар ва нокомлиғлар била амирнинг хизматиға келдилар. Ва ўрус лашкари ғалабаи тамом била келиб, Самарқандға кирди ва андин ўтуб, Каттақўрғонға ҳам кириб, мутасарриф бўлди. Амир Музаффар ўз ҳолиға ҳайрон бўлуб, ҳар нечаким, фикр ва андиша қилди, ўрус била мусолаҳа қилмоқ ва мутобаат кўргузмақдин бошқа ҳеч чора топмади. Ложарам диндорлиғ лавозими номусин ва мардлик ҳамияти сарриштасин қўлдин бериб, ўрус губурнаториға пинҳоний элчи йибориб, бир ойда ўн икки минг тиллоий бухороий моҳона бермакчи

бўлди. Урус доғи ҳамул келган ва олган вилоятлардин ўтмай турмакчи ва Бухоро шаҳрига савдогарлик ва элчилик тариқаси била бориб келмакчи бўлуб мусолаҳа қилдилар.

Ҳамул авонда амир Музаффарнинг улуг ўғли Абдулмалик Тўра отасининг амри ва ёрлиғи била Ғузор вилоятида ҳоким эрди. Урус лашкари ғалаба қилиб, Самарқанд ва Қаттақўрғон вилоятларин мусаххар қилганин эшитиб, отасининг мусолаҳа қилганидин хабарсиз Ғузор ва Қарши бошлиғ ҳамул жонибдағи барча вилоятларнинг лашкарин жамъ этиб, Ғузордин Шаҳрисабзга бориб, анинг сипоҳи ва ҳокимларининг иттифоқи била кўп черик ва асбоб тузуб, Самарқанд устига борди. Ва неча мартаба жанги мағлуб қилиб, охир зафар топа олмай, қайтиб Ғузорга келди.

Ҳамул аснода Бухоро шаҳрининг уламо ва сулаҳо ва машойих ва толиби илмларидин тахминан уч минг чоғлиғ кишиким, диндорлиғ ва шариатшиорлиғда сидқидил била собитқадам ва устувор эрдилар, амир Музаффарнинг ўрус била мусолаҳаси асроридин огоҳлиғ топиб, дини ислом қавоидининг истеҳкомин ва куфрн залом маросимининг инъидомин шаръи ғарро аҳкомининг мавжаби била ўзларига илтизом этиб, иттифоқ била Бухоро шаҳридин чиқиб, ғазо нияти ва шаҳодат талаби била Қарманага амирнинг хизматиға бордилар. Ва кофир била мусолаҳа қилмоқ оқибатининг шоматиндин ва мутобаат кўргузмак афъолининг даҳоматидин тахвиф ва таҳдид кўргуздилар. Ва қаттиқ сўзлар айтиб, дедиларким: «Бизларга бош бўлуб, кофир устига юргил, токим, бизлар сенинг олдингда урушуб ўлалди. Андин сўнг кўнглунг ҳар на тиласа андоқ қил. Йўқ эрса хизматингдағи лакшариянинг от ва яроғларин олиб бизларга бергил, токим, бизлар ўзимиз бориб кофир била урушали. Сан ўз роҳат ва ишратингда ўлтурғил». Амир бу сўзларни эшитиб, бағоят ғазабнок бўлуб, тиладиким, муллоларнинг тамомисин қатл ва ҳалок этгай. Ушбу қасд била аларға макру ҳийла юзидин мундоқ жавоб бердиким: «Кўп яхши нуят била келибсиз. Мундағи куффор била урушмоқ саддидадурман. Эмди сизлар бу жамъиятингизни бузмай, Самарқандга бориб, турунлар. Ман ҳам бу ерда икки-уч кун бўлуб, лашкар яроғин ва уруш асбобин камоли таъжил ва шитоб била камоҳуа ҳаққаҳу муҳайё ва омода қилиб, изингиздин бориб, иттифоқ била кофирга қасд

етиб, мужодада ва мақотала русумин тузармиз. Ва диндорлиғ ҳамиятин илгари тутуб, мутаҳаввирона саъй ва кўшишлар кўргузурмиз. Ва ё голиб бўлуб Ҳақ таоло таъййиди бида куффор ихонати шарридин қутулурмиз ва ё хулуси ният бида шаҳодатнинг олий даражасиға фойиз бўлурмиз». Муллолар ушбу сўзларни эшитиб, кўнгулларига сурур ва қувват етиб, хушҳоллик бида Самарқанд жонибиға озим бўлдилар. Аммо амир Музаффар дунёи фонийнинг беш кунлук орияти зиндагонликиға шифта ва фирифта бўлуб, Самарқанд ҳокими ва андағи ўрус лашкарининг саркардасиға пинҳоний киши йибориб, дедиким: «Муллолар борсалар Самарқанд шаҳриға киргузмай, бир ҳийла бида қатли ом ва мутафарриқ ва паришон қилсунлар». Вақтиким, шаҳодатталаб толиби илмлар ҳужум кўргузуб, куффор муқорабасининг қасди бида Самарқандға еттилар, Самарқанд ҳокими амир Музаффарнинг ҳукми ва Русиянинг иттифоқи бида аларни қалъаға киргузмай, ташқарида бир мавзеъға тушурдилар. Ва аларнинг устиға хабарсиз тўкулуб, тўплар отиб, тиглар тортиб, қатли ом эттилар. Ва баъзи ажал етмаганлари ҳамул рустаҳез асносида бир тарафға қочиб, мутафарриқ ва мутаборий бўлдилар. Бу воқеадан сўнг амир Музаффар Кармандин Бухороға қайтиб келиб, ўрусға ваъда қилган зарларни юборди.

Ва Ғузорга Абдулмалик Тўраға ҳам бу мазмун бида миктуб йибордиким: «Биз ўрус бида мусолаҳа қилдук. Амди фарзанди аржумандимиз ҳам ўрусға ҳеч дахл қилмасун ва ул тарафдағи мамолик муҳофазати ва фуқаро рафоҳияти ва ҳукумат мақомининг саранжомига машғул бўлсун».

Абдумалик Тўраға отасининг кофир бида мусолаҳа қилиб, мутоваат кўргузмағи маъқул тушмай, хизматидағи аҳли сипоҳнинг умаросин ва ҳамул атрофдағи элмиъ элат ва билоднинг акобир ва кадхудосин хизматига ундаб, отасининг ҳар ойда ўн икки минг тилло моҳона муқаррар қилиб, аксар аҳли илмни қатли ом этиб, кофирға тобеъ бўлгонин шикоят тариқаси бида баён этти. Барча умаро ва акобир амир Музаффарнинг андоқ сустҳимматлик ва беҳамиятлиғидин ниҳоятсиз малул ва мутаассир бўлдилар. Ва амирдин безор бўлуб, ҳамма иттифоқ бида Абдумалик Тўраға дедиларким: «Бизлар — ҳамма, отангиздин безормиз ва мусулмонни комилмиз. Қофирға тобеъ бўлуб, инони ихтиёри-

Мизни кофир қўлига бериб, анинг илкида асиру зор ва макхуру хор бўлуб ўлганимиздин дини ислом номусин қўлдин бермай, шариат ҳукмининг аъломининг устувор ва иртифои ва куфр аёқининг ангсор ва азноғи учун то жонларимиз риштаси ажал тиги дамидин инқиғоъ топгунча иқдом ва эҳтимом кўргузурмиз. Энди Сиз бизларга бош бўлуб олдимизга тушунг, то аввал бориб, отангиз била урушали. Агар отангизга даст топсак ва Бухоро шахрин мусаххар қилсак, андин сўнг Сизни подшоҳ қилиб, ўрус куффорининг қасдиға юруш қилурмиз. Шоядким, Ҳақ таоло нусрати била ул бадбахтларнинг ул тааддий ва тасаллотининг огир юкин аҳли исломнинг бошларидин кўтаргаймиз». Абдумалик Тўра аларнинг бу сўзларидин бағоят хушҳол бўлуб, Ғузордин то Шаҳрисабзғача ул атрофдаги қулоъ ва билоднинг черикин жамъ этиб, издиҳомди тамом била келиб, Қарши қалъасин олди. Ва ул атрофдаги барча элат ҳам Тўрага тобе бўлуб, хизматиға келдилар. Ва Тўра Ғузордин барча тааллуқот ва ҳарамин ҳам кўчуруб, Қаршиға келтурди. Ондин сўнг отаси қасди била Қаршидин чиқиб, Бухоро жонибиға юрди. Амир Музаффар дағи ўғли қасди била Бухородин чиқиб, Қарши тарафиға юрди.

Н а з м:

Юруб икки ёндин атою ўғул,
Безаб лашкари сафлария соғу сўл.
Атою ўғуллукни ташлаб қўйуб,
Бирн бирини қатл этарга кўнгул.

Ва икки фирқа бир-бирига муқобил бўлуб, неча мартаба қаттиғ урушлар воқеъ бўлди ва Бухоронинг аксар элати мутобаа кўргузуб, Тўрага қўшулдилар ва Тўра ғолиб бўлуб отаси черикига ҳар урушда шикасти фоҳиш еткурди. Охир амир Музаффар ноилож бўлуб, ўрусдин кўмак тилаб, кўп лашкар келтурди. Андин сўнг Абдумалик Тўра ожиз бўлуб, Қаршини ташлаб қочиб, Шаҳрисабзға борди.

Амир Музаффар Қаршидин Тўранинг ҳарамин кўчуруб, Бухороға олиб келди. Ва ўрус Самарқандға бориб Шаҳрисабз ақобириға бу мазмун била киши йибордиким: «Абдумалик Тўрани тутуб бизга йиборсунлар ва ё отасиға йиборсунлар. Агар бу сўзни қабул қилмай, ораларида сақласалар, бизлар бир тарафдин,

амир бир тарафдин Шаҳрисабз устига бориб, то жонимиз борича ташаддуди тамом ва тасаллуби молакалом била муҳосара қилурмиз. Агар мусаххар қилсак, одамизоддин бир жондор қўймай, қатли ом этармиз. Эмди ўзлари билсунлар, фойдалари қайси ишда бўлса, они қилсунлар». Шаҳрисабз ҳокимлари ўрусдин қўрқуб, Абдумалик Тўрага дедиларким: «Эмди бизлар қўрқармиз ва сизни Шаҳрисабзда сақлай олмасмиз. Ўз бошингизнинг ғамин енг. Хоҳланг ўрусга боринг, хоҳланг отангизнинг хизматига боринг», Тўра ҳийла юзидин «ўрусга борурман», деб шуҳрат бериб, атрофидаги черикга рухсат берди ва ўзига махсус ва мўътабар кишилардин тўрт юздин кўпроқ отлиғ била Шаҳрисабздин чиқиб, кўнглига ҳазрат зилли субҳонийнинг сояи ҳимояти ва кунфи иноятига етушмак ниятин жазм этиб, Хоразми жаннатбазм қуббатул-исломий жонибиға озим бўлди. Ва йўл асносида Хатирчи қалъасининг устига келди. Амирнинг мўътабар умаросидин Раҳматча отлиғ киши анда ҳоким эрди. Аммо амир бошлиғ аҳли исломни кофирга тобеъ қилмоқға бағоят жоҳид ва соий эрди, ани тутуб ўлтурди. Андин сўнг Нурота қалъасига келиб, анинг ҳокимин тутуб, ўзига ҳамроҳ қилиб, Хоразм томонга суръат маркабин сурди.

Бир неча муддат манзили касира ва масофоти баидани қатъ этиб, мамолики маҳруса музофотиға дохил бўлуб, мўътабар мулозимларидин беш-олти кишини ўзининг келгани хабарининг эъломи учун ўзидин илгари даргоҳи олампаҳоқ мулозимларининг хизматиға ирсол этти. Бу воқеаи таажжубафзо хабари ғояти шавкатдин «Султон сўнгакин хор қилмас» деган масалнинг муқтадоси била анинг подшоҳзодалиқин риоя қилиб, иззат ва ҳурмат шароитин бажо келтуруб, умаройи олийшон сарафрозларидин Муҳаммад Ризо оталиқ ва Муҳаммад Ниёз девонбегини анинг истиқболиға йиборди. Абдумалик Тўра мазкур умаронинг ҳамроҳлиқи била рамазон муборак ойининг йигирмасида, якшанба куни, Хевақ шаҳриға келиб, амри олий мавжаби била Ангорик мавзеида Ҳасанмурод қушбегининг ҳавлии олисираким, анинг нузуми ва осойиши учун бурунроқ тўшадиб, тайин этилиб эрди, тушуб фароғатнишин ва роҳатгузин бўлди. Сўнғи кунким, душанба эрди, кўрунуши олий рухсатин ҳосил қилиб, ҳазрат зилли субҳонийнинг остони давлатошёни мулозаматиға етиб, мажлиси фирдавсишонийнинг духули шарафиға мушарраф бўлуб,

ҳар воқеаким, сипеҳри гардун гардишидин анинг шаънида воқеъ бўлмиш эрди, одоби тамом ва забони малолатанжом била бир-бир баён этти. Ул ҳазрат муруввати жибилий ва шафқати азизий мавжаби билаким, зоти малойиқ сифотидин муаммар эрди, анга мулотафати хусравона ва муотифати подшоҳоналар кўргузуб, андоқ дилдорлиғлар ва дилжўйлиғлар қилди. Ҳеч ота ўз ўғли ҳақида анинг мингидин бирин қилмамиш эрди. Ва ҳар кун анинг вазифа ва адрориға маблағи касира муқаррар қилди, андоқким, ҳар ойда минг беш юз тилло ва неча турлук мурассаъ хилъатлар ва хизматидаги умаро ва сарҳанг ва мулозимлариға ҳам заррин ва мулламаъ либослар тайин эттиким, буларнинг қиймати ҳам аднойи мартабада беш юз тиллодин зиёда бўлур. Ҳар қачон кўнгли тиласа кўруниши муҳояюнга келур эрди ва ҳазрат зилли субҳонийнинг навозиши бегарони ва мароҳами бепоёниға махсус бўлуб, ниҳоятсиз дилжўйлик ва ниҳоятсиз хушгўйликлар кўруб, масрур ва фараҳнок бўлур эрди. Ва ул ҳазрат анинг подшоҳзодалиқи ва меҳмонлиқи русумиға риоя қилиб, ҳар сўз деса эшитиб, ҳар на муддаоси бўлса, риоя қилур эрди. Аммо ул ёшлиғ ва булҳаваслиғ ва беандишалиқ қилиб, ул ҳазратни ўзининг отаси амир Музаффар била ёвлашмоқға тарғиб ва таҳрис қилиб, лашкар тилади, токим, ул лашкар била Бухороға бориб, отаси била урушғай. Ул ҳазрат анинг ҳамул муддаосин рад қилиб, дедиким: «Ҳоло қистанмагил, ҳар иш ўз вақтиға мавқуфдур. Агар тиласанг отангдин гуноҳингни тилаб, сани отангнинг хизматиға йиборади. Ва агар бу вилоятда бўлмоқ тиласанг, сани уйлантуруб, санга кўнглунг тилагандин ҳам яхшироқ маъво ва сукно ва мазраа тайин этали, токим ҳар ғам ва малол гардиким, фалак гардишининг ахлойи ва ихтилолидин хотиринг кўзгусиға етган бўлса, марҳаматимиз сайқалидин маҳв қилғил. Ва роҳат гулшанида айш ва ишрат била ўлтурғил, токим ғайб пардасидин қайси воқеа шоҳиди жилвагарлик қилғай ва қайси била мақсад хусули муяссар бўлғай».

Ҳазрат зилли субҳонийнинг мундоқ мушфиқона насихатларинким, ҳақиқатда сарриштаи давлат ва урватулвусқо саодат эрди, камоли сабукборлиғ ва жунушиорлиғдин қабул қулоқи била эшитмай, така халқи ва эрсари тойифасининг орасиға бормоқ учун муқаррар рухсат тилади. Ҳазрат зилли субҳоний мурувват юзидин ани ул ишдин неча мартаба маъъ қилди, ул асло

мамнуъ бўлмади, Охируламр Хоразм вилоятида тавқифининг муддати уч ойдин ўтгандин сўнг кўп муболаға ва алҳож била рухсат олиб, мамолики маҳрусидин чиқиб, Марв жонибиға кетди. Ва хизматидағи аксар умаро ва мулозимлари анинг хизматидин тахаллуф қилиб, ҳазрэг зилли субҳонийнинг остони давлатнишони мулозиматин ихтиёр этиб, Хоразм диёрида қолдилар. Умаройи давлат ишорати лозими шарофат мавжаби била аларнинг вазифаси учун ҳар кун маблағи касир муқаррар қилдилар.

СИДДИҚ ТўРАНИНГ БУХОРОДИН КЕЛГАНИ ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА МУТАВАТТИН БўЛГАНИ

Бу ижмол тафсили баёнида хомаи шикаста забон якрони мундоқ сустинолик била равон бўлурким, чун ўрус лашкари ғалабаи тамом била келиб, Туркистон ва Тошкандни мусаххар қилди. Қазоқия тавоифининг аксари ваҳм ва хавф юзидин тавъан ва карҳан ўрусға тобеъ бўлуб, хизматиға иқдом кўргуздилар. Аммо ул тоифадин диёнатнишон Кенасорихон ўрус мутобаатининг доирасиға рағбат қадамин қўймай ва ўзга қазоқға қўшулмай Тошканд шўриши ҳангомида кофир била урушуб шаҳодат топти. Анинг ўғли Сиддиқ Тўраким, бағоят донишманд ва диндор ва тақвошиор киши эрди, ҳамул айёмда фурсат топиб, ўзининг барча мутобиъ ва мутааллиқоти била Тошканддин чиқиб, Бухороға амир Музаффарнинг хизматиға келди. Ва куффор жиҳодида камоли диндорлиғдин амирға дастёрлиғлар кўргузуб, сидқи дил била хизматлар қилди. Ва ғайрат тиғи била кўп кофирни мақтул ва нобуд қилиб, мардона қўшишлар била шужоат ва муборизат додин берди. Субҳшом ва балки аладдавом мусулмонлиғ биносининг истеҳкоми ва куфр русумининг инъидоми учун амир Музаффарнинг хизматида далерона қўшишлар ва Рустамона урушлар қилиб, кофир лашкариға улуғ дастбурдлар еткурур эрди. Аммо амир Музаффар суйройлик ва беҳамиятлик қилиб, ўрус мутобаатиға мойил бўлуб, ҳар ойда маблағи касир моҳона бермак номусин бўйниға олиб, мусолаҳа қилгандин сўнг анинг мутобаатидин юз эвурди. Ва ўзи қудрати етганча сайъ ва ижтиҳод кўргузуб, ўрус лашкариға дастбурдлар еткурди. Ва ғайрат тиғин саромат

наёмидин чекиб, ададсиз кофирни ўлтурди. Аммо озлик жиҳатидин ўзга иш бошқара олмади. Охир ул ҳаволида турмоқни ўзига маслаҳат кўрмай, барча мутааллиқ ва мутобиълари била Бухоро музофотидин кўчти. Ва замири садоқат тахмирига ҳазрат зилли субҳонийнинг хизмати ҳаваси тушуб, давлат қвоидининг раҳнамолиги била қуббатулислом Хоразм савбиға азимат маркабин сурди. Ва биёбони бепоён қатъидин сўнг мамолики маҳруса ва музофоти маҳфузаға дохил бўлуб, эл ва аҳшомин қўйиб ўзи ўз махсусларидин отлмиш отлиғ била Абдулмалик Тўра Шаҳрисабздин келгандин ўн саккиз кун сўнг, шаввол ойининг тўққизида, жумъа куни, остонбўстлиғ давлатиға мушарраф бўлуб, одоби тамом била барча саргузаштин баён ва ул ҳазратнинг сояи давлатида малжаъ ва малоз талаби аён этти. Ва ул ҳазрат муруввати жабали муқтазоси била анга мушфиқона дилдорлиғ ва муҳибона дилжўйликлар кўргузуб, ғамгин хотирин шод ва вайрон замирин фараҳобод қилди. Ва нузули учун муносиб макон тайин қилиб, ҳар кун вазифасиға нуқуди фаровон муқаррар этти. Ва эл ва аҳшом ва мутааллиқот ила дарёйи Омуюнинг шимолия жонибида уйғур мавзеида маъво ва сукано ва зироатгоҳ суюрғол қилди.

Яна улким, бу воқеадин тўққуз кун сўнг, шаввол ойининг ўн саккизида, якшанба куни, Арслонхон тўра отлиғ қазоқким, ёшлиғдин ўрус орасида бўлуб, улғайиб кўп хизматлар қилур эрди ва Тошкандда бўлур эрди. Ўрусдин бир ваҳж била дилгир ва озурдахотир бўлуб қочиб, атабаи аъло мулозаматиға келди. Ҳазрат зилли субҳоний камоли карамдин анинг аҳволин сўруб, дилжўйликлар кўргузди ва анинг учун манзили хуб муҳайё қилдуруб, вазифасиға нақди вофир муқаррар этти.

Яна улким, мазкур бўлған шаввол ойининг ўн бирида, якшанба куни Бухоро волийси амир Музаффарнинг элчиси Авлиёхожаи судурғаким, рамазон ойидин бурунроқ келиб, амирнинг мусодақатномасин назари ҳумоюн муголаасиға еткуруб, подшоҳона навозишлар кўруб, элчихонаи олийда роҳатгузин эрди, муовадат қилурға рухсат бериб, умаройи олийшон зумрасидин иззатнишон Мусо Мутаваллийни рисолат йўсуни била анинг ҳамроҳлиқиға номзод қилди. Ва амир Музаффар учун анга яхши ҳадя ва муҳаббатнома топшуруб, Бухоро жонибиға равона этилди.

Яна улким, ҳамул авонда ҳазрат зилли субҳонийнинг

томнан давлатнишониға масмуъ бўлдим, Сирдарё-
нинг шимолия канорида Қизали отлиғ мавзёда қалъа
салиб, мутамаккин бўлган ўрус бу давлати абадмуд-
датнинг сояи ҳимоятин бошлариға паноҳи офият билиб,
накот на хирож қабул этиб, ўлтурган қазоқия тавофиғаким,
мазкур дарёнинг жанубия жонибида яйлоқ қилиб, фориг-
бал ва осудаҳолдурлар, ўз ҳаддидан тажовуз қилиб, таад-
дий ва тасарруф қўлин узатмоқ саддидадурлар. Ул ҳазрат
бу хабари ваҳшатасарни эшитгач, савлатосор ва шужоат-
кирдор сархайллардин Муҳаммад Мурод девонбеги ва
Муҳаммад Яъқуб маҳрам ва тўпчибошилар зумрасидин
Абдуorraҳмон Сўфи сарҳангни бир гуруҳ лашкар ва
сарбоз била Товқора жонибиға ирсол этти, токим ул
навоҳийдағи элатнинг аҳволидин хабардор бўлғайлар
ва ўрус лашкари агар зиёдасарлиқ дағдағаси била ўз
ҳаддидин ташқариға густоҳлик қадамин қўйса гўшмоли
балиғ ва танбеҳи азим еткурғайлар. Йўқ эрса ул жо-
нибдағи мамолики маҳрусанинг жамеъ умуриға низом
ва фуқаро ва раоёнинг барча беҳбудлиғ ишлариға са-
ришжом бериб ва мажмуи суғур саддиға эҳтимом кўр-
гузуб қайтғайлар. Алар фармони олий мавжаби била
тулқаъда ойининг иккисида, шанба куни, шаҳардан чи-
қиб Товқора жонибиға равона бўлдилар,

**ҲАЗРАТИ ЗИЛЛИ СУБҲОНИЙНИНГ ЖУЛУСИ ИҚБОЛ
МАЪНУСИНИНГ ОЛТИНЧИ ЙИЛИНИНГ ВОҚЕОТЛАРИ
ХУЖАСТА САМОТИ ЗИКРИКИМ, ИЖМОЛАН МАРҚУМ
БЎЛУР**

Хирадманд дақиқашуносларнинг замойири диққат
иқтибослариға «Азхару минаш-шамс равшану вобайна
минал-аъмс Мубарҳан» бўлсунким, зулҳижжа ойининг
еттисиди, шанба куни, наврўзи жаҳонафрўз кирди. Ва
ду йилининг кунлари тамом бўлуб, йилон йилининг
ийёми ибтидоси воқеъ бўлди. Ушбу йил авойилида ву-
қуъға етган воқеаларнинг бири улким, Муҳаммад Мурод
демонбеги ва Муҳаммад Яъқуб маҳрам ва Абдуorraҳ-
мон сўфи сарҳангким, фармони вожибулимтинон мав-
жаби била Товқора жонибиға равон бўлмиш эрдилар,
индоқким, юқорида баён килкининг рақамзадаси бўлмиш
эрди, бир неча фавж лашкари нусратасар била манзил
бамазил қатъи масофрат қилиб, издиҳоми давлатфар-
жом била Товқораға бориб, муаскар қилдилар. Ва ан-

дин ўтуб Чигирдақли ва Бўричи отлиғ мавзеъга бордилар. Ва ул ерларда бир неча кун таваққуф қилиб, қипчоқ аҳлининг сарафрози садоқатнишон хизмат иқтирон Эрнийзбийниким, ҳазрати зилли субҳонийнинг инояти бегарониға махсус бўлуб, Товқора ҳукуматиға мансуб эрди, бир гуруҳ лашкар бирла ирсол эттилар. Токим, мутобеъ ва хирожгузор қазоқия улусин ўрусға ёвуқ ерлардин кўчуруб, мамолики маҳрусамн ободиға келтирғай. Эрнийзбой бориб, Сир дарёсининг канорида Қазали мавзеиға ёвуқ ўлтирган қазоқияни ва ўзга ерларда яйлов қилиб юрган қазақ улусиниким, ўрус тааддисидин хавф ва хавотирлари бор эрди, барчасин аҳшом ва амволи била тахминан ўн беш кун муддатида кўчуруб келтирди. Ва Қазалидағи ўрус асло анга дохил ва мазоҳам бўла олмади. Ва келган Қазақияға Товқора атрофида ва ўзга мавозеъдаким, кўнгуллари тилар эрди, маъво ва яйлов таъин эттилар. Ва ул ҳаволидағи элатнинг аҳволиға низом ва умуриға саранжом бергандин сўнг Товқорадин қайтиб, Чимбойда қорақалпоқия улусининг аросиға келиб, эҳтиёт тариқаси била Оқ қалъа мавзеидаким, дарёи Омуянинг тенгизга қаятурган ерида воқедур, сув канорида қалъайи олий бино қилдириб, анда бир неча тўп ва шамхолчилар била Абдурраҳмон сўфии сарҳанғни қўйдилар. Токим, агар ўрус лашкари тенгиздин учон била келиб, дарёга кирмак тиласа, мамоният кўргузуб, садди роҳ бўлғай. Андин сўнг баъзи манофеъ ҳусули ва баъзи мазаррад дафъининг умиди била келиб, Кўкўзак наҳрининг сақосин улуг ҳашр ва кўп жамият била боғлаб, Товқора ва Чимбой мазориға вафо қилғудек сувнинг ўзга ердин ёф ёрдуруб, оқиздилар. Ва ул атроф фуқаросининг кулли ва жузви умуриға интизом ва саранжом бериб, фориг бўлгандин сўнг Муҳаммад Мурод девонбеги қайтиб зулҳижжа ойининг йигирма бирида, шанба куни, остони иззатнишон мулозаматиға келди. Аммо Ҳақ таолонинг хошиши била ул аснода дарёи Омуянинг суви ниҳоятсиз тошиб, Кўкўзак наҳрининг банди бузулиб, сув яна бурунғидек жорий бўлди. Ва Муҳаммад Яқуб маҳрам фармони вожибул изъон муқтазоси бирла девонбегига ҳамроҳ шаҳарга келмай, ҳамул жониб элатнинг баъзи муҳумоти истикмоли учун қолиб, Қорақалпоқ ва Хожа элининг барча ёф ва ариқларин қаздурди. Ва кўп муддатдин бери ямут ёғийлиқи жиҳатидин Лавдон арнаси банд бўлуб, Кўҳна Урганчға сув бормай хароб бўлуб

эли кўчиб, Хожа элига келиб ўлтирмуш эрди. Анга ҳам улуг ёф ёрдуруб, дарёдин сув олиб бориб, бурунғидин ҳам зиёдароқ обод қилди. Ва элин ҳам кўчуруб элтиб, ҳар кишининг бурунғи ерин ўзиға бериб, барчасин хурам ва шод этти. Ва ул тарафнинг жамиъ умуриин оз чоғда кўп сайъ ва кўшиш била тамом этиб, барча муҳимиға саҳил вақтда жаҳду эҳтимом била саранжом бериб, фориг бўлғандин сўнг даргоҳи сипеҳриштибоҳ мулозаматиға келиб, қилган ишларининг хабарин одобитамом била ҳазрати зилли субҳонийнинг самъи ҳумоюниға еткуруб, навозиши хусравона ва инояти мулуконадин баҳраёблиғ ва шодкомлиғ топти.

**ХОРАЗМ УМАРОСИДИН БАЪЗИ САРКАРДАЛАРНИНГ
ФАРМОНИ ҚАЗОЖАРАЁН МУҚТАЗОСИ БИЛА ДАШТИ
ҚИПЧОҚ ЖОНИБИҒА НУХЗАТ ҚИЛГАНЛАРИ ВА ҚАЗОҚ
УЛУСНИНГ АЛАР ҲИМОЯТИ ВА ТАҚВИЯТИ БИЛА РУСИЯ
КУФФОРИҒА ДАСТБУРД ЕТКУРГАНЛАРИ ВА
САРКАРДАЛАРНИНГ УЛ ВИЛОЯТ МАҲОМИҒА САРАНЖОМ
БЕРИБ ҚАЙТИБ КЕЛГАНЛАРИ**

Саҳифа водийсининг қадамфарсосу ва воқеа арсасининг ҳангомаороси, аъни хомайи чобукрақам сўз майдонига бу йўсун била қадам қўярким, чун қазоқия улусининг аксаря қадимул айёмдин бу давлати абадмуддатнинг сояи ҳимоятин барча офаттин ўз бошлариға наноҳи офият қилиб, бу хонадони олийшоннинг ихломанд хизматкори ва эътиқодпайванд хирожгузори эрдилар. Ёз бўлса Дашти Қипчоқда Ёйиқ ва Отил сувларининг қирғоғларин ёйлаб, қиш бўлса, Хоразм музофотиға ёвуқ келиб, кўнгиллари тилаган қишлоқларда қишлар эрдилар. Ва ниҳоятсиз форигболлиқ ва осудаҳоллиқлар била маишат ва зиндагонлик қилур эрдилар. Аммо бир неча муддатлар Тангри Таоло тақдири била ямут тоифаси, балки жамиъ тарокима тавоифининг шароратидин Хоразм диёрида ёғийгарлик пайдо бўлуб, улуг фитна ва шўриш воқеъ бўлди. Ҳамул айёмда қақоқия тавоифиға дағи ямут муфсидларининг чафоховули тундбодидин ғорат ва торож офати воқеъ бўлуб, ул жамоанинғ мол ва жонлариға кўп зарар ва заҳматлар етишти. Ул жамоа ноиложлиқтин ўрус вилоятлариға ёвуқ бориб, алар била навъе мувосо ва мадоро қилиб ўзгөр ўтқарур эрдилар. Сўнроқ куффор хайли аларға

таҳаккумот ва тасаллумот кўргузуб, ҳаддин афзун бож ва хирож ола бошладилар. Ул жамоаи куффорнинг мундоқ тааддий ва тасаллатиға тоқат келтира олмай, ҳазрати зилли субҳонийнинг сояи давлатин ўз бошларига паноҳи амният билиб, ул ҳазратдин мадад ва муованат талаб қилиб, сидқ ва ихлос юзидин русул ва расоийи йиборуб, аҳволлари кайфиятин маъруз этар эрдилар. Аммо ул жамоа аҳволининг никомиши «аллумури марҳута-ҳу биавқотиҳо» муваддоси била ўз вақтиға мавқуф эрди. Бир неча муддат баъзи мавоней жиҳатидин таъхир топти. Чун бу айёми хўжастафаржомдаким, Ҳақ таолинини карами ва нусрати била барча тарокима тавоифи мусаххар ва маҳкум ва жамиъ мавоней мафқут ва маъдум бўлди, Ҳазрат зилли субҳонийнинг замири саодатта-мири ул ишга муқтазо бўлдиким, қазоқия аҳволининг хабаргирлик қилиб, аларға ҳимоят кўргузгай. Ва Русия куфрасининг дасти тааддисиға кўтоҳлик еткургай. Лаҳзан умаройи киром ва сархайли соҳибэҳтишом зумрасиндин қипчоқ дудмонининг сарвари Ҳаким Ниёз атолик Найман хонадонининг сардафтари Муҳаммад Раҳим иноқ ва аркони давлат фирқасидин шавкатнишон Маҳмуд Ниёз ясавулбоши ва савлат иқтирон Худойназар маҳрамини номзад қилди, токим, алар Дашти Қипчоққа қазақ улусининг аросига бориб, ул жамоаға ҳимоят кўргузгайлар. Ва ораларида таваққуф қилиб, аларнинг муроди не навъ ишта бўлса, ҳамул иш сарриштасин қут ва қудратлари борича тузгайлар ва сайр ва сукун амрида азимат ливосин ул эл ақобирининг маслаҳат ва иттифоқи била ҳаракатга киргизгайлар. Маъмурлар фармони олий русулидин муфтахар ва сарафроз бўлуб, андак муддатда сафар асбобин муҳайё қилиб, ўзлариға муталлиқ навкарлари била мазкур бўлган йил зулҳижжа ойининг ўпинчи куниким, ийди қурбон эрди, ийд намози адосиндин сўнг Хевақ шаҳридин чиқиб, мақсад жонибиға марҳалапаймо бўлдилар. Ҳамул ҳолға мақоран қазақия улусининг ақобиридин Азизберганбий ва Жонибекбий сидқ ва ихлос юзидин остонбуслиқға келиб, Дашти Қипчоқ улусининг барча азаматлиғ бийларининг истимдод ва истижобад йўсуни била йуборган пайғомларин одобитамом била даргоҳи жаҳонпаноҳ мулозимлариға еткурдилар. Бу хабар ҳазрат зилли субҳонийнинг сояи саодатнишонига масмуъ бўлғач, ҳамул бийларни инояти хусравонаға машмул ва илтимосларин мабзул тутти. Ва умаройи олийшон ақобиридин фаҳмат аҳлиға фойиқ

муддайи олий қўнғирот Муҳаммад Ризо отолиқни бир фавж
лашқари била Дашти Қипчоқ жонибиға буюрди, токим
мазкур бийларнинг ҳамроҳлиғи била озим бўлуб, бу-
рунги кетган саркардаларға қўшулуб, қазоқ юртиға
равона бўлғай. Фармони олий мавжаби била Муҳаммад
Ризо отолиқ ва Азизберганбий ва Жонибекбий аввал-
ги кетган саркардалардин чиққандин ўн беш кун сўнг,
тулҳижжа ойининг йигирма олтисида, пайшанба куни,
шаҳардин чиқиб суръат била азиматнамо бўлдилар. Ва
Арол кишварида Қўнғирот қалъасида бурун озим бўл-
гон саркардаларнинг изидин етиб, аларға қўшулдилар.
Ва лашқар ижтимоий ва баъзи асбоб таҳияси учун бир
неча кун Қўнғиротда таваққуф қилдилар. Ва сафар
уроғи фароғидин сўнг Қўнғиротдин азимат ливосин ҳа-
ракатға киргиздилар ва Хоразм тенгизицинг кунботар
диргоғи била масофат қатъи оҳангин туздилар. Ва бир
неча муддат манозили пуршиддатни қадами машаққат
била тай қилиб, мазкур тенгизнинг орқа кун ботар
ҳаддиға еттилар ва андин сувсиз биёбон қатъиға истеъ-
жол маркабин сурдилар. Бир неча кун ҳамул ҳавлнок
ва мавжаби ҳалок чўлнинг ичида суръати тамом била
раҳнавардлик қилиб, суубати молакалон била чўлдин
чиқиб, Дашти Қипчоқда қазоқия элатининг бир ҳаддиға
дохил бўлуб, осудаҳоллиғ топтилар. Ва саркардалар-
нинг ҳамул юртға борғанидин хабар топқач, қазоқия
тавоифининг барча бийлари ва жамиъ мушоҳир ва
муорифи жамъ бўлуб, ниҳоятсиз беҳжат ва башошат
била аларнинг истиқболиға чиқиб, иззат ва эҳтиромла-
ри шаройитин камо ҳаққаҳу бажо келтуруб, сидқ ва
ихлослари осорин зуҳурға еткурдилар. Ва ҳазрат зилли
субҳонийнинг ҳаводорлигин ўзлариға вожиб билиб, хиз-
мат камарин жалодат белиға маҳкам қилдилар. Ва
қўнгулларига ҳадсиз қувват ва журъат ҳосил бўлуб,
ўрус хусуматиға сидқи дил била қўнгул қўйдилар. Ан-
доқким, ҳамул эл орасида уч-тўрт ўрус баъзи муаллоқ
малат ва муҳосалат истикмоли учун тижорат расми
била келиб юрмиш эрди, аларни тутуб, асир қилиб,
саркардаларға келтириб топшурдилар. Саркардалар
ҳамул асирларни даргоҳи исломпаноҳ хизматгорлиқи
учун бир неча мўътамад кишиларға топшуруб, дорус-
салтанай Хоразм «сонийҳаллоҳу таоло анофотура-
рам ва лулазм» савбиға ирсол эттилар. Андин сўнг
қазоқия акобирларига дедиларким, ҳар навъ ишингиз
бўлса бизларға кўргузинглар ва қайси тарафға олиб

бормоқ тиласангиз бошланглар, токим сизларнинг хо-
ҳишингиз қайси ишда бўлса, ани буткармакда саъй ва
кўшиш қилоли. Қазоқ бийлари хушҳол бўлуб ва қуллуқ
қилиб дедиларким, сизларнинг лашкарингиз тасдиъ
чекмак даркор эмасдур, маҳаз бизларнинг элимиз ора-
сида бўлмоқлари кифоя қилур. Сизлар ўрус била муҳс-
раба қилмоқ ва аларга дастбурд еткурмак қондасин;
билмассиз. Ва бизларнинг отлиғ лашкаримизнинг асло
ҳад ва ҳисоби йўқтур. Ўрус била урушмоқ ва талаш-
моқ русумин яхши билурсиз. Эмди сизлар бизнинг юр-
тимизда таваққуф қилинг ва қилгон хизматимизни та-
моша қилиб ўтиринг, токим бизлар жонимиз борица
дини ислом учун сизларнинг уйингизда хизмат қилур-
миз. Иншооллоҳу таоло. Ҳақ таоло нусратининг бара-
коти ва ҳазрати зилли субҳоний давлатининг қуввати
била куффор лашкарининг дарёи Сайҳун канорига
боратурган йўлларин чафовул селобин мавжга киргиз-
мак била масдуд ва ботил қилурмиз, балки аҳли куфур,
ғалабасининг зулматин ислом аҳлининг рўзгори тегра-
сидан билкуллия кўтарурмиз. Андин сўнг саркардалар
ҳамул мавзеъдин кўчуб, қатъи манозил қилиб, Қавж
ота отлиқ бузургворнинг жаворига бориб, андин Арш
ота отлиғ мавзеъга етиб, нузул эттиларким, ул мавзеъ
қазоқия улусидин Одой ва Тобин ва олам халқининг
ўртаси эрди, анда таваққуф қилиб, қазоқия тўралари,
бийларининг иттифоқ ва маслаҳатлари била фуқаро
аҳволининг интизоми ва сипоҳ асбобининг саранжомига
иштиғол кўргузуб, куффор йўлларининг чоповулига аф-
вож буюрмакка машғул бўлдилар. Аммо таваққуф муд-
дати имтидод топиб, ҳаво ҳарорати иштидодга юз урмиш
эрди ва саркардалар била ҳамроҳ борган лашкариянинг
озиқ ва от емиси туганмиш эрди ва қазоқ юртида гўшт-
тин бошқа таом ва дона топилмас эрди, топилса ҳам
бағоят гаронбаҳо эрди. Бу жиҳатдин оломоннинг ҳамул
юртга таваққуф қилмоқи ниҳоятсиз маҳол бўлди. Ез-
нинг иссиғида ушбу ҳол била ул ҳавлноқ маконда авқот
ўткармаклари асло мумкин эрмас эрди. Саркардалар
нонлож бўлуб, иттифоқ била қайтмоқни маслаҳат кўр-
дилар. Ва қазоқ ақобирига дедиларким, ҳаво бағоят
иссиқдур, оломоннинг озуқ ва от емиси туганибдур. Агар
бу юртда мундан кўпроқ таваққуф қилсак, лашкария-
нинг зоеъ бўлмоқ хавфи бордир. Энди бизлар қайтиб,
ҳазрат зилли субҳонийнинг остони давлатпосбони хиз-
матиға борурмиз. Ва ҳаво ҳарорати таскин топганидир

сўнг яна ҳазратдин руҳсат олиб, асбоб ва яроғимизни қамоҳаққаху тузуб, мезонға ёвуқсиз халқнинг сарвақтингизга иншооллоҳ, етармиз. Эмди сизлар бизлар қайтиб келгунча, ғайрат қилиб, жалодат тиғи била куффор лашкарининг сурсот ўтатурған йўлларин кесиб, ҳолларига паришонлик ва истиқоматлари биносига вайронлик еткурунлар. Бийларга ушбу сўз маъқул тушуб дедиларким, қайтсангиз ўзларингиз билурсиз. Эмди бизлар то жонимиз борича ҳазрати зилли субҳонийнинг давлати қавийсиға орқа бериб, ҳамул давлати абадмуддат ҳаводорлиқи ва хизматкорлиқиға саъй ва кўшини қилурмиз. Ва куффорға фармонбардор ва хизматгузор бўлмоқни ўзимизга нанг ва ор билурмиз. Ва ҳарна бўлсак подшоҳи исломпаноҳ хизматида аҳли ислом орасида бўлурмиз ва жонимизни миллати Муҳаммадий ва шарриати Аҳмадийнинг тарвиж ва тақвияси учун фидо қилурмиз. Рижо воасиқи ва умиди содиқдурким, мундоқ сидқи ният ва сафойи тавият юмнидин куффор аҳлининг аҳволиға паришонлик еткуруб, мағлуб ва мустаъсал қилғаймиз. Бу сўздин сўнг саркардалар, яъни Муҳаммад Ризолиқ ва Ҳакимниёз оталиқ ва Муҳаммад Раҳим иноқ ва Маҳмуд Ниёз ясовулбоши ва Худойназар маҳрам иттифоқ била ҳамул мавзедин кўчуб, Дашти Қипчоқдин мурожаат қилиб, Хоразм жонибиға нуҳзат кўргуздилар. Ва бир неча муддат бу водийи бегарон ва манозили бепоённи суръат якронининг такупўйи била қать этиб, мазкур йил рабиъулаввал ойининг ўн учуда, сешанба куни, атабаи осмон мартаба мулозамати давлатиға етдилар. Аларнинг бу сафари муддати тўқсон беш кунга имтидод топди. Ҳазрати зилли субҳоний агарчи аввал аларға беижозат қайтиб келганларн учун андак итоб қилди. Валекин сўнгра аларнинг узурлари маъқул бўллуб, гуноҳларин ўтиб, илтифоти подшоҳонадин барчасиға фараҳ ва комёблиғ еткурди. Яна улким, мазкур бўлған йил ҳамалнинг йигирма учуда, душанба куни, муҳаррамул ҳаром ойи туғуб, санайи ҳижрий минг икки юз саксон олтиға интиқол этди. Ҳамул ойнинг ғуррасида, душанба куни умаройи ҳашаматмаоб гуруҳидин қиёт аҳлининг шавкатинтисоби Ортиқбей марази табиий била вафот топиб, анинг ўрниға ақоси Саййидназарбийнинг ўғли Авазбек инояти хусравонаға ихтисос топиб, бийлик мансаби олийсиға етди. Яна улким, умаройи соҳибэътибор зумрасидин садоқат аҳлининг афзалли Мусо Мутаваликим, бурунроқ Бухоро подшоҳи амир

Музаффардин келган элчига сафорат тариқаси била ҳамроҳ бўлуб, муҳаббатнома олиб Бухорога кетмиш эрди, андоқким, собиқан мастур бўлди, амир Музаффарнинг хизматиға бориб, кўп бахшиш ва навозишлар кўрди. Бир неча муддат элчихонада таваққуф қилгандин сўнг мархас бўлуб, амирнинг анга маволифат изҳори учун қўшган элчиси Фозилхожа Уроқ била Хоразм жонибиға азим бўлуб, сафар ойининг иккисида, пайшанба куни, даргоҳи олий хизматиға етди. Ва Фозилхожа Уроқ ҳам кўруниши ҳумоюнға восил бўлуб, навозиши хуравоналар кўруб, элчихонайи ишратнишонада муқим бўлди.

Яна улким, шавкатнишон жалодат тавомон сарҳанглардин Абдурраҳмон сўфии сарҳангким, фармони лозимулимтинон муқтазосича бир гуруҳ лашкар ва бир жамоа шамхолчи била Хоразм тенгизининг канорида дарёйн Жайхуннинг тенгизга қуютурган ернида Оққалъа мавзеида эҳтиёт юзидин таваққуф қилиб, атроф ва жовонибнинг никошимиға бир неча муддатдин бери машғул эрди, андоқким, собиқан мастур бўлди, мазкур йил рабиъуссоний ойининг бешида, чаҳоршанба куни, ҳукми олий имтисоли била тенгиз каноридин мурожаат қилиб, остони датлатосор мулозиматиға келиб, инояти подшоҳонадин сарафрозлиғ топди. Анинг ўрниға Рустам жанг, шижоат оҳанг Худойберган сарҳанг фармони ҳумоюн мавжаби била ўзига мутааллиқ лашкария ва шамхолчиларға бош бўлуб бориб, Оқ қалъада таваққуф кўргузуб, ул атроф) аҳволининг тафаҳхуз ва тажассисиға гоҳо сув ичига кема суруб, гоҳо қир устида отлиқ юруб иштиғол кўргузди.

**МАҲМУДНИЁЗ ЯСАВУЛБОШИ ВА БАЪЗИ САРКАДАЛАРНИНГ
ФАРМОНИ ОЛИЙ МАВЖАБИ БИЛАН ДАШТИ ҚИПЧОҚ
ЖОНИБИГА АЗИМАТ МАЎКАБИН СУРГАНЛАРИ ВА ҚАЗОҚ
УЛУСИН УЛ ДИЁРДИН КЎЧУРУБ, ХОРАЗМ МУЗОФОТИГА
КЕЛТУРҒОНЛАРИ**

Хомаи бадеанигор бу янглиғ воқеагузорлиғ қилурким, бурунги мартаба Маҳмудниёз ясовулбоши ва бир неча саркардалар Дашти Қипчоқдин қазоқ тавойифининг орасидин мурожаат қилиб, остони давлатпосбон мулозаматиға келгандан сўнг, қазоқия тавойифидин Орой халқининг баъзиси замон муқтазоси ва замона-

созлик ҳавоси ва авқотгузорлик маслаҳати учун ўрус била навъе мувосо ва мадоро ва ошнолиғ кўргузуб, ўрус вилоятларининг жавор ва ҳаволисига бордилар. Аммо аксар тавойифи ўрусға мутобаат ва мутоваат кўргузмоқни ўз ҳоллариға маслаҳат кўрмай, ҳазрати зилли субҳонийнинг итоат ва қуллуқи доирасида марказ янглиқ собит қадам ва росихдам бўлуб, Хоразм диёриға кўчуб келмак орзусиға тушдилар. Аммо ўрус лашкарининг чоковул ва дастбурдидин ваҳм ва хавотир қилиб, далирона кўчмакка журъат қила олмай, остони олийшон мулозимлариға бу мазмун била хат ва хабар йибордиларким; Биз жамоадин баъзи эл ва вақт маслаҳати ва авқотгузарлик жиҳатидин мувосо ва мадоро тариқаси била ўрус қалъаларининг атрофиға бориб, бож ва хирож қабул қилдилар. Аммо бизлар ўлсак ҳам кофирнинг итоатин қабул қилиб тасаллати юкин мутоваат бўйни била кўтармасмиз. Ва мундоғ ор ва номуснинг оғир юкин чекарға асло тоқатимиз йўқтур. Ва яна қиш мавсумининг бурудати ва қор чопғуни шиддати жиҳатидин ушбу юртда мутаваттин бўлуб таваққуф қилмоқимиз асло мумкин эрмасдур. Агар бу юртда андак таваққуф қилсак, барча амвол ва мавоши ва асбоб ва ҳавошиларимиздин айрилурмиз, балки очлик шиддатидин барча аёл ва атфолимиз ҳам қирилғусидур. Даргоҳи олампаҳо мулозимларининг мурувват ва отифати соясин бошимизга паноҳи амн ва офият билиб, Хоразм мамоликининг музофотиға кўчуб бормоқ орзусидамиз. Аммо ўрусдин хавотир тортиб, кўча олмай ҳайрон ва саросимадурмиз. Агар бу бодияи ҳайрат саргашталари ва бу ҳовияи усрат дил хасталариға мурувват ва шафқат кўргузуб, бир гуруҳ лашкар йиборсалар, токим аларнинг ҳимоят ва муованати била бу хатарнок юртдин кўчуб бориб, мамолики маҳруса атрофида манзилгузин ва хиргоҳнишин бўлуб, амну фароғат неъматидин тўйсак ва ҳар турлук хизматлари бўлса, жону дил бирла бўюн қўйсак.

Ул тоифанинг мундоқ арзу ҳоллари даргоҳи жаҳонпаҳо мулозимларининг сомияи идроклариға маъруз бўлғач, мўлтамаслари мақбул тушуб, мавқуфи жоҳу жалолдин фармони шарофатитимол содир бўлдиким, умаройи изом ва сипаҳдори киром зумрасидин Маҳмудинёз ясавулбоши човдар черики била Худойназар маҳрам кўклон сипоҳи била ва Худойназар девонбеги маъзул Бешариқ навқари била Муҳаммадқарим юз бошишик ақоси ота лашқари била Дашти Қипчоққа бориб,

мазкур бўлган қазоқ элатин кўчургайлар. Ва агар Русия тоифаси ўз ҳаддин тажовуз қилиб, мамоният ва мудохалат кўргузса, жалодат якронин саромат майдониға суруб, шижоат шамширин шаҳомат филофидин суғуриб, кувфори фужжор маҳобасиға юз уруб, тангри таоло карамининг нусрати ва бу давлати узамо бозусининг қуввати била жазосиға еткургайлар. Ясавулбоши бошлиқ мазкур бўлган умаро ва сипоҳдорлар мундоқ амри олий ва фармони мутаолиға маъмур бўлғач, ниҳоятсиз хурсанд ва масрур бўлуб, оз фурсатда йўл яроғин муҳайё ва сафар асбобиға зеб ва оро бериб, мазкур йил жумодулавеал ойининг ғуррасида, якшанба куни, муборак соатда, иттифоқ била нусрат маркабиға рукуб қилиб, мақсад тарафиға озим ва азимат ариға жозим бўлдилар. Ва мусораат қадами била қатъи масофат қилиб, Хоразм тенгизининг ғарбия жонибидин манзил баманзил йўл юруб, мазкур бўлган қазоқия элининг аросиға ворид бўлуб, ул элнинг кўнгуллариға ором во шодкомлиғ еткурдилар. Бир неча муддат ул диёрда таваққуф кўргузуб, кўчмакка майл этган қазоқия элатин кўч ва сафар асбобининг таҳиясиға буюрдилар ва ўрус аларға дохил ва мазоҳам бўла олмади. Фориғболлиқ била барча элатларни кўчуруб, ўзлари кейинида муҳофазат ва ҳаросат тариқаси била юруб, мурожаат қилдилар. Ва бир неча кун биёбони бепоён ва манзили бегаронни шабгир ва ювор йўсуни била сарсар ва дабурсор қатъ этиб, мазкур, элагни мамолики маҳруса музофотиға еткурдилар. Ва Маҳмудниёз ясовулбоши ва ўзга саркардалар кўчуб келган элатнинг бийлари ва кадхудолари била ҳамул йил ражаб ойининг йигирма еттисида, душанба куни, даргоҳи давлатпаноҳ мулозаматиға етуб, илтифоти подшоҳонадин хурсандлиғ ва баҳрамандлиғ топдилар. Бу сафарнинг муддати саксон олти кун эрди. Ва давлати абадмуддат аминлари ҳукми ҳумоюн мавжаби била кўчуб келган қазоқ элатиға мамолики маҳруса атрофидин, то тенгиз соҳилиғача аҳшом ва амволиға вафо қилғудек қишлоқ ва яйлоқ ва мазориъ ва масокин тайин этиб, ул тоифани хушҳол ва фориғбол ва манзилнишич ва оромгузин қилдилар.

Яна улким, ҳамул йил Бухоро подшоҳи амир Музафарнинг иттиҳод ва эътиқоди изҳори учун йуборган элчиси Фозилхожа Уроқким, бурунроқ остони олий хокбўслиғиға етуб, неча муддатдин бери элчихонаий ҳомоюнда мутаваққиф эрди, ҳазрат зилли субҳоний

анга подшоҳона иноятлар қилиб, жумодулаввал ойининг олтисида, жумъа куни, муовадат рухсатин берди. Ва даргоҳи гардуништибоҳ мулозимларидин қипчоқ улусининг сарвари Муҳаммад Яъқуб Иноқни сафорат расми била анга ҳамроҳ қилиб, муҳаббатномаи мушкинхитома топшуруб, Бухоро жонибиға иреол қилди. Яна улким, ҳамул йил жумодуссоний ойининг ўн бешида, душанба куни, Тошкент вилоятида мутамаккин бўлган ўрус халқининг губурнатури элчиси Бушой тўра келиб, остонбўслик шарафин топиб, губурнатурнинг пайғоми атабайи гардунэхтишом мулозимлариға еткурди. Бу воқеа андоқ эрдиким, қазоқия тавойифидин чўмагай халқининг тўраларидин Бушой тўра кўп йиллардин бери губурнаторга хизмат қилиб, анинг давлатҳоқлари силкига интизом топмиш эрди. Губурнатор анга бу мазмун била, хат топшуруб, даргоҳи сипехриштибоҳ уманосининг олдиға йибормиш эрдиким, аввалдин то охир Русия тавойифи ва Хоразмия халойиқи бир-бири била ошно ва мувосо бўлуб, бориш ва келиш қилур эрдилар. Орала рида ҳеч важҳ била муҳолафат ва музоҳамат асари йўқ эрди. Ушбу айёмда аларнинг доираи итоатидағи қазақлар ўрусға чоповул ва татавул илкин узатиб, бир жамоа ўрусни асир этиб, хизматлариға олиб бормушдурлар. Ушбу иш ошнолиғ расмидин йироқ кўринадур. Эмди агар меҳрубон бўлуб, қадимий ошнолиғ қавойиди биносин мустаҳкам қилмоқ учун қазоқия улусин ўрус халқининг дастбурд ва урушдин манъ этиб, хизматлариға борган ўрусларни асирлик қайдидин озод ва инояти подшоҳоналаридин шод қилиб, мурожаат рухсатин бериб, Бушой тўраға қўшуб йиборсалар, дўстлиғ ва интиҳодмандлиғ шевасидин йироқ бўлмағай. Ва яна мундоқ бир неча гиланамо ва мулойиматоро сўзлар ёзмиш эрди. Анинг бу пайғоми масоми аълоға масмуъ бўлғандин сўнг фармони олий мавжаби била остони мутаолий мулозимлари Бушой тўранинг тўрт ой муддатидин зиёдароқ сақлаб, андин сўнгра мутлақулинон қилиб, муовадат қилурға ижозат бердилар. Аммо ўрус асирларин бермай, софий жавоблар ва кофий хитоблар ёзиб анга топшуруб, йўл яроғи ва сафар асбоби таҳияси учун нақди вофир ва моли мутақосир инъом қилиб, Тошкент жонибиға узатдилар.

**АБДУРРАҲМОН АФҒОННИНГ ГАРДУНИ ГАРДОН ГАРДИШИ
ВА ШЕРАЛИХОННИНГ САЪИИ КЎШИШИДИН МАҒЛУБ ВА
МУНҲАЗИМ БЎЛУБ, ЖАЛОИ ВАТАН ИХТИЁР ҚИЛГАНИ ВА
ҚОБУЛДИН ҚОЧИБ, ХОРАЗМ САВЪИҒА МУТАВАЖЖИҲ
БЎЛУБ, ДАРГОҲИ ОЛАМПАНОҲ ХИЗМАТИГА КЕЛГАНИ ВА
ПОДШОҲОНА ИЗЗАТ ВА ИКРОМ КЎРУБ, БУХОРО ЖОНИБИГА
ОЗИМ БЎЛГАНИ**

Воқеаи ажиба достонининг ҳиндуви рангин баёни ва сонихайи ғарибайи шакаристонининг тўтийи ширинзабони, аъни хомаи ҳиндуви нажот ўроқ баёзин мундор воқеа рақамидин савод қилурким, кўп йиллардин бери афгон тавойифининг саромадларидин Дўстмуҳаммадхон ўзининг ако ва ини ва ўғлонлари била Ҳирот ва Қобул ва Қандаҳор ва Балх вилоятлариға истило топиб, ҳарким бир шаҳарда ҳоким бўлуб, ҳукумат сурар эрдилар. Аммо ушбу авонда Дўстмуҳаммадхон Қобулда ва иниси Шералихон Ҳиротда хонлик саририда мутамаккин эрдилар. Оралариға мамлакат умури жиҳатидин низо тушуб, Дўстмуҳаммадхон Шералихоннинг қасдиға лашкар чекиб келиб, Ҳирот шаҳрин муҳосара қилди. Аммо учкундин сўнг вабо илллати била вафот топиб, улуг ўғли Муҳаммадазимхон сардорким, атосининг хизматида эрди, лашкари била қайтиб Қобулға борди. Шералихон ўзининг ўғли Ҳиротға қўйиб, кўп черик била Қобулға Муҳаммадазимхон сардорнинг қасдиға юз қўйди. Сардори мазкур қочиб Ҳиндустон тарафиға борди. Ушбу хангомда Дўстмуҳаммадхоннинг Афзалхон отлиғ ўғли Балхда ҳоким эрди, Шералихон анинг қасдиға Қобулдин лашкар чекиб Балхға келди. Афзалхон доғи Балхдин анинг муҳорабасиға чиқиб, кўп савош ва талош воқеъ бўлди. Охир сулҳ сўзин ораға солиб, эмди бундан буён ҳамиша мувосо бўлуб, бирав-биравга зарар ва заҳмат еткурмасликка аҳду паймон қилиб, ушбу аҳд биносин онт ва имони била маҳкам ва муаккад қилдилар. Андин сўнг ҳеч кўнгил била бирав-бирани ҳаммажлис бўлуб кўруштилари. Валекин Шералихон сўнгра ваъдасиға вафо қилмай, Афзалхонни назарбанд қилди, яъни ҳеч ишда ихтиёр бермай, атрофида муҳофазат учун бир неча киши тайин этди. Ҳамул авқотда Афзалхоннинг ўғли Абдурраҳмонким, бағоят шижоатлиғ ва ғайратлиғ йигит эрди, Балхда ҳукумат амриға машғул эрди, Шералихон анга ўз лашкари била Бухороға борсун, деб хабар йиборди. Ва Абдурраҳмонхон анинг

амрин қабул қилиб, дарҳол атрофидаги мулозим ва нав-карлари била отланиб, Бухороға келиб, бир йил муддати таваққуф қилди. Ва амир Музаффардин кўп иззат-икром кўрди. Бир йилдан сўнг Бухородин қайтиб бориб, Балхга кирди. Ва Балхдин лашкар жамъ этиб бориб, Қобулга кирди. Ва Балхдин лашкар жамъ этиб бориб, Қобулда хонлиғ тахтига ўлтурғузди. Ондин сўнг ўзи кўп қўшун йиғнаб, бориб Қандаҳорни ҳам фатҳ этди. Шералихон Қандаҳордин қочиб Ҳирот тарафга кетди. Абдурахмонхон Қандаҳорни ўзининг амакиси Муҳаммадазимхон сардорнинг қабзайи ихтиёрига топшуруб, ўзи Қобулда отаси Афзалхоннинг хизматиға келди. Мундин тўрт ой муддате ўтгандин сўнг Афзалхон вабо офати била охират мамлакатаға азимат кўргузди. Ондин сўнг Абдурахмонхон ўз амакиси Муҳаммадазимхон сардорни Қандаҳордин Қобулга келтуруб, атосининг ўрниға хон кўтариб, салтанат маснадида мутамаккин қилди. Ва ўзи лашкар чекиб Балх жонибиға ҳаракат кўргузди, анинг учунким, ҳамул авонда Шералихон, лашкар тортиб, Ҳиротдин Балх устиға келмиш эрди. Шералихон Абдурахмонхоннинг анинг қасди била Балх тарафиға равон бўлганидин хабардор бўлуб қайтиб, яна Ҳиротга борди. Ва Ҳиротдин оғир қўшун йиғнаб, бориб Қандаҳорни олди. Андин сўнг бориб Қобулни ҳам олиб, ҳайтаи тасарруфиға киргизди. Муҳаммадазимхон сардор Қобулдин чиқиб, қочиб Балхда Абдурахмонхоннинг қошиға келди. Абдурахмонхон кўп лашкар жамъ этиб, Муҳаммадазимхон сардор била Қобулга борди ва Шералихон била ул миқдор муҳороботи бисёр ва муқатолоти бешумор зуҳурға еткурдиким, Рустам ва Асфандиёрдин зоҳир бўлмади. Аммо охируламо Ҳақ таоло тақдири била шикасти фоҳиш топиб мутафарриқ ва паришон бўлуб, ҳар фирқа тарафга кетди. Абдурахмоннинг шикаста хотириға бу давлати абадмуддатнинг хизмати ҳавоси тушуб, ўзининг баъзи жонсупор хизматкорларидин бир жамоа билан қочиб, Булуж ва Сенстон ва Қайим устидини қатъи манзил ва биёбон қилиб, Машҳади муқаддасға келди. Анда шаҳзода Ҳамза мирзоға меҳмон бўлуб, бир неча кундин сўнг Машҳаддин чиқиб, Марв устидин суръат била қатъи масофат қилиб, мазкур йил жумод ус-соний ойининг йигирма бешиде, пайшанба куни, даргоҳи жаҳонпаноҳ атабабуслиғи шарафиға истис од топиб, фалак инқилобидин анинг ҳақида воқеъ бўлган барча саргузаштин жоҳу жалол маъра-

зида бир-бир маъруз этти. Ҳазрат зилли субҳоний камоли мурувватдин анинг ҳақида подшоҳона шафқат, иноятлар кўргузуб, навозиш ва дилдорлиғ ва дилжўликлар била хушҳол ва масрурулбол қилди ва буюрди то ани остони олий мулозимлари манзили дилкушоға тушуруб, ҳар кун вазифасиға маблағи касира ва нуқудӣ вофира тайин этиб, подшоҳона иззат ва икромлар зухурға еткурдилар. Ва ўз гумонидин зиёдароқ ҳурмат ва инъом била фаҳомати бошин қуёшнинг олтин амомасидин оширдилар.

Ғ а з а л :

Эй азалдиндур мусаллам зотига иқболу жо,
Келди олам аҳлиға ҳоки жанобинг тақъягоҳ,
Ўйла, олий айламиш Тангри камоли давлатинг,
Ким анинг авжиға топмас ақл ила идрок роҳ,
Олғасен оламини бешакким, қуёшдек бошингга,
Фатҳу нусратдин Худо қўймишдурур заррин кулоҳ.
Тонг эмас асрингда гар жаннат десам Хоразми,
Ким улус айшу фарогидур анга икки гувоҳ.
Не ажаб эл роҳатиға гар эрур зотинг сабаб,
Ким они ҳақ айламиш офоқ аро зилли илоҳ.
Хони эҳсоннинг наволидин эрурлар баҳраманд,
Жумлайи олам эли хоҳи гадодур, хоҳи шоҳ.
Ажз ила бош қўйса, қўйинг туффроғиға ҳар гадо,
Илтифотингдин бўлур Жам жоҳу Доро дастгоҳ.
Тонса мулкидин жило ҳар шаҳ сипеҳр осибидин,
Даевлатинг зилли залилига келиб топгай паноҳ.
Ўйла мужрим журми авфи кўнглунга марғубким,
Яхшироқ изҳори эҳсондин санга арзи гуноҳ.
Ушбу хислатларки бордур санда ҳақ таъйингдин,
Тездурким, мулкиннга киргай жаҳон беиптибоҳ.
То қиёмат қасри умри давлатинг маҳкам бўлуб,
Оғаҳий бўлсун қопунгда мадҳхону некхоҳ.

Абдурраҳмонхон йигирма кун муддати чоғлик Хевақ шаҳрида иззат ва эҳтиром манзилида таваққуф кўргузгандин сўнг Бухороға кетмак учун рухсат тилади. Нединким, анинг аксари давлатхоҳлари ва лашкари они Бухороға қочуб бормиш хаёл этиб, анинг талаби била Бухороға келмиш эрдилар ва анда таваққуф қилиб, анинг ҳузуриға мунтазир эрдилар. Они эшитиб, Хоразм диёрида тура олмай Бухороға бориб, ўзининг одамлариға қўшулмак истади.

Ҳазрати зилли субҳоний кўп меҳрибонликлар била анга ижозат бериб буюрди, то давлати абадмуддат амни-лариға анга олтун лижомлик ва мурассаъ ситонлик от-лар ва неча қатор тоғ ҳайбатлик ва фил қувватлиқ те-валар ва этак-этак зару сиймлар инъом қилдилар. Ва яна ҳар на сафар асоби ва йўл яроғи керак бўлса, ўзи-нинг хоҳишича муҳайё ва омода қилиб бердилар. Ва ул ниҳоятсиз масрур ва миннатдор ва ғоятсиз мубтаҳиж ва фарохосор бўлуб, ражаб ойининг авоситида Бухоро вилоятиға азимат кўргузди.

ВОСИФИЙ. «БАДОЕЪ УЛ-ВАҚОЕЪ»дан

(Огаҳий таржимаси)

САНА ТУҚҚИЗ ЮЗ ҲН САҚКИЗ: ҲАЗРАТ СУЛТОННИ АМИР
АЛИШЕРНИНГ ҒАРОЙИБ ҲИКОЯТ ВА АЖОЙИБ
ТАДБИРОТИНИ БУ ФАҚИРДИН САВОЛ ҚИЛГОНЛАРИНИНГ
БАЕНИДА

Яна бир кун ул Ҳоқони муаззам арики салтанатда ўлтуруб ва аркони давлат ҳар қайси ўз мақомида қарор туттилар. Ул Олий Ҳазрат бу каминаға хитоб қилиб дедиким: Мундоғ эшитибдурмизким сиз Амир Алишернинг суҳбатида кўп бўлубдурсиз. Агар ул бузургворнинг, мажлисида бўлгон латиф ва зариф ҳикоятлардин хотирингизда бор бўлса, бу мажлисда нақл қилинса, яхши бўлур эрди.

Арз қилдикким, ман фақир ўн олти ёшимда эрдим ва каломуллоҳ хифз этар эрдим ва ҳиммат камарин боғлаб, илмға кўшиш қилур эрдим. Иттифоқо, бир кун шоирлардин бир жамоа била Ҳирот бозорида сайр қилур эрдук. Ногоҳ бир одамға етушдукким, анго Ҳофиз Ғамза дер эрдилар. Қўлида бир китоб, атрофида бир неча одам жамъ бўлгон. Ман сўрдумким, бу не китобдур. Ул дедиким: Мавлоно Сайфий Бухорийнинг «Муаммо» китобидур. Чунким ул замонларда ҳамма арбоби фазлнинг мақсадлари бу эрдиким, Амир Алишернинг суҳбатиға дохил бўлғайлар. Аммо ул жанобға муаммодин ўзга васила яхшироқ кўрунмас эрди. Бу хаёл била Ҳофиз Ғамзадин илтимос қилдимким, шул рисолани ёзиб олмоқ учун ижозат манго карам қилсалар, Ҳофиз кулуб деди:

Б а й т :

Ғори муш гулоб, яъне чи,
Гуши карро рубоб, яъне чи.

Бу таарриздан жаҳон менинг кўзимга сичқон тушугидек танг ва тийра бўлуб, гиръён ва нолон уюмга мутаважжих бўлдим. Бир уйга кириб, капуни ичидин банд қилиб, бир гўшада ўлтурдим. Чун намози дигар бўлди, масжидга бордим. Намоздин сўнгра бир кишини кўрдимким, масжиднинг бир гўшасида устига кийгиз солингон, нола ва зори қилур. Ман онинг ёнига бориб, юзидин галимни кўтариб кўрдимким, булутдин кун чиқгондек бир йигитдур. Аммо ранг ва рўйи сўлуб, мусофирлик гарди юзига ўрнабдур, ёнида ўлтуруб ҳолин сўрдим. Ул дедиким: — Мен Табриз одамидурман. Одимга Абдураҳмон Ҳалабий дерлар, Хуросонга бормоқчи бўлдим, отам рози бўлмади. Беижозат бир оз мол олиб, ул диёрга озим бўлдим. Чун Рудсоқ Сулаймонким, Хуросонга бир фарсанглиқ ер эрди, етуштуқ. Аҳли карвон хушвақтлик қилиб, дедилар:—Алҳамдулиллоҳ, йўлнинг хавотиридин фориғ бўлдук, деб хушҳол ва хуррам бўлдилар. Ва эҳтиётни қўлдан бериб, дарахти иқоматни тушуриб, фароғат ётдилар. Иттифоқо, ул оқшом бир фавж ўғриким каминда эрканлар, бизларга чафовул уруб, торож ва яғмо қилдилар. Ногоҳ бир ўқ келиб менинг билакимга тарозу бўлди ва карвонларнинг мол ва аспоби талаф арсасига борди. Ва ман бир ҳоли билаким ондин батар ҳол бўлмағай, деб афтон ва хезон ўзимни бу ерға еткурдим. Ва ман онинг ҳолига гиръён бўлуб ўюмга бориб, тахтиравон келтуруб, они миндируб ўюмга келтурдим. Ва менинг бир жарроҳ ҳамсоям бор эрди, они келтуруб захмин кўргуздим. Бир андак замонда шифо топди. Бир кун ул йигит худоға шуқури бисъёр қилиб ва мандин миннатдор бўлуб, дедиким: — Ман Табризда икки илм ўрганибдурманким, бири муаммои нужумдур, хотиримга мундоғ келурким, сизнинг бу қилгон яхшилиқингиз баробарида хотирингиз саҳифасига ўзимдин ёдгор қилғайман. Чун муаммони ондин эшиттим, хаёл қилдимким, гўё осмондин манго саҳифа нозил бўлди. Дедимким:— Эй азиз, манга таҳсили илми муаммо зарурийдур. Агар они манга меҳрибон бўлсангиз, айни карам бўлур эрди. Бас, давог-қалам талаб қилди. Ҳазрат амирал мўминин Алининг исмида бўлган муаммони ёзиб берди. Шул вақтларда Ироқ одамлари келиб, ул хожазодани тахаллуфи тамом бирла Ироқга олиб кетиб, менинг кўнглимни меҳнат шаҳнасиға топшурдилар. Аммо ул соҳиб давлатнинг ҳиммати била бу камина муаммо илмида ул миқдор, олим бўлдимким, агар исми баён қилинмагон муаммони

эшитсам ҳам топар эрдим. Чун Ҳирот шаҳрида муаммо, билгучилар ўртасида шуҳрат топиб, ишим ул ерга етуш-тиким, кўп киши бир-бирларига ўртага шарт келтуруб, эрканлар, бу фақирнинг ёнига келдилар. Онинг сабаби бу эрканим, Румнинг муаммодонлари Хуросонга кел-миш эрканлар ва мушкил муаммолар андин нақл қи-либдурлар ва ондин бир муаммони ўқубдурлар. Бас, менинг ёронларимдин бир юз танга гаров боғлаб де-мишким, фалони бу муаммони исмин ошкора қилмас-дин бурун билур. Бас, жамъи бу фақирнинг уйига кел-дилар. Иттифоқо, бу фақирга бир касал ориз бўлуб, ётиб эрдим. Вақтеки, ул жамоат болишим ёнига келиб дедиларким, сизнинг бу ҳолингиздин беҳабар келибдур-миз. Ул жамоадин бири келмоқларининг сабабин изҳор қилди. Ман ойдим: Ул муаммони ўқуғил: Алар бу ка-сал ҳолингизда вақт эрмасдур, дедилар. Ман муболага қилиб, муаммони ўқумоқ учун аларга қасам бердим. Вақтеки, ул муаммони ўқудилар, андак фикр этиб де-димким, бу муаммодин Сайфий деган исм чиқар, билма-димким, ҳамул исму ё ўзгаму. Муаммодонларга ажо-йиб ҳайронлик юзланиб, ҳамул маблағеким гаров боғ-ламиш эрдилар, они шул ерда бердилар ва бир фут айравиким, эллик тангалик эрди, они манга бердилар. Ва Мавлоно Соҳибдороким Амир Алишернинг ёрон ва мусоҳибларидин эрди ва онинг Амир Алишерга қариб-лиқиға бу байт далилдурким, ул Ҳазрат онинг ҳақида дебдурларким.

Байт:

Манга улким анису соҳибдур,
Туму кун ҳамдаму мусоҳибдур.

Бу фақирнинг Мавлоно Соҳибга ана тарафимдин яқин қариндошлиқим бор эрди. Бир куни анам билан анинг уйига бордуқ. Бир неча аҳли камол ва фозиллар бор эрканлар, атамга дедиларким, бир неча замон бў-лубдур, эшитурмизким сизнинг ўғлингиз яхши толиби илм ва ҳофизи қуръон ва шоирлиқда машҳур эрмиш ва ҳар мушкил муаммони ўқулса, онинг исмин топар эр-миш, деб бу муаммони ўқудиким.

Муаммо:

Он шоҳи кўсп аз дили мажруҳ ҳар касе,
Бинад синоҳи бесарупо ҳар тараф баса.

Андак тааммул қилиб дедиким, Поянда деган исм чиқ-
ғусидур, аҳли мажлисга ажойиб ҳол юзланди. Ва Мав-
лоно Соҳиб дедиким, бу муаммони ўтган кун айтиб
эрдим, ҳеч кишига ўқуб кўргузғоним йўқ эрди. Андоқ
бўлмаса, бу муаммони аввал эшитгандур, деб гумон
қилур эрдим. Мунинг бу иши ниҳоят зийракликдин
нишонадур, дебди. Чун ул ердин қайтиб уйимга кел-
дим.

Ўир замондин сўнгра Мавлоно Соҳибдин бир киши
келиб деди: — Сизни Хожам талаб қилур. Чун хизма-
тига етуштум. Мавлоно дедиларким: Амир Алишернинг
хизматига бориб эрдим ва ул Ҳазратнинг расми ва одат-
лари будурким, ҳар кун мендин савол қилурларким, бу
кун шаҳарда не ажойиб кўруб ва не ғаройиб эшитдингиз.
Бу кун сўрғонларида дедимким: Бу кун бир йигитни
кўрдимким ёши ўн олти ва ё ўн еттида бордур. Ҳар муш-
кул муаммони исми айтилмай ўқулса ҳам дарҳол топар
ва толиби илм ва ҳофизлик ва шоирликда машҳур эр-
кон. Амир таажжубга қолиб дедиларким, имтиҳон қил-
дингму? Ман дедим: — Оре, бу муаммойи мушкулни он-
дин сўрдим, эшитган ҳамоно — топди, деб ул муаммони
ўқудим. Ҳазрати Мир манга таарриз қилиб дедиким: —
Нечун они ўзинг била ҳамроҳ олиб келмайдурсан. Ва
ман айтғонимдин пушаймон бўлдим. Не учунким Амир-
нинг хизматида ўлтуруб турмоқ ва сўз демак усру ма-
ҳолдур. Ҳамоно Ҳазратнинг оллида бир муаммо ўқулса,
эҳтимоли борким, агар топа олмаса менинг хижолатим-
га боис бўлур. Бас, эмди воқиф бўлким, эртонг сени
Амирнинг хизматига олиб борурман. Не учунким Ҳазрат
Амир сенинг мулоқотингга муштоқдурлар.

Чун оқшом уйимга келдим, манга ажаб ҳол юзланиб
йилон чақғон кишидек ҳар тарафга тўлғониб, ором топ-
мадим. Анам бу ҳолимдин огоҳ бўлуб деди:

Б а й т :

Жоним, нега бемадор эурсан?
Не дард ила беқарор эурсан?

Ман ойдим: Э ана, не ҳол сўрарсанким, эртанг Амир
Алишернинг мажлисига борурман. Билмасманким, манга
не ҳол юзланур. Анам йиғлаб деди: «Эй жоним ўғлум:
Сан махлуқ суҳбатидин бу тариқа таваҳҳум этарсан,
вой менинг ҳолимғаким, рўзи маҳшарда холиқи Акбар
ҳузурида номаи аъмолимни қўлимга берсалар ва раббул

арбобидин хитоб етушсаким, «иқран китобака кафи бинафсика» ва ўзинг не муаммои асрорингни изҳор қил-ғил деса, ул вақтда не жавоб дерман, деди.

Алқисса, эртонг Мавлоно Соҳибнинг уйиға бордим. Менинг била ҳамсол уч толиби илмким, Мавлоно Соҳибнинг ёнида бор эркон, мани кўруб деди: — Вақтида келдинг, бу уч йигитни ҳам Амир хизматларида таъриф қилиб эрдим. Булар ҳам муаммо илмиға олимдур деб. Андоғким, онинг мисоли Мавлоно Амир Ҳусайн Нишопуридур. Чун аҳли мажлиси олийға етуштукким, Мир ва ҳама хизматкорлар ҳозир ўлтурғон эрконлар. Ҳазрати Мир манга қараб, ишорат қилиб дедиларким, муаммодон хариф деганинг бу кишидурму? Мавлоно Соҳиб деди: «Оре, бу кишидур». Мавлоно Ҳамид Бадахший дедиким: «Махзумо, онинг муаммо очмоқи сизнинг муаммо очмоқингизға нисбати йўқдур».

Мир дедиким, ман муаммо билгувчи эрканин кўзидин билурмаъ. Онинг фикри асари кўзидин зоҳир бўлди. Бас, ондин сўнг бир муаммо ўқуди. Иттифоқо, ул муаммони ёд билур эрдим. Тафаккурда бўлдимким, оё тағофил қилсам, мажлис вақти ўтгусидир, Оқибат дедимким, эй махзум, ман бу муаммони ёд билурман. Ҳазрати Мир муддате бошин ошоқ солиб дедиким: — Азизлар! дуруст билурсиз, бу сўздин не маъни чиқарур, ўз қудратин изҳор қилур. Ва дедимким, агар бу муаммо бўлмаса, бошқаси ўқилсун ва ҳазрат Амир ўзга муаммо ўқумад ва бисёр лутф кўргузди ва Мавлоно Соҳибга дедиким, биз онинг даъвосин мусаллам тутдуқ.

СУЛТОН МАҲМУД БАҲОДИРНИНГ СУҲБАТИ, ДОҒИ НАҚҚОН ВА СУРАТГИРЛАР ВА ХУШХАТЛАР ВА ОНДИН ЎЗГА ЛАТИФАЛАРНИНГ БАЁНИДА

Бир кун Султон Муҳаммад Баҳодир аркони давлат била боргоҳда ўлтуриб эрдиким, Мавлоно Юсуф наққошким, суратгирликда онинг монанди йўқ эрди, Осиё отлиғ навжувон ва найзадор йигитнинг сувратин Султонға туҳфа келтурди. Ҳама анга таҳсин қилдилар, ва Мавлоно Обидким, хушхат ва хушнависликда мисли йўқ эрди, бир неча қитъа машқ ёзиб келтурди ва ўтгон машшоқлардин Ёқут ва Мавлоно Маҳмуд ва Мавлоно, Азҳарнинг бир неча руқъалариким, ўз қўллари била ёзиб эрдилар, Султонға ҳадя қилди. Мажлис аҳли ҳама

Ёқутнинг хатин мусаллам тутдилар ва ул мажлисда мазкур бўлдимки, Ёқутни хаттотиға топшуриб эрконлар.

Аммо фақир «Таърихи олам» отлиғ китобда аларнинг ҳолин кўруб эрдим. Нақл қилдимким, Ёқут ва Ҳиндихўжа иккилари биродар эрдиларким, Халифаи Мустаъсим биллоҳ оларни сотғун олиб эрди. Иккиларин устодға топшурдиким, Ёқут тирандоз илмин билгай ва Ҳиндихўжа хат машқ этгай. Аммо Ёқутнинг хат машқиға майли кўб эрдиким, ҳамиша ўқларни қалам қилиб хат ёзар эрди ва Ҳиндихўжанинг завқи тийрандозлиқда эрдиким, давот ва қаламни тоқчаға ташлаб, қўлида ҳарна борин тиру камонға сарф қилур эрди. Аммо Ёқутнинг устоди кўп уриб бошин ёрди ва бир уйға солиб устидин қулф урди. Ёқут кўрдиким, бошидин қон оқиб, юзининг китобиға сурхидин жадвал чекар, қўлин қалам қилиб, қонидин деворларға хат ёзар эрди. Чун устоди келиб бу ҳолни кўрди, мутаажжиб бўлуб, урғонидин пушаймон бўлди ва Ҳиндихўжанинг ҳам устоди қўлидин ўқ-ёйин олиб, давот-қалам била уйға солиб эрди. Иттифоқо, ул уйда бир ўқнинг синуқи ётиб эрди, они ёйдек ҳам қилиб мистарнинг торин боғлади ва қаламларин анга ўқ этиб тийрандозлиқға машғул бўлди. Ва устоди келиб муни кўруб дарҳайрат бўлуб, халифа даргоҳиға юз қўйди. Ва йўлда Ёқутнинг устодиға йўлуқуб, бир-бирлариға шогирдларининг воқеасин баён қилдилар. Ва айдиларким, бу қиссани халифаға арз этмак вожибдур. Алқисса, бориб халифаға бу ҳолатни шарҳ этдилар. Халифа бисёр таажжуб кўргузуб, шогирдларни бир-бири била ҳавозий қилдилар ва аларнинг тарбиятида эҳтимом кўргуздилар. Андак замонда Ёқутнинг хати ул даражаға еттиким, рўзгор сафҳаси анинг рақамининг мислин кўрган эрмастур ва Мустаъсим биллоҳ ани каломуллоҳ ёзарға амр қилди. Алқисса, Ёқут Қуръон ёзмоқға муқаййид бўлди. Чун бу оятға етуштиким, «валлазина авду наср» ва ўртадағи «вав» ни қасддин тарк этиб ёзмай, ўрнин очиқ қўйди. Қуръонни тамом этиб халифанинг олдиға келтурди. Халифа анга лутфу карам қилди. Аммо анга қилғон инъоми минг тангадин зиёд эмас эрди. Ёқут қаламдек шикастахотир бўлуб, манзилиға қайтди.

Ровий ойтур. Чун подшоҳ Қуръон тиловатин мазкур оятға еткурди, ул ҳарфнинг тарк бўлғонин билди. Ошифта бўлуб, дашном этиб буюрдиким, ул ғулумни келтуринг-

лар. Чун Еқут бу ҳолдин хабар топди, бир қўлин бўйнига ҳамойил қилиб подшоҳ даргоҳиға етушти. Халифа сиёсат юзидин дедиким: — Эй Еқут, кўнглинг нечук ёрий бердиким, каломуллоҳ хазиначидин бир ҳарф гавҳарин ўғурлабдурсан? Еқут ойдиким, «Шоҳо, ул ҳарф саҳвдин тарк бўлғондур». Халифа буюрдиким, дарҳол ул ҳарфни ёзгил. Еқут деди: Шоҳо, маъзур тутғилким, қўлумға бир оз озор юзланибдурким, бу ишға қодир эмастурман. Халифа билдиким, баҳона қилур.

Дарғазаб бўлуб дедиким: — Эй ғулом, менинг мулкимда хушнавис китоблар кўбдурлар, деб Еқутни назаридин йироқ қилди. Еқут ғамгин бўлуб чиқиб, ҳеч одам била ихтилот қилмай, бир гўшада ўлтирди. Аммо Халифа буюрдиким, хушнависларни жамъ этиб келтурдилар. Халифа Қуръонни аларға кўргузуб дедиким, бу қуръонда бир вов тарк бўлубдур. Мулоҳаза этиб иттифоқ қилинларким, ҳар қайсингиз—хушнависроқ бўлсангиз ул ҳарфни ул киши ёзсун. Чун котиблар ул каломуллоҳни кўруб мушоҳада қилдилар. Ҳама дедиларким: «Шоҳо, ҳарна амр қилсанг фармонбардордурмиз. Лекин бу ишға қодир эмастурмиз. Чун халифа алардин бу сўзни эшитди, Еқутға қилғон муомаласидин хижил бўлуб, аммо ани пўшида қилмоқ учун ғазаб била дедиким: — Агар бу ҳарфни ёзмасангизлар, сизларни сиёсатға еткурғумдур. Алар айдилар: — Шоҳо, бизларни мунча таклиф қилдинг. Эмди карам қилиб бир неча кун муҳлат бергил, то ул ҳарфни машқ қилғаймиз. Шоядким мақсуд ҳосил бўлғай. Бас, халифа қирқ кун муҳлат берди. Ул жамоат кеча ва кундуз ҳама «вов» ҳарфини машқ қилдилар. Ондин сўнг бир қоғозга ҳар бирлари «вов» ҳарфини ёзиб Халифа олдиға келтурдилар. Ул жумладин бирининг хатин ихтиёр қилдилар. Халифа анга буюрдиким ул «вов»ни ёзгил, ул айди: «Шоҳо, иноят кўргузиб фармон қилғилким, бу «вов»ни дукорд била кесиб олиб, ҳамул тарк бўлғон вовни ўрниға қўюб кўрсунлар. Агар ул қуръондаги «вов»ларға ўхшағон бўлса, ондин сўнг мислин ўрниға ёзарман. Халифаға бу сўз маъқул бўлиб, буюрди. Андоғ қилиб кўрдиларким, осмон била ерча тафовут зоҳир бўлди. Халифа ўз хатосидин огоҳ бўлуб, кўб эъзоз ва икром била Еқутни талаб қилиб, кўб узрлар қилиб, ҳамул тарк бўлғон «вов»ни ёзмоқға ишорат қилди.

Еқут таъзим қилиб айдиким: — Шоҳо, хотири шарифингға махфий қолмасунким, хазиначи карамингдин то

менинг мақсудим ҳосил бўлмағунча бу иш битмагусидур. Халифа сўрди: — Эй Ёқут, айтгилким мақсудинг недур? Ёқут айди, бошимга ул миқдор тилло ва танга тўгилким, бир киши бу тарафда турса ул тарафдин кўрунамасун. Халифа буюрди: Хазина қапусин очиб, ончаким матлуб эрди, андоғ қилдилар. Ондин сўнг Ёқут қўлига қалам олиб ул ҳарфни жойиға ёзди. Халифа иноят қилиб ойди: — Эй Ёқут, бу зарларни олгилким, санга тааллуқдур. Ёқут хизматни бажой келтуруб, Халифа таъзими учун бир танга олиб дасторида қўйди ва ойдиким, бу молларни хазинаи шоҳиға элтиб жойида қўйсунлар. Бу молни жамъ қилмоқдин менинг мақсудим бу эрдиким, подшоҳ аввал менинг хатимнинг қадрин билмади ва қуръонниким ёзиб, эрдим минг танга инъом қилди. Эмдиким билди, бир ҳарфиға бу тариқа иноят кўргузди. Пўшида қолмасунким, ҳар ҳарфеким бу қуръонға ёзубдурман бу миқдор зарға арзирдур эркон.

Аммо Ҳиндухўжа тирандозлик ҳунарида беназир бўлди. Ровий айтур, Халифанинг бир ўғли бор эрдиким, отиға Мутавакиллоҳ дер эрдилар. Бир кун халифанинг ёнида ўлтуруб эрди, ногоҳ икки мунаққаш қуш келиб дарахт шохасиға қўнди. Чун халифазода аларни кўрди, ул қушларни тутуб беринглар, деб кўб изтироб қилди. Халифа сайёдларни талаб қилиб аларни тутмоқға буюрди. Сайёдлар айдиларким: — Шоҳо, бу қушларға бу қаламун дерларким, буларни сайд қилмоқ бағоят мушқилдур. Нечунким, асло дом ва донға илтифот қилмаслар. Магар бир моҳир тийрандоз ўқ била уруб, оларнинг қанотин шикаста қилса, эҳтимолдурким бу муддао муяссар бўлғай. Валекин, бу икки қушнинг бир-бирлариға муҳаббатлари бу мартабададурким, агар бир лаҳза бир-биридин жудо бўлсалар, иккови ҳам ҳалок бўлурлар. Бу сабабдин иккисин ҳам ўлтурмай, ҳамроҳ қўлға киргузмак бағоят душвордур. Халифаға бу сўз маъқул бўлиб, ҳеч чора топмай тафаккурда бўлди.

Ровий айтур: Ҳиндухўжа йироқда туруб эрди ва ул қушларға наззора қилур эрди. Кўрдуким, ул иккиси гоҳо мунқорларин бир-бириға еткуриб кабутар мисиллик ошиқ ва маъшуқ каби бўса олушар эрдилар. Ҳиндухўжа ер ўпуб дедиким, шоҳо, агар фармон бўлса, мен бу қушларни ҳаминзамон сайд қилурман. Халифа айди: Эй ғулом, истихора ҳожат эрмастур. Ондин сўнг Ҳиндухўжа бир тўбпош ўқни камонға пайваста қилиб мунтазир ўлтурди. Чун ул қушлар мунқорин бир-бирлариға

еткуруб, буса қилур эрдиларким, Ҳиндухўжа ўқни шаст бердиким, ўқ иккисининг мунқориға баробар тегиб, қушлар саросима бўлуб дарахтдин ерга йиқилиб гирифтор бўлдилар.

Халифа Ҳиндухўжани олий мартабаға еткурди. Ва яна мундоғ ривоят қилурларким, Паҳлавон Ҳиндухўжа тийрандозлик даъвоси била Хуросонға келди ва бир баланд минорнинг учида нишона қўйдилар. Султон Ҳусайн Мирзонинг замонида Ҳасаншоҳ отлиғ бир паҳлавон бор эрди. Ҳиндухўжанинг даъвосига келди. Иттифоқо, ул ўқким шаст берди, пайкон ёйнинг қабзасига маҳкам бўлуб синди ва онинг тарошаси паҳлавоннинг қўли оғир жароҳат қилдиким, қўли ишдин қолди. Андоғким, сўнгра ўқ отмоқға ярамай, бу воқеани Хуросон аҳли Ҳиндухўжанинг кароматидин билурлар.

Нақл. Ва яна бир кун Юсуф наққош қози Ховакнинг сувратин чекиб келтурдиким, бағоят узун саққол ва пурмўй эрди. Ва бу суврат Султоннинг нишотиға сабаб бўлди. Андоғким, аксар султонларнинг мундоғ суврат ва нақшларға табъларининг майли кўб бўлур. Нақлдурким, Султон Ҳусайн Мирзонинг замонида Хуросонда бир киши бор эрдиким, Гавҳаршодбегимнинг мадрасаси саҳифасида занжабилфурушлиқ қилур эрди. Ва анинг сақоли андоғ улуг эрдиким, ҳарвақт шамол эсса, анинг бир тори қози Ховакнинг саққолидек минг саққолни юз фарсангға ташлар эрди. Агар қози Ховак ани кўрса, шарманда бўлуб, анинг саққолин буса қилур эрди. Ҳамон бу рубойни анинг саққоли шаънида дебдурлар:

Рубой :

Ул саққол ила поку дубур қилса бўлур,
Кушпўш эшак жули шутур қилса бўлур,
Юздин биридин аниг жаволи тўқубон,
Минг кўз била ични пур пур қилса бўлур.

Ва Султон Ҳусайн Мирзо ҳар йил наврўз кунида умародин бириға буюрур эрдиким, анинг саққолин тургон ҳолида сотғун олур эрди. Ондин сўнг подшоҳ наққошларға буюрур эрдиким, ул саққолни товуснинг қуйруқи мисиллик гуногун нақшлар била мулавван қилур эрдилар. Ва ул мардак мундоғ саққолни савдосига дом этиб, харидорларни сайд қилур эрди. Ва шоирларнинг анинг саққоли ҳақида деган байтларин овоз била ўзи

ўқур эрди. Ва анинг бир ўғли бор эрдиким, ул байтларни анга ёд қилдуруб эрди ва ул атоси муқобилида туруб, дилкаш овоз била ул байтни нағма чекар эрди. Ва халойиқ анинг дўконига ҳужум қилиб, талош била ондин савдо қилур эрдилар. Ва ул мардак бу сўзнинг ҳукми биланким дебдурлар. «Мин тола шеъра қасри шеъра» — яъне, ҳар кимнинг мўйи узун бўлса, ақлу дониши қисқа бўлур. Бас ул бағоят аҳмоқ эрди.

Нақлдурким, хўжа Исмоил Ҳисорийким, баланд қомат ва узун саққолиғ киши эрди, бир неча китоб мутолаа қилур эрди. Назарига келдиким, қадди баланд ва саққоли узун одамнинг ақли бўлмастур. Дарҳол бошин андиша тўбрасига солиб, саққолин тутуб ўзиға дедиким: Ниҳоят беақлликдурким, ман мунча мўйға ҳамойил бўлуб, ақлсизлиқға гувоҳ бўлғучи била ҳамроҳ бўлғайман. Муносиб будурким, мунинг ному нишонин қўймай, тарош қилғайман, деб поку ахтариб топмади ва ул ташвишни қисқа қилмоқ учун дукорд ҳам топмади ва аҳмақлиғининг гувоҳин дафъ қилмоқда таъжил қилур эрди. Алқисса, саққолидин бир қабзани тутуб, андин зиёдин шамънинг шўъласига тутуб ёқди ва ўзининг аҳмақлиғин оламда чароғ қилди. Чун саққолининг учи ёниб ўт қўлиға етушгач, қўлин чекиб эрдиким, саққоли тамом ёнди. Ул ерда бир давог-қалам ҳозир эрди, ул китобнинг ҳошиясиға ёздиким, биз тажриба қилдуқ ва бу сўз ҳақдур. Ва анинг росталиқида шак йўқтур.

Алқисса, агарчи қози Ховакнинг ул сурати зотида гиреҳ ва нохуш эрди. Лекин ҳазрати подшоҳнинг нишотиға сабаб бўлди. Подшоҳларнинг хотири очилмоқи кишвар аҳлининг кўнгиллари ғунчаси очилмоқиға боисдур. Бу важҳдиндурким, олиймиқдор подшоҳлар наққош ва суратгирлардин жамъни тарбият қилиб, аларнинг ҳолиға илтифот қилурлар. Нечунким бу тоифа тарабангиз ва табиатомуздурларким, подшоҳнинг ва раоё халқининг табиатлари суруриға сабабдурлар. Бу важҳ била Марҳумий Султон Ҳусайн Мирзо бу ҳунарнинг устодларидин Беҳзод наққошни ихтиёр қилиб, хизматидега сақлаб эрди. Ҳар вақт подшоҳ замириға кулфат ғубори ўлтурса, устод Беҳзод ажиб ва ғариб суратлар чекар эрдиким, они кўргач, подшоҳнинг таъби ойинасидин кудурат занги кўтарилур эрди ва Беҳзод ҳамиша ҳар турлук суратларни ёнида сақлар эрдиким, ҳожат вақтида чиқарур эрди. Ва аксар вақт амир Бобомахмуднинг суратин дахл юзидин бадшакл ва ноҳамвор қилиб чекар

эрди. Ва ул умаролардин бири эрдиким, азим жуссалиг ва улуғ қоринлиғ. Алғараз таажжуб таркиблиғ киши эрди. Бовужуди мунча улуғ жисм била ҳам бағоят чобук ва чолок эрди. Ва хизматкорлиқ юзидин ширин ҳаракот ва рангин ҳикоятлар қилур эрди. Ва бу шева била ўз муҳаббатин подшоҳ кўнглиға солиб эрди ва ширин ҳикоятларидин биридур.

Нақл қилибдурларким, Султон Ҳусайн Мирзонинг бир оти бор эрдиким, отиға Ашҳаб, дер эдилар. Подшоҳ уя отни бағоят севар эрди. Қазоро ул от бемор бўлди. Ва ул замонларда отларға вабо тегиб эрди. Ва ҳар кун мирохўр хабар берур эрдиким, фалон ва фалон от ўлди. Чун подшоҳ Ашҳабнинг беморлиқин эшитти, хотири мукаддар бўлуб, кулфат изҳор этиб дедиким: — Ҳар киши Ашҳаб ўлди, деб хабар келтурса, они икки нимта қилурман. Иттифоқо, ҳамул кун Ашҳаб ул жаҳоннинг марғзориға кетди. Мирохўр Бобомахмуднинг олдиға келиб, деди: — Маълумингиз бўлсинким, Ашҳаб омонатни маанга топшурди. Агар ман бу нохуш хабарни Султонға арз қилсам, шак йўқдур, ҳам менинг жонимни Ашҳабнинг руҳиға миндуруб, адамға равона қилғусидур. Бу воқеани сиздин ўзга одам Султонға айтолмағусидур. Эмди ўзингиз билурсиз.

Бас, Мирбобомахмуд Султоннинг олдиға бориб, ўз ўрнида қарор тутди. Султон андин сўрдиким, Ашҳабдин хабаринг борму? Ул дарҳол еридин туруб ойдиким: Шоҳо, бу кун ман сайисхона олдидан ўтар эрдим. Ашҳабни кўрдиким ажаб одат пайдо қилибдурким, асло арпа ва самон емайдур. Уйқудадурким, ҳеч ҳаракат қилмай-дур ва нафас олмайдур. Подшоҳ кулуб дедиким: Эй бадбахт, не сўз айтурсан, магар Ашҳаб ўлубдур. Бобомахмуд таъзим қилиб айдиким, шоҳо, бу нохуш хабарнинг йўлин ҳамманинг юзиға банд қилиб эрдингиз. Алҳамдулиллоҳким, оқибат бу маънидин ўзингиз хабар бердингиз.

Подшоҳ анинг бу зарофатидин хушвақт бўлуб, бисъёр кулди. Бас буюрди, то ул отни кафан қилиб қабрда қўйдилар. Ул отнинг руҳиға ош-об бериб, таъзият қилдилар. Ва ул отнинг хушёрлиги бобида ҳикоят кўбдур. Аммо буюрглар дебдурлар: — Агарчандеким, сўз рост бўлсун, аммо эшитгучи они қубул қилмоғудек эҳтимоли бўлса, ул сўзни демаслик авлодур. Хусусан, подшоҳлар олдида мундоғ сўз демак муносиб эрмастур. Ва бу нақл машҳурдурким, бир жаҳонгашта одам бир подшоҳнинг олди-

да нақл эттиким, мағриб диёрида бир қуш кўрдимким, ихгарийдур. Подшоҳга бу сўз хуш келмай юз қайтарди. Ул киши ўз оғайнидин хижолатманд бўлуб, ҳеч чора топмади ва саъй қилиб ул қушнинг талабига чиқиб, биёбонга юз қўйди. Ва бир йилдин сўнг ул ажойиб қушни топиб, подшоҳнинг олдиға келтурди ва ўз даъвосининг ҳақиқатин исбот қилди. Подшоҳ кулуб дедиким: — Эй дарвеш, биз сўзингни мусаллам тутдуқ ва сани ростгўйлар қаторидин санадуқ. Аммо оқил одам нечук мундоғ сўзни дегайким, они рост қилмоқда бир йил заҳмат чекмай.

Алқисса, наққошлик ва суратгирлик кун ба кун тараққийда эрди.

Нақлдурким, Беҳзод наққош Амир Алишер Махдумийнинг мажлисиға бир сурат чекиб келтурдиким, ул бир ораста боғчанинг сурати эрдиким, анда гуногун дарахтлар ва шохларда ҳушсурат қушлар, кавсардек сувлар ҳар тарафга жорий бўлгон ва ранг-баранг гуллар очилгон эрди. Ва Мирнинг сурати ҳавз лабида асоға така қилиб тургон ва бир неча табақ зар ва сим тула олдиға қўюлгон эрди. Чун ҳазрат Мир ул сувратларни мушоҳада қилди, хотири гулдек очилиб, мажлис ҳозирлариға қараб дедиким: Эй азизлар, бу суратнинг таърифида хотирларингизға не келур? Мавлоно Фасиҳиддин ойди: Махдумо, ман бу гулларни кўргач, хоҳладимким, бу гулни узуб дасторимға қистурсам! Ва Мавлоно Соҳиб Доро дедиким: — Ман ҳам мундоғ хаёл қилиб эрдим. Аммо андиша қилдимким, агар қўл узатсам, мабодо бу қушлар дарахтлар шохасидин парвоз қилгайлар. Ва Мавлоно Бурҳон айдиким: — Ман мулоҳаза қилиб қўлумни ва тилимни сақлаб дам урмадим. Мабодо, Ҳазрат Мир дарқаҳр бўлуб манга ғазаб била қарагайлар. Ва Мавлоно Бадахший айдиким: — Эй Мавлоно Бурҳон, агар беадаблик бўлмаса, ҳамул асони ҳазрат Мирнинг қўлидин олиб, сенинг бошингға урар эрдим.

Мир айдиларким, ҳар бирингиз яхши сўз айдингиз. Ва менинг хотиримға келиб эрдиким, агар Мавлоно Бурҳон бу ноҳуш сўзни демаса, бу табақлардаги зарларни ёронларнинг бошиға нисор қилсам. Бас, ҳазрат Мир Алишер Беҳзод наққошға от ва сарупой инъом қилди. Ва мажлис аҳлининг ҳар қайсисиға ҳам фоҳира либослар карам қилди.

**ШАҲИД САИД СУЛТОН УЛУҒБЕК МИРЗОНИНГ ФАЗОЙИЛ
ВА КАМОЛОТИ ВА АМИРИ КАБИР АМИР АЛИШЕРНИНГ
ШАММАИ «МАКОРИМИ АХЛОҚ» МАҚОЛОТИ**

Бир кун олийжаноб, садоратмаоб Шайхул олам, Шайх ва жаноби аморат интисоб Муҳаммад Амин Мирак бу фақирнинг бандахонасиға келиб, банданавозлик маросимни ва адугудозлик лавозимин тақдимға еткуруб, де диларким: — Ҳазрат Султон, доми мулк сизнинг мусоҳабатингизга ифтихор ва истизҳор қилурлар. Ва дерларким: — Мавлоно Восифийнинг «Макорими ахлоқи» дини тамаъ улким, ҳар эртонг таом акуллидин сўнг каломни раббонийдин бир ушр тиловат қилсалар, то анинг савоби бизнинг саодатосор рўзгоримизға восил бўлса. Ва яна мавъизангиз ҳикоятлариниким, панд ва насоҳийға муштамил бўлғай, — тақдимға еткурсалар ва яна ҳимматимиз ул ишға масруфдурким, мазлум додхоҳларнинг арзин эшитиб додин сўрмоқ Мустафий шариатиға мувофиқ бўлғай. Керакдурким, додхоҳлар арзин сўрар вақтда ҳозир бўлсалар, то аларнинг мувозанат ва имдоди била ул қазялар мувофиқ шаръ фйсал топса. Чун фақирға қабулдин ўзга йўл йўқ эрди, тавъан ва рағбатан қабул қилдим.

Сўнгги кунким олийжаноб салтанатмаоб, алмутаҳақ биавотифил мулкул маннон келди. Муҳаммад Султон хулду мулкуҳу салтанат тахтида қарор тутти. Барча аркони давлат ва аъён ва ҳазрат макони иззатда ҳозир эрдилар. Ул ҳазрат деди: — Машҳурдурким, фаросат ва каёсат ва адолат ва фазилат бобида Улуғбек Мирзодек подшоҳе салтанат тахтида ўлтурмамишдур. Агар онинг фазойил ва маноқибидин шаммае бу мажлисда мазкур бўлса, муносибдур. Фақир маъруз қилдиким, бир кун бир киши Улуғбек Мирзонинг олдиға келиб дедиким: — Шоҳо, манга бир мушкил иш ва ғариб қазя воқеъ бўлубдурким, анинг ҳаллида менинг ақлим, балки барча уқалонинг ақли ҳайрондур. Воқеа улдурким, ман Ироқдин келурман ва Хуросон карвониға ҳамроҳ бўлуб Самарқандға мутаважжих бўлмиш эрдим. Вақтеки, карвон Жайхун суйининг канориға нузул этти, ман бир гўшага бориб баданимдин жомаларимни чиқардим. Бир гаронбаҳо лаълпорам бор эрди. Они бўлак чармга чўлғаб билагимға боғламиш эрдим. Они ешиб олиб чарм била кўнглагимнинг устида қўюб сувға туштум ва сувдин чиқиб лаълпорамни қўйғон ердин топмадим. Чун

Ҳиммга таъйин эрдиким, ҳеч ким ушбу жонибга келма-
миш эрди. Бу жиҳатдин они карвон аҳлидин тафаҳҳуд
ва тафтиш этарга шарм қилур эрдим. Ҳол ушбудур.
Подшоҳ деди: — Санго бир йилғача бу ишда сабр қил-
моқ керакдур. Агар топилса, фибҳо ва илло анинг ба-
ҳоси ҳарна бўлса ман санга еткарурман. Ул киши қа-
бул қилиб, ер ўпуб туруб кетти.

Подшоҳ девонни чақириб буюрди: То тамоми қалам-
равининг тижорий амволи заҳирин ҳисоб қилиб, бир
туморға барчасининг отларин ва молларин ёзиб под-
шоҳға топшурди. Подшоҳ ани мутолаа қилур эрди ва
йил тоза бўлгандин сўнг яна девонни чақириб буюрди.
То сўнгги йилнинг маҳобасин бурунги дастур била ту-
морға ёзди ва подшоҳ икки туморни муқобала қилиб
кўрдиким, бир кишининг Қароқўлда ўтган йил моли-
нинг закоти эллик танга эрди. Бу йил беш юз тангага
етти. Подшоҳ буюрди, то ул кишини бир хилватда ҳо-
зир қилдилар.

Подшоҳ андин сўрадиким, мунга сабаби недур. Мундоқ
тараққийким санго ҳосил бўлубтур бир нима топмиш-
сан ё бир кишининг ўйин тушмишсан, ё мерос молидин
ғаний бўлмишсан, ё бир соҳиб карамнинг инъомидин
мундоқ мустағний бўлмишсан. Рост дегил ва ёлғон сўз-
лашмагил. Ул киши деди: — Подшоҳо, ман бир бофан-
дадурман ва Қоракўл қасбасидан бўлурман. Бир кун ўз
ишимға машғул эрдим ва менинг ҳовлимнинг ўртасида
бир дарахт бор эрди. Кўрдимки, бир akka дарахтнинг
шоҳасида ўлтурбдур ва минқорида гўштга ўхшаш бир
нима бордур. Ногоҳ ул нимарса онинг минқоридин ерга
тушти ва akka яна они олурға мутаважжих бўлди. Ман
еримдин туруб чобуклик била бориб они олдим. Ул бир
чармпора эркон. Они очиб ичида бир лаълпора кўрдим-
ким, фуруғидин офтоби оламтоб хийра ва ламъасидин
дилбарлар лабининг ёқути тийра бўлур эрди. Они Ҳақ
таолонинг атоси билиб, дарҳол Самарқандға мутаваж-
жих бўлдим ва они бир жавҳарийга кўргуздим. Жавҳа-
рий они кўргач, кўзининг ҳуққасига мардумаки жузь-
ий гардишға кирди ва юзи ранги лаъл янглиғ қизарди. Ман
билдимким, ул лаълпора гаронбаҳодур. Жавҳарий деди,
муни қайдин олиб келтурдинг? Ман дедим, мунинг та-
фаҳҳус ва тажсиси билан сенинг на ишинг бордур. Агар
харидор бўлсанг, тошни тарозу ичига солғил, йўқ эрса
менинг коламини илгимга бергил. Ул деди: Муни неча
тангага сотарсан. Ман дедим: Икки минг тангага сотар-

ман. Охир они анга минг доғи беш юз тангага сотдим ва бозорга кириб чўрий ва туғма ва от ва қолий ва кийиз ва уй аспобининг барчасин сотғун олиб, ўз ватанимга мутаважжиҳ бўлдим. Ва ҳар киши ҳол кайфиятин сурар эрди, ман дер эрдим. Самарқандда бир дунёдор қариндошим бор эрди ва анинг мандин бошқа вориси йўқ эрди. Ул вафот топти. Ушбу моллар ондин манго мерос қолди. Ҳазрат Улуғбек Мирзо буюрди, то ул жавҳарийни келтурдилар. Ул иқрор қилди ва ул лаълпора хафо ҳуққасидин зуҳур мансасиға келди. Ондин сўнг ул подшоҳ жавҳарийға зажр ва итоб кўргузди. Ул сабаб билаким, ул лаълпора қийматида ноинсофлик қилмиш эрди.

М и с р а ь :

Ҳазор жони киромий фидои тадбираш.

Ондин сўнг яна маъруз қилдиларким, бир кун бир киши мазкур подшоҳнинг олдиға келиб деди: — Шоҳо, хизматингизда арзим буким, ман минг ашрафийни бир ҳамёнға солиб, онинг оғзин мум ва муҳр била мустаҳкам қилиб, бир кишиға топшурмиш эрдим. Бир оз муддатдин сўнг ани олиб оғзин очиб, ашрафийни санадим. Юз ашрафий кам келди. Муни ҳар нечаким анга айтурман, ул мани тамасхўр қилиб, манга айтурким, ҳамённинг оғзида ўз муҳринг турғон бўлса ва ҳеч тағйир топмагон бўлса, ўзга еридин йиртилмагон бўлса, албатта, мундоқдурким ёдингдин чиқғондур ва саҳв бўлғондур. Ҳамёнға солғонинг тўққуз юз ашрафийдур. Эй подшоҳ, андоқким, худонинг бирлигида ҳеч шак ва тараддуд йўқтур. Ашрафийларнинг адади минг эркониде манго ҳеч гумон йўқтур.

Подшоҳ анга деди: — Икки кундин сўнг келгилким, ман сенинг ушбу ишингни буткорурман. Чун подшоҳнинг хитойи атласдин бир тўшаги бор эрди ва ҳар кеча анинг устида ўлтуруб китоб мутолаа қилур эрди ва кундуз туруб кетар эрди. Ҳамул кеча ўлтуруб, тонг отғондин сўнг туруб кетар вақтда тўшакнинг бир гўшасин қасд била йиртиб чиқиб кетди. Ондин тўшакчи канизак келиб ул ҳолни мушоҳада қилди. Гўёки, онинг тириклиги либоси йиртилди ва изтироб била ул ҳолни ўзининг эрига баён этти. Эри деди, ғам емагилким, ман шунинг тадорикин қилурман ва ишингдин бу тугунни очарман

па анинг бир руфугар мусоҳиби бор эрдиким, ҳаёт ли-
босидин ўзга либоснинг чокин андоқ руфу қилиб ул та-
риқа тўқур эрдиким, хурдабин мубассирларким суҳҳо
ситорасин туш вақтида ложувардий фалак узра мушо-
ҳада қилур эрдилар, они ташхис этолмас эрдилар. Анга
буюриб ул тўшакни руфу қилдурди ва кеч бўлгондин
сўнг тушакчи бурунғи дастур била ҳамул тўшакни тў-
шади. Подшоҳ келиб назар қилди. Ҳамул йиртиқнинг
асарин кўрмади, тўшакчига деди: тонг вақтида бу уй-
дин туруб кетарда аёқимнинг тирноғи тегиб, тўшакнинг
бир гўшасин йиртиб эрди. Ҳало андин ҳеч асар йўқтур.
Тўшакчи воқеа кайфиятин арз қилди. Подшоҳ буюрди,
то руфугарни ҳозир қилдилар. Анга деди: Агар рост
сўзласанг қутулурсан, йўқ эрса, ҳаётинг неъматидин маҳ-
рум бўлурсан. Рост дегилким, бу айёмда ҳеч кимисан-
га ашрафийдин тўлғон бир ҳамён келтурдиму ва сен
они шикоф этиб ондин юз ашрафий олиб, они руфу қил-
дингму. Руфугар деди: Бале, бир киши ашрафийдин тўл-
ғон бир ҳамён менинг олдимга келтурди. Они иттифоқ
била йиртиб юз ашрафийни олдуқ. Ул киши ўн ашра-
фийни манга берди, ўзгасин ўзи олди ва ман они руфу
қилдим. Бу сўзлардин сўнг подшоҳ ул кишини келтуруб
зажр ва сиёсат қилди ва ондин ул кишининг ҳаққин
олиб берди. Ва яна маъруз қилдиким, бир кун бир ки-
ши Улуғбек Мирзонинг олдиға келиб деди: Шоҳо, манго
Рум сафарининг дояси пайдо бўлди. Сафар эҳтиёжидин
зиёда беш минг ашрафим бор эрди. Они бир кишига
топшурмоқ тиладим. Кўнглумга келдиким, бу шаҳарда
қозидин диёнатлиғ ва амонатдор киши йўқтур. Ул аш-
рафийларни бир офтобаға солиб, қозиға топшуруб кет-
дим ва сафардин қайтиб келгондин сўнг ул амонатни
қозидин талаб қилдим. Эмди манга дерким: Сан девоиа
бўлмишсан. Ман сани қачон кўрмишман. Агар яна мун-
доқ қабиҳ сўз десанг буюрурманким, сенинг тишларинг-
ни ушатурлар ва тилингни энгонгдин чиқарурлар.

Подшоҳ деди: Ман тонгда қозининг уйиға боргум-
дур. Ондин қайтиб, отланур вақтда сан келиб ушбу ҳи-
коятни ойтғил. Ондин сўнг подшоҳ қозини чақриб,
мажлисни хилват қилиб деди: Эй қози, ман бир ажиб
фикрнинг дарёсиға мустағрақ бўлмишманким, бу дав-
латхонада нуқуд ва нафойис ва жавоҳир ва лаоли ул
миқдор йиғналмишким кишининг хаёли ганжиңасиға сиг-
магусидир ва менинг мунча ашёни жамъ этмакдин га-
разим улдурким, вафотимдин сўнг бир вақт фарзанд-

Қ и т ь а :

Ҳоки Машриқ шундаам кп купалад,
Ба чиҳил сол косаи чипи.
Сад ба зуди зананд дар Бағдод,
Ложарам қийматаш ҳамебини.

Қ и т ь а :

Мурғак аз байза бурун ояду рӯзи талабад,
Одамо ба чи надорад хираду ақлу тамиз.
Он сабуксор библиду ба жоё нарасид,
В-ин ба тааққид токи бигзашт аз ҳама чиз.
Обгина ҳама жоҳаст аз он қадраш нест,
Лаъл душвор ба даст ояд аз онаст азиз.

Мавлоно Соҳиб Доро дедиким, менинг била Шайх Баҳлулнинг орасида муҳаббат ва мусодақат иттиҳод ва мусоҳабат ул машобада эрдиким, ҳар биримизнинг ҳаққимизда бу ҳақиқат низом сӯз вирди, забон эрдиким:

Б а й т :

Гар бувад рӯзе маозиллоҳки патвон дидағат,
Восифий бечораро он рӯз жон дар тан мабод.

Ғариб амирлардин бири улким, бир кеча оқшомдин икки пос ўтган вақтдаким ҳама халқ уйқуда эрдилар, Шайхул Баҳлулнинг ғуломи келиб эшикни қоқти ва деди: — Бир сӯзим борким, ҳазрат Мавлонодин ўзга киши анга маҳрам эрмастур. Ман они чоқириб ҳол кайфиятин сӯрдим. Ул деди: — Ҳазрат Мир менинг хожамни бир эшак била бир уйнинг ичига солиб, эшигин мақфал қилди ва анинг ҳеч сабаби маълум эрмастур. Мавлоно Соҳиб Доро дедиким, бу сӯзни эшитгач, ўзимни ул кишидек кўрдиким, они давлат отидин тушуруб ташҳир учун зиллат эшагига миндургайлар. Чун тонг отғондин сўнг Ҳазрат Мирнинг мулозаматиға мутаважжих бўлдим. Амирнинг кўзи фақирға тушгач, деди: Эй Мавлоно Соҳиб, келгил ва менинг била ўз мусоҳибинг Шайх Баҳлулнинг орасида муҳокама қилгил. Агар бетариқлиқ ва белуфтлик бу фақирнинг жонибида бўлса, узрхоҳлик кўргузурман ва агар сизнинг ёрингиз жонибидин бўлса, на сӯз дерсиз.

Фақир дедим, муқаррар ва муайяндурким, сиз ҳар нимаким қилсангиз, ҳикмат ва маслаҳат андадур. Қусур ва нуқсон онинг жонибидин бўлғусидир. Ҳазрат Мир дедиким, бир киши агар ўн йил бир кишининг суҳбатида бўлса, онинг тамоми аҳвол ва авзои ва ахлоқин билур. Шайх Баҳлул ўн икки йил муддатедурким, оқшом-кундуз фақирга жузъан лоянфардур. Утган кеча китоб мутолаа қилур эрдим. Менинг олдимда бир шамъ ва бир даво ва бир қалам ва бир коса сув турмиш эрди. Шайх Баҳлулға дедим: Кўтаргил, ул сўрдиким, қайси нимарсани кўтарай. Ман дедим, санга не бўлубдур. Магар эшак бўлмишдурсан. Ул дарҳол аъроз юзидин деди: — Эй маҳзум, манда илми ғайб йўқтур ва сизнинг олдингизда неча нимарса турубдур. Ман на билурманким, сизнинг айтғонингиз қайсидур? Эмди, эй Мавлоно Соҳиб Доро, аз барои худо ўзинг инсоф бергил. Яқиндурким, манинг олдимда шамъ то тонг отғунча ёнғусидур ва даво ва қалам ҳамиша менинг олдимда турғусидурким, кўнгилга агар бир маъни келса, они дарҳол китобат қайдиға чеккумдир. Маълумдурким, ман кеча сув ичмагумдир. Бас, кўтар деганим сувдин бошқа нима бўлмағусидур, Мунча ино ва аъроз нега керакдур.

Бовужуди мунча густоҳлиқ ҳазрат Мир узрхоҳлиқ қилиб, анга муносиб от ва сарупой берди. Мавлоно Соҳиб Доро ойтур эрдиким, олийжаноб, маолий нисоб, ифодатпаноҳ, фазилатдастгоҳ устод валфузало маржаул уламо Мавлоно Фасиҳиддин Иброҳимким, ҳазрат Мирнинг устод ва муаллими эрди, Амир Садриддин Юнусни ўзига куёв қилиб, ул шараф либосиға они мушарраф қилмиш эрди. Аммо ул нисбат ҳазрат Мирнинг мирзаси эрмас эрди. Нединким Мир қиёфат яхши билур эрди. Амир Садриддин Юнуснинг шакл ва шамойили, хулқ ва хасойили авроқида балоҳат ва ҳамоқат далилларин мутолаа қилур эрди. Мавлоно Фасиҳиддин Иброҳим кўп саъй ва кўшиш кўргузур эрдиким, ҳамул куёвни ҳазрат Мирга мақбул ва матбуъ қилғай!

Б а й т :

Нас патавонад гирифт домани давлат ба зур,
Кўшиши бе фойдааст сурма бар абруи кўр.

Ва они ҳазрат Мирнинг мажлисиға таклиф қилур эрди ва ул ҳар вақт мажлисга кирса эрди, Мир дарҳол бу байтга мутаранним бўлур эрди.

Б а й т :

Уэлате хоҳамки, гар чархи фалак чун кар бод,
Хоқдони даҳро пазде наёбад гирди ман.

Бир кун Амир Садриддин Юнус Ҳазрат Амирнинг мажлиси эшигининг олдида ўлтуруб, ўзининг фазойилин изҳор қилур эрди. Ногоҳ анинг нафасидек бир қаттиғ ва совуқ шамол турди ва эшикнинг тахталарин бир-бирига бағоят қаттиғ урди ва ҳазрат Мир бениҳоят мукаддар бўлуб, Амир Садриддин Юнусга деди: Не бўлурким, карам қилиб бу эшикни занжир қилсангиз. Ул дарҳол туруб ичкари кириб, қўлин занжирға еткурди. Ҳазрат Мирнинг мақсуди ул эрдиким, эшикни ташқоридин занжир қилғай. Ушбу зарофатнинг латофат ва назокатиға етушмай, эшикни ичкаридин занжир қилиб ўлтурди. Ва мажлис аҳлининг юзига фараҳ ва нишот эшигин боғлаб, кўнгулларига малолат ғуборин еткурди.

Иттифоқо, ул мажлисда бир пишак пайдо бўлдиким, ниҳоятсиз лоғар ва гирья манзар эрди. Қасд қилдиким, ҳазрат Мирнинг тизига миниб ўлтурғай. Мир онн илги била уруб юбориб дедиким, бу пишакнинг ажиб макруҳ шакли бордур. Ҳамул мажлиснинг нуктадонлари ҳама хандон бўлдилар. Мир фаросат ва каёсат юзидин билдиким, Амир Садриддин Юнуснинг хандаси тақлид юзидиндур. Ва ул нуктанинг аслиға етмамишдур. Ондин сўрдиларким, ханданинг сабаби недур. Ул хижолатманд бўлуб қизориб, бошин қуйи солиб ҳеч дам урмади. Ҳазрат Мир дедиким, баъзе улусда уч навъ ханда бўлур. Бир навъи Амир Садриддин Юнуснинг хандасидек тақлид юзидин бўлур. Чун Амир Садриддин бу сўзни эшитти, номус юзидин такаллумга келди ва расволиқ илмин барпо қилди. Дедиким, Эй Махзум, менинг хандам сабаби зоҳир эрди. Сиз дедингизким, бу гурбанинг шакли ажиб гирядур. Ул коф-коф ташбиҳдур. Бу сўзни эшитгач, мажлис аҳлининг ғулғулаи хандаси фалак авжиға етушти ва ҳамма дедилар: — Узр бадтар аз гуноҳ, деған ушбудур.

Ҳазрат Мир дедиким, азизларнинг замири мунириға пўшида қолмасунким, Амир Садриддин Юнуснинг узри анга ўхшарким, бир киши кадхудо бўлмиш эрди. Анинг андоқ бир касали бор эрдиким, кеча тўшагига бавл этар эрди. Аввалғи кечаким аруси била кимхо

ва атласи ва хоро тушакнинг устида ётти ва тонг отгондин сунг турди. Кўрдиларким, гўё бир мушак сувни онинг тушаги устига тўкмишлар. Ул бу тариқа ҳийла қилдиким, бир кўза сув такянинг канорида турмиш эрди Ул кўза йиқилиб, сув тўкулубдур.

Сўнгги ақшом ҳам ушбу ҳол воқеъ бўлди. Сўнгра ҳийлага жой қолмади. Ул кишининг бир мусоҳиби бор эрди. Бу ҳолин анга изҳор қилди ва дедиким, кеча уйқуға борсам, бир масхара ва фартут пир пайдо бўладур ва манга айтадурким, эй ғофил, недин ётмишсан. Турғилким, фасли баҳордур, юргилким ҳамроҳ сахроға борали, гул ва лола ва райҳонларни тафарруж кўзи била кўроли. Алқисса, мани андоқ сахроға еткуродурким, ҳавоси биҳишт насимидин дам уродур. Ва ул саҳронинг ўртасида гунбаз суратида бир кўк тўпа бордур. Мани анинг устига чиқарадур ва айтадурким келгил, икковимиз бў тўпанинг устидан ошоқ тарафга чифтур ва ҳоли кўроликим кимнинг чифтурғони узоқға борур эркан. Ҳар кеча менинг ҳолим бу янглиғдур.

Ул киши деди: — Ул шайтондурким, сани мундоқ расволикға гирифтор қилур. Бу ақшом бу хаёл ва андиша била бўлким, агар ул пир пайдо бўлса ва сани талаб қилса, анга дегилким, токи сахроға бориб бавл қилурмиз. Менинг тушагим зойиъ бўлди. Бир оз зар бергил, то тушак аспобин янгидин тузатай. Ул киши бу муқаддималарни мутахийласиға келтуруб уйқуға борди. Ул пир анинг тушига кириб деди: Келгил, то ул тўпанинг устиға бориб ўз ишимизга машғул бўлали. Ул деди: То на вақтғача бавл қилиб тушакни зойиъ этармиз, бир оз зар бергилким тушак аспобин тузатоли. Пир деди: — Зар ва мол керак бўлса, менинг била юргил.

Алқисса, ул пир била равон бўлуб, бир қаср деворининг остиға етилар. Пир деди: — Бу подшоҳнинг хазинасидур. Мунга кириб улчаким муддаойимиздур, олурмиз. Бу сўзни деб белидин бир камандни ешиб олди ва они чин-чин ва ҳалқа-ҳалқа қилиб қаср деворининг кўнгурасиға ташлади ва анга ёпушуб кабки даридек қаср девориға чиқти. Андин сунг ул кишини тортиб олди. Кеча маҳтоб эрди. У чоҳнинг ўртасида бир тўнглук кўрунди. Пир деди: Ондин қароғилким на кўрарсан. Ул қаради. Назариға бир кенг ва улуг уй кўрунди. Онинг ичига учокидин марварид шодалари

ниҳоятсиз осилиб турубдур. Пир деди: — Бу тўнглукдин ўзунгни ичкари солғил ва ул марваридлардин кўтара олгонча олғил. Ул киши камандга ёпушуб тўнглукдин ошоқға тушти ва ул миқдорким керак эрди, олиб жайб ва доманин тўлтурди ва чиқмоқ учун яна камандга ёпушти. Пир они юқори чекар эрди. Ногоҳ хазинадор бир овоз эшитиб, келиб хазинанинг эшигин очиб кўрдиким, бир киши каманд била тўнглукдин юқори чиқиб бородур. Югуриб келиб онинг оёқин тутти. Ул киши фарёд қилдиким, эй пир, бу уй эгаси келиб оёқимни маҳкам тутти. Пир деди: — Агар халос бўлмоқ истасанг, анинг устига сабчғил. Ул киши пирнинг сўзиға амал қилди ва дарҳол уйқудин уйғониб кўрдиким, тўшакни бошдин оёқ зарвор қилибдур. Бу ҳикоятни эшитгач, зуфаро ва фузало ул миқдор хандон бўлуб тамасхур эттиларким, Амир Садриддин Юнус гирён бўлуб мажлисдин чиқиб кетти.

Б а й т :

Ба дийдори мардум шудан айб нест.

Валекин на хандон, ки гўянд бас.

Мавлоно Соҳиб Дородин манқулдуким деди: — Бир кун ҳазрат Мирнинг суҳбатига майли бор эрди. Фузало ва шуаро ва нудамодин бир жамоа ҳозир эрдилар. Бу каминага дедиким, ҳазрат устод ва муаллим кўб муддатдин бери мариз ва соҳиб фарошдурлар. Ва фақир ул ҳазратнинг ибодатиға боролмадим. Сан бориб менинг тарафимдин иёдат ва узрхоҳлиқ русумин тақдимға еткурғил. Бу фақир кетгондин сўнг мажлис аҳлиға таом чекмишлар. Ва таом фароғидин сўнг мажлис ҳозирларининг кўнгуллариға келмишким, таом тезрак чекилди. Магар ҳазрат Мирга касрат хуш келмай, ваҳдат матлуб бўлғусидир. «Изо атаматўм фантасара ва уло мустаънисин» ҳукми била бир-бириға қарашиб туруб кеттилар. Ҳазрат Мирнинг дояси ул эрдиким, ҳамул кун олар била мусоҳабат кўргузгай. Кўрдиким, ул жамоа чиқиб кетмишлар, дарғазаб бўлуб эъроз юзидин деди. Магар Мир Алишернинг уйи ошпаз дўконидурким, ҳарифлар келурлар ва ош еб кетарлар. Ул ҳазрат мундоқ ғазаб устида эрдиларким, фақир хизматиға келдим. Камоли ғазабдин мани устодининг иёдатиға юборгани ёдидин чиқиб деди: Эй Соҳиб, санго не бўлдиким, ош егандин сўнг бир замон

менинг қошимда турмадинг ва сан доғи ул шикампа-
раст жамоаға тақлид қилдинг. Фақир арз қилдимким,
эй Махзум, замири мунирингизга пўшида қолмасунким
сиз бу фақирни охундинг иёдатиға юбормиш эрдинг-
гиз. Чун ман бу сўзниким дедим, ҳазрат Амир ёниб
тургон ўтдек қизиб, лаҳза-лаҳза жойидин туруб ўл-
туруб деди: — Лаънат ул кишига бўлсунким, мундоқ
хулқ била ошнолик қиладур. Бу навъ эърозлар кўр-
гузуб, туруб ҳарамга кетти. Фақир ул ердаги баъзи
ҳозир улусға дедим: — Эй ёрон, ҳеч билурмусизким, на
янглиғ бало бизларнинг олдимизга келди.

Б а й т :

Ба даст оҳани туфта кардан хамир.

Беҳ аз даст бар сийна пеши амир.

Алқисса, умримдан безор бўлиб, уйимга қайтдим ва
бурунги дастур била пешин намози вақтида ҳазрат
Мирнинг мулозаматиға бордимким, бинафшазорда тур-
миш эрди. Мани кўргач, бинафша янглиғ бўйнин тоб-
лаб юзин айлантурди ва неча мартабаким олдиға чиқ-
дим, юзин ўзга тарафга уюрди. Охир ҳамул ерда ту-
ролмаи, уйимга қайтдим. Сўнгги кунким мулозамат-
ға келдим, ҳамул тариқада муомала қилди. Ондин
сўнг ўзимга бу азмни жазм этдимким, эмди кетсам қай-
тиб мулозаматға келмагайман. Ва бу андиша кўн-
глумга келгач «арбобул давламулҳамун» ҳукми била
гўё бу маъни ҳазрат Мирнинг замирига илҳом бўлуб,
мани талаб қилиб деди: — Эй Мавлоно Соҳиб, ул ки-
шига ким ғалат ва хато раво эрмастур, ҳазрат вожи-
бул вужуднинг зотидур. Ман сани ҳазрат Охундинг
иёдатиға юборганимни ғазаб афротидин ёдимдин чи-
қармиш эрдим. Санго бежиҳат эътироз қилдим. Албат-
та, санга лозим эрдиким, муноди қилсанг. Бу тариқа
билаким Алишер ажиб мабҳут бўлубдур ва андин ақл
кетиб фаргут бўлубдур ва мани халқнинг назарида
хижил ва шармсор қилсанг керак эрди ва ёрлик ола-
мида мундоқ ишда тағофил ва тақоҳил кўргузгонинг
яхши эрмас эдиким, менинг хато ва айбимни халқдин
пинҳон ва мабҳутлиқ сифатимни улусға намоён қил-
динг. Мавлоно Соҳиб Доро инсоф бериб дедиким, дар-
воқеъ ҳақ Мирнинг жонибида ва хато бизнинг тара-
фимизда воқеъ бўлди.

Мисраъ:

Хато бар бузургон гирифтаи хатост.

АМИР АЛИШЕР ВА ХОЖА МАЖИДДИДИН МУҲАММАДНИНГ ПИРЗА ҚАРЯСИДАҒИ БОҒДА МАЖЛИС ТУЗМАКИНИНГ ТАЪРИФИ ВА ФУЗАЛОНИНГ МАВЛОНО АБДУЛВОСЕЪ МУНШИ БИЛА ҲАЗЛ ВА МУТОЙИБА КЎРГУЗМАГИНИНГ ТАВСИФИ

Мавлоно Соҳиб Доро дер эрдиким, бир кун Ҳазрат Амир Алишер Хожа Мажиддин Муҳаммад билаким Мири калонга машҳур эрди «Боғи жаҳоноро»да мулоқот қилиб деди: Сизнинг биҳишт ойн мажлисингизнинг таъриф ва тавсифин кўб эшитурмизким, зурафо ва фузало Мавлоно Абдулвосеъ Мунши била ғайри муқаррар ҳазл ва мутойиба қилур эрмишлар. Мавлоно Абдулвосеъ оларга муқобил бўлуб, барчасига фойиқ ва ғолиб келур эрмиш. Бу иш бир ғаробатдин холи эрмастур. Кўнгулга келурким, биз ҳам ул суҳбатга мушарраф бўлсоқ. Мири Калон илкни сийнасига қўюб деди:

Мисраъ:

3-ин тафохир шояд ар сар бар фалак сояд маро.

Ва бир ҳафта суҳбат ва зиёфат асбобининг таҳяси учун муҳлат олди ва ул суҳбатнинг тархи ул богдаким, Амири Калон Ҳирот шахрининг ёрим фарсаҳлиқида Пирза қарясида бино қилмиш эрди, муқаррар бўлди ва ул андоқ боғ эрдиким, эрам бўстони анинг хуш ва хуррамлиқидин таажжуб бармоқин ҳайрат оғзига солур эрди ва андиша меъмори анинг вазъи намудори латофатидин лол бўлуб ҳайрон қолур эрди. Ва анинг ичида бир олий кўшк бино қилмиш эрдиким, равзаи ризвон қасридин намудор ва анинг мисолин мушоҳада қилмоқ замон миръотида жаҳон аҳлиға душвор эрди. Ва мусаффо ҳавзларнинг суйи кавсар шаробидин хабар берур эрди. Ва дилкушо жўйларнинг зулоли салсабил шарбатидин намуна кўргузар эрди. Ва чобукдаст фаррошлар рангоранг фаршлар ва гуногун тўшаклар ул қаср ва богнинг фазосига сар то қадам тўшамиш эрдилар ва адимул мисол ва бемонанд

хонандалардин ҳофиз Басир ва Ҳофиз Мир ва Ҳофиз Ҳасан Али, Ҳофиз Ҳожи Султон, Маҳмуд Айший ва Шоҳ Муҳаммад хонанда ва Сияҳча хонанда ва Ҳофиз Авбахий ва Ҳофиз Турбатий ва Ҳофиз Чароғдон ва моҳир созандалардин устод Ҳасан Нойи ва устод Қулмуҳаммад Удий ва устод Ҳасан Балабоний ва устод Али Хонақоҳий ва устод Муҳаммад ва устод Аҳмад Гижжакий ва устод Кучак Али Танбурий ва мажлисо-ро надимлардин Мавлоно Биноий ва Хожа Осафий ва Амир Шайхим Суҳайлий ва Мавлоно Сайфий Бухорий ва Мавлоно Комий ва Мавлоно Ҳасаншоҳ ва Мавлоно Дарвеш Равшангар Машҳадий ва Мавлоно Муқбилий ва Мавлоно Шавқий ва Мавлоно Завқий ва Мавлоно Халаф ва Мавлоно Ҳилолий ва Мавлоно Риезний Турбатий ва зурафо жумласидин Мир Сарбараҳна ва Мавлоно Бурҳон Гунг ва Мирхонд Муаррих ва Мавлоно Мунн Шерозий ва Мавлоно Ҳусайн Воиз ва Сайид Гиёсиддин Шариф ва Мавлоно Муҳаммад Бадахший ва Мавлоно Халил Саҳҳоф ва Мавлоно Муҳаммад Хофий хаттот ва Хуросоннинг саромад йигитларидин Мирак заъфарон ва Шоҳ Муҳаммад Мирак ва Султон Сирож ва Мирзои натъдӯз ва Ҳусайн зардӯз ва сарви лабжӯй ва шамшод ва сояпарвар Хожа хонанда ва Юсуф мазорқўлгази ва Юсуф Соний ва Моҳи Самноний ва Соқий ва Боқий Ироқийни ҳамул мажлисда ҳозир қилдилар. Қаср айвонининг олдида мрамртошдин бир ҳавз бор эрдиким, анга салсабил ва ҳавзи кавсар ташбиҳидин юз қатла ор эрди. Они қанд шарбатидин тўлдурдилар. Машҳурдурким, ҳамул мажлисда саккиз юз каллақанд сарф бўлди ва подиракор қаннодлар гуноғун нуқл ва ҳалволар ва рангоранг нишалдо ва мураббодлар лояъди ва лояҳий тартиб бермиш эрдилар ва Султон Ҳусайн Мирзонинг Абдулмалик отлиғ бир ошпази бор эрдиким, ҳамул мажлисда қирқ турлук таом пишурмиш эрди ва ҳеч киши оларнинг отин билмас эрди. Ва Мавлоно Халил саҳҳофдинким, ул мажлис саҳифасининг ажз авроқин латофатанжом каломнинг шерозаси била банд қилур эрди. Ва тааддиб ишканжаси ва тил теги била мажлисининг ноҳамвор ва беандомларига ислоҳ берур эрди. Манқулдур нақл қилур эрдиким, чаҳоршанба кунининг намози дигаридаким ул мажлис ақди онинг сўнгги кунига муқаррар бўлмиш эрди. Амири калон Мавлоно Абдулвосеъ Муншига деди: — Эй Махзум, вақтин-

Ғиздин воқиф ва ҳолингиздин хабардор бўлунгим,
 наҳангсийрат ҳарифларнинг ва аждаҳо табиат зариф-
 ларнинг маҳосимаси дарёси ва мажодиласи ибтило-
 сиға тушкунгиздур ва тонгла ҳамма сизга мутаважжих
 бўлғусидурлар ва сизга ҳаргиз мундоқ ажиб маърака
 ва муҳибмасоф воқеъ бўлмамиш эрди, сўнгра, ҳам
 воқеъ бўлмағусидур. Иншоолло, охири хайр бўлгу-
 сидур. Мавлоно Абдулвосеъ бу сўзни эшитгач, деди: —
 Сизнинг замири мунирингизда пўшида қолмасунким,
 ман тонгла бу мажлисга келмагумдур. Амири Қалон
 чун бу сўзни эшитти, изтироб била жойидин туруб,
 ҳайрат бармоқин кўзига суртуб, таажжуб тиши била
 лабин тишлади ва деди: Эй Маҳзум, бу нечук дилкўб
 ва пурушуб сўздурким, Амир Алишернинг мақсуди
 сиздурсиз. Бу мажлис учун менинг юз минг тангам
 харж бўлғусидур. Агар сиз келмасангиз, Амир Алишер
 мундин бир заррача миннатдор бўлмағусидур ва ме-
 нинг бу миқдор молим зойеъ бўлғусидур. Сизнинг мун-
 дин ғаразингиз недур? Мавлоно Абдулвосеъ деди: —
 Ғараз улким, неча муддатдурким, сизнинг била Амир
 Алишернинг орасидағи муҳаббат ҳавосида андак ни-
 қор ғубори кўринур эрди. Алҳамдулиллоҳким, Ҳақ тао-
 ло карамининг булутини намидин ул ғубор муртафиъ
 бўлмишдур ва бу мажлиснинг биноси ракик базлалар
 ва шаниъ мутойибалар била бўлғусидур. Амир Али-
 шер ўзин олам хуштабъларининг саромади тутадур.
 Бу мажлисда онинг бу каминага дахл этмаслиги мум-
 кин эрмастур. Ва менинг ҳам онинг иззатин мулоҳиза
 қилиб, анга таарриз новакин отмаслиқим малоҳат
 жумласидиндур. Ва онинг мизожи нозиклиги ўзин-
 гизга маълумдур. Филжумла, сулҳ ва сафо сурати ўр-
 таға келмиш эрди. Менинг сабабим била сулҳ бар-
 ҳам еб, сафо кудуратға мубаддал бўлғусидур ва Сул-
 тон Ҳусайн Мирзо бу маънини мавжабул даъвот дар-
 ғоҳидин кечау кундуз ажзу ниёз била тилайдур. Му-
 лоҳаза қилингим, ул ҳазрат мани ё уқубат теги била
 ҳалок қилғусидур, ё ғазаб фалохи била ўз мамолики
 арсасидин йироқ солғусидур. Мири Қалон деди: — Ҳар
 нечук машаққат бўлса ўзингизга тутунг ва бу сўзлар-
 ни, албатта, айтманг. Алқисса, тонглаким сана сак-
 киз юз тўқсон еттида жумодил аввал ойининг гур-
 раси ва панжшанба куни эрди, Амир Алишер умарон
 изом ва кубарон зул эҳтиром ва акобири аоли ва аш-
 роф ва аҳоли ва жамиъ хос ва ом била Мири Қалон

нинг чорбоғига мутаважжиҳ бўлуб, ул ҳумоюн манзилига нузул этти. Ва ҳар киши ўз жойида қарор тутгондин сўнг Амир Алишер дедиким, Мавлоно Абдулвосеъ қани? Ушбу мажлисда кўрунмайдур. Мири Қалон изтироб кўргузуб дедиким, намози шом бу мажлисда бор эрди, ҳоло шаҳрга кетти. Дарҳол онинг изидин бир жамоани юбордилар. То ул жамоа они топиб, боғ сори мутаважжиҳ бўлдилар ва боққа ёвуқ етгач, мажлис аҳлига хабар еттиким, Мавлоно Абдулвосеъни топиб келтурдилар. Мири Қалон деди: — То анго эъроз кўргузуб, ошуфта қилмағунча, ондин ҳаз топиб бўлмас. Мири Қалоннинг Шер отлиғ бир ходими бор эрдиким, бағоят қўй ҳайкал ва тавилқомат ва шерҳайбат ва филқувват киши эрди. Анго дедиким, ҳар вақт Абдулвосеъ боғнинг эшигига келса, асонгни онинг олдига тутуб ўткурмағил ва дегилким, Мири Қалоннинг ҳукмидирким ҳеч кишини боижозат ўткармасман. Ва чун Мавлоно боғнинг эшигига етти Шер қўлидағи асосин онинг олдига тутди ва деди: — То Мири Қалондин ижозат бўлмағунча, ҳеч кишини боққа киргузмасман. Ул деди: — Қайси Мири Қалонни айтурсан? Шер деди: — Эй Мулло, сизга на бўлибдур ва нечук сўзлар айтурсизким, Мири Қалон бирдур ва ондин зиёда эрмастур. Мавлоно деди, ҳамул Мири Қалонни айтурмусанким, ман ани боргосига эрдим. Шер ғазабнок бўлуб деди: — Эй Мавлоно, сўзингизни билиб сўзланг. Ул чоғда Мавлоно Шернинг тамоқиға бир юмруқ урди ва Шер ҳам қўлин Мавлононинг сийнасиға еткурди, андоқким Мавлононинг дастори ерга тушти. Бу хабарни мажлисга еткурдилар. Мажлис аҳлининг кулушмаси, ғулғуласи фалак гунбазиға етушти. Ва Мавлоно Хашмгин аждаҳодек бўлуб мажлисга мутаважжиҳ бўлди ва эшикдин киргач, ҳама таъзим ва такрим шаройитин бажо келтурдилар. Амир Алишер анга ўзининг қошида жой берди. Амири Қалон тағофил кўргузуб деди: — Эй Маҳзум, сизнинг бу боққа ёвуқ етганингиз хабари келгандин бери қўб вақт ўтти. Магар бир таваққуф воқеъ бўлмиш. Мавлоно деди: — Оре, бир итсифатлиғ ва ҳирс табиатлиғ шерни боғнинг эшигида қўймишсиз, бизга шағол янглиғ тиш еткурмак оғоз қилди ва бизнинг газабимиз паланги ҳам қаҳр чангалин онинг қонин тўкарға очмиш эрди. Аммо маълум бўлдиким, ул ишлар ҳама сизнинг рўбоҳбозлиқингиздиндур, Мири Қалон

Шерни чақириб Мавлононинг хотири тасаллиси учун бўйнига бир неча юмруқ урди ва деди: — Эй Маҳзум, маъзур тутунгким бу мажлиснинг мундин зиёда ишга кўнжойиши йўқтур. Аммо керакдурким, тил теги била они жазосига еткургайсиз. Мавлоно кўрдиким Мири Калоннинг дастурхончиси ошоқда белига қилч осиб турбдур. Мири Калонга хитоб қилиб, дедиким.

Рубоий:

Гирест Маро чу гардани Шери шумо,
Рағҳост ба рӯ чу банди шамшери шумо.
Гар барнуҳаму санг бувад зери шумо,
То хоя ба санг дуруду гири шумо.

Мири Калон хандон бўлуб дедиким: — Муни ёлғондин даъво қиларсиз, йўқса, муқаррардурким, сизвор жалият олти йўқтур ва мардларнинг дойирасидин ташқаридурсиз. Мавлоно дедиким, они нечук билурсиз? Мири Калон деди: — Мундоқ кўнгулга етадурким, сизда ҳеч нима йўқтур, Мавлоно деди: — Агар сизнинг кўнгулгизга етатургон бўлса, нечун айтурсизким, санда ҳеч нима йўқтур. Мавлоно Биноий ва Мири Сарбараҳна ва яна бир жамоа дедиларким, бир тақдир агар бўлса ҳам турмағусидур. Мавлоно Абдулвосеъ деди: — Ғам емангизларким, сизларнинг қутувингизга тургон сеяк ҳожат эрмастур. Мири Калоннинг биродари Мири Хурд деди: — Эй Мавлоно, сиз то мажлис аҳлидин бир кишини жимоъ қилмоғунча мардлингизга инонмаслар. Мавлоно деди: — Мажлис манга аҳлидин бир кишини жимоъ қилмоқ била ўзгалар нечук инонурлар. Бу мажлис аҳлининг хурду калонин жимоъ қилғайман. Мавлоно Халил саҳҳоф замон-замон Мавлононинг яқосига илгин еткурур эрди ва қаҳқаҳа уруб дер эрдиким, Мавлонода ҳеч нима йўқтур. Мавлоно бадеҳатан деди:

Назм:

Мийни мода харон наъра мезанад чун гов,
Халил ҳийлакашу, кир киру жўлу жилов.

Мажлис аҳли бирдин фиғон кўтардилар ва барчаси Мавлононинг устига ҳужум этилар. Мавлоно деди, сизларни ҳазрат Расули акрам саллолоҳу алайҳи вас-

саламнинг руҳига ҳавола қилмасман. Нединким, онинг умматиға шафқат ва марҳамат бордур. Эҳтимолдурким, сизлардин интиқом чекмагай ва сизларни ҳазрат амирал мўминин Али Ибн Абу Толиб карамуллоҳу важиҳанинг руҳига топшурурман. Нединким, ул уч минг кофирни ўз қўли билан бўйини узубдур. Ондин сўнг деди. Ё амирал мўминин, бу эшшакларга бир миҳ юборгил ва Мавлоно Мирак Қаршигийки, ҳазрат Мирнинг надимларидин эрди, деди: — Мундоқ машҳурдурким, Мавлоно ўз аҳлиясиға нафс ва нафақа еткурмагусидур. Мажлис аҳли дедиларким, бу сўзнинг исботи тааззиридин холи эрмастур. Ул деди: — Мавлоноға онт берурмиз. Мавлоно деди: — Эй жоҳил, оми, санго ул қудрат ва вилоят қайдадурким манго онт бергайсан ва сан ўз хотунингга нафс ва нафақа еткургил. Бир муғулким, умарои кибор жумласидин эрди, тиладиким Мавлоноға дахл қилгай. Мавлоно деди: — Эй муғул, хомуш бўлғил ва номусинг юзин расволиқ, тирноғи била тирнамоғил, йўқ эрса шаръи Муҳаммадий мавжаби била кўтунгга солурман. Амир Алишер деди, солмоқни мусаллам тутармиз. Аммо шаръи Муҳаммадий мавжаби била нечук бўла олур. Мавлоно дедиким, ул омий ва мен олимдурман. Олимнинг иҳонати куфрдур. Улким, манго ҳазл қилур, менинг иҳонатим лозим бўлур. Бас, ул кофир бўлғусидур. Ва муқаррар масъаладурким, мўмин кофирни бандалик учун ола олур ва ман они олиб ўзимга банда қиларман. Ва имом Моликнинг мазҳабида ғулумни ва тай этмак жойиздур. Онинг мазҳабин ихтиёр қилурман. Бу тариқа била онинг кўтига солурман. Мавлоно Муҳаммадий ҳаттотким ҳазл оғоз қилди: — Мавлоно ошуфта бўлуб деди: — Эй аблаҳ, санго ул ҳад қайдаким, манга ҳазл қилгайсан. Хомуш бўлғил ва расволиқ илмин кўтармагил. Мавлоно Муҳаммадий деди: — Эй махзум, на сабаб била хомуш бўлурман. Мавлоно деди: — Ул сабаб билаким, сан менинг шоғирдимдурсан. Мавлоно Муҳаммадий инкор қилиб деди: — Ман сизнинг шоғирдингиз эрмасман ва сизнинг олдинғизда қайси китобни ўқумишман. Мавлоно тиши била ошоқ лабин тишлаб ва бир кўзин юуб ва икки қўлининг учин икки сонининг тошқарисидин ерга қўиб андоқ ҳаракат қилиб каркинмак бошладиким, лавот аҳлиға махсус эрди ва деди, қофия ўқумадингизму?! Қофия дегач, мажлис аҳли қаҳқаҳа уруб

кулиштилар. Шоҳ Муҳаммад Миракким латофатлиг
йигитларнинг саромади эрди, тиладиким дахл кўргуз-
гай. Мавлоно бир кўзин юмуб ва лабин тишлаб жи-
моъ вақтининг ҳаракатин оғоз қилди. Мирак деди: —
Эй Мавлоно, бу на қабиҳ ҳаракатдур. Мавлоно деди:
— Шаҳар муфтиларидин сўрунгим, бу ҳаракатнинг
кабиҳлиқин қайси китобда ёзмишлар, деб яна ҳамул
навъ ҳаракатга машғул бўлди. Амир Алишер Мавло-
нонинг кифтига илик уруб деди: — Эй давроннинг
бебадили ва эй замоннинг баодили, ҳамиша сенинг
баракатлиг зотинг рўзгор афозилининг мажлис оро-
си ва жаҳон салотинининг фараҳ афзоси бўлғай. Мун-
доқ нақл қилурларким, ҳамул мажлисда ўн тўпчоқ
от заррин зин ва лижоми била ва йигирма сақарлот
ва банот чакмаи ва ўн минг таиға Мавлоно Абдулво-
сеъга инъом бўлди ва Мавлоно Соҳиб Доро дер эрди-
ким, олий ҳазрат салтанат, манқабат иззатмаоб маъ-
далат, интисоб муҳибул уламо, анисул фузало Абул
Музаффар ва Мансур Абулғозий Султон Ҳусайн Мир-
зонинг бир амири бор эрдиким, то қазо фарроши имо-
рат зайлучасин шавкат девонхонасиға тўшабдур.
Андоқ бир киши иморат ва ҳукумат маснадида ўлтур
мамиш эрди. Они Муҳаммад Валибек, дер эрдилар.
Онинг аҳволи дафтарининг саҳифаси кафоят ва кас-
сат ва дароят ва фаросат осори била мазин ва муваш-
шаҳ эрди. Ҳазрати Султон Ҳирот шаҳри ҳукуматининг
доруғалиқин барча тавобиъ ва музофоти била анинг
эҳтимолни уддасида қўймиш эрди ва анинг бир муло-
зими бор эрдиким, Хожагий Муҳаммад Чинор дер
эрдилар ва амир Муҳаммад Валибек они фарзанд
ўқумиш эрди ва ўз тарафидин шаҳар доруғалиқин
анга топшурмуш эрди ва ул фисқ ва бадмаошлиқ на
жаносат ва авбошлиқда ул даражаға етмиш эрдиким,
банотулғаш агар эркаклик сифати била мавсуф бўл-
са эрди, андин кўрқуб гардун равоқи пештоқидин
жамол кўргузмас эрди ва хуршиди оламтоб агар ўчин
хотунлиқ либосида топмаса эрди, ул бешармнинг кўр-
ғунчидин машриқ саропардасида мухтафий бўлуб,
ўзин жилвага киргузмас эрди. Ҳар кишининг бир со-
ҳибжамол ўғли бўлса эрди, они ота ва онаси бикр
қизлардек парда ичида сақлар эрдилар ва уйдин чи-
қармас эрдилар. Бекқули Кўкалтошнинг Шоҳ Муҳам-
мад отлиғ бир ўғли бор эрдиким, Хуросон халқи ҳа-
рат Юсуфдин сўнг андоқ соҳибжамол йигит дунёга

келмамиш дер эрдилар. Хожаги Муҳаммад Чинор кўб восита ва васила зухурга еткурмиш эрдиким, ул йигит била бир соат ошнолиғ ва ихтилот қилғай. Маҳмуд Турбатий ул йигит учун бир рубой айтди. Ул йигит ул рубойни эшитиб, анинг ихтилотидин мамнуъ бўлди. Ул рубой будур:

Рубой :

Эй сарв қаду суманбару лола узор,
Зинҳор мабош ҳамнишин бо хасу хор,
Ҳарчанд чинор сарфарози чамапаст,
Ту шоҳи гули, туро чи нисбат ба чинор.

Ва бу аҳволни Амир Муҳаммад Валибекдин қўрқуб ҳеч киши Султон Ҳусайн Мирзонинг арзига еткуралмас эрди. Мундоқ нақл қилурларким, Султон Ҳусайн Мирзо бир кишини тайин этмиш эрдиким, навкарлик расми била Амир Алишернинг мулозама-тида бўлур эрди ва ҳарна мажлисда воқеъ бўлса, киромул котибиндек они бир қоғозга ёзиб, ҳар кун они султоннинг назариға еткурур эрди. Ҳеч киши они билмас эрди. Магар Амир Алишерким, они фаросат қуввати била фаҳм этмиш эрди, бир кун бир киши бир мусҳаф ва бир ёй ва бир каллақанд пешкаш расми била Амир Алишернинг олдиға келтурди. Мир ондин сўрдиким, на кишидурсан ва бу туҳфаларни менинг олдимға на арз била келтурдинг? Ул деди: — Султоннинг даргоҳи мулозимларидин фалонининг ўғлидурман. Ғаразим улким, сизнинг хизматингизни сидқ ва ихлос била қилиб, иноъми ом ва эҳсони бегаронингиздин баҳраманд бўлсам. Мир деди: — Эй йигит, сан ҳар нечаким манго шойиста хизмат ва пайваста мулозамат қилсанг ва давлату иқбол янглиғ бу остонада макон этсанг, ҳар йилда беш юз тангадин бу фақирнинг мулозаматида ҳосил қилмассан. Ман санга бир ишни айтиб онинг тарафиға йўл кўргузурманким, ҳар кун ақал мартаба беш юз танга ҳосил бўлур. Ул йигит деди, сиз билурсиз? Амир деди: — Бу мусҳафни юз тангага олурлар ва бу ёй била қандни йигирма тангага олурлар. Мажмуи юз йигирма танга бўлур. Буларни сотғил, йигирма тангага қабои ҳарир олғил ва эллик тангага фўтаи зарбафт олғил ва ўн тангага симдўз мўза олғил ва ўн тангага пичоқ ва қўшбор

олғил ва ўн тангага зангула мўйлиг қаро тоқия олғил ва қўлингга арғувони чўбин олиб мулк бозорига бориб ўлтирғил. Ногоҳ бир бойзода соҳибхусн йигит олдингдин ўтса, онинг остинин асас янглиғ тутғил ва дегилким, сани Хожаги Муҳаммад Чинор чақирадур. Ул йигит йиғилиб сенинг оёқингга ёлбориб айтурким: — Эй паҳлавон, ман на иш қилмишман ва мандин ва гуноҳ содир бўлибдур? Сан айтғилким, мани ул буюриб юборибдур. Сани онинг олдиға олиб борурман ва бошқа ишни билмасман. Ул йигит тазарруъ ва зорлиқ кўргузиб дерким: — Эй паҳлавон, на бўлур агар тағофил қилсанг ва оқ тева кўрдингму, йўқ — деган масалга амал қилиб мани юборсанг, то ман обрўйи ва помус била уюмга борсам ва ҳарна бор сару пойимни санга бергумдир. Агар мундоқ қилсанг, онинг чакман ва фўтасин олурсан. Ақул мартаба юз танга бўлур ва бу тариқа била беш йигитни тутсанг, муродинг ҳосил бўлур. Ул киши ҳазрат Мирнинг олдида таъзим қилиб, келтурган туҳфаларин олиб кетти ва ул кишиким ҳазрат Мирнинг хизматида воқеана-вислиқка муқаррар бўлмиш эрди, бу воқеани қоғозға ёзиб Султоннинг арзига еткурди ва султон ул хатни мутолаа қилиб ўзин «мин авти китобаҳу миш вароа зуҳураҳу»дек мушоҳада қилди. Ҳайрат бармоқин ғайрат тиши била тишлади ва надомат ёқасин гаромат ипи била чок этти. Дарҳол буюрди, то Муҳаммад Валибекни итоб мақомиға келтурдилар. Султон анга деди: — Эй вожибул қатл ва дўзахий ит, худодан шарм қилмасмусанким ман қўй калласини санга топқини-мушман ва сани оларға шабон қилмишман, то ул қўйлар сенинг ҳимоятинг хайтасида бўрилар чангалидин эмин бўлғай ва сан оларни хунхори бўрилар чанголиға гирифтор қилурсан. Агар сенинг обо ва ажодинг ҳуқуқи риюси монез бўлмаса эрди, бу кун сани пора-пора қилур эрдим ва ўтға ёқиб, кулингни елга берур эрдим. Тез борғил ва ул ҳаромзода итни бу шаҳардин чиқорғил. Агар мундин сўнг бир киши они шаҳарда кўрса, сани ва они олам аҳлиға ибрат қилурман ва сизларнинг авлод ва зурриётингизни ер юзидин нобуд этарман. Муҳаммад Валибек уйига қайтиб Хожагийнни чақириб, юз чўб уруб, деди: — Ҳамиинсоат овора бўлғил, йўқ эрса ман ва сан фано елига борғумиздур. Хожаги Муҳаммад Валибекнинг уйидан чиқиб, ўз уйига бормай, оворалиқ бодиясиға андоқ

суръат била қадам урдиким, сўнгра ҳеч киши ондин ном ва нишон топмади.

Мавлоно Соҳиб Дородин манқулдурким, деди; — Султон Мирзонинг бир амири бор эрдиким, қазоқлиқ айёмида чўлларда ва даштларда ул ҳазрат қадамидин соядек бош кўтармас эрди ва куёш ҳароратида шоҳиёнасифат онинг бошига соябонлиқ қилур эрди ва онинг бошига соябонлиқ қилур эрди ва они Амир Жаҳонгир Барлос дер эрдилар ва Султон Ҳусайн Мирзонинг салтанати ҳашамат сипеҳридин тулуъ қилгондин, сўнг, анинг толии кавкаби нахваст мағрибига юз урди ва ниҳоятсиз хор ва зор беъътибор бўлуб ўлтурди ва ҳеч киши анинг бу ҳолидин хабар топмади ва иши кушойишига кўшиш қилмади ва бу миқдор бадбахтлиқ била Амир Алишерга зидлик ва бадлик қилур эрди ва кўб иҳонат ва ҳақоратлар еткурур эрди. Ҳазрат Мир тағофил қилиб, анинг гуноҳларин ўтар эрди. Кўб йиллар бу тариқа била ўтти. Бир кун Султон Ҳусайн Мирзо Ҳазрат Мир била бир хилватда ўлтурмиш эрди ва ҳар бобдин ҳикоят айтур эрдилар. Султон ҳазрат Мирдин сўрдиким, улус менинг гайбатимда мандин не айб ойтурлар? Амир жавоб бердиким, бир кеча бир тарафга борур эрдим, Бир болохонадин бир овоз чиқадур. Қулоқ солиб эшитдимким, бир киши яна бир кишига айтадурким, Султон Ҳусайн Мирзонинг барча атвор ва ахлоқи марғуб ва беназирдур ва лекин андин бевафолиқ ва бемурувватлиқ маълум бўладурким, баъзи қадимий хизматкорларигаким, неча йиллар итоат камарин жон белига боғламышлар, иноят солиб туфроқга баробар қилибдур. Яна бир киши ондин сўрадиким, ул кимдур. Ул деди: — Амир Жаҳонгир Барлосдурким, аввалдин то охир азиз умрининг нақдин онинг хизматиға сарф этибдур, ҳоли андоқ ямондурким, итлар аҳволи ондин яхшидур. Султон бу сўзни эшитгач, мутағайир бўлуб деди: — Эй Маҳзум, сиз билурсизким, ул нечук кишидур. Агар мандин андак мулойимлиқ топса, такбир бошин фалак гумбазига еткурур ва ҳар кун бир кишини ўлтурур. Амир деди: — Рост ойтурсиз, муни халқ билмайдулар. Аммо муносиб андоқ кўринурким, анго риоят ва тарбият қилсангиз. Агар риёзат ва машаққат кўрасида вужуди нақди ёмон сифатлар ғашидин пок бўлгон бўлса, фабҳо ва илло яна ўз афъолининг мукофотин кўрар.

Б а й т :

Ҳарки ў нек мекунад ё бад.

Неку бад ҳарчи мекунад ё бад.

Султон деди: — Анинг иши ихтиёрин сизга топширдим ва сизни анинг тарбиятига вакил қилдим. Ҳазрат Мир уйига қайтиб келиб, Амир Жаҳонгир Барлосга киши юбордиким, ушбу воқеани бошдин-оёқ анго шарҳ этгай. Нақлдурким, ул бу воқеани эшитгач, ўз сақолини тутуб юзига шаффат урди ва деди: — Эй дариг, Амир Алишернинг қадрин билмадим ва анинг ҳаққида қуб ямонлиғлар қилдим. Ул менинг ҳақимда мундоқ яхшиликлар кўргазадур.

Дарҳол Мирнинг олдиға келиб, кўп узрхоҳлиқлар қилди. Мир деди: — Ҳазрат Султон, сизнинг ишини-гизни ихтиёрин бу фақирнинг кафоят ва иқтидори кафиға топширди. Сиз на сўз дерсиз? Амир Жаҳонгир деди: — Зиҳи давлат, зиҳи иззатким менинг ишим сизнинг ройи ҳумоюннингизга муфавваз бўлибдур. Ҳазрат Мир деди: — Қўнгулға мундоқ келадурким, Таршиз вилоятинким, Хуросоннинг улуг касабаларидиндур, сизнинг учун султондин тилаб, сизни туғ ва нақора ва лашкар била анда юборгаймиз ва ул сарҳадда подшоҳ бўлуб ўлтургайсиз. Амир Жаҳонгир бу сўзни эшитиб, ҳар такбир ва тажбирнинг ўрниға минг тавозеъ ва тазаллул зуҳурға еткурди. Алқисса, Мир они кавкабаи тамом ва дабдабаи молокалом ва туғ ва нақора ва навкар ва лашкар била ҳамул вилоятға юборди. Валекин ул андоқ вилоят эрдиким, халқи бағоят саркаш ва мутакаббир эрди. Ва аксар андоқ воқеъ бўлмиш эрдиким, ўзларининг ҳоқимин агар андозадин тошқори қадам қўйса, подшоҳдин рухсатсиз адам шаҳристонигаю борардилар. Вақтеским, Амир Жаҳонгир ул вилоятға борди, авбош ва лаванд ва ажомира тойифасиким, оларға чуғул ҳам дерлар, онинг олдиға жамъ бўлуб фитнаангизлик оғоз қилдилар ва они зулм ва ҳаромийлиқға тарғиб эттилар. То ул халойиқ амволиға дастдарозлиқ қилиб, мусулмонларнинг зан ва фарзандларининг номуслари пардасин йирта бошлади ва иш ул ерга еттиким бир жамоа Алишернинг олдиға келиб, додхоҳлиқ қилдилар. Амир мулоҳаза қилиб кўрдиким, ҳануз онинг қатлиға сабаб бўлғудек иш зуҳурға етмамишдур. Додхоҳлиқ учун келган жамоаға дуруштлик кўргузиб деди: — Ҳамиша

сизларнинг шевангиз инод ва саркашлик ва фасод ва похушлиқдур ва ҳамвора ҳокимингиз била муносама ва маонада мақомида бўлурсизлар. Эмди сизларга тааддиб ва таазиб ва таҳдид еткурмак керакдур ва аларни султонга арз ҳол қилурга қўймай қайтарди. Ондин сўнг Амир Жаҳонгир Амир Алишернинг ҳимо-ятига эътимод қилиб, ҳамул додхоҳлиқга келган жа-моадин уч муътабар кишини қатлга еткурди. Ондин сўнг ул вилоят улусидин икки юз чоғли киши қаро кийиб, Султоннинг эшигига келиб фарёд қилиб, дар-гоҳ остониға бош урдилар, фиғон ва нафир тантана-син чархи асир авжиға еткурдилар. Андоқким, Султон ҳарам ичида аларнинг овозин эшитиб, қўрқди ва сўр-диким на воқеа бордир ва бу ошубнинг боиси недур. Дедиларким, Таршиз халқи додхоҳлиқга келмишлар-ким, Амир Жаҳонгир оларга ситам қилибдур. Султон Амир Алишерни олдиға чақириб таън ва сарзаниш қи-либ деди: — Эй Амир, ўзингизнинг тарбият қилғон ки-шиларингизнинг додхоҳлари додғига етинг. Мир деди: — «Алноси Мухируна биаъмолиҳим ан хайри афахиру ван шарран афшаран». Шариати Муҳаммадий мукта-зоси била амал қилмоқ керакдур. Ва Амир Жаҳонгир-нинг гуноҳлари суубатидин сўнг Таршиз халқи онинг қатли учун ёрлиғ олиб бориб, дордин осиб тирборон қилдилар.

ФУЗАЙЛМАОБ КАМОЛОТ ИНТИСОБ МАВЛОНО МУҲАММАД БАДАХШИИ

Дер эрдиким, подшоҳи адолатнишон Султон Ҳу-сайн Баҳодирхоннинг бир мулозими бор эрдиким, анга Ҳожи Баковул дер эрдилар. Қазою қадар баковули меҳру моҳ қурсин, фалакнинг ложуварди хонида қўй-ғондин бери ҳеч подшоҳға андоқ баковул муяссар бўл-мамиш эрди. Бир кун ул бир тахти равонға мнииб, ҳа-рами муҳтарамдин ташқари чиқти. Ул аснода Амир Алишер доғи келиб ҳарамнинг дарвозасиға қадам қўй-миш эрди. Амирни кўрўб деди: — Эй маҳзум, бу кун ҳазрат Султоннинг олдида сизнинг устунгиздин ажиб сўзлар ўтти. Бу сўзни айтиб ўтуб кетти. Ул айёмда халқ орасида бу сўз шойиъ бўлмиш эрдиким, Султон-нинг мизожи Мирдин андак кудурат пайдо қилибдур. Бу жиҳатдин Мир музтариб бўлиб, тахти равоннинг изидин югурди. Ойтурларким, Мир йигирма қадам

тахти равоннинг кейнидин югурмиш эрди. Недингим, подшоҳнинг сиёсатидин муқарраблар кўпроқ 'қўрқу- сидурлар. Вақтеким, Мир ҳазрат Султоннинг мулозаматиға борди, матухам бўлгон нимарсалардин ҳеч асар зоҳир бўлмади. Ва мулозаматдин қайтгондин сўнг баъзи маҳрамлардин сўрди. Олар дедилар: — У кун Султон андоқ ёд қилдиким, ҳеч мурид пирин андоқ таъзим била ёд қилмамишдир. Мундин Амир Пир ҳожининг гарази улдурким, ўзин халқға кўргузайким, ман Алишер била мундоқ мулоқот қилурман. Мир ушбу гинани кўнглида сақлади. Бу воқеадин бир йил ўтгондин сўнг бир кун эртонг намози вақтида султоннинг мулозаматиға борди ва ул вақтда мулозаматға бормоқ расм эрмас эрди. Султон сўрдиким, қайси ердин келурсизким, юзингизга губор ўлтирубдур. Мир деди: — Дарвиш Алишоҳнинг хизматиға бормиш эрдим. Ондин қайтиб дарвозани Фирузбодға келган чоғда дарвозанинг ичида бир гулгула ва гавго пайдо бўлди. Фақир гумон қилдиким, магар сиз келурсиз. Бир жамоаға хуршидталъат, анбармўй ва сарвқомат йигитлар нори, нажот дупури ниҳод отларға мишгон етуштиларким, шаҳарда андоқ хубсурат йигитларни кўрмамиш эрдук. Аларнинг изидин бир ҳаёхуй пайдо бўлди. Ясовуллар халойиқни йўлдин йироқ сурдилар. Фақир доғи ўзимни бир гўшага чекиб, йироқдин наззора қилиб турдим. Бир жавоҳир ва ёқут била мурассаъ ва мулламмаъ бўлгон тахти равон устида Амир Пирҳожини пайдо бўлди. Эғнида қатон жомаким яқоси зар ва гавҳар била мазин бўлмиш эрди ва бошида шафтолу гули тақияким бир гўшасин сиидурмиш эрди ва қатон рўймол қўлининг аёсиға чулганмиш эрди ва арғувоний чўб илгига олмиш эрди ва тахти равонни тўрт йигит эғнига кўтармиш эрдиким, ой ва қуёш оларнинг рухсори рашкидин тийра ва хийра бўлур эрди. Ва тахти равоннинг олдида ўн чоғлиғ соҳибжамол йигит олтин ва кумуш ва чиний суроҳийлар ва лаълу ёқут ва забаржад ва фируза пиёлалар иликларига кўтармиш эрдилар. Тахти равон бир неча қадам юрар эрди. Амир Пирҳожини бир неча пиёла май ичар эрди ва хубларнинг ширин лаъли нуқлидин кезак этар эрди. Ва бу янглиғ шоҳона ҳашамат ва дабдаба била кезар эрди. Они кўруб бағоят хушҳол бўлдим ва худоға шукр қилдим ва дедим, алҳамдулиллоҳки бизнинг подшоҳимиз мулозимлариға андоқ шавкат ва

тажаммил даст берибдурким, соҳиб эҳтишом султонларга ва зулэхтиром хоқонларга муяссар бўлмашидур. Султон бу ҳикоятни эшитгач, ўзига бичиш урди ва ҳайрат бармоқин фаромат тишига еткурди. Аммо сабр қилди ва Мир мажлисдин кетгондин сўнг буюрди, то Бекгуна ва Жонак ва Будна ва Абу Саҳашмани ҳозир қилдилар. Бу тўрт кишига малоика азоб дер эрдилар. Султон оларга деди: — Бориб Пирҳожии Баковулнинг ўйин ва жамиъ тобеъларининг ўйин андоқ горат ва торож қилинларким, бир заррача нимарса бофий ва амон қолмасун ва агар бу амрда андак хилоф қилсангиз, улчаким сиёсат шиддати имконидаур, кўрарсиз. Олар бориб бир соат ичида Пирҳожии Баковулнинг ва тавобининг уй ва аспобин туфроқга баробар қилдилар ва ўзин саодат авжидин тушуриб мазаллат ҳазизига еткурдилар.

Ҳазрат Амир Алишер Ҳирот хиёбонида тахтуллоҳи Акбар отлиғ мавзиъга қариб бир рабат аморатининг тарҳин тузмиш эрди ва анинг эҳтимомиде кўб саъй ва кўшиш кўргузмиш эрди. Бир кун фузало ва зурафодин бир жамоа била иморат курсисининг устида ўлтурмиш эрди, меъморлар ва муҳандислар ва бинолар ул иморат ишига машғул эрдилар. Ногоҳ бир киши қаро тоқия бошида ва катон яктойи баданида, гулгун тўн эғнида ва симдўз этук оёқиде курсининг устига югурди ва бармоқин оғзига қуюб сафир чекти ва осмонга боқиб учуб юрган бир хил кабутарни кўриб ович қоқиб шавқум қилди ва оёқи остиде на бор эрканин билмади. Ул чоғда бир киши они манъ этарга турди. Ҳазрат Мир деди: — Анга дахл этмагил, то кўраликим на қилур эркон. Андин сўнг бе маҳобо қадам урди. Мир била ўлтургон жамоанин дойирасига кирди. Ва ул тарафдин чиқиб кетти, андоқким тўнининг этаги Мирнинг бошига ва юзига тегди. Мир деди: — Бу кишининг оти ё Шамс ва ё Аҳмад ва ё Тожиддиндур. Ўзидин сўринлар. Мажлис аҳлидин бири туруб анга қараб деди: — Эй бузруквор, бу азизлар сизнинг отингизни сўрарлар. Ул деди: — Фақирга Шамс Аҳмад Тожиддин дерлар. Муни эшитгач, мажлис аҳли таажжуб юзидин фиғон кўтардилар. Хожа Маҳмуд дедиким, ман ҳаргиз Мирни мундоқ фараҳ ва нишот ва шодмонлиғда кўрганим йўқ эрди. Ондин сўнг ҳазрат Мир дедиким: Бу исмлар ўз мусаммийсининг камоли ҳалохат ва ҳамоқатида ҳаргиз мухталиф қилмас.

МАҒАР АНДАК ФАЗОЙИЛМАОБ БАЛОҒАТ ЙНТИСОБ МАВЛОНО БИНОИЙ ДЕР ЭРДИ

Мавлоно Муҳаммад Пиршамским Хуросоннинг фузало ва зурафоси жумласидин эрди, латофат ва зарофат майдонида ҳазл ва мазоҳ тиги андоқ сарафшон этар эрдиким, баён арсасининг сипехрсолорлари онинг баробарида ожизлиқ қалқонин юзига чекар эрдилар ва балоғат музморининг баҳодирлари онинг дашноми ўқининг хавфидин ниёзмандлик совутин эгнига кияр эрдилар ва беандишалик беэътиқодлиқда ул мартабада эрдиким, рамазон ойининг йигирма еттиланчи кунидаким, жумъа куни эрди, шароб ичиб маст бўлуб, Ҳирот масжиди жомеънинг тоқи устига чиқиб, халойиқнинг боши устига бавл қилди ва халойиқ ҳужум этиб они ошоқға тушурдилар. Аммо ҳазрат Мавлоно Жомийнинг хотири риоясин сақлаб, анга таарриз қўлин еткурмадилар. Нединким, онинг отаси Мавлоно Пири Шамсга ҳазрат Мавлавийнинг шогирдлик нисбати бор эрди ва ул вақтдаким Султон Ҳусайн Мирзо Хожа Ҳасанга Қарнагийни садрлиқ маснадида ўлтурғизмиш эрди, Мавлоно Муҳаммадни онинг олдиға олиб бордилар. Ул замонда барча аркони давлат ва аъён ҳазрат ва умарои изом ва кубарои зулэҳтиром онинг мажлисида ҳозир эрдилар. Мавлоно чун ул мажлисга қадам қўйди, мажлис ҳозирларининг аъзосига ларза тушди. Ва Мавлоно ҳам ақобирдин юқори ўтуб мажлис садрида, садрнинг ёнбошида мураббаъ ўлтурди. Ва илкин садрнинг кифтига қўюб дедиким: — Лоло Ҳасан, биз эшитдукким, сан садр бўлмишсан.

Б а й т :

Агар садри олам шуди эй Ҳасан,

Вале бада ҳам мисли ту, садр ҳам.

Хожа Ҳасан мутағаййир бўлуб ҳамул жамоаға итоб этмак оғоз қилдиким, бу азизни қайси маслаҳат учун бу ерга келтурдингиз. Ҳамул жамоа ҳол кайфиятин арз қилдилар. Хожа Ҳасан ул жамоаға хитоб қилиб деди: — Эй Маҳзумлар, мулоҳаза қилингким, рамазоннинг йигирма еттисида, жумъа куни, шаробдин маст бўлуб, масжиди жомеънинг айвониға чиқиб халқнинг устига бавл қилган. Бу ишдин қабиҳроқи бўлмағусидур. Бир жамоадин ҳеч киши онинг қўрқун-

чидин сўзга тил оча олмай, барча бошларин қуйи солдилар. Ва оғизларига сукут муҳрин бостилар. Мавлоно Муҳаммад дедиким, Лоло Ҳасан яхши ойтурсиз. Буким, сизни садр қилмишлар, мундин қабиҳроқ эр-мастурким, агар тиласангиз тил очиб тафсил била баён қилурман. Ҳожа Ҳасан деди: — Эй махдум, азбаройи худо, бизнинг сизнинг била ҳеч ишимиз йўқтур. Мавлоно Муҳаммад туруб мажлисдин ташқари чиқти ва ул жамоага деди: — Эй кедилар, садрингизни кўрдингизму, имтиҳон қилдингизму? Ул жамоа йиғлаб ва фиғон қилиб, бир-бирига дедиларким: — Эй мусулмонлар, мусулмонлиғ қайси ерга кеттиким, мундоғ исломобод шаҳарда бу янглиғ мункир ҳодис бўлбурдим, ҳеч киши дафъ ва манъ қилолмағусидур. Оқибат иттифоқ била дедиларким, они Мири Муғулнинг олдиға олиб борурмиз, то мундоқ муфсидларнинг сазосин ул бергай. Нединким, ул ҳеч кимни риоя қилмас. Яна Мавлоно Муҳаммаднинг этагига илик уруб, бу ишда они ўзларига мутаффиқ қилдилар. Ва Хўжа Ҳасанни Мири Муғулнинг олдиға еткуруб ва Мавлоно онинг барча ишларин анга тақрир эттилар. Мири Муғул ошуфта бўлуб дедиким, бир неча қувватлиғ таёқ келтуринг, то ман бу кун бу фосихға андоқ сиёсат қилайким, анинг достони рўзгор саҳифасида то қиёматғача ёдгор бўлуб қолғай. Навкарлари таёқ келтурмакда эҳмол қилдилар. Мири Муғул дарғазаб бўлуб, навкарларига дашном қилиб қичқирар эрди. Мавлоно Муҳаммад дедиким: — Эй беақл ва бедарак муғул на эй аҳмақ ва бебоқ чуғул, бир соат сабр қил ва аъроз кўргузмагил. Агар қистасанг, буюргил ва таёқ келгунча менинг бўйнуғамга урсунлар. Мири Муғул бу сўзни эшитгач, хандон бўлди ва ғазаб тигин мулойимат гилофиға солди ва Мавлоно Муҳаммад югуриб бориб Муғулни қучоқлади. Ва андоқ ажиб ва қабиҳ ҳаракатлар қилдиким, Мири Муғул кулгу касратидин ерга йиқилди ва деди, алҳамдулиллоҳки, бу кишига озор бермадим. Ва анго дедиларким, бу ҳазрат Мавлавий Жомийнинг устозодасидур. Ондин сўнг Мири Муғул анга кўб таъзим ва тақрим кўргузиб, сақарлот чакмон ва эгар тузуклик, от инъом қилди ва Мавлоно Муҳаммаднинг Порсо отлиғ бир барно ўгли бор эрдиким, тақви савмиасининг порсолари ширин лабиниғ шавқида тоат сажжодасин шароби нобға гарав қилмиш эрдилар. Мавлоно ул дурдонаи ягонани андоқ муҳофазат,

қилиб, пинҳон сақлар эрдиким, ҳеч киши они кўрмас эрди ва дер эрдиким, умрад керакдурким, мухалифлар кўзидин йироқ бўлғай, то мардлар қаторига қўшулғай. Ногоҳ Мавлоно Муҳаммадга ҳазрат Султонул авлиё, бурҳонул атқиё имом бин Мусо ал Ризонинг мазори файз осорининг зиёратига бормоқ азми мусаммам бўлди ва ул фарзанднинг забтига лойиқ киши йўқ эрди. Ва чун ҳазрат Амир Алишер покиза зотлиг ва малак сифатлигда шуҳрат топмиш эрди. Андоқким, то анодин тўқғондин бери маъсият ғубори анинг исмати этагига ўлтурмамиш ва номуси шишаси зиллат тоши шикастин кўрмамиш эрди. Мавлоно Муҳаммаднинг кўнглига келдиким, ул ҳусн ва жамол кийикин ва ул фазлу камол кабутарин онинг уйида қўйғай. Бу андиша била ҳазрат Мирнинг уйига борди ва бир хиргоҳ ўлтуруб, бош яланг бўлуб Мир била шатранж ўйнарға машғул бўлди. Ул аснода бир киши келиб хабар бердиким, шоҳ Қосим Нурбахш келди. Ул андоқ киши эрдиким, Султон Хусайн Мирзонинг рикобиға юзин суртар эрди ва таассуф кўргузар эрдиким: Эй дариг, оёқимнинг қуввати йўқтур. Йўқ эрса, ул ҳазратнинг жилавида юрур эрдим. Ҳазрат Мир беҳуд бўлуб хиргоҳдин югуриб чиқти. Яна қайтиб кириб, Мавлоно Муҳаммадга деди: — Сиздин илтимос қилурманки, бу кун бу азиз келса, дахл ва таарриз кургузмангиз. Мавлоно Муҳаммад деди: — Эй ҳазрат, меҳрубон бўлуб таклифи моло ятоқ қилмангиз. Агар муносиб сўз вақти келмаса, хомуш бўлурман. Йўқса, сабр этаолмасман. Ва чун Шоҳ Қосим келиб хаймаға кирди. Мавлоно Муҳаммад иззат-икром била бошиға дастор кийиб, оёқ устида турди. Ва ўлтурғондин сўнг Шоҳ Қосим хиргоҳнинг юқорисиға қараб деди: Ажаб бир яхши хиргоҳ эркон. Мавлоно Муҳаммад дедиким, сиз келмасдин бурун хиргоҳ эрди. Вақтеким, сиз келдингиз харгоҳ бўлди ва Шоҳ Қосим Нурбахш кетгандин сўнг ҳазрат Мирнинг арзиға еткурдимким, ман Хуросонға имом Али Ризонинг остони тавофиға озим бўлубдурман ва бир ғуломбаччаингиз бордур ва менинг бу шаҳарда ҳеч кишим йўқтур. Тиларманким, они сизнинг хизматингизда қўйсам. Ҳазрат Мир икки илгин сийнасиға қўюб деди: — Агар бу хизматга лойиқ кўрсангиз, улчаким бандаликка муносиб хизматдур, тақдимға етгусидур. Иттифоқат ғаройибидин улким, ҳазрат Амир Мавлоно Порсонинг ҳусну жамоли

авсофин эшитмиш эрди ва кўнгли қуши анинг висоли таманноси ҳавосида парвоз этмиш эрди ва жони шамъи онинг муҳаббати гулбунида сўзу гудозға етмиш эрди. Алқисса, Мавлоно Муҳаммад ўзининг фарзанди аржумандин бир ғуломбачча билаким, ҳамиша соядек ул хублиқ сипеҳри қуёшининг нзида эрди, ул давлат ва саодат буржиға интиқол этти. Чун Мавлоно Порсо ҳамул остони сипеҳр осоға қадам қўйди. Ҳазрат Мир бу таронаға тил очтиким.

Назм:

Туйи баробари ман ё хаёл дар пазарам,
Ки ман ба толии худ ҳаргиз ни гумон набарам.

Ондин сўнг деди: Махдумзоданинг ҳолиға муносиб андоқ кўрунурким умрлари нуқудиким онинг ҳар дами бир оламға баробар эрди, абас ўтмаса ва зойиъ бўлмаса.

Байт:

Ҳаса бе камол ҳеч паярзад азизи ман,
Ҳасби камол кун, ки азизи жаҳон шави.

Ва Мавлоно Порсо деди: — Эй маҳзум, каромат қилдингиз. Бу каминанинг авқоти субҳу шом, балки алил давом Шамсия мутолаасиға масруф эрди. Сизнинг олий ҳимматингиздин тамаъ улким ҳамул тариқада сарф бўлса, ҳазрат Мир баъзи эмин ва мусташор ва силқосор ёрлариғаким, борча ишни оларнинг кенгаши била қилур эрди, андоқким Мавлоно Муҳаммад Бадахший ва Мавлоно Соҳиб Доро ва Хўжа Маҳмуд Тойбодий ва Амир Шайхим Суҳайлий ва Хожа Осафий эрди, бир хилватда машварат қилиб деди: Бу йигитнинг таълими учун бир муаллим керакдурким, хоотири саҳифаси ишқ ва ошиқлик ҳавошиси ва даққойиқидин мубарро ва муарро бўлғай. Барча иттифоқ била дедиларким, Мавлоно Фасиҳиддин ўзга кишиким ҳазрат Мирнинг устоди ва муаллимидур, бу ишға сазовор эрмасдур ва ҳол улким, кўб муддатлар эрдиким, Мавлоно Фасиҳиддин доғи Мавлоно Порсонинг ишқида майға гирифторм эрди ва ҳечким они билмас эрди. Алқисса, ҳазрат Мир ҳамул Мавлонони чақириб, ондин бу амрни илтимос қилди. Мавлоно гумон дафъи

Учун кўб маъзират изҳор қилиб, истибъод кўргузди ва деди: — Маълумдурким, жамъи касир бу фақирнинг олдида сабоқ ўқурлар ва барча авқот аларнинг дарсига масруфдур. Сизнинг хотирингиз учун аларнинг баъзисин баъзи дарсдин маоф тутармиз. Алқисса, Мавлоно Порсо саодатлиғ соатда дарс ибтидо қилди. Ровий айтурким, ҳазрат Мирнинг масжиди Жомеъ хатибиким, оти Жамолиддин Маҳмуд эрди ва Ҳиротнинг машҳур ва хушовоз хатибларидан эрди ва ҳазрат Мавлонога иттиҳод ва ихтисоси даражаи аълога етмиш эрди. Ул доғи Мавлоно Порсонинг ишқи дарсининг ҳофизларидин эрди. Бир кун ҳазрат Мавлоно Фасиҳиддин хатибнинг уйига борди. Тоқнинг канорида Хожа Ҳофизнинг девони турмуш эрди. Они олиб очиб ўқуди ва бир совуқ оҳ чекти. Хатиб онга назар қилиб кўрдиким, ушбу байт эрди.

Б а й т :

На гўямат, ки ҳама умр порсойи кун,
Семоҳ майхўру ну моҳ порсо мебош.

Хатиб кўнглига дедиким, бу байт оҳ чекарга сабаб бўлғудек байтларнинг қабиласидин эрмастур. Ушбу Порсо отидурким, Мавлононинг жони хирманига ўт урубдур ва сабри матоин куйдурибдур. Тафтиш ва тафаҳхусга машғул бўлди. Ҳар нечаким ҳазрат Мавлоно жидду жаҳд аён қилди, ул ўтни тадбир хашоки била пинҳон қилолмади ва зоҳир қилмоқдин ўзга ҳеч чора йўқ эди. Хатиб деди: — Эй маҳзум, бу на таклифдур. Ҳеч киши йўқтурким, они кўрмиш бўлғай ва кўнглин анга бермамиш бўлғай.

Б а й т :

Ҳар дилки, волаи рухи он моҳпора нест,
Уро мағўй дилки, кам аз санги хора нест.

Ҳоло маслаҳат улдурким, биз ва сизким онинг ишқи бўсиға гирифтор бўлмишимиз, бир-биримиз била иттифоқ этгаймиз. Нифоқ ва рақиблиқ русумин ародин кўтаргаймиз ва икковимиз якдил ва якжиҳат бўлғаймиз. Шоядким, бу сабаб била анинг висолидин бир баҳра топғаймиз ва яна деди: Маҳзум, сиз агарчи олам

аҳлининг устодидурсиз, аммо керакдурким, бу водийда ўзингизни бу фақирга шогирд қилгайсиз. Мавлоно деди: — Биз муқаррар қилдикки, сиздин бемашварат ҳеч иш қилолмагаймиз ва ҳамул кеча Мавлоно хатбининг уйига бориб, бир неча мақдама ўрганди. Тонгла Мавлоно Порсонинг сабақида андоқ мақдамалар тарҳ эттиким, агар мусалло Абу Али, балки Афлотун ва Арасту ул дарсга бўлса эрди, сўз дақойиқи ва нуқта ҳақойиқидин зоҳил ва гофил бўлур эрди ва сўнгги кун ҳазрат Мирнинг мулозаматида Мавлоно Порсонинг чеҳрасида малол ва калол асари зуҳурға етти. Ҳазрат Мир ҳазрат Мавлонодин онинг сабабин сўрди. Мавлоно деди: «Шамсия»нинг ҳошияси мушкул китобдир. Мубоҳаса ва музокарасиз анинг забти хаёл доирасига кирмак маҳолдур. Мир деди: — Мундоқ эрса, анинг учун бир муқаррарий домла таъйин этмак керакдур. Шогирдларингиз жумласидин қайси кишини бу ишга муносиб кўрарсиз? Мавлоно деди: — Бу ишда улчаким мумкиндур, тааммул қилмоқ ва эҳтиёт қилмоқ керакдур. Мир деди: — Ўзингиздин ўзга кишини бу ишга муносиб кўрмасман. Мавлоно узрхоҳлиқ кўргузиб деди: — Ман бир мартаба дарс айтурдин ожизман. Ондин зиёда ўргатмакни нечук иртикоб қила олурман. Мир деди: — Маъзиратнинг фойдаси йўқтур. Онинг дарси учун бир вақтни таъйин қилинг. Хатиб Мавлоноға ўргатмиш эрдиким, зинҳор агар вақт таъйин қилсангиз, Мир уйида бўлмайтурғон бир вақтни таъйин қилинг. Йўқса, фойдаси йўқдур. Мавлоно деди: — Пешин намозидин сўнг яхши вақтдурким, Мир ул вақтда султоннинг мулозаматида бўладур. Ҳамул вақтни таъйин этиб дилжамъ бўлдилар. Ва Мавлоно муқаррар бўлган вақтда Мавлоно Порсоға дарс айтиб, мужодила ва мубоҳаса била хотирнишон қилур эрди ва Мавлоно баҳс асносида Мавлоно Порсоға дедиким: — Сизни бағоят малул ва мақбуз кўрарман ва анинг сабаби на эркон? Мавлоно Порсо деди: — Сизнинг замири мунирингизга равшандурким, ҳазрат Мирнинг мизожиға мувофиқ ва тавриға мутобиқ юрмак ниҳоятсиз мушкил ва мацнаққат ишдур. Мавлоно деди: — Рост айтурсиз. Биз ҳам ҳаминша сизнинг фикрингиздадурмиз. Ва ғамингизни ермизким, на янглиг умр ўткарурсиз. Аммо мунинг бир илож ва тадбири будурким, баъзи ёрлар билаким, оларнинг суҳбати нишот инбисот мавжабидур, ҳамсуҳбат бўлмоқ керакдур.

Ул шарт билаким, Мир ондин огоҳлиқ топмағай. Мавлоно Порсо деди: — Эй маҳзум, ўзингиз билурсизким, ҳазрат Мир бу фақирни на янглиғ забт қилиб, на тариқа эҳтиёт кўргузодур. Мавлоно дедиким, сиз ҳеч тараддудга кўнглунгизга келтурмангим, биз бу ишни кўнгул муродича муҳайё қила олурмиз. Ҳазрат Мирнинг Масжиди Жомеънинг хатиби андоқ равшан замир ва покфитрат пирдурким, ҳар киши онинг била бир лаҳза суҳбат тутса, то умри охириғача ул суҳбат лаззатининг завқи жони мазоқидин кетмагусидур ва онинг уйи ҳазрат Мирнинг боғиға муттассилдур ва бир меҳмонхонаси бордурким, товус пари ва кайковус базмидин намудордир. Агар табъи латиф ва роий шарифингиз анга майл кўргузса, ҳар неким мақсудингиздур, ул фирдавс-нишон маконда ҳосил бўлур. Мавлоно Порсо бу сўзни эшитиб, гулдек очилди ва ул суҳбатға майл қилди. Ҳазрат Мавлоно хатибнинг уйиға келиб деди: — Эй хатиб, ул вақт еттиким, фалакнинг тўққуз поялиғ минбарига рифъат аёқин қўйғайсан. Ва давлат ва саодат хутбасин ўз отинга ўқуғайсанким, инак Мавлоно Порсонинг ўюнғга қадам фарсо бўлди. Лекин суҳбат тарҳин ул навъ этмак керакдурким, анинг малол ва нафратига мавжаб бўлмағай. Яъне ул мажлисининг биноси ҳусн ва ноз аҳли ва соз навоз хайли била бўлғай. Хатиб деди: — Ман эшитибманким, оғойи Хиёбонийким, Хуросон хубларининг саромадидур, Мавлоно Порсоға тааллуқ ва таашшуқи бордур. Мавлоно Порсо доғи анга шефта ва зордур. Муносиб андоқдурким, Мавлоно Порсонинг тилидин анга бир мактуб юбормак керакдур. Агар мундоқ қилинмаса, албатта, ул бошидин қадам қилиб, бу мажлисга мутаважжих бўлур ва мунда ҳеч шак йўқтур. Аммо шаробсиз суҳбат эрмасдур. Мавлоно Фасиҳиддин деди: — Менинг бир шогирдим борким, анинг биродари Музаффар Ҳусайн Мирзонинг сувчисидур ва Мирзонинг шаробхонасининг ихтиёрий калиди онинг қўлидадур. Ҳар неча шаробким, даркор бўлса, ондин ҳосил бўлур. Аммо Ҳофиз Қазоқ қонунининг бир айби бордурким, хилватда ҳар ниманиким кўрса, мажлисларда они изҳор қилур. Мундин ямонроқ айб йўқтур. Хатиб деди: — Ман анга илож қила олурман. Андоқким, они таъриф била бу мажлисга муштоқ қилурман. Андин сўнг анга айтурманким, сени ул шарт била ул мажлисга элтарманким, ул сирни ҳеч кишиға изҳор этмасликка, умрингда ҳар

хотунким олсанг, онинг уч талоқидин онг ичсанг. Бу сўзга қарор бердилар. Ондин сўнг хатиб Мавлоно Порсонинг тилидан Оғойи Хиёбонийға бир мактуб ёлди. Ул мактубни бир ғуломға топшуруб, Оғойи Хиёбонийға юборди. Ҳазрат Мавлоно ўз шогирдиғаким, сувчининг биродари эрди, деди: — Бизнинг ёрларимиздин бирининг мижозига бир касал торий бўлубдирким, иложи мусалласдур ва шароби нобидин ўзга давойи анга фойда бермагусидур. Ул киши икки шиша шароби ноб подшоҳнинг махсус шаробидин ҳозир қилмоқга кафил бўлди. Намози шомким ва «жаално алнаҳори маоно» гулистонининг муоширлари ва «жаално ал лайли либосо» шабистонига оҳанг қилдилар. Мавлоно Фасиҳиддин бориб хатибнинг уйида Ҳофиз Қазоқ қонунни била зиёфат ва ишрат асбобин муҳайё қилдилар. Ва хуфтонға қариб бўлмиш эрдиким, Оғойи Хиёбоний ўзига оро бериб, хурал айн янглиғ ул биҳиштойин мажлисга келди. Кўрдиким, Мавлоно Порсо ул мажлисда йўқтур. Кулфат ва малолат кўргузуб, деди: — Сизлар манга фиреб бериб, ўз домингизга келтурмишсиз. Эмди ман сизларни расвойи олам қилурман ва иззат авжидин зиллат ҳазизига тушурурман. Мавлоно Фасиҳиддин била хатиб изтироб қилиб дедилар: — Хошоки, бизлар мундоқ хомтамаъни кўнгулға келтурмагаймиз. Аммо замири мунирингизга маълумдурким, Мавлоно Порсо то Ҳазрат Мирнинг мулоҳазасидин фориг бўлмагунча, келмаги мумкин эрмасдур. Ва кечадин бир пос ўтгандин сўнг Мавлоно Порсо ўзининг ғуломбаччасин ўринда ётқузди ва деди: — Агар ман кетгандин сўнг ҳар киши келса, зинҳор эшикни очмағил ва шамъни ёқиб қўйди. Ва ўзининг пўстинин ғуломбаччанинг устига ёпиб ташқари чиқиб, хатибнинг уйига мутаважжих бўлди. Ва бориб эшикни қоқти. Мажлис аҳли сачраб турдилар ва барчадин бурун Оғойи Хиёбоний ўзин анга еткуруб деди.

Назм:

К-омади, эй шамъ, мажлисро чу гулшан сохти,
 Пой дар чашмам ниҳоди хопа равшан сохти —

ва иккови сарв ила шамшоддек бир-бирининг бўйнига илик солдилар: Ва бир-бирининг юзи гули ва лаби гунчаси бўсасидин ком олдилар. Амир Алишернинг

бир мустазод ғазалиғаким Хожа Абдулло Марворид бир савт боғламиш эрди ва анго сармаст яқом чок от қўймиш эрди ва ул савтнинг таронасидин холи эрмас эрди. Шухрати ул машобада эрдиким, Ҳирот шаҳрининг ҳеч бир уйи савтнинг таронасидин холи эрмас эрди. Ҳофиз қазоқ ул савтни қонун оҳангига қўшуб бунёд қилди. Мавлоно Порсо ва Оғойи Ҳиёбоний ва жамиъ аҳли мажлис яқоларин ва кўзларин намнок эттилар ва ошиқ ва маъшук бири-бирининг сийнасига сийнасин ва лабига лабин еткурди ва аҳли мажлиснинг фиғон ва фарёдин фалак базмгоҳидин ошурдилар. Ровий айтурким, Амир Алишер ҳамул кеча тушида кўрдиким, қўлида бир кабутар бор эрди. Ногоҳ бир оқ қарчиғай келиб ул кабутарни онинг қўлидин олиб кетти. Ҳазрат Мир ул тушнинг ҳайбатидин бедор бўлди ва уйдин ташқари чиқиб, Мавлоно Порсонинг ҳужраси эшигига келди ва эшик тушукидин ичкарига назар қилди. Кўрдиким, шамъ ёниб оз қолубдур ва ёғ шамъдондин бисотнинг устига томадур. Ҳазрат Мир Мавлоно Порсо, деб латиф овоз билан неча қатла қичқурди. Ул ғуломбачаким онинг ўрнида ётмиш эрди, уйғониб эшикни очмади. Охир Мир ҳайбатлиғ овоз била қаттиғ қичқурди. Ғуломбачча оёқин узатти. Мир кўрдиким, пўстиннинг остидин бир қаро оёқ зоҳир бўлди. Ҳайрон бўлиб дедиким, магар Мавлоно Порсо бу кеча аёқиға мўза кийиб ётмишдур. Ва чун эҳтиёт била назар қилиб кўрдиким, онинг ўрнида бир ғуломбачча ётибдур. Мир қаҳр била эшикка бир лағад урдиким, занжир зулфиндин жудо бўлди. Ичкари кириб, ул ғуломбаччани тепкулаб деди: — Рост айтғилким, Порсо қайдурдур? Ғулом деди: — Мен билмасманким, ҳеч сўз демак, мани ўз жойида ётқузуб, ташқари чиқиб кетти. Ҳазрат Мир Шайх Баҳлулни чақириб келтуруб, анинг сақол ва яқосин тутуб деди: Рост дегилким, Порсо қайси ердадир? Ул ғализ онтлар ичтиким, менинг бу ишдин хабарим йўқтур. Ондин сўнг барча наввоб ва мусоҳибларин талаб қилиб киши юборди. Мавлоно Соҳиб Доро ва Мавлоно Муҳаммад Бадахший ва Хожа Маҳмуд Тайбодий ва Шерам Шағол ва Амир Шайхим Суҳайлий ва Амир Ҳусайн Али Жаловир ва Хожа Осафий ва Мавлоно Муҳаммад ва Мавлоно Шоҳ Аликим, ҳар бири илгари ва кейин келур эрдилар, ҳазрат Мир ҳар бирининг сақолин тутар эрди ва яқосин йиртар эрди ва алар фарёд қилур эрдиларким, эй маҳзум, бизлар-

нинг бу маънидин хабаримиз йўқтур ва ғализ қасам-
ёд қилур эрдилар. Мир яна Шайх Баҳлулни олдиға ча-
қириб: Сандин бошқа кишининг Порсо била ихтилот
ва мусоҳабати йўқ эрди ва сан айтурсанким, андин
хабарим йўқтур. Бу сўзнинг на маъниси бордур. Охир
Мир ғазаб била буюрди: То они ётқузиб, таёқ урмоқ
оғоз қилдилар. Шайх Баҳлулнинг бир гуломи бор эрди.
Ул деди: — Менинг бир хабарим бордур. Мундин икки
кун бурун ман кўрдимки, Мавлоно Порсо Мавлоно
Фасиҳиддиннинг қошида ўлтирмиш эрди ва бир-бири
била сўзлашиб кулушар эрдилар. Ман аларнинг ёву-
қиға бориб эшитдимким, Мавлоно Порсо дер эрди.
Жумъа кечасидин бошқа вақтда муяссар бўлмағуси-
дир. Чун ҳазрат Мир ва барча мусоҳиблар бу сўзни
эшиттилар, фиғон тортиб Мавлоно Фасиҳиддиннинг
уйига равон бўлдилар ва бориб эшигини қоқтилар.
Онинг мулозимлари туруб эшикни очтилар. Ул жамоа
ичкари кириб, ҳеч киши топмадилар ва гуломларини
хожангиз қани, деб ура бошладилар. Олар дедилар:—
Хожамиз бу оқшом хатибнинг уйига меҳмонлиққа
кетти. Ул жамоа қайтиб яна Мирнинг уйига келдилар
ва хатибнинг уйи девориға зангу қўйдилар. Бурун
Мир зангуға қадам қўйди ва барча ўчакка чиқтилар
ва ўчакдин хатибнинг боғиға тушдилар ва зангунини
олиб бориб, боғнинг ўртасидағи қасрғаким, ҳарифлар
анда айш ва ишратға машғул эрдилар, қўйдилар.
Ҳазрат Мир зангуға чиқиб, тобадондин ичкариға қа-
ради. Кўрдиким, Мавлоно Порсо Оғойи Хиёбоний бир-
бирининг бўйниға илик солмишлар ва жамиъ аҳли
мажлис яқоларин пора-пора қилмишлар ва мажлис
ҳоли ул ерга етмишким шаробнинг софи тамом бўлуб,
шишаларнинг остида лойи қолибдур. Они сузмак ти-
лаб сузгудек нима топмайдурлар. Хатиб сақолин тутиб
дедиким, неча йилдин бери мунини собун била юб по-
киза қилурман. Ушбу вақт ишга ярамаса, нега дар-
кордур. Мавлоно Порсо қўлин узатиб, хатибнинг са-
қолин тутуб, остида жом қуюб ҳамул шаробни сузди.
Ҳазрат Мир ҳамроҳлариға деди: — Буларнинг ҳақида
на сўз дерсиз? Баъзе дедиким: Бу уйни оларнинг усти-
га йиқмоқ муносибдур ва баъзи дедиларким, буларни
қаттиғ уқубатлар била ўлтурмак керакдур ва баъзи
дедиким, буларни тутуб, ташҳир қилиб, кўчаларни ва
бозорларни айлантирмоқ лойиқ кўринур ва баъзи де-
диким, барчасин сангсор этмак авлидур. Аммо Амир

бу сўзларнинг ҳеч бирин қабул этмай деди: — Менинг ройим улким, бу оқшом аларға ҳеч ташвиш еткурмай, ўз ҳоллариға қўярмиз. Нединким, фалак кўп гардиш қилиб неча умрдин сўнг мундоқ бир мажлис ороста бўлубдур. Бу сўзни айтиб аларға ҳеч дахл этмай, қайтилар ва Мавлоно Порсо тонг вақтида ҳамул ишратхонадин қайтиб ўзининг ҳужрасиға келди. Ҳазрат Мир ғуломбаччага муболаға била деб эрдиким, бу сирни асло изҳор этмагил. Бу жиҳатдин ғуломбачча анга ҳеч сўз демади ва Мавлоно Порсо роҳат бистарига такя қилиб чоштгоҳ бедор бўлди ва Ҳазрат ва Мир бинафшазорда ўлтуруб они ёниға чақирди ва насиҳат тариқаси била ҳикоятлар айтмоғи оғоз қилди. Мундин Мавлоно Порсонинг кўнглига гоҳи гумон келур эрдиким, магар ҳазрат Мир кечаги воқеадин огоҳлиғ топибдур. Ҳазрат Мир сўзни яна узоқға солур эрди. Бу жиҳатдин Мавлоно Порсо ҳайрат гирдобига тушуб, тирноғи била ер чўқолар эрди. Ногоҳ тирноғи зарбиндин бир ушоқ тош сачраб бориб Мирнинг олдида турғон шишага тегди. Мир дарҳол бу байтни ўқиди:

Б а й т :

Туки бо сангдилон бодаи гулраиғ зани,
Журми мо чистки, дар шишаи мо санг зани.

Мавлоно Порсоким бу сўзни эшитти, Мирнинг воқеадин хабар топганин жазм этти. Дарҳол сачраб туруб кафшин қўлиға олиб Машҳадга Имом Ризонинг қадамгоҳиға мутаважжиҳ бўлди. Ондин сўнг Порсони Ҳирот шаҳрида ҳеч киши кўрмади ва ул Машҳадга бормасидин бурун отаси онинг ҳодисасин эшитмиш эрди. Ул борғандин сўнг анга ҳамул жиҳатдин зажр ва манъ ва қоҳиш кўргүзди ва ул бесаодат ўзининг атосин даражаи шаҳодатға еткурди. Ва Порсонинг бир ошиқи бор эди. Порсо анга деди: — Сан они ўлтурдим, деб иқрор қилғил. Манким қон эгасидурман, қон ҳақимни санга ўтарман. Вақтеким, ул ҳамул воқеа иқрориға тил уюрди, Машҳад ҳоқими они ўрлумға буюрди. Порсо ҳар неча ким ман қон ҳақимни анга бағишладим, деб изтироб қилди, ҳоқим қабул этмади ва онт ичтиким, яна ул агар бу бобдин сўз айтса, буюрурман то они пора-пора қилғайлар. Алқисса, ул бегуноҳ ошиқ кўб уқубатлар била қатлға етти.

**АМИР АЛИШЕР НУРАН МАРҚАДУҲУНИНГ РУҲОНИИ
ҲУЗУЗИ ЖИҲАТИДАН НАФСОНИЙ ШАҲВАТГА МАЙЛИ
ЙУҚЛИГИ ВА ЭТАГИ ПОКЛИГИНИНГ ЗИКРИ**

Хожа Маҳмуд Тайбодий дер эрдиким, бир кун Султон Ҳусайн Мирзо Амир Алишернинг покдомонлик ва порсолиқин таъриф ва тавсиф қилиб, бу ерга еткурмиш эрдиким, Ҳазрат Мир то Адамдин вужудға келгали исмати тўнининг этаги шаҳват лавои била олуда ва футути яқосининг тугмаси Ҳавоу ҳавас илги била фарсуда бўлмамишдур. Билқиси замон, Зубайдаи даврон Хадичабегимга бу сўз бовар тушмай деди: — Агар мундоқ эрса, ҳазрат Мир ҳездур ва рижлати йўқтур ва они имтиҳон қилмоқ тилади. Хадичабегимнинг Давлатбахт отлиғ бир канизаги бор эрдиким, пари пайкар ва малак манзар ва нозпарвар, ишвагарликда, жимодға жон бериб, ўлукни ҳаракатга киргузур эрди. Ва Султон Ҳусайн, Мирзо Хадичабегим ва Амир Алишернинг аросидағи пинҳон сўзларға ондин ўзга киши маҳрам эрмас эрди ва ҳамиша Мир Алишернинг кўнгли қуши онинг ишқи ҳависида парвоз этар эрди. Хадичабегим Ҳазрат Мирни имтиҳон этмак учун анга неча мақдамалар ва ҳийлалар ўргатиб, они Мирнинг уйига юборди. Ва ул намозшом вақтидин сўнг Мирнинг уйига борди ва ул вақт ҳамишаги муаҳвад ва муқаррар бўлгон вақт эрмас эрди, ҳайрон бўлди. Алқисса канизак узоқ вақт ҳикоят бошлаб кўб вақт ўлтурди ва сўз қизигон ҳолда деди: — Оҳ, нечук этарманким, вақт кеч бўлубдур. Мир деди: — Ҳеч бок йўқтур. Кеча бу ерда бўлғил ва онинг муддаоси ҳам бу эрди. Мир ўз уйининг жаворида онинг учун бир уй таъйин этти. Ул ҳамул уйга борди ва кечадин бир пос ўтгандан сўнг келиб, яна Мирнинг уйига кирди. Мир они кўруб фаросат била билдиким, муддаоси недур. Аммо тағофил қилди. Ул канизак ширин забонлиғ била деди: — Эй Маҳзум, ман андоғ тасаввур қилдимким, баданимининг ҳар мўйи бир занжирдек бўлиб мани чекиб бу жонибга келтурди. Магар бу кашишға сабаб улдурким, бу камина канизакка иноят назарин солғайсиз. Мир деди: — Мундоқ тамаъ ва таклифлар бекордур. Маълум бўлдиким, на иш учун бу ерга келмишсиз. Сизнинг била бир жамоанин аросиға бир мушкил масала тушубдур ва онинг мақоламаси узоқға чекибдур. Иншооллоҳ ул мушкул қашфи анқариб зоҳир бўлур. Бу сўзни айтиб канизак-

нинг қўлин тутуб, тортиб ўзининг тизи устида қўйди ва олатинким онинг мушқили куфлин очарға калид эрди анинг илкига берди ва деди: — Яқин билингим, бу мусаққаб била мақсуд дурин тешса бўлур ва бу калид била мурод дуржининг қуфлин очиб, ком гавҳарин топса бўлур. Сизга маълум бўлсинким, бизда кадхудолик олати бордур ва кадхудолик қилодурмиз. Аммо бурун, ҳам қилмамишимиз ва ҳоло ҳам қилмасмиз ва сўнгра ҳам қилмағумиздур.

Б а й т :

Тарки лаззатҳон шаҳвоний сахост,
Ҳарким, дар шаҳват фуру шуд бар нахост.

Ва чун ҳикоят Султон била Хадичабегимнинг самъиға етти, эътиқодларининг бири юз, балки минг бўлди. Мавлоно Муҳаммад Бадахший дер эрдиким. Чун Ҳазрат Амир Алишер «Хамса» китобин Султон Ҳусайн Мирзонинг отиға ойтиб, анинг олдиға олиб борди. Султон деди: — Муддати мадид ва аҳди байдурким, бизнинг била сизнинг орангизда бир можаро бордур. Букун яхши вақтдурким, ул можаро барқарор бўлғай. Можаро ул эрдиким, Султон Ҳусайн Мирзо Ҳазрат Мирзо иродат изҳор қилиб, ўзига дер эрди. Мир дер эрди: Оллоҳ — оллоҳ, мундоқ эрмасдур, балки бу муридимиз ва сиз барчанинги биридурсиз ва чун гуфтугу узоқға четки. Султон деди: — Пир қайсидур ва мурид қайси? Мир деди: — Мурид улдурким, ҳарнаким Пирнинг муродидур онинг муроди ҳамул бўлғай. Ондин сўнг Султон буюрди: То пир бўз отниким ўзининг махсуси эрди ва онингдек хушрафтор отни ҳеч киши жаҳон мурғзориди кўрмамиш эрди, келтурдилар. Султон Ҳазрат Мирға деди: — Чун сиз мурид бўлдингиз, биз пир бўлдуқ. Бизнинг муродимиз улдурким, сизни бу отға миндургаймиз ва биз жиловингизда пиёда юргаймиз: Ҳазрат Мирға отға минмакдин ўзга ҳеч узр қолмади ва сувор бўлмоқни қабул этти. Ва ул от андоқ эрдиким, подшоҳдин бошқа кишини устиға миндурмас эрди. Мир зангуға оёқ қўяр вақтда ром қилиб, шўхлиғ оғоз қилди. Султон анга бир ҳай урдиким, ўз жойида қарор тутти. Чун Ҳазрат Мир савор бўлди. Султон анинг жиловида юрди ва Мир бу ҳолини кўриб отнинг устида беҳуш бўлди. Андоқким они кўтариб ошоқға тушурдилар.

Мавлоно Шаҳобиддин Мудаввиким Нишобур фузалосидин эрди ва жамъи улумда моҳир ва барча фунунда мутабаҳҳир эрди ва шуаро аснофин бағоят хўб ва бениҳоят мурғуб айтур эрди, бу бир неча байт онинг қасидасидандурким, кечанинг кеткони ва кундузнинг келгони учун айтибдур.

А б ё т :

Чу тифли субҳ барояд саҳар зи хоби гарон,
Фалак зи меҳр ба комаш ниҳад сари истоп.
Купад мақоми мири шабро ба байза бози паст,
Зи хўрди май, ки занад кўҳ байза бар дандоп.
Зи баҳри чидани порияжи ин хамида дарахт,
Фитода субҳ чу занбил ходими бастоп.
Чу курси меҳр баромад ба рўй минбар кўҳ,
Равад ба боди фано кўҳ-кўҳ резаи нои.

Ва мазкур Мавлоно қуръонни сураи ёсиндин то охириғача тадвин қилиб, они Султоннинг назариға еткурди. Султон анга минг танга инъом этиб деди: — Агар каломуллони аввалидин то охириғача тадвин этиб тамом қилсанг эрди, ҳар йил беш минг танга ва беш юз ботмом ғалла санго инъом қилиб, они вазифанг учун таъмин этар эрдим ва ҳар йил они санго еткургай эрдилар. Бу сўздин сўнг Мавлоно яна беш йил муддати кўб заҳмат ва машаққат чекиб, они тамом қилди. Мавлоно Носириддин Муҳаммадқориким қироат илмида даврон нофии ва замон осими эрди, анинг сийнасиға навид рашк ва ҳасад ўти шуъла чекиб, ҳазрат Султоннинг арзиға еткурдиким, бу таснифким ул қилибдур, бефойдаедур ва ҳеч манфаати йўқтур. Бу сўз Султонга они рия қилмаслиқға баҳона бўлди ва ваъдасиға вафо қилмади. Мавлоно Шаҳоб Мавлоно Носирнинг изига тушуб ҳар мажлисгаким борса уқбодин борур эрди ва дер эрди: — Эй Маҳзум, ҳолоким бу ерда ҳозирсиз рўзи маҳшар ва фуруғи акбарни ёд қилингким, ҳамул кун фақир сизнинг этагингизни тутуб, қозиюл ҳожатнинг олдида додхоҳлик қилғумдур. Нединким, сиз менинг ҳаққимда мундоқ зулмни раво кўрарсиз. Бир кун султонул авлиё, бурҳонул атқиё Хожа Муҳаммад Абул Волиднинг сари мазоридаким, Мавлоно Хусайн Воиз ҳар чаҳоршанба куни ваъз айтур эрди, барча ақобир ва афозил ҳозир эрдилар. Мавлоно Шаҳоб

Мавлоно Ҳусайн Воиздин бурун минбарга чиқти ва минбарнинг юқорисида ўлтуруб, деди: — Мунча акобир ва афозил ҳузурда мундоқ журъат ва густоҳлиқ қилгонимдин ғараз улдуким, подшоҳи олийжаноб Султон Ҳусайн Мирзонинг замонида Ҳазрат Ҳақ субҳонаҳу ва таоло мани қуръон тадвинига музҳар қилмиш эрдиким, олий ҳазрат Шайхул Исломи Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий ҳамул китобнинг пуштига ёзмишларким, қуръон нозил бўлгон замондин то бу омонгача ҳеч киши мундоқ иш қилмашидур. Ва бу азизким, бу ерда ҳозирдур, Султоннинг арзига еткурмишким, бу иш бефойдадур. Агар бу тадвиннинг фойдасин исбот эта олмасам, назарингизда ўт ёқиб бу китобни ўтга солурман. Йўқ эрса, бу киши билмай ва мулоҳаза қилмай бу сўзни айтганига эътироф қилсин. То менинг чекгон заҳмат ва меҳнатларим зоеъ ва ҳадар бўлмағай. Барча акобир Мавлоно Носириддин Муҳаммадга қараб дедиларким, анга жавоб айтинг. Мавлоно Носир деди: — Бу онинг тасниф ва тадвини эрмасдур. Бошқа кишидиндуким, бу они ўз отига боғлабдур. Мавлоно Шаҳоб бу сўзни эшитиб деди: — Эй маҳзумлар, худо учун бу каминага бир лаҳза мутаважжиҳ бўлинг, то онинг жавобин арз қилурман. Замири мунирингизга пушида қолмасунким, бу тадвинким менинг табииатим натижасидиндур ва бу кишиким Мавлоно Носирнинг ёвуқида ўлтуруб, онинг сулбий фарзандидур, бу иккови бир ўлчакдадур. Ҳар вақтким ул они ўзимнинг сулбий фарзандим, деб исбот қилса, ман ҳам бу китобни таъбим натижаси, деб исбот қилурман. Бу сўзни эшитиб Мавлоно Носириддин Муҳаммадга андоқ ҳол ориз бўлдуким, ўлум ондин яхшироқ эрди. Мундин сўнг Мавлоно Носир ҳеч бир мажлисга ҳозир бўлмади ва ондин сўнг Мавлоно Шоҳобиддин Амир Алишерга қараб кўб ибром ва эътироз ва ташаддид кўргуздуким, эътидол ҳаддидин ўтти. Ва иш ул ерга еттиким, бовужуди мунча фазл ва камол била авбош ва арзолнинг поймоли ва аҳли фазл тамасхурининг мажалли бўлди. Мир Алишер ани турк «Тазкирай шуаро»да мундоқ зикр этмиш эрдиким, Мавлоно Шаҳоб лақаби била машҳурдур ва они «Ажойибул махлуқот» деса бўлур ва ул каломулло оетин тез топмоқ учун тадвин қилибдуким, уламову қурро таажжуб ва тахайюр юзидин таҳсин ва офарин қилурлар. Ва мундин бошқа ишларга ҳам салоҳиятлиғ

кйшидур. Бир навъ қадимона ҳам шуаро айтур. Аммо яқиндурким одамийлиқ сурати андин маҳв ва ўзги жонвор суратиға масх бўлубдур. Андоқким инсоният суратидин субоъ ва баҳойим суратиға табдил топибдур. Бу даъво исботиға далил бу мисраъ басдурким, мақлуби мустави санъатида айтибдур.

М и с р а ъ :

Мушу ҳар фархи шум дарки рақами хар кард.

Бовужуди мунча фазойил била анга Мавлоно Носириддин Муҳаммаддин ажиб зулм еттиким, ҳеч киши онинг аслиға етмади. Ҳазрат Мирнинг мусоҳиб ва надимлари онинг ҳақида ўзларидин бу сўзни ясармин эрдиларким, Мавлоно Шаҳобнинг хачири ҳалвои моҳича етгусидур. Мавлоно Шаҳоб бу сўздин мутагаййир бўлур эрди. Бир кун ҳазрат Мирнинг уйида надимларнинг олдиға моҳича чекмиш эрдилар. Вақтеким, ташт ва офтоба Мирнинг олдида эрди, сўрадиким, Мавлоно Шаҳобнинг хачириға моҳича олиб бордилар. Мавоҳили мажлис дедиларким, голибо фаррошлар ёдидан чиқорибдурлар. Мир деди: — Мавлоно, бу на зиёда те муаннатдурким, ўзингиз калсаром этмишсиз. Мавлоно деди: — Эй Маҳзум, бу аср шум яна бир муаннат пайдо қилибдурким, ош егандин сўнг илкин ва оғзин ювмоқ учун ташт ва офтоба талаб қилур. Мавлоно Соҳиб Доро дер эрдиким, биз ҳаргиз Мирни андоқ мутагаййир ва мукаддар кўргонимиз йўқ эрди. Аммо Мир таҳаммул қилиб кулгу била ўтказди. Бу иш амирнинг олий машрабининг камолиға далилдур.

МАВЛОНО БИНОИЙ АМИР АЛИШЕР БИЛА ҚИЛҒОН МУТОЙИБАЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Мавлоно Муҳаммад Бадахший дер эрдиким, Амир Алишер Мавлоно Биноийға мўътақид эрди. Туркий «Тазкират уш-шуаро»да агарчи анга ташниълар қилибдур, аммо нозикфаҳм афозилға махфий эрмасдурким, ул ташниълар таърифға муштамилдур. Ҳазрат Мир тазкирада мундоқ дебдурким, Мавлоно Биноий Авсотус-нос диндур ва мавлуди ҳиридур. Қобилияти бағоят кўптур. Аввал тахайюлға машғул бўлди ва анда кўб рушди бор эрди, тез тарк этти. Сўнгра хатға ишқ пайдо қилди ва оз фурсатда хушхат бўлди. Сўнгра

муסיқийға майл кўргузди, они ҳам бот ўрганиб моҳир бўлуб, ул фанда кўб таснифлар қилди ва идвор фанида ҳам рисола боғлади. Аммо муажжиб ва мутаққабилликдин эл кўнглига мақбул бўлмади. Бу сифат сабабидин фақр тариқин ихтиёр қилди ва кўб риёзат ҳам чекти. Чун пири йўқ эрди, ўз ройи била чекгон риёзати фойда бермади ва элнинг таън ва ташниидин Хиротда тура олмай, Ироқға борди. Онда доғи тура олмай, ҳар тарафга овора бўлди. Аммо йигит ва қобил киши эрди. Кўб ғурбат ва шикасталик тортти. Умидурким, нафси ҳам шикаст топмиш бўлғай. Ҳар тақдир била бу матлаъ онингдурким.

М и с р а ъ :

Ба сурма онки сияҳ кард чашми ёрамро,
Ба сохи сурма сияҳ кард рўзгорамро.

Ва Мавлоно Биноийнинг ҳам ҳазрат Мирга бағоят кўп эътиқоди бор эди. Андоқким, «Мажма ул-ғаройиб»нинг хотимасидинким, Хуросон авомининг тилида этмиш эрди маълумдур. Бир неча абёт андин бу маврудда ёзилур:

Алмулаққаб соҳибул ҳайрот,
Алмуқарраб ҳазрати султон.
Воситул адл мошитул эҳсон,
Мажмаул фазл матлаул афзол.
Дофиул шарр рофиул ашрор,
Комиул куфр мопиул тугён,
Он Амир Алишер к-ин васф:
Сурати номи ўст дар азҳон,
Сабаби иқтиропи ҳафт ахтар.
Бойси ямтизож чор аркон,
Зоти ў порсо Мир лақаб,

Номи ў подшоҳу шоҳ нишон.
Ҳамчу Мусо муқаррабул ҳазрат,
Ҳамчу одам халифаул раҳмон.
Чун Масиҳо ба оби чашмаи меҳр,
Шуста аз лавсу шаҳваташ домон.
Аз азал номаи саодатро
То абад номи ў шуда унвон.
Манамояд чу анжум аз хуршид,
Дар залоли шукуҳи ў иқрон.

Барнаёрад зи бими тегаш ҳам,
Сар зи сандуқи сийна чун саратон.
Г-аз на дарё хижил шуд аз кафи ӯ,
Панжа бар ру чаро занад маржон.
Шарбати лутфи ӯ табиатро,
Сар шавад дастйери дар абадон.
Бурд аз рӯй маҳ саводи калаф,
Дар рухи меҳр суфваи иркон.
Ҳам биноҳои ӯ жалилул қадр,
Ҳам имороти ӯ рафиул шон.
Чи ажаб гар кунад маҳобати ӯ,
Фасли путқ аз ҳақиқати писон.
Эйки дар дафъи жумлаи аъдост,
Теги тези ту қотиал бурдон.
В-ей ба ту зайхи муфассадаст умур,
Нури рои ту комиул бунён.
Бовужуди кафи жаводи ту нест,
Баҳро номи жуд жуз бухтон.
Чарх бар дарки ӯ дарбонест,
Чӯб бар каф зи шакли қаҳкашон.
Пойи адлат расида то ҳадде,
Ки ба рӯйи дурушт ҳеч овод.
Хӯрда аз дасти кас наёрад бурд,
Магар аз дасти заргарони сухан.
Менамояд чу жоҳ оқилу каст,
Пеши шеърат фасоҳати саҳбон.
Шеър оварданам ба назди ту хаст,
Ҳамчу турки ба назди Бугроҳон.
Он тавонамки арзи ҳол кунам,
Ҳасби мақдур ғояти имкон.
Комкоро ба расми истеъдод,
Муътариф бо гуноҳи бепоён.
Кафан афкандаам ба гардани кеш,
Жайб бар дасту тег бар дандон.
Хоса зин журми тоза ч-аз сари нав,
Қардаму кайилам ба дин исён.
Ки ба лафзи Ҳирот байте чанд,
Гуфтаам дар муқаддимот баён.

МУНДАРИЖА

Оғаҳлар оғаҳи (Суз боши урнида)	3
«ТАЪВИЗ УЛ-ОШИҚИН»дан (Нашрга тайёрловчилар: Ш. Шарафиддинов (Хуршид), Ф. Ганихўжаев)	27
Ғазаллар	27
Муламмаъ	112
Мустазодлар	113
Мураббалар	116
Мухаммаслар	119
Мусаддаслар	138
Мусамманлар	142
Таржеъбанд	148
Рубойлар	151
Туюқлар	155
Маснавийлар	156
Савол-жавоби ошиқ ва маъшук	170
Ўасидаи Наврӯз	177
«ЗУБДАТ УЛ-ҲИКОЕТ»дан (Нашрга тайёрловчи: Х. Мух- торова)	180
«ШОҲИД УЛ-ИҚБОЛ»дан (Нашрга тайёрловчилар: Қ. Му- ниров, Х. Мухторова)	226
ВОСИФИЙ. «Бадоеъ ул-вақоеъ»дан — Оғаҳий таржимаси (Нашрга тайёрловчи: Х. Мухторова)	264

Адабий-бадний жанр

Муҳаммад Ризо Оғаҳий

ИШҚ АҲЛИНИНГ ТУМОРИ

Таплаган асарлар

Ўзбек тилида

Муҳаррир Илҳом Зойир

Мусаввир Темур Саъдулла

Тех. муҳаррир Валентин Веремеюк

Мусаҳҳиҳ Зиёда Латифхон қизи

ИБ № 224

Теришга берилди 10.08.99 й. Босишга рухсат этилди 28.09.99 й.
Бичими 84×108^{1/32}. Босмаҳона қоғози. Шартли босма табоғи, 16,8.
Нашр босма табоғи 18,0. Адади 1000 нусхада. Баҳоси шартнома
асосида. Буюртма № 280.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Абдулла
Ўодирий помидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент—129, Навоий
кўчаси, 30-уй. Нашр рақами № 22.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тош-
кент китоб-журнал фабрикасида босилди. Тошкент—195, Юнус-
обод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.

11004

